В. П. МИНОРСКИЙ

Олий математикадан МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

*

517
М-52

В. П. МИНОРСКИЙ

ОЛИЙ МАТЕМАТИКАДАН МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

259150

СССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги олий техника ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси сифатида рухсат этган

Русча ўн биринчи нашрига мувофиқ учинчи нашри

БИБЛИОТЕКА
Сам. СХИ
гор. Самарканд

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1977

51
М 52 **Минорский В. П.**
Олий математикадан масалалар тўплами. (Олий техника ўқув юртлари учун ўқув қўлланма.) Русча II нашрига мувофиқ 3 нашри. Т., «Ўқитувчи», 1977.
368 б.

Минорский В. П. Сборник задач по высшей математике.

51 (075)

© «Ўқитувчи» нашриёти, русчадан таржима, 1977 й.

М $\frac{20203-287}{353.06.77}$ 146—77

УЧИНЧИ НАШРИГА СЎЗ БОШИДАН

Бу «Тўпламда» техника олий ўқув юртлари олий математика курси программасини тўла ўз ичига олувчи аналитик геометрия ва математик анализдан масалалар ва мисоллар берилган ва улар методик жиҳатдан тақсимланган.

Ҳар бир параграфнинг бошида шу параграфдаги масалаларни ечиш учун зарур бўлган формула, таъриф ва бошқа қисқача назарий маълумотлар келтирилган.

«Тўпламнинг» ҳар бир параграфи охирида (чизиқдан сўнг) умумий материалнинг қарийб учдан бир қисми ҳажмида, қайтариш учун масалалар келтирилган. Ўқитувчи синфда ишлаш ва уйга бериш учун ёки ёзма ишлар олдидан ўтказиладиган қайтариш учун зарур масалаларни ҳар бир параграфнинг охирида берилган масалалар ичидан танлаб олиши мумкин. Ундан ташқари, масалаларни бу тарзда жойлаштириш сиртдан ўқувчи ёки кечки факультетларда ўқувчи студентларнинг курсни ўзлаштириши учун ечиши зарур бўлган масалалар минимумини аниқлашга имкон беради.

Бу «Тўпламдан» техника олий ўқув юртларида ўқитувчи раҳбарлигида ишлаш учун ҳам, муста-

қил ўрганиш учун ҳам фойдаланиш мумкин, чунки «Тўпламдаги» масалаларнинг деярли ҳаммасининг жавоби бор, баъзилари эса ечиб кўрсатилган. Ундан ташқари, кўпгина масалаларни ечиш учун текстда ёки жавобларда кўрсатмалар берилган. Қисқача назарий тушунтиришлар ҳам бунга имкон беради.

Китобнинг ушбу нашри унча муҳим бўлмаган тузатишларсиз нашр қилинди.

НАШРИЁТДАН

Олий математика курсига доир масала ва мисоллар тўпламининг ўзбек тилида камлигини эътиборга олиб, автор томонидан берилган изоҳ ва кўрсатмалардан ташқари, таржимон М. Холиқов баъзи масалаларга кўрсатмалар берди. Бу кўрсатмалар студентларга ва айниқса сиртдан ўқувчи студентларга анча кўмак берар деб ишонамиз.

I БОБ

ТЕКИСЛИКДАГИ АНАЛИТИК ГЕОМЕТРИЯ

1-§. Тўғри чизиқдаги ва текисликдаги нуқтанинг координаталари. Икки нуқта орасидаги масофа

1°. Ўқдаги $A(x_1)$ ва $B(x_2)$ нуқталар орасидаги масофа:

$$d = |x_2 - x_1| = \sqrt{(x_2 - x_1)^2}. \quad (1)$$

2°. *Ўқдаги йўналтирилган AB кесманинг* (алгебраик) катталиги:

$$AB = x_2 - x_1. \quad (2)$$

3°. Текисликдаги $A(x_1; y_1)$ ва $B(x_2; y_2)$ нуқталар орасидаги масофа:

$$d = \sqrt{(x_2 - x_1)^2 + (y_2 - y_1)^2}. \quad (3)$$

4°. Текисликдаги *йўналтирилган кесманинг* ёки *боши* $A(x_1; y_1)$ ва *охири* $B(x_2; y_2)$ бўлган $\overline{BA}$ *векторнинг* координата ўқларидаги проекциялари:

$$\text{пр}_x\overline{AB} = X = x_2 - x_1, \ \text{пр}_y\overline{AB} = Y = y_2 - y_1. \quad (4)$$

1. Сон ўқида $A(-5)$, $B(+4)$ ва $C(-2)$ нуқталар ясалсин ва кесмаларнинг шу ўқдаги AB, BC ва AC катталиклари топилсин. $AB + BC = AC$ эканлиги текширилсин.

2. Олдинги машқ $A(+1)$, $B(-4)$ ва $C(+5)$ нуқталар учун бажарилсин.

3. Учлари $A(-4; 2)$, $B(0; -1)$ ва $C(3; 3)$ нуқталарда бўлган учбурчак ясалсин ва унинг периметри ва бурчаклари аниқлансин.

4. Учлари $A(-3; -2)$, $B(0; -1)$ ва $C(-2; 5)$ нуқталарда бўлган учбурчакнинг тўғри бурчакли эканлиги исбот қилинсин.

5. $A(-4; 0)$, $B(-1; 4)$ нуқталар ҳамда Oy ўққа нисбатан уларга мос равишда симметрик бўлган A_1, B_1 нуқталар ясалсин. ABB_1A_1 трапециянинг периметри ҳисоблансин.

6. B нуқта биринчи координаталар бурчагининг биссектрисасига нисбатан $A(4; -1)$ нуқтага симметрик. AB нинг узунлиги топилсин.

7. $A(2; 1)$ нуқтадан ҳам, Oy ўқдан ҳам 5 бирликка узоқлашган нуқта топилсин.

8. Ординаталар ўқида $A(4; -1)$ нуқтадан 5 бирликка узоқлашган нуқта топилсин. Бу масаланинг икки ечимга эга эканлигининг сабаби ясаш йўли билан тушунтирилсин.

9. Абсциссалар ўқида $A(a; b)$ нуқтадан c бирликка узоқлашган нуқта топилсин. Ечим $c > |b|$, $c = |b|$ ва $c < |b|$ ҳоллар учун текширилсин.

10. Ox ўқда $A(8; 4)$ нуқтадан ва координаталар бошидан баравар узоқликда турган нуқта топилсин.

11. Учлари $A(4; 3)$, $B(-3; 2)$ ва $C(1; -6)$ нуқталарда бўлган учбурчакка ташқи чизилган доиранинг маркази ва радиуси топилсин.

12. $A(2; 6)$ ва $B(0; 2)$ нуқталар берилган. $\overline{AB}$ вектор ва унинг ўқлардаги компонентлари ясалсин ҳамда $\text{пр}_x\overline{AB}$, $\text{пр}_y\overline{AB}$ ва AB узунлиги ҳисоблансин.

13. $A(2; 5)$ нуқтага ўқлардаги проекциялари $X = 3$ ва $Y = 3$ бўлган куч таъсир этади. Шу кучни ифодаловчи $\overline{AB}$ векторнинг охирги нуқтаси ва кучнинг катталиги аниқлансин.

14. $A(-3; -2)$ нуқтага Oy ўқдаги проекцияси -1 га тенг ($Y = -1$), Ox ўқдаги проекцияси X эса мусбат бўлган куч таъсир этади. Агар кучнинг катталиги $5\sqrt{2}$ га тенг бўлса, кучни ифодаловчи $\overline{AB}$ векторнинг охирги нуқтаси аниқлансин.

15*. Сон ўқида $A(1)$, $B(-3)$ ва $C(-2)$ нуқталар ясалсин ва ўқдаги AB, BC ва AC кесмаларнинг катталиклари топилсин. $AB + BC + CA = 0$ эканлиги текшириб кўрилсин.

16. Текисликда $A(-7; 0)$ ва $B(0; 1)$ нуқталар ҳамда биринчи координаталар бурчагининг биссектрисасига нисбатан уларга симметрик бўлган A_1 ва B_1 нуқталар ясалсин. ABB_1A_1 трапециянинг периметри ҳисоблансин.

17. Ординаталар ўқида координаталар бошидан ва $A(-2; 5)$ нуқтадан баравар узоқликда турган нуқта топилсин.

---

* Ҳар параграф охирида чизиқдан сўнг уйда ечиш ва қайтариш учун масалалар берилган.

18. Абсциссалар ўқида $A(-2; 3)$ нуқтадан $3\sqrt{5}$ бирликка узоқлашган нуқта топилсин.

19. Учлари $A(-3; -1)$, $B(5; 3)$ ва $C(6; -4)$ нуқталарда бўлган учбурчакка ташқи чизилган доиранинг маркази ва радиуси аниқлансин.

20. $A(x_1; y_1)$ ва $B(x_2; y_2)$ нуқталар берилган. Координаталар бошига $\overline{OA}$ ва $\overline{OB}$ векторлар билан ифодаланувчи кучлар таъсир этади. Уларнинг тенг таъсир этувчиси $\overline{OC}$ ясалсин ва унинг бирорта координаталар ўқидаги проекцияси, қўшилувчиларнинг шу ўқдаги проекцияларининг йиғиндисига тенг экани исбот қилинсин.

21. $A(1; 2)$, $B(3; 5)$, $C(5; 2)$ ва $D(2; -2)$ нуқталар берилган. A нуқтага $\overline{AB}$, $\overline{AC}$ ва $\overline{AD}$ кучлар таъсир этади. Тенг таъсир этувчи кучнинг ўқлардаги проекциялари ва унинг катталиги топилсин.

2-§. Кесмани берилган нисбатда бўлиш. Учбурчак ва кўпбурчакнинг юзи

1°. Кесмани берилган нисбатда бўлиш. $A(x_1; y_1)$ ва $B(x_2; y_2)$ нуқталар берилган AB кесмани $AN:NB=\lambda$ нисбатда бўлувчи $N(x; y)$ нуқтанинг координаталари ушбу:

$$x=\frac{x_1+\lambda x_2}{1+\lambda}, \qquad y=\frac{y_1+\lambda y_2}{1+\lambda} \tag{1}$$

формулалар билан аниқланади. Хусусий ҳолда кесмани тенг иккига, яъни $\lambda=1:1=1$ нисбатда бўлганда

$$x=\frac{x_1+x_2}{2}, \qquad y=\frac{y_1+y_2}{2}. \tag{2}$$

2°. Учлари $A(x_1; y_1)$, $B(x_2; y_2)$, $C(x_3; y_3)$, . . ., $F(x_n; y_n)$ нуқталарда бўлган кўпбурчак юзи:

$$S=\pm\frac{1}{2}\left[\begin{vmatrix} x_1 & y_1 \\ x_2 & y_2 \end{vmatrix}+\begin{vmatrix} x_2 & y_2 \\ x_3 & y_3 \end{vmatrix}+\ldots+\begin{vmatrix} x_n & y_n \\ x_1 & y_1 \end{vmatrix}\right] \tag{3}$$

га тенг.

$\begin{vmatrix} x_1 & y_1 \\ x_2 & y_2 \end{vmatrix}$ кўринишдаги ифода $x_1y_2-x_2y_1$ га тенг бўлиб, *2-тартибли детерминант дейилади**.

22. $A(-2; 1)$ ва $B(3; 6)$ нуқталар ясалсин. AB кесмани $AN:NB=3:2$ нисбатан бўлувчи $N(x; y)$ нуқта топилсин.

* Детерминантлар IV бобда тўла баён этилади.

23. $A(-2;\ 1)$ ва $B(3;\ 6)$ нуқталар берилган. AB кесма $AN:NB = -3:2$ нисбатда «бўлинсин».

24. Ox ўқнинг $A(x_1)$ ва $B(x_2)$ нуқталарига m_1 ва m_2 массалар жойлаштирилган. Бу система массаларининг маркази топилсин.

25. Ox ўқнинг $A(x_1)$, $B(x_2)$ ва $C(x_3)$ нуқталарига мос равишда m_1, m_2 ва m_3 массалар жойлаштирилган. Бу система массаларининг маркази

$$x = \frac{m_1x_1 + m_2x_2 + m_3x_3}{m_1 + m_2 + m_3}$$

нуқтада экани кўрсатилсин.

26. Узунлиги 40 *см* ва оғирлиги 500 *г* бўлган бир жинсли стерженнинг учларига оғирликлари 100 ва 400 *г* шарлар осилган. Шу системанинг оғирлик маркази аниқлансин.

27. $A(-2;\ 4)$, $B(3;\ -1)$ ва $C(2;\ 3)$ нуқталарга мос равишда 60, 40 ва 100 *г* массалар қўйилган. Шу система массаларининг маркази аниқлансин.

28. Учлари $A(2;\ -1)$, $B(4;\ 3)$ ва $C(-2;\ 1)$ нуқталарда бўлган учбурчак томонларининг ўрталари аниқлансин.

29. Учлари $O(0;\ 0)$, $A(8;\ 0)$ ва $B(0;\ 6)$ нуқталарда бўлган учбурчакда OC медиана ва OD биссектриса узунликлари аниқлансин.

30. Учлари $A(1;\ -1)$, $B(6;\ 4)$ ва $C(2;\ 6)$ нуқталарда бўлган учбурчакнинг оғирлик маркази топилсин.

Кўрсатма. Учбурчакнинг оғирлик маркази медианаларининг кесишган нуқтасида ётади.

31. Учлари $A(2;\ 0)$, $B(5;\ 3)$ ва $C(2;\ 6)$ нуқталарда бўлган учбурчакнинг юзи ҳисоблансин.

32. $A(1;\ 1)$, $B(-1;\ 7)$ ва $C(0;\ 4)$ нуқталарнинг бир тўғри чизиқда ётиши кўрсатилсин.

33. Учлари $A(3;\ 1)$, $B(4;\ 6)$, $C(6;\ 3)$ ва $D(5;\ -2)$ нуқталарда бўлган тўртбурчакнинг юзи ҳисоблансин.

---

34. $A(-3;\ -1)$ ва $B(4;\ 6)$ нуқталарга мос равишда 30 ва 40 *кг* параллел кучлар таъсир этади. AB кесмада ўша кучларнинг тенг таъсир этувчисининг қўйилган нуқтаси топилсин.

35. $O(0;\ 0)$, $A(2;\ -5)$ ва $B(4;\ 2)$ нуқталарга мос равишда 500, 200 ва 100 *г* массалар жойлаштирилган. Бу система массаларининг маркази аниқлансин.

36. Учлари $A(-2; 0)$, $B(6; 6)$ ва $C(1; -4)$ нуқталарда бўлган учбурчакда AE биссектрисанинг узунлиги аниқлансин.

37. Учлари $A(x_1; y_1)$, $B(x_2; y_2)$, ва $C(x_3; y_3)$ нуқталарда бўлган учбурчакнинг оғирлик маркази топилсин.

38. Учлари $A(-2; 1)$, $B(3; 6)$, $C(5; 2)$ ва $D(0; -6)$ нуқталарда бўлган тўртбурчак шаклидаги бир жинсли тахтанинг оғирлик маркази топилсин.

Кўрсатма 37-масалада чиқарилган формулага асосан ABC ва ADC учбурчакларнинг оғирлик марказларини топиб, сўнгра улар орасидаги масофани учбурчак юзларининг нисбатига тескари нисбатда бўлиш керак.

39. $A(1; 2)$ ва $B(4; 4)$ нуқталар берилган. Ox ўқда шундай C нуқта топилсинки, $\triangle ABC$ нинг юзи 5 кв. бирликка тенг бўлсин ва $\triangle ABC$ ясалсин.

40. Учбурчак учлари $A(-2; 2)$, $B(1; -4)$ ва $C(4; 5)$ нуқталардан иборат. Ҳар бир томон узунлиги учбурчак периметрини соат стрелкасига қарши айланиб чиқиш йўналишида олдинги узунлигининг $\frac{1}{3}$ қисмича узайтирилган. Томонлар давомининг учлари M, N ва P аниқлансин ва $\triangle MNP$ юзининг $\triangle ABC$ юзига нисбати k топилсин.

3-§. Нуқталарнинг геометрик ўрни сифатидаги чизиқнинг тенгламаси

Чизиқнинг тенгламаси деб, *x ва y ўзгарувчиларга нисбатан тузилган шундай тенгламага айтиладики, уни шу чизиқда ётган ҳар қандай нуқтанинг координаталари ва фақат уларгина қаноатлантиради.*

Чизиқнинг тенгламасидаги x ва y лар ўзгарувчи координаталар деб, ҳарфлар билан белгиланган ўзгармаслар эса *параметрлар* деб аталади. Масалан, айлананинг $x^2 + y^2 = R^2$ тенгламасида (41-масала) x ва y — ўзгарувчи координаталар, ўзгармас миқдор R эса параметр бўлади.

Чизиқни бир хил (умумий) хоссага эга бўлган нуқталарнинг геометрик ўрни деб қараб, унинг тенгламасини тузиш учун:

1) чизиқнинг ихтиёрий $M(x; y)$ нуқтаси олинади;

2) барча M нуқталарнинг умумий хоссаси тенглик орқали ёзилади (ифодаланади);

3) бу тенгликдаги кесмалар (шунингдек бурчаклар) $M(x; y)$ нуқта координаталари ҳамда масаланинг шартида берилганлар орқали аниқланади.

41. Маркази координаталар бошида бўлиб, радиуси R га тенг айлананинг тенгламаси $x^2 + y^2 = R^2$ бўлиши кўрсатилсин.

42. Маркази $C(3; 4)$ нуқтада, радиуси $R = 5$ бўлган айлана тенгламаси ёзилсин. $A(-1; 1)$, $B(2; 3)$, $O(0; 0)$ ва $D(4; 1)$ нуқталар шу айланада ётадими?

43. $A(0; 2)$ ва $B(4; -2)$ нуқталардан тенг узоқликда ҳаракат қилувчи $M(x; y)$ нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин. $C(-1; 1)$, $D(1; -1)$, $E(0; -2)$ ва $F(2; 2)$ нуқталар ўша чизиқда (траекторияда) ётадими?

44. $B(0; 1)$ нуқтага нисбатан $A(0; 9)$ нуқтадан уч марта узоқроқда ҳаракат қилувчи $M(x; y)$ нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

45. $B(-4; 4)$ нуқтага нисбатан $A(-1; 1)$ нуқтадан икки марта яқинроқда ҳаракат қилувчи $M(x; y)$ нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

46. Координат бурчаклар биссектрисаларининг тенгламалари ёзилсин.

47. Ҳар бир нуқтасидан $F(2; 0)$ ва $F(-2; 0)$ нуқталаргача бўлган масофаларининг йиғиндиси $2\sqrt{5}$ га тенг геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин. Тенгламаси бўйича чизиқ ясалсин.

48. $F(2; 2)$ нуқтадан ва Ox ўқдан тенг узоқлашган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин. Тенгламаси бўйича чизиқ ясалсин.

49. Oy ўққа нисбатан Ox ўқдан икки марта узоқроқда ҳаракат қилувчи $M(x; y)$ нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

50. Ушбу: 1) $y = 2x + 5$; 2) $y = 7 - 2x$; 3) $y = 2x$; 4) $y = 4$; 5) $y = 4 - x^2$ чизиқлар ясалсин.

51. $y = x^2 - 4x + 3$ чизиқнинг координата ўқлари билан кесишган нуқталари аниқлансин ва чизиқ ясалсин.

52. 1) $3x - 2y = 12$; 2) $y = x^2 + 4x$; 3) $y^2 = 2x + 4$ чизиқларнинг координата ўқлари билан кесишган нуқталари аниқлансин. Ўша чизиқлар ясалсин.

53. Oy ўқдан ва $F(4; 0)$ нуқтадан тенг узоқлашган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин ва тенгламаси бўйича чизиқ ясалсин.

---

54. Координаталар бошидан ва $A(-4; 2)$ нуқтадан баравар узоқликда ҳаракат қилувчи $M(x; y)$ нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин. $B(-2; 1)$, $C(2; 3)$, $D(1; 7)$ нуқталар ўша чизиқда ётадими?

55. $B(0; -4)$ нуқтага нисбатан $A(0; -1)$ нуқтага икки марта яқинроқда ҳаракат қилувчи $M(x; y)$ нуқтага тра-

екториясининг тенгламаси ёзилсин. Ҳаракат траекторияси ясалсин.

56. 1) $2x + 5y + 10 = 0$; 2) $y = 3 - 2x - x^2$; 3) $y^2 = 4 - x$ чизиқларнинг координата ўқлари билан кесишган нуқталари аниқлансин. Чизиқлар ясалсин.

57. Ox ўқдан ва $F(0; 2)$ нуқтадан тенг узоқлашган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин ва тенгламаси бўйича чизиқ ясалсин.

58. $F_1(-2; -2)$ ва $F(2; 2)$ нуқталаргача бўлган масофаларининг айирмаси 4 га тенг нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин. Тенгламаси бўйича чизиқ ясалсин.

4-§. Тўғри чизиқнинг: 1) бурчак коэффициентли тенгламаси; 2) умумий тенгламаси; 3) кесмалар бўйича тенгламаси

1°. Тўғри чизиқнинг бурчак коэффициентли тенгламаси

$$y = kx + b, \tag{1}$$

k параметр тўғри чизиқнинг Ox ўққа оғиш бурчаги α нинг тангенсига тенг бўлиб ($k = \operatorname{tg}\alpha$), тўғри чизиқнинг бурчак коэффициенти, баъзан қиялиги дейилади. b параметр бошланғич ордината ёки Oy ўқ ажратган кесма катталиги.

2°. Тўғри чизиқнинг умумий тенгламаси:

$$Ax + By + C = 0. \tag{2}$$

Хусусий ҳоллар:

а) $C = 0$ бўлса, $y = -\frac{A}{B}x$ — тўғри чизиқ координаталар бошидан ўтади;

б) $B = 0$ бўлса, $x = -\frac{C}{A} = a$ — тўғри чизиқ Ox ўққа параллел бўлади;

в) $A = 0$ бўлса, $y = -\frac{C}{B} = b$ — тўғри чизиқ Oy ўққа параллел бўлади;

г) $B = C = 0$ бўлса, $Ax = 0$ ёки $x = 0$ — тўғри чизиқ Oy ўқдан иборат;

д) $A = C = 0$ бўлса, $By = 0$ ёки $y = 0$ — тўғри чизиқ Ox ўқдан иборат.

3°. Тўғри чизиқнинг ўқлардан ажратган кесмалар бўйича тенгламаси

$$\frac{x}{a} + \frac{y}{b} = 1. \tag{3}$$

Бу ерда a ва b — тўғри чизиқнинг ўқлардан кесган кесмаларининг катталиклари.

59. Oy ўқдан $b = 3$ кесма ажратиб, Ox ўқ билан 1) 45°; 2) 135° бурчак ташкил қилувчи тўғри чизиқлар ясалсин. Ўша тўғри чизиқларнинг тенгламалари ёзилсин.

60. Oy ўқдан $b = -3$ кесма ажратиб, Ox ўқ билан 1) 60°; 2) 120° бурчак ташкил қилувчи тўғри чизиқлар ясалсин. Бу тўғри чизиқларнинг тенгламалари ёзилсин.

61. Координаталар бошидан ўтиб, Ox ўқ билан: 1) 45°; 2) 60°; 3) 90°; 4) 120°; 5) 135° бурчак ташкил қилувчи тўғри чизиқларнинг тенгламалари ёзилсин.

62. Координаталар бошидан ва $(-2; 3)$ нуқтадан ўтувчи тўғри чизиқ ясалсин ва унинг тенгламаси ёзилсин.

63. 1) $2x - 3y = 6$; 2) $2x + 3y = 0$; 3) $y = -3$; 4) $\frac{x}{4} + \frac{y}{3} = 1$ тўғри чизиқларнинг ҳар қайсиси учун k ва b параметрлар аниқлансин.

64. 1) $3x + 4y = 12$; 2) $3x - 4y = 0$; 3) $2x - 5 = 0$; 4) $2y + 5 = 0$ тўғри чизиқлар ясалсин.

65. $A(2; 3)$ нуқтадан ўтиб, Ox ўқ билан 45° бурчак ташкил қилувчи тўғри чизиқнинг k ва b параметрлари аниқлансин. Бу тўғри чизиқнинг тенгламаси ёзилсин.

66. 1) $2x - 3y = 6$; 2) $3x - 2y + 4 = 0$ тўғри чизиқларнинг тенгламалари ўқлардан ажратган кесмаларига нисбатан ёзилсин.

67. $O(0; 0)$ ва $A(-3; 0)$ нуқталар берилган. Бир томони OA кесмадан иборат бўлган ва диагоналлари $B(0; 2)$ нуқтада кесишувчи параллелограмм ясалган. Параллелограмм томонларининг ва диагоналларининг тенгламалари ёзилсин.

68. $A(4; 3)$ нуқтадан ўтувчи ва координаталар бурчагидан юзи 3 кв. бирликка тенг учбурчак кесувчи тўғри чизиқ тенгламаси ёзилсин.

69. $y = -2$ ва $y = 4$ тўғри чизиқлар $3x - 4y - 5 = 0$ тўғри чизиқни мос равишда A ва B нуқталарда кесиб ўтади. $\overline{AB}$ вектор ясалсин, унинг узунлиги ва ўқлардаги проекциялари аниқлансин.

70. $A(3; 5)$, $B(2; 7)$, $C(-1; -3)$ ва $D(-2; -6)$ нуқталар $y = 2x - 1$ тўғри чизиқда ётадими, ё ўша тўғри чизиқдан «юқорироқда» ёки «қуйироқда» жойлашганми?

71. 1) $y > 3x + 1$; 2) $y < 3x + 1$; 3) $2x + y - 4 \geqslant 0$ ва 4) $2x + y - 4 < 0$ тенгсизликлар қандай геометрик маънога эга?

72. Нуқталарининг координаталари ушбу

1) $y < 2 - x$, $x > -2$, $y > -2$;

2) $y > 2 - x$, $x < 4$, $y < 0$;

3) $\frac{x}{4} + \frac{y}{2} < 1$, $y \geqslant x + 2$, $x \geqslant -4$

тенгсизликларни қаноатлантирувчи соҳалар ясалсин*.

73. $M(x; y)$ нуқта шундай ҳаракат қиладики, унинг $A(-a; a)$ ва $B(a; -a)$ нуқталаргача бўлган масофалари квадратларининг айирмаси $4a^2$ га тенг бўлиб қола беради. Нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

74. Ox ўқдаги проекцияси m *бирлик/секунд* тезлик билан Oy ўқдаги проекцияси n *бирлик/секунд* тезлик билан ҳаракат қилувчи $M(x; y)$ нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин. Нуқтанинг бошланғич вазияти:

$$M_0(a; b).$$

75. 1) $b = -2$, $\varphi = 60°$ ва 2) $b = -2$, $\varphi = 120°$ параметрлар билан берилган тўғри чизиқлар ясалсин ва уларнинг тенгламалари ёзилсин.

76. (—2; 3) нуқтадан ўтиб, Ox ўқ билан 45° бурчак ташкил этувчи тўғри чизиқнинг k ва b параметрлари аниқлансин.

77. Асослари 8 ва 2 *см* бўлган тенг ёнли трапециянинг ўткир бурчаги 45°. Трапециянинг катта асосини Ox ўқ, унинг симметрия ўқини Oy ўқ деб олиб, томонларининг тенгламалари ёзилсин.

78. Диагоналлари 10 ва 6 *см* бўлган ромбнинг катта диагоналини Ox ўқ, кичик диагоналини Oy ўқ деб олиб, унинг томонларининг тенгламалари ёзилсин.

79. (—4; 6) нуқтадан ўтувчи тўғри чизиқ координаталар бурчагидан юзи 6 кв. бирликка тенг учбурчак ажратади. Бу тўғри чизиқ тенгламаси ёзилсин.

80. $x = -3$ тўғри чизиққа нисбатан Ox ўқдан икки марта узоқроқда ҳаракат қилувчи $M(x; y)$ нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

81. $x = -1$ ва $x = 3$ тўғри чизиқлар $y = 2x + 1$ тўғри чизиқни A ва B нуқталарда кесиб ўтади. $\overrightarrow{AB}$ векторнинг узунлиги ва ўқлардаги проекциялари аниқлансин.

---

* Ҳар бир нуқтасининг координаталари маълум бир шартларни (масалан, тенгсизликларни) қаноатлантирадиган xOy текисликнинг қисми «соҳа» дейилади. Агар соҳа чегарасида ётувчи нуқталар ҳам унга қарашли бўлса соҳа *ёпиқ* дейилади. Акс ҳолда соҳа *очиқ* дейилади.

5-§. Икки тўғри чизиқ орасидаги бурчак. Берилган нуқтадан ўтувчи тўғри чизиқлар дастасининг тенгламаси. Берилган икки нуқтадан ўтувчи тўғри чизиқ тенгламаси. Икки тўғри чизиқнинг кесишиш нуқтаси

1°. $y = k_1x + b_1$ тўғри чизиқдан $y = k_2x + b_2$ тўғри чизиққача соат стрелкасига қарши йўналишда ҳисобланувчи φ бурчак

$$\operatorname{tg}\varphi = \frac{k_2 - k_1}{1 + k_1k_2} \tag{1}$$

формула билан аниқланади.

$$A_1x + B_1y + C_1 = 0 \text{ ва } A_2x + B_2y + C_2 = 0$$

тенгламалар билан берилган тўғри чизиқлар учун (1) формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\operatorname{tg}\varphi = \frac{A_1B_2 - A_2B_1}{A_1A_2 + B_1B_2}.$$

Параллеллик шарти: $k_1 = k_2$ ёки $\dfrac{A_1}{A_2} = \dfrac{B_1}{B_2}$.

Перпендикулярлик шарти: $k_2 = -\dfrac{1}{k_2}$ ёки $A_1A_2 + B_1B_2 = 0$.

2°. Берилган $A(x_1; y_1)$ нуқтадан ўтувчи тўғри чизиқлар дастасининг тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$y - y_1 = k(x - x_1). \tag{2}$$

3°. Берилган икки $A(x_1; y_1)$ ва $B(x_2; y_2)$ нуқталардан ўтувчи тўғри чизиқ тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\frac{y - y_1}{y_2 - y_1} = \frac{x - x_1}{x_2 - x_1}. \tag{3}$$

4°. Параллел бўлмаган икки $A_1x + B_1y + C_1 = 0$ ва $A_2x + B_2y + C_2 = 0$ тўғри чизиқнинг кесишиш нуқтасини топиш учун уларнинг тенгламаларини биргаликда ечиш керак.

$$x = \frac{\begin{vmatrix} -C_1 & B_1 \\ -C_2 & B_2 \end{vmatrix}}{\begin{vmatrix} A_1 & B_1 \\ A_2 & B_2 \end{vmatrix}}, \qquad y = \frac{\begin{vmatrix} A_1 & -C_1 \\ A_2 & -C_2 \end{vmatrix}}{\begin{vmatrix} A_1 & B_1 \\ A_2 & B_2 \end{vmatrix}}$$

ни ҳосил қиламиз.

82. Қуйидаги тўғри чизиқлар орасидаги бурчак аниқлансин:

1) $\begin{cases} y = 2x - 3, \\ y = \dfrac{1}{2}x + 1; \end{cases}$ 2) $\begin{cases} 5x - y + 7 = 0, \\ 2x - 3y + 1 = 0; \end{cases}$ 3) $\begin{cases} 2x + y = 0, \\ y = 3x - 4; \end{cases}$

116. $A(-4;\ -3)$, $B(-5;\ 0)$, $C(5;\ 6)$ ва $D(1;\ 0)$ нуқталар трапециянинг учлари бўлиши текширилсин ва унинг баландлиги топилсин.

117. Координаталар бошидан $A(2;\ 2)$ ва $B(4;\ 0)$ нуқталаргача масофалари бир хил бўлган тўғри чизиқ ўтказилган. Бу масофа топилсин.

118. $x + 2y - 5 = 0$ тўғри чизиқдан $\sqrt{5}$ масофа узоқликда бўлган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин.

119. $y = -x$ тўғри чизиққа нисбатан $y = x$ тўғри чизиқдан икки марта узоқроқда ҳаракат қилувчи $M(x;\ y)$ нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

120. $2x - 3y + 5 = 0$ ва $3x + y - 7 = 0$ тўғри чизиқларнинг кесишиш нуқтаси $M\ (x;\ y)$ дан ўтувчи ва $y = 2x$ тўғри чизиққа перпендикуляр тўғри чизиқ тенгламаси (M нуқтани топмасдан) ёзилсин.

Кўрсатма. 113-мисол учун берилган кўрсатмага қаралсин.

7-§. Тўғри чизиққа доир аралаш масалалар

121. Координаталар бошидан, $x + y = a$ ва $x = 0$ тўғри чизиқлар билан юзи a^2 га тенг учбурчак ясовчи тўғри чизиқ ўтказилсин.

Кўрсатма. Изланган тўғри чизиқ тенгламаси $y = kx$ кўринишда бўлсин. $x + y = a$ ва $y = kx$ нинг кесишган нуқтасини топгандан сўнг, учбурчак юзининг формуласидан k ни топиш керак.

122. $A(-4;\ 0)$ ва $B(0;\ 6)$ нуқталар берилган. AB кесма ўртасидан Oy ўқдагига қараганда Ox ўқдан икки баравар катта кесма ажратувчи тўғри чизиқ ўтказилсин.

123. $A(-2;\ 0)$ ва $B(2;\ -2)$ нуқталар берилган. OA кесмани томон деб олиб, диагоналлари B нуқтада кесишувчи $OACD$ параллелограмм ясалган. Параллелограмм томонларининг, диагоналларининг тенгламалари ёзилсин ва CAD бурчак топилсин.

124. $y = 2x$, $y = -2x$ ва $y = x + b$ тўғри чизиқлар ҳосил қилган учбурчакнинг юзи ва бурчаклари топилсин.

125. Координаталар бошидан $2x + y = a$ тўғри чизиқ билан тенг ёнли учбурчак ҳосил қилувчи икки ўзаро перпендикуляр тўғри чизиқ ўтказилган. Шу учбурчакнинг юзи топилсин.

Кўрсатма. $2x + y = 3$ билан $y = kx$ ва $y = -\frac{x}{k}$ тўғри чизиқларнинг кесишган нуқталари M ва N нинг координатларини топгандан сўнг $OM = ON$ тенгликдан k ни топиш керак.

126. Учбурчак AB томонининг тенгламаси $x - 3y + 3 = 0$ ва AC томонининг тенгламаси $x + 3y + 3 = 0$ ҳамда AD баландлигининг асоси $D(-1; 3)$ берилган бўлса, учбурчакнинг ички бурчаклари топилсин.

127. Тенг ёнли учбурчак ён томонларининг тенгламалари $3x + y = 0$ ва $x - 3y = 0$ ҳамда асосидаги $(5; 0)$ нуқта берилган. Учбурчакнинг периметри ва юзи топилсин.

Кўрсатма. Учбурчакнинг бир учи $A(0, 0)$ дан иборат. Қолган икки учини, яъни $B(x_1, y_1)$ ва $C(x_2, y_2)$ учларини топишда, улар билан $(5, 0)$ нуқтанинг бир тўғри чизиқда ётишидан ва $2(AB)^2 = (BC)^2$ тенгликдан фойдаланиш керак.

128. ABC учбурчакда: 1) AB томоннинг тенгламаси $3x + 2y = 12$; 2) BN баландликнинг тенгламаси $x + 2y = 4$; 3) AN баландликнинг тенгламаси $4x + y = 6$ берилган. N — баландликларнинг кесишган нуқтаси. AC ва BC томонларнинг ҳамда CN баландликнинг тенгламалари ёзилсин.

129. Параллелограмм томонларидан иккитаси $y = x - 2$ ва $5y = x + 6$ тенгламалар билан берилган. Диагоналлари эса координаталар бошида кесишади. Параллелограммнинг қолган икки томонининг ва диагоналларининг тенгламалари ёзилсин.

130. Учбурчак $A(0; -4)$, $B(3; 0)$ ва $C(0; 6)$ учлари билан берилган. C учидан A бурчакнинг биссектрисасигача бўлган масофа топилсин.

131. $M(x; y)$ нуқта шундай ҳаракат қиладики, ундан $y = 2x$ ва $y = -\frac{x}{2}$ тўғри чизиқларгача бўлган масофаларнинг йиғиндиси ўзгармас бўлиб, $\sqrt{5}$ га тенг. Ўша нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

132. Нуқталарининг координаталари:

1) $x - 2 < y < 0$ ва $x > 0$;
2) $-2 \leqslant y \leqslant x \leqslant 2$;
3) $2 < 2x + y < 8$, $x > 0$ ва $y > 0$

тенгсизликларни қаноатлантирувчи соҳалар ясалсин.

133. Параллелограммнинг AB ва BC томонлари мос равишда $2x - y + 5 = 0$ ва $x - 2y + 4 = 0$ тенгламалар билан берилган, диагоналлари $M(1; 4)$ нуқтада кесишади. Унинг баландликларининг узунликлари топилсин.

134. Тенг ёнли ва тўғри бурчакли учбурчак тўғри бурчагининг учи $C(3; -1)$ ва гипотенузасининг тенгламаси $3x - y + 2 = 0$ берилган. Қолган учлари топилсин.

Кўрсатма. 125-масалага берилган кўрсатмага қаранг.

135. Учбурчакнинг икки учи $A(-4; 3)$ ва $B(4; -1)$ ҳамда баландликларининг кесишган нуқтаси $M(3; 3)$ берилган. Учинчи учи C топилсин.

136. Ромб икки томонининг тенгламалари $x + 2y = 4$ ва $x + 2y = 10$ ҳамда диагоналларидан бирининг тенгламаси $y = x + 2$ маълум бўлса, ромб учларининг координаталари ҳисоблансин.

137. Учбурчакнинг $A(0; 2)$ учини ҳамда BM ва CM баландликларининг $x + y = 4$ ва $y = 2x$ тенгламаларини билган ҳолда учбурчак томонларининг тенгламалари ёзилсин, бунда M—баландликларининг кесишган нуқтаси.

138. $A(5; 7)$ нуқта ва $x + 2y - 4 = 0$ тўғри чизиқ берилган. 1) A нуқтанинг берилган тўғри чизиқдаги проекцияси B топилсин; 2) ўша тўғри чизиққа нисбатан A га симметрик C нуқта топилсин.

Кўрсатма. AB перпендикулярнинг тенгламасини ёзиб, уни берилган тўғри чизиқ тенгламаси билан биргаликда ечиб B нуқта топилади: B нуқта эса AC нинг ўртасидир.

139. $2x + y - 6 = 0$ тўғри чизиқ ва унда ординаталари $y_A = 6$ ва $y_B = -2$ бўлган икки A ва B нуқта берилган. AOB учбурчак AD баландлигининг тенгламаси ёзилсин, унинг узунлиги ва $\angle DAB$ топилсин.

8- §. Айлана

Маркази $C(a; b)$ нуқтада ва радиуси R бўлган айлана тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$(x - a)^2 + (y - b)^2 = R^2. \tag{1}$$

Агар (1) тенгламадаги қавсларни очсак, у ҳолда тенглама

$$x^2 + y^2 + mx + ny + p = 0 \tag{2}$$

кўринишга келади.

(2) тенгламадан қайтадан (1) тенгламага ўтиш учун (2) тенгламанинг чап томонидаги тўла квадратдан иборат ифодаларни ажратиш керак, яъни

$$\left(x + \frac{m}{2}\right)^2 + \left(y + \frac{n}{2}\right)^2 = \frac{m^2}{4} + \frac{n^2}{4} - p. \tag{3}$$

140. Маркази $C(-4; 3)$, радиуси $R = 5$ бўлган айлана тенгламаси ёзилсин ва у ясалсин. $A(-1; -1)$, $B(3; 2)$, $O(0; 0)$ нуқталар бу айланада ётадими?

141. $A(-4; 6)$ нуқта берилган. Диаметри OA кесмадан иборат айлана тенгламаси ёзилсин.

142. 1) $x^2 + y^2 - 4x + 6y - 3 = 0$; 2) $x^2 + y^2 - 8x = 0$; 3) $x^2 + y^2 + 4y = 0$ айланалар ясалсин.

143. $x^2 + y^2 + 5x = 0$ айлана ва $x + y = 0$ тўғри чизиқ ясалсин ва уларнинг кесишган нуқталари топилсин.

144. $A(1; 2)$ нуқтадан ўтувчи ва координата ўқларига уринувчи айлана тенгламаси ёзилсин.

145. $x^2 + y^2 + 4x - 6y = 0$ айланининг Oy ўқ билан кесишган нуқталарига ўтказилган радиуслари орасидаги бурчак топилсин.

146. $A(-1; 3)$, $B(0; 2)$ ва $C(1; -1)$ нуқталардан ўтувчи айлана тенгламаси ёзилсин.

Кўрсатма. Изланаётган айланининг тенгламасини $x^2+y^2+mx+ny+p=0$ кўринишда ёзиб, ундаги x ва y лар ўрнига берилган ҳар бир нуқтанинг координаталарини қўйгандан сўнг m, n ва p ларни топиш керак.

147. $A(4; 4)$ нуқтадан ва $x^2 + y^2 + 4x - 4y = 0$ айлана билан $y = -x$ тўғри чизиқнинг кесишган нуқталаридан ўтувчи айлана тенгламаси ёзилсин.

148. $y = -\sqrt{-x^2 - 4x}$ эгри чизиқнинг жойлашиш соҳаси аниқланиб, шакли чизилсин.

149. $x^2 + y^2 - 8x - 4y + 16 = 0$ айланага координаталар бошидан ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин.

150. $A(a; 0)$ нуқта берилган. M нуқта шундай ҳаракат қиладики, $\triangle OMA$ да OMA бурчак доимо тўғри бурчак бўлиб қолади. M нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

151. $A(-6; 0)$ ва $B(2; 0)$ нуқталар берилган. Шундай нуқталарнинг геометрик ўрни топилсинки, улардан OA ва OB кесмалар тенг бурчаклар остида кўринсин.

Кўрсатма. Ўзгарувчи нуқтани M деб олсак, OM кесма AMB бурчакнинг биссектрисаси бўлади. Изланган тенгламани чиқариш учун учбурчак ички бурчагининг биссектрисаси қарши томонни бўлиши ҳақидаги теоремадан фойдаланиш керак.

152. $M(x; y)$ нуқта шундай ҳаракатланадики, ундан $A(-a; 0)$, $B(0; a)$ ва $C(a; 0)$ нуқталаргача бўлган масофалар квадратларининг йиғиндиси $3a^2$ га тенг бўлиб қолаверади. Нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

153. $M(x; y)$ нуқта шундай ҳаракатланадики, ундан координат бурчакларининг биссектрисаларигача бўлган масофалар квадратларининг йиғиндиси a^2 га тенг бўлиб қолаверади. Нуқта траекториясининг тенгламаси ёзилсин.

154. $x^2 + y^2 = a^2$ айлана берилган. Унинг $A(a; 0)$ нуқтасидан мумкин бўлган барча ватарлар ўтказилган. Бу ватарлар ўрталарининг геометрик ўрни аниқлансин.

---

155. $A(-3; 0)$ ва $B(3; 6)$ нуқталар берилган. Диаметри AB кесмадан иборат айлана тенгламаси ёзилсин.

156. 1) $x^2 + y^2 - 6x + 4y - 23 = 0$; 2) $x^2 + y^2 + 5x - 7y + 2{,}5 = 0$; 3) $x^2 + y^2 + 7y = 0$ айланаларнинг марказлари ва радиуслари топилсин. Айланалар ясалсин.

157. Айлана $A(0; -4)$ нуқтадан ўтади ва координаталар бошида Ox ўққа уринади. Айлана тенгламаси ёзилсин ва унинг координата бурчакларининг биссектрисалари билан кесишган нуқталари топилсин.

158. Координаталар бошидан ва $x^2 + y^2 = a^2$ айлананинг $x + y + a = 0$ тўғри чизиқ билан кесишган нуқталаридан ўтувчи айлана тенгламаси ёзилсин.

159. $A(1; -2)$, $B(0; -1)$ ва $C(-3; 0)$ нуқталардан ўтувчи айланага координаталар бошидан ўтказилган уринмалар тенгламалари ёзилсин.

160. $x^2 + y^2 - 4x + 6y - 5 = 0$ айлананинг Ox ўқ билан кесишган нуқталарига ўтказилган радиуслари орасидаги бурчак топилсин.

161. $A(3; 0)$ нуқта $x^2 + y^2 - 4x + 2y + 1 = 0$ айлана ичида ётиши кўрсатилсин ва A нуқтада тенг иккига бўлинувчи ватар тенгламаси ёзилсин.

Кўрсатма. Изланувчи ватар CA га перпендикулярдир, бунда C — айлана маркази.

162. $M(x; y)$ нуқта шундай ҳаракат қиладики, ундан $A(-a; 0)$ нуқтагача ва координаталар бошигача бўлган масофалар квадратларининг йиғиндиси a^2 га тенг бўлиб қолаверади. M нуқтанинг ҳаракат траекторияси аниқлансин.

163. $x^2 + y^2 = 4$ айлана берилган. $A(-2; 0)$ нуқтадан AB ватар ўтказилиб, у $BM = AB$ масофага давом эттирилган. M нуқталарнинг геометрик ўрни аниқлансин.

164. $AN = a$ кесма xOy текисликда Ox ўққа параллел ҳаракат қилади ва кесманинг чап учи A нуқта $x^2 + y^2 = a^2$ айлана бўйлаб сирғанади. M нуқтанинг ҳаракат траекторияси аниқлансин.

9- §. Эллипс

Эллипс деб, *ҳар бир нуқтасидан берилган икки F ва F_1 нуқтагача* (фокусларгача) *масофаларининг йиғиндиси FF_1 дан катта ўзгармас 2a миқдорга тенг нуқталарнинг геометрик ўрнига айтилади.*



1- чизма.

Эллипснинг *каноник* (энг содда) тенгламаси:

$$\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1. \qquad (1)$$

(1) тенглама билан берилган эллипс координата ўқларига нисбатан симметрикдир (1- чизма) a ва b параметрлар эллипснинг *ярим ўқлари* дейилади. $a>b$ бўлсин, у ҳолда F ва F_1 фокуслар Ox ўқда бўлиб, марказдан $c=\sqrt{a^2-b^2}$ масофада бўлади. $\frac{c}{a}=\varepsilon<1$ нисбат эллипснинг *эксцентриситети* дейилади. Эллипснинг $M(x;\ y)$ нуқтасидан фокусларгача бўлган масофалар (*фокал* радиус-векторлар)

$$r=a-\varepsilon x,\ r_1=a+\varepsilon x \qquad (2)$$

формулалар билан аниқланади.

Агар $a<b$ бўлса, фокуслар Oy ўқда бўлиб, $c=\sqrt{b^2-a^2}$, $\varepsilon=\frac{c}{b}$, $r=b\pm\varepsilon y$ бўлади.

165. $x^2+4y^2=16$ эллипс ясалсин, унинг фокуслари ва эксцентриситети топилсин.

166. Агар эллипснинг: 1) фокуслари орасидаги масофа 8 га тенг бўлиб, кичик ярим ўқи $b=3$; 2) катта ярим ўқи $a=6$, эксцентриситети $\varepsilon=0{,}5$ бўлса, унинг каноник тенгламаси ёзилсин.

167. Эллипснинг катта ярим ўқи $a=5$ ва c параметри: 1) 4,8; 2) 4; 3) 3; 4) 1,4; 5) 0 га тенг бўлса, унинг кичик ярим ўқи b ва эксцентриситети ε топилсин.

168. Ер фокусларидан бирида Қуёш жойлашган эллипс бўйича ҳаракат қилади. Қуёшдан ергача бўлган энг кичик масофа тахминан 147,5 миллион километрга, энг катта масофа 152,5 миллион километрга тенг бўлса, Ер орбитасининг катта ярим ўқи ва эксцентриситети топилсин.

169. Координата ўқларига нисбатан симметрик бўлган эллипс $M(2;\ \sqrt{3})$ ва $B(0;\ 2)$ нуқталардан ўтади. Унинг тенгламаси ёзилсин ва M нуқтадан фокусларгача бўлган масофа топилсин.

170. Фокуслари Ox ўқда ётувчи эллипс координата ўқларига нисбатан симметрик бўлиб, $M(-4; \sqrt{21})$ нуқтадан ўтади ва $\varepsilon = \frac{3}{4}$ эксцентриситетга эга. Эллипс тенгламаси ёзилсин ва M нуқтанинг фокал радиуслари топилсин.

171. $x^2 + 2y^2 = 18$ эллипснинг ўқлари орасидаги бурчакни тенг иккига бўлувчи ватар узунлиги топилсин.

172. Агар эллипснинг фокуслари орасидаги масофа унинг катта ва кичик ярим ўқларининг учлари орасидаги масофага тенг бўлса, унинг эксцентриситети ε топилсин.

173. $x^2 + 4y^2 = 4$ эллипсга учларидан бири эллипс катта ярим ўқининг учи билан устма-уст тушувчи мунтазам учбурчак ички чизилган. Учбурчакнинг қолган икки учининг координаталари аниқлансин.

Кўрсатма. Учбурчак томонларидан бурчак коэффициенти $k = \operatorname{tg} 30°$ бўлганининг тенгламасини ёзиб, унинг эллипс билан кесишган нуқталарини топиш керак.

174. $9x^2 + 25y^2 = 225$ эллипсда шундай $M(x; y)$ нуқта топилсинки, ундан ўнг фокусгача бўлган масофа чап фокусгача бўлган масофадан 4 марта катта бўлсин.

175. $x^2 + y^2 = 36$ айланадаги барча нуқталарнинг ординаталарини уч баравар қисқартишдан ҳосил бўлган янги эгри чизиқ тенгламаси ёзилсин.

176. $M(x; y)$ нуқта, $x = -4$ тўғри чизиққа нисбатан $F(-1; 0)$ нуқтага икки баравар яқинроқда ҳаракат қилади. Унинг траекторияси аниқлансин.

177. Узунлиги ўзгармас $a + b$ га тенг AB кесма шундай ҳаракат қиладики, унинг A учи Ox ўқ бўйича ва B учи Oy ўқ бўйича сирғанади. Бу кесмани $BM = a$ ва $MA = b$ бўлакларга бўлувчи M нуқтанинг траекторияси аниқлансин (Леонардо да Винчининг эллиптик циркули).

178. $x^2 + y^2 = b^2$ ва $x^2 + y^2 = a^2$ айланалар берилган $(b < a)$. Ихтиёрий OBA нур уларни мос равишда B ва A нуқталарда кесади; бу нуқталардан координата ўқларига параллел қилиб ўтказилган тўғри чизиқлар ўзаро M нуқтада кесишгунча давом эттирилади. $M(x; y)$ нуқталарнинг геометрик ўрни аниқлансин.

Кўрсатма. OBA нур тенгламасини $y = kx$ деб олиб, унинг айланалар билан кесишган $B(x_1, y_1)$ ва $A(x_2, y_2)$ нуқталарини топиш керак. $M(x, y)$ нуқталар эса $y = y_2$ ва $x = x_1$ ҳамда $x = x_2$ ва $y = y_1$ тўғри чизиқларнинг кесишган нуқталаридан иборат.

179. Эллипс фокусларининг биридан катта ўқининг учларигача бўлган масофалар 5 ва 1 га тенг. Унинг энг содда тенгламаси ёзилсин.

180. Координата ўқларига нисбатан симметрик эллипс $M(2\sqrt{3}; \sqrt{6})$ ва $A(6; 0)$ нуқталардан ўтади. Унинг тенгламаси ёзилсин, эксцентриситети ва M нуқтадан фокусларгача бўлган масофалар топилсин.

181. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипснинг ўқларида ясалган тўғри тўртбурчак диагонали бўйича йўналган ватарининг узунлиги топилсин.

182. $x^2+4y^2=4$ эллипснинг, маркази шу эллипснинг «юқори» учида бўлган ва унинг фокусларидан ўтувчи айлана билан умумий нуқталари топилсин.

183. $x=-5$ тўғри чизиқда $x^2+5y^2=20$ эллипснинг «чап» фокусидан ва «юқори» учидан баравар узоқликда бўлган нуқта топилсин.

184. $x^2+5y^2=20$ эллипснинг радиус-векторлари ўзаро перпендикуляр бўлган нуқтаси топилсин.

Кўрсатма. Изланган нуқталар берилган эллипснинг, маркази координаталар бошида бўлган ва эллипснинг фокусларидан ўтувчи айлана билан кесишган нуқталаридан иборатдир.

185. $x^2+y^2=4$ айланадаги ҳар бир нуқтанинг абсциссаси икки баравар орттирилган. Ҳосил бўлган эгри чизиқ аниқлансин.

186. $x=9$ тўғри чизиққа нисбатан $A(1; 0)$ нуқтага уч марта яқинроқ бўлиб ҳаракат қилувчи M нуқтанинг траекторияси аниқлансин.

10- §. Гипербола

Гипербола деб *шундай нуқталарнинг геометрик ўрнига айтиладики, уларнинг ҳар биридан берилган икки F ва F_1 нуқтагача* (фокусларгача) *бўлган масофалар айирмасининг абсолют қиймати ўзгармас* $2a$ $(0<2a<F_1F)$ *миқдордан иборатдир.*

Гиперболанинг *каноник* (энг содда) тенгламаси:

$$\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}=1. \qquad (1)$$

1) тенглама билан берилган гипербола координата ўқларига нисбатан симметрикдир (2- чизма).

Гипербола Ox ўқни учлар деб аталувчи $A(a; 0)$, $A_1(-a; 0)$ нуқталарда кесади, Oy ўқ билан эса кесишмайди. a параметр ҳақиқий ярим ўқ, b эса мавҳум ярим ўқ дейилади. $c=\sqrt{a^2+b^2}$ параметр марказдан фокусгача бўлган масофани билдиради. $\frac{c}{a}=\varepsilon>1$ гиперболанинг



2- чизма.

эксцентриситети дейилади. $y = \pm \frac{b}{a} x$ тўғри чизиқлар гиперболанинг *асимптоталари* дейилади. $M(x; y)$ нуқталардан фокусларгача бўлган масофалар (фокал радиус-векторлар):

$$r = |\varepsilon x - a|, \quad r_1 = |\varepsilon x + a| \tag{2}$$

формулалар билан аниқланади.

Агар $a = b$ бўлса, гипербола *тенг томонли* гипербола деб аталади. Унинг тенгламаси $x^2 - y^2 = a^2$, асимптоталарининг тенгламалари эса $y = \pm x$ бўлади. $\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$ ва $\frac{y^2}{b^2} - \frac{x^2}{a^2} = 1$ гиперболалар *қўшма* гиперболалар дейилади.

187. $x^2 - 4y^2 = 16$ гипербола ва унинг асимптоталари ясалсин. Гиперболанинг фокуслари, эксцентриситети ва асимптоталари орасидаги бурчак топилсин.

188. $x^2 - 4y^2 = 16$ гиперболада ординатаси 1 га тенг M нуқта олинган. Ундан фокусларгача бўлган масофалар топилсин.

189. 1) Фокуслари орасидаги масофа $2c = 10$, учлари орасидаги масофа $2a = 8$; 2) ҳақиқий ярим ўқи $a = 2\sqrt{5}$, эксцентриситети $\varepsilon = \sqrt{1{,}2}$ бўлган гиперболанинг каноник тенгламаси ёзилсин.

190. Гипербола координата ўқларига нисбатан симметрик бўлиб, $M(6; -2\sqrt{2})$ нуқтадан ўтади ва $b = 2$ мавҳум ярим ўққа эга. Унинг тенгламаси ёзилсин ҳамда M нуқтадан фокусларгача бўлган масофалар топилсин.

191. Учлари $\frac{x^2}{25} + \frac{y^2}{9} = 1$ эллипснинг фокусларида, фокуслари эса унинг учларида бўлган гиперболанинг тенгламаси ёзилсин.

192. Координата ўқларига нисбатан симметрик, $M(2a;\ a\sqrt{3})$ нуқтадан ўтувчи ва эксцентриситети $\varepsilon = \sqrt{2}$ бўлган гипербола тенгламаси ёзилсин.

193. $y^2 = a^2 + x^2$ гипербола ясалсин, унинг фокусларининг координаталари ва асимптоталари орасидаги бурчак топилсин.

194. $x^2 - 4y^2 = 16$ гиперболага $A(0;\ -2)$ нуқтадан ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин.

195. $\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$ гиперболанинг фокусидан асимптоталаригача бўлган масофалар ва асимптоталари орасидаги бурчак топилсин.

196. $\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$ гиперболага ички чизилган квадратнинг томони топилсин ва қандай гиперболаларга квадратни ички чизиш мумкинлиги текширилсин.

197. Асимптотаси ҳақиқий ўқи билан: 1) 60°, 2) α бурчак ташкил этувчи гиперболанинг эксцентриситети топилсин.

198. $y = -\sqrt{9 + x^2}$ эгри чизиқнинг жойлашиш соҳаси аниқлансин. Эгри чизиқ чизилсин.

199. $F(4;\ 0)$ нуқтага нисбатан $x = 1$ тўғри чизиққа икки марта яқинроқ бўлиб ҳаракат қилувчи $M(x;\ y)$ нуқтанинг траекторияси аниқлансин.

200. $A(-1;\ 0)$ ва $B(2;\ 0)$ нуқталар берилган. $M(x;\ y)$ нуқта шундай ҳаракат қиладики, $\triangle AMB$ даги B бурчак A бурчакдан икки баравар катта бўлиб қолаверади. Ҳаракат траекторияси аниқлансин.

Кўрсатма. A, B ва M нуқта координаталарига кўра $\operatorname{tg} A$ ва $\operatorname{tg} B$ ни топгандан сўнг $\angle B = 2\angle A$ эканлигидан фойдаланиш керак.



3- чизма.

201. $A(a;\ 0)$ нуқта берилган. Oy ўқ бўйича B нуқта ҳаракат қилади. Ox ўққа параллел бўлган BE тўғри чизиқда AB кесмага тенг қилиб BM ва BM_1 кесмалар қўйилган. M ва M_1 нуқталарнинг геометрик ўрни аниқлансин.

202. $x = \pm b$ ва $x = \pm a$ $(b < a)$ тўғри чизиқлар берилган. Ихтиёрий OA нур (3- чизма) $x = b$ (ёки $x = -b$) тўғри чизиқни B нуқтада ва $x = a$ (ёки $x = -a$) тўғри чизиқни

A нуқтада кесади. OA радиус билан Ox ўқни C нуқтада кесувчи ёй ўтказилган. B ва C нуқталардан мос равишда Ox ва Oy ўқларга параллел ҳамда M нуқтада кесишувчи тўғри чизиқлар ўтказилган. M нуқталарнинг геометрик ўрни аниқлансин.

Кўрсатма. Нур билан Ox ўқ ва $x = \pm b$, $x = \pm a$ тўғри чизиқлар орасида ҳосил бўлган учбурчакларнинг ўхшашлигидан фойдаланилсин.

203. Бирор учидан фокусларигача масофалари 9 ва 1 га тенг бўлган гиперболанинг каноник тенгламаси ёзилсин.

204. Маркази $x^2 - 3y^2 = 12$ гиперболанинг ўнг фокусида бўлган, координаталар бошидан ўтувчи айлана билан шу гипербола асимптоталарининг кесишган нуқталари топилсин.

205. $M\left(6; \frac{3}{2}\sqrt{5}\right)$ нуқтадан ўтувчи, координата ўқларига нисбатан симметрик бўлган гиперболанинг ҳақиқий ярим ўқи $a = 4$. Гиперболанинг чап фокусидан асимптоталарига туширилган перпендикулярнинг тенгламалари ёзилсин.

206. $9x^2 - 16y^2 = 144$ гиперболада ўнг фокусга нисбатан чап фокусга икки марта яқинроқ бўлган нуқта топилсин.

207. $x^2 - y^2 = 4$ гиперболада фокал радиус-векторлар ўзаро перпендикуляр бўлган нуқта топилсин. (184-масалага берилган кўрсатмага қаралсин.)

208. M нуқта $9x^2 - 16y^2 = 144$ гиперболанинг фокуслари орасидаги масофани $F_1M : MF = 2:3$ нисбатда бўлади. Бунда F_1 — гиперболанинг чап фокуси. M нуқтадан Ox ўқ билан $135°$ бурчак ташкил этувчи тўғри чизиқ ўтказилган. Шу тўғри чизиқнинг гипербола асимптоталари билан кесишган нуқталари топилсин.

209. $x = -2$ тўғри чизиққа нисбатан $F(-8; 0)$ нуқтадан икки баравар узоқроқда ҳаракат қилувчи M нуқтанинг траекторияси аниқлансин.

210. $A(-a; 0)$ ва $B(2a; 0)$ нуқталар берилган. P нуқта шундай ҳаракат қиладики, PAB бурчак APB учбурчакнинг APC ташқи бурчагидан уч марта кичик бўлиб қола беради. P нуқтанинг ҳаракат траекторияси аниқлансин.

Кўрсатма. $\angle APC = 3\angle PAB$ бўлгани учун $\angle PBA = 2\angle PAB$ ёки $\angle B = 2\angle A \cdot \operatorname{tg} A = \frac{y}{x+a}$; $\operatorname{tg} B = \frac{y}{2a-x}$ ва $\operatorname{tg} 2B = \frac{2\operatorname{tg} A}{1-\operatorname{tg}^2 A}$ тенгликлардан изланган тенгламани топиш мумкин.

11- §. Парабола

Берилган нуқтадан (фокусдан) *ва берилган тўғри чизиқдан* (директрисадан) *бир хил узоқликда бўлган нуқталарнинг геометрик ўрни парабола дейилади.*

Параболанинг *каноник* тенгламаси қуйидаги икки кўринишга эга:
1) $y^2 = 2px$ — Ox ўққа нисбатан симметрик парабола (4-чизма).
2) $x^2 = 2py$ — Oy ўққа нисбатан симметрик парабола (5-чизма).
Ҳар икки ҳолда ҳам параболанинг *учи*, яъни симметрия ўқида ётувчи нуқтаси, координаталар бошида бўлади.



4- чизма.



5- чизма.

парабола $F\left(\frac{p}{2};\ 0\right)$ фокус ва $x = -\frac{p}{2}$ директрисага эга; унинг $M(x;\ y)$ нуқтасининг фокал радиус-вектори $r = x + \frac{p}{2}$ · $x^2 = 2py$ парабола $F\left(0;\ \frac{p}{2}\right)$ фокус ва $y = -\frac{p}{2}$ директрисага эга; унинг $M(x;\ y)$ нуқтасининг фокал радиус-вектори $r = y + \frac{p}{2}$.

211. $F(0;\ 2)$ нуқтадан ва $y = 4$ тўғри чизиқдан бир хил узоқлашган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси тузилсин. Бу эгри чизиқнинг координата ўқлари билан кесишган нуқталари топилсин ва у ясалсин.

212. Координаталар бошидан ва $x = -4$ тўғри чизиқдан бир хил узоқликда бўлган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси тузилсин. Бу эгри чизиқнинг координата ўқлари билан кесишган нуқталари топилсин ва у ясалсин.

213. 1) $y^2 = 4x$; 2) $y^2 = -4x$; 3) $x^2 = 4y$; 4) $x^2 = -4y$ тенгламалар билан берилган параболалар ҳамда уларнинг фокуслари, директрисалари ясалсин ва директрисаларининг тенгламалари ёзилсин.

214. 1) $(0;\ 0)$ ва $(1;\ -3)$ нуқталардан ўтувчи ва Ox ўққа нисбатан симметрик; 2) $(0;\ 0)$ ва $(2;\ -4)$ нуқталардан ўтувчи ва Oy ўққа нисбатан симметрик бўлган парабола тенгламаси ёзилсин.

417. Томонлари 6 ва 4 *см* бўлган тўғри тўртбурчак учидан қарши томонларини тенг иккига бўлувчи тўғри чизиқлар ўтказилган. Ўша тўғри чизиқлар орасидаги φ бурчак топилсин.

418. Параллелограммнинг кетма-кет учта $A(-3;\ -2;\ 0)$, $B(3;\ -3;\ 1)$ ва $C(5;\ 0;\ 2)$ учлари берилган. Унинг тўртинчи учи D ҳамда $\overline{AC}$ ва $\overline{BD}$ векторлар орасидаги бурчак топилсин.

419. $A(3;\ 3;\ -2)$, $B(0;\ -3;\ 4)$, $C(0;\ -3;\ 0)$ ва $D(0;\ 2;\ -4)$ нуқталар берилган. $\vec{AB} = \boldsymbol{a}$ ва $\vec{CD} = \boldsymbol{b}$ векторлар ясалсин ҳамда $\text{пр}_{\boldsymbol{a}}\boldsymbol{b}$ топилсин.

420. Тенг ёнли $OACB$ трапецияда (16- чизма) M ва N нуқталар мос равишда $BC = 2$ ва $AC = 2$ томонларнинг ўрталари. Трапециянинг ўткир бурчаги $60°$ га тенг. $\overline{OM}$ ва $\overline{ON}$ векторлар орасидаги бурчак аниқлансин.

421. $\boldsymbol{m}$ ва $\boldsymbol{n}$ лар ўзаро $120°$ бурчак ташкил этувчи бирлик векторлар бўлса, $\boldsymbol{a} = 2\boldsymbol{m} + 4\boldsymbol{n}$ ва $\boldsymbol{b} = \boldsymbol{m} - \boldsymbol{n}$ векторлар орасидаги бурчак топилсин.

422. Бир-бирига перпендикуляр бўлган $\boldsymbol{a}$ ва $\boldsymbol{b}$ векторларда ясалган тўғри тўртбурчакнинг диагоналлари орасидаги бурчак

$$\cos\varphi = \pm\frac{a^2 - b^2}{a^2 + b^2}$$

формула билан аниқланиши кўрсатилсин.

423. Ҳаракатдаги нуқта йўлининг ўқлардаги проекциялари: $s_x = 2м$, $s_y = 1м$, $s_z = -2м$. Таъсир этувчи $\boldsymbol{F}$ кучнинг проекциялари $F_x = 5\ кГ$, $F_y = 4\ кГ$ ва $F_z = 3\ кГ$. F кучнинг бажарган иши $A\,(A = F,\ s)$ ва F куч билан s йўл орасидаги бурчак ҳисоблансин.

424. Қирраси a бўлган мунтазам тетраэдрнинг бир учидан, унинг вектор-қирралари билан ифодаланувчи учта куч қўйилган. Ўша кучларнинг тенг таъсир этувчиси аниқлансин.

Кўрсатма. Агар m, n ва p лар берилган кучларнинг бирлик векторлари бўлса, изланган миқдор $a\sqrt{(m+n+p)^2}$ га тенг.

425. Квадрат бир хил тенгликдаги учта бўлакка (полосага) бўлиниб, сўнгра уларни буклаб мунтазам уч бурчакли призма ясалган. Натижада квадратнинг диагоналидан ҳосил бўлган синиқ чизиқнинг икки қўшни бўғинлари орасидаги бурчак топилсин.

4-§. Икки векторнинг вектор кўпайтмаси

1°. Таъриф, a ва b векторларнинг *вектор кўпайтмаси* деб шундай *учинчи* c векторга айтиладики:

1) у сон қиймати бўйича берилган a ва b векторларда ясалган *параллелограмм юзига тенг модулга эга;*

2) у параллелограмм текислигига *перпендикуляр;*



19-чизма.

3) *у шундай томонга йўналтирилганки, унинг учидан қарағанда* a *вектордан* b *векторга қараб энг кичик бурилиш соат стрелкасига қарама-қарши* бўлади. a, b ва c векторларнинг бу хилдаги жойланишига *ўнг боғлам* дейилади.

Икки векторнинг вектор кўпайтмаси $a \times b$ кўринишда белгиланади. Шундай қилиб,

агар $\begin{cases} 1)\ c \mid a \times b \mid = a \cdot b \sin \varphi, \\ 2)\ c \perp a \text{ ва } c \perp b, \\ 3)\ a,\ b,\ c \text{ лар ўнг боғлам ҳосил қилса} \end{cases}$

$$a \times b = c$$

бўлади.

2°. Вектор кўпайтманинг хоссалари:

I. $a \times b = -b \times a$.

II. $a \times (b + c) = a \times b + a \times c$ — тақсимот қонуни.

III. Агар $a \parallel b$ бўлса, $a \times b = 0$, хусусий ҳолда $a \times a = 0$.

3°. Ортларнинг вектор кўпайтмалари:

$$i \times j = k,\ j \times k = i,\ k \times i = j. \tag{1}$$

Умуман, ҳар икки қўшни векторнинг қуйидаги тартибдаги

$$\underrightarrow{i\ j\ k\ i\ j}$$
$$\underleftarrow{\quad\quad\quad\quad}$$

кўпайтмаси (+) ишора билан олинган учинчи векторга, тескари тартибдаги кўпайтмаси эса (—) ишора билан олинган учинчи векторга тенг.

4°. Вектор кўпайтмани кўпайтувчилар координаталари $a\{a_x, a_y, a_z\}$ ва $b\{b_x, b_y, b_z\}$ орқали ифодалаш:

$$a \times b = \begin{vmatrix} i & j & k \\ a_x & a_y & a_z \\ b_x & b_y & b_z \end{vmatrix}. \tag{2}$$

5°. a ва b векторларда ясалган параллелограммнинг юзи:

$$S_{\square} = |a \times b|, \tag{3}$$

шу векторларда ясалган учбурчакнинг юзи:

$$S_{\triangle} = \frac{1}{2} |a \times b|.$$

426. Агар 1) $a = 3i;\ b = 2k$; 2) $a = i + j;\ b = i -$ 3) $a = 2i + 3j;\ b = 3j + 2k$ бўлса, $c = a \times b$ вер

аниқлансин ва ясалсин. Ҳар бир ҳол учун берилган векторларда ясалган параллелограмм юзи ҳисоблансин.

427. Учлари $A(7; 3; 4)$; $B(1; 0; 6)$ ва $C(4; 5; -2)$ нуқталарда бўлган учбурчакнинг юзи ҳисоблансин.

428. $a = 2j + k$ ва $b = i + 2k$ векторларда параллелограмм ясалсин ҳамда унинг юзи ва баландлиги аниқлансин.

429. Ушбу

1) $i \times (j + k) - j \times (i + k) + k \times (i + j + k)$;
2) $(a + b + c) \times c + (a + b + c) \times b + (b - c) \times a$;
3) $(2a + b) \times (c - a) + (b + c) \times (a + b)$;
4) $2i \cdot (j \times k) + 3j \cdot (i \times k) + 4k \cdot (i \times j)$

ифодалар қавсларни очиб соддалаштирилсин.

430. $(a - b) \times (a + b) = 2a \times b$ эканлиги исботлансин ва бу айниятнинг геометрик маъноси аниқлансин.

431. a ва b векторлар ўзаро 45° бурчак ташкил этади. Агар $|a| = |b| = 5$ бўлса, $a - 2b$ ва $3a + 2b$ векторларда ясалган учбурчакнинг юзи топилсин.

432. m ва n ўзаро 45° бурчак ташкил этувчи бирлик векторлар. Диагоналлари $2m - n$ ва $4m - 5n$ векторлардан иборат бўлган параллелограммнинг юзи топилсин.

Кўрсатма. Агар a ва b векторлар параллелограмм томонларидан иборат бўлса, $a + b = 2m - n$ ва $a - b = 4m - 5n$. Бу векторларни вектор кўпайтириб, $2b \times a$ векторни топамиз унинг модули изланган юзанинг иккиланганига тенг.

---

433. $a = 3k - 2j$, $b = 3i - 2j$ ва $c = a \times b$ векторлар ясалсин. c векторнинг модули ҳамда a ва b векторларда ясалган учбурчак юзи ҳисоблансин.

434. Учлари $A(1; -2; 8)$, $B(0; 0; 4)$ ва $C(6; 2; 0)$ нуқталарда бўлган учбурчак ясалсин. Унинг юзи ва BD баландлиги ҳисоблансин.

435. $a = k - j$ ва $b = i + j + k$ векторларда ясалган параллелограммнинг юзи ҳисоблансин.

436. $(2a + b) \times (a + 2b) = 3a \times b$ эканлиги исботлансин.

437. m ва n ўзаро 30° бурчак ташкил этувчи бирлик векторлар бўлса, $a = m + 2n$ ва $b = 2m + n$ векторларда ясалган параллелограммнинг юзи топилсин.

5-§. Уч векторнинг аралаш кўпайтмаси

1°. Таъриф. a, b ва c *векторларнинг аралаш кўпайтмаси* деб $(a \times b)\cdot c$ кўринишдаги ифодага айтилади.

Агар a, b ва c векторлар ўзларининг координаталари билан берилса, у ҳолда

$$(a \times b)\cdot c = \begin{vmatrix} a_x & a_y & a_z \\ b_x & b_y & b_z \\ c_x & c_y & c_z \end{vmatrix}. \qquad (1)$$

2°. Аралаш кўпайтманинг хоссалари.

I. Аралаш кўпайтманинг исталган иккита кўпайтувчисининг ўринлари ўзаро алмаштирилса, кўпайтманинг ишораси ўзгаради:

$$(a \times b)\cdot c = -(a \times c)\cdot b = -(c \times b)\cdot a. \qquad (2)$$

II. Агар берилган учта вектордан иккитаси ўзаро тенг ёки параллел бўлса, аралаш кўпайтма 0 га тенг бўлади.

III. «Нуқта» билан кўрсатилган ва «крест» ($\times$) билан кўрсатилган амалларнинг ўринларини алмаштириш мумкин:

$$(a \times b)\cdot c = a\cdot(b \times c);$$

шунинг учун ҳам аралаш кўпайтмани abc кўринишда, яъни қавсларни ва амаллар белгиларини кўрсатмасдан ёзиш қабул қилинган.

3°. a, b ва c векторларда ясалган параллелепипеднинг ҳажми:

$$V = \pm abc \begin{cases} + \text{ векторлар ўнг боғлам ташкил этса,} \\ - \text{ векторлар чап боғлам ташкил этса.} \end{cases}$$

a, b ва c векторларда ясалган пирамиданинг ҳажми:

$$V_{\text{пир}} = \pm \frac{1}{6} abc.$$

4°. Компланарлик шарти. Агар a, b ва c векторлар *ўзаро компланар* бўлса, $abc = 0$, ва аксинча, сўнгги тенглик бажарилса, берилган уч вектор ўзаро компланар бўлади. Шунинг билан бирга a, b ва c орасида $c = ma + nb$ кўринишдаги чизиқли боғланиш мавжуд бўлади.

438. $a = 3i + 4j$, $b = -3j + k$, $c = 2j + 5k$ векторларда параллелепипед ясалсин ҳамда унинг ҳажми ҳисоблансин. Берилган (a, b, c) векторлар қайси боғламни ташкил этади?

439. Учлари $O(0; 0; 0)$, $A(5; 2; 0)$, $B(2; 5; 0)$ ва $C(1; 2; 4)$ нуқталарда бўлган пирамида ясалсин ҳамда унинг ҳажми, ABC ёғининг юзи ва шу ёққа туширилган баландлиги ҳисоблансин.

440. $A(2; -1; -2)$, $D(1; 2; 1)$, $C(2; 3; 0)$ ва $D(5; 0; -6)$ нуқталарнинг бир текисликда ётиши кўрсатилсин.

441. $a = -i + 3j + 2k$, $b = 2i - 3j - 4k$, $c = -3i + 12j + 6k$ векторларнинг ўзаро компланар экани кўрсатилсин. c вектор a ва b векторлар бўйича тарқатилсин.

442. 1) $(a+b)\cdot[(a+c)\times b]=-abc$;

2) $(a+2b-c)\cdot[(a-b)\times(a-b-c)]=3abc$

эканлиги исбот қилинсин.

443. Узунликлари 2 га тенг бўлган ва координаталар бурчакларининг биссектрисалари бўйича йўналган $\overline{OA}$, $\overline{OB}$ ва $\overline{OC}$ векторларда ясалган тетраэдрнинг ҳажми топилсин.

---

444. Учлари $A(2;\ 0;\ 0)$, $B(0;\ 3;\ 0)$, $C(0;\ 0;\ 6)$ ва $D(2;\ 3;\ 8)$ нуқталарда бўлган пирамида ясалсин ҳамда унинг ҳажми ва ABC ёғига туширилган баландлиги ҳисоблансин.

445. $a=i+j+4k$, $b=i-2j$ ва $c=3i-3j+4k$ векторлар ясалсин ва улар ўзаро компланар эканлиги кўрсатилсин. Бу векторлар орасидаги чизиқли боғланиш топилсин.

446. Берилган параллелепипеднинг ёқларининг диагоналларида ясалган параллелепипед ҳажми дастлабки параллелепипед ҳажмининг иккиланганига тенг экани кўрсатилсин.

447. m, n ва p бирлик векторлар берилган. Агар $(\overset{\wedge}{m,\ n})=\overset{\wedge}{[p,\ (m\times n)]}=\alpha$ бўлса, $(m\times n)\cdot p=\frac{1}{2}\sin 2\alpha$ экани исботлансин.

448. Ҳар қандай a, b ва c векторлар $a-b$, $b-c$ ва $c-a$ векторлар ўзаро компланар бўлади. Бу мулоҳаза аналитик ва геометрик (a, b ва c векторлардан тузилган параллелепипедни қараб) исботлансин.

449. $OABCO_1A_1B_1C_1$ параллелепипед пастки асосининг учта учи $O(0;\ 0;\ 0)$, $A(2;\ -3;\ 0)$ ва $C(3;\ 2;\ 0)$ ҳамда OO_1 қиррага қарши бўлган BB_1 ён қиррада ётувчи юқори асосининг учи $B_1(3;\ 0;\ 4)$ берилган. Ўша параллелепипеднинг ҳажми ҳисоблансин.

III БОБ

ФАЗОДАГИ АНАЛИТИК ГЕОМЕТРИЯ

1-§. Текисликнинг тенгламаси

1°. $M_1(x_1; y_1; z_1)$ нуқтадан ўтувчи ва $N\{A; B; C\}$ векторга перпендикуляр текислик тенгламаси.

$M(x; y; z)$ текисликнинг ихтиёрий нуқтаси бўлсин (20-чизма). У ҳолда $\overline{M_1M} \perp N$ ва икки векторнинг перпендикулярлик шартига кўра

$$A(x-x_1)+B(y-y_1)+C(z-z_1)=0. \qquad (1)$$

2°. Текисликнинг умумий тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$Ax+By+Cz+D=0. \qquad (2)$$



20-чизма.

$N\{A; B; C\}$ вектор (1) ёки (2) текисликка *нормал* вектор дейиладй.

3°. $Ax+By+Cz+D=0$ тенгламанинг махсус ҳоллари:

I. $D=0$ бўлганда, $Ax+By+Cz=0$ — текислик координаталар бошидан ўтади.

II. $C=0$ бўлганда, $Ax+By+D=0$ — текислик Oz ўққа параллел.

III. $C=D=0$ бўлганда, $Ax+By=0$ — текислик Oz ўқдан ўтади.

IV. $B=C=0$ бўлганда, $Ax+D=0$ — текислик yOz текисликка параллел.

V. Координата текисликларининг тенгламалари: $x=0$, $y=0$ ва $z=0$.

4°. Текисликнинг координата ўқларидан ажратган кесмалар бўйича тенгламаси:

$$\frac{x}{a}+\frac{y}{b}+\frac{z}{c}=1. \qquad (3)$$

450. 1) $5x-2y+3z-10=0$; 2) $3x+2y-z=0$; 3) $3x+2z=6$; 4) $2z-7=0$ текисликлар ясалсин.

451. $2x + 3y + 6z - 12 = 0$ текислик ясалсин ва унга нормал векторнинг координата ўқлари билан ташкил этган бурчаклари топилсин.

452. $M_1(0; -1; 3)$ ва $M_2(1; 3; 5)$ нуқталар берилган. M_1 нуқтадан ўтувчи ва $N = \overline{M_1M_2}$ векторга перпендикуляр текислик тенгламаси ёзилсин.

453. $M(a; a; 0)$ нуқтадан ўтувчи ва $\overline{OM}$ векторга перпендикуляр текислик тенгламаси ёзилсин ва текислик ясалсин.

454. $A\left(a; -\frac{a}{2}; a\right)$ ва $B\left(0; \frac{a}{2}; 0\right)$ нуқталардан тенг узоқликда бўлган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин.

455. $M_1(0; 1; 3)$ ва $M_2(2; 4; 5)$ нуқталардан ўтувчи ва Ox ўққа параллел текислик тенгламаси ёзилсин ва текислик ясалсин.

456. Ox ўқдан ва $M_1(0; -2; 3)$ нуқтадан ўтувчи текислик тенгламаси ёзилсин ва текислик ясалсин.

457. Oz ўқдан ва $M_1(2; -4; 3)$ нуқтадан ўтувчи текислик тенгламаси ёзилсин ва текислик ясалсин.

458. Oy ўққа параллел, Ox ва Oz ўқлардан a ва c кесмалар ажратувчи текислик тенгламаси ёзилсин. Текислик ясалсин.

459. $M(2; -1; 3)$ нуқтадан ўтувчи ва координата ўқларидан тенг кесмалар ажратувчи текислик тенгламаси ёзилсин.

460. $M_1(-4; 0; 4)$ нуқтадан ўтувчи ва Ox ва Oy ўқлардан $a = 4$ ва $b = 3$ кесмалар ажратувчи текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

---

461. 1) $2x + y - z + 6 = 0$; 2) $x - y - z = 0$; 3) $y - 2z + 8 = 0$; 4) $2x - 5 = 0$; 5) $x + z = 1$; 6) $y + z = 0$ текисликлар ясалсин.

462. $2x - 2y + z - 6 = 0$ текислик ясалсин ва унга нормал векторнинг координата ўқлари билан ташкил этган бурчаклари топилсин.

463. $M(-1; 2; 3)$ нуқтадан OM га перпендикуляр текислик ўтказилган. Унинг тенгламаси ёзилсин.

464. Oy ўқдан ва $(4; 0; 3)$ нуқтадан ўтувчи текисликнинг тенгламаси ёзилсин. Текислик ясалсин.

465. Oz ўққа параллел ҳамда $M_1(2; 2; 0)$ ва $M_2(4; 0; 0)$ нуқталардан ўтувчи текисликнинг тенгламаси ёзилсин. Текислик ясалсин.

466. $M(1; -3; 5)$ нуқтадан ўтувчи ва Oy ва Oz ўқлардан Ox ўқдагидан кўра икки марта катта кесма ажратувчи текислик тенгламаси ёзилсин.

2-§. Текисликка доир асосий масалалар

1°. Икки текислик орасидаги бурчак

$$\cos\varphi = \pm\frac{NN_1}{NN_1} = \pm\frac{AA_1 + BB_1 + CC_1}{NN_1} \tag{1}$$

формуладан топилади, бунда N ва N_1 мос равишда $Ax + By + Cz + D = 0$ ва $A_1x + B_1y + C_1z + D_1 = 0$ текисликларга нормал векторлар.

Параллеллик шарти:

$$\frac{A}{A_1} = \frac{B}{B_1} = \frac{C}{C_1}. \tag{2}$$

Перпендикулярлик шарти:

$$AA_1 + BB_1 + CC_1 = 0. \tag{3}$$

2°. $M_0(x_0; y_0; z_0)$ нуқтадан $Ax + By + Cz + D = 0$ текисликкача бўлган масофа:

$$d = \frac{|Ax_0 + By_0 + Cz_0 + D|}{N}. \tag{4}$$

3°. Берилган икки текисликнинг кесишган чизиғидан ўтувчи барча текисликлар дастасининг тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\alpha(Ax + By + Cz + D) + \beta(A_1x + B_1y + C_1z + D_1) = 0. \tag{5}$$

$\alpha = 1$ деб олиш мумкин, у ҳолда (5) дастадан берилган текисликлардан иккинчисини чиқариб ташлаган бўламиз.

467. 1) $x - 2y + 2z - 8 = 0$ ва $x + z - 6 = 0$;
2) $x + 2z - 6 = 0$ ва $x + 2y - 4 = 0$
текисликлар орасидаги бурчак топилсин.

468. $(2; 2; -2)$ нуқтадан ўтувчи ва $x - 2y - 3z = 0$ текисликка параллел текислик топилсин.

469. $(-1; -1; 2)$ нуқтадан ўтувчи ва $x - 2y + z - 4 = 0$ ҳамда $x + 2y - 2z + 4 = 0$ текисликларга перпендикуляр текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

470. $(0; 0; a)$ нуқтадан ўтувчи ва $x - y - z = 0$ ҳамда $2y = x$ текисликларга перпендикуляр текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

471. $M_1(-1; -2; 0)$ ва $M_2(1; 1; 2)$ нуқталардан ўтувчи ҳамда $x + 2y + 2z - 4 = 0$ текисликка перпендикуляр текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

472. $M_1(1; -1; 2)$, $M_2(2; 1; 2)$ ва $M_3(1; 1; 4)$ нуқталардан ўтувчи текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

473. Oz ўқдан $2x + y - \sqrt{5}z = 0$ текислик билан 60° бурчак ташкил этувчи текислик ўтказилсин.

474. (5; 1; —1) нуқтадан $x - 2y - 2z + 4 = 0$ текисликкача бўлган масофа топилсин.

475. (4; 3; 0) нуқтадан $M_1(1; 3; 0)$, $M_2(4; -1; 2)$ ва $M_3(3; 0; 1)$ нуқталардан ўтувчи текисликкача бўлган масофа топилсин.

476. $4x + 3y - 5z - 8 = 0$ ва $4x + 3y - 5z + 12 = 0$ параллел текисликлар орасидаги масофа топилсин.

Кўрсатма. Биринчи текисликда ихтиёрий, масалан (2; 0; 0) нуқта олиб, ундан иккинчи текисликкача бўлган масофа топилсин.

477. 1) $x - 2y + 2z - 5 = 0$ текисликка параллел ва ундан 2 бирлик узоқликда бўлган текисликлар тенгламалари ёзилсин.

2) $2x + 2y = z$ ва $z = 0$ текисликлар орасидаги икки ёқли бурчакни тенг иккига бўлувчи текисликлар тенгламалари ёзилсин ҳамда берилган ва изланган текисликлар ясалсин.

478. 1) $2x - y + 3z - 6 = 0$ ва $x + 2y - z + 3 = 0$ текисликларнинг кесишган чизиғидан ва (1; 2; 4) нуқтадан ўтувчи текислик тенгламаси ёзилсин.

2) $x = y$ ва $z = 0$ текисликларнинг кесишган тўғри чизиғидан ўтувчи ўзаро перпендикуляр иккита текисликдан биттаси (0; 4; 2) нуқтадан ҳам ўтади. Тўғри чизиқ ва изланган текисликлар топилсин.

479. $2x - y + 3z - 9 = 0$; $x + 2y + 2z - 3 = 0$; $3x + y - 4z + 6 = 0$ текисликларнинг кесишган нуқтаси топилсин.

---

480. (2; —1; 1) нуқтадан ўтувчи ва $3x + 2y - z + 4 = 0$ ва $x + y + z - 3 = 0$ текисликларга перпендикуляр текисликнинг тенгламаси ёзилсин. Текислик ясалсин.

481. (0; —5; 0) ва (0; 0; 2) нуқталардан ўтувчи ҳамда $x + 5y + 2z - 10 = 0$ текисликка перпендикуляр текисликнинг тенгламаси ёзилсин. Текислик ясалсин.

482. $O(0;\ 0;\ 0)$, $M_1(a;\ -a;\ 0)$ ва $M_2(a;\ a;\ a)$ нуқталардан ўтувчи текислик билан xOy текислик орасидаги бурчак топилсин.

483. Координаталар бошидан $M_1(a;\ 0;\ 0)$, $M_2(0;\ a;\ 0)$ ва $M_3(a;\ a;\ a)$ нуқталардан ўтувчи текисликкача бўлган масофа топилсин.

484. Ox ўқдан ўтувчи ва $y = x$ текислик билан 60° бурчак ташкил этувчи текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

485. $(a;\ b;\ c)$ нуқтадан, координаталар ўқларидан a, b ва c кесмалар ажратувчи текисликкача бўлган масофа топилсин.

486. $2x + 2y + z - 8 = 0$ текисликка параллел ва ундан $d = 4$ масофада бўлган текисликларнинг тенгламалари ёзилсин.

487. $4x - y + 3z - 6 = 0$ ва $x + 5y - z + 10 = 0$ текисликларнинг кесишган чизиғидан ўтувчи ва $2x - y + 5z - 5 = 0$ текисликка перпендикуляр текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

3-§. Тўғри чизиқ тенгламалари

1°. $A(a;\ b;\ c)$ нуқтадан ўтувчи ва $P\{m;\ n;\ p\}$ векторга параллел бўлган тўғри чизиқ тенгламалари. $N(x;\ y;\ z)$ — тўғри чизиқнинг ихтиёрий нуқтаси бўлсин (21-чизма). У ҳолда $\overline{AN} \parallel P$ ва икки векторнинг параллеллик шартига кўра:



21-чизма.

$$\frac{x-a}{m} = \frac{y-b}{n} = \frac{z-c}{p}. \qquad (1)$$

(1) тенгламалар тўғри чизиқнинг *каноник* тенгламалари дейилади. $P\{m;\ n;\ p\}$ вектор тўғри чизиқнинг *йўналтирувчи* вектори дейилади.

2°. (1) тенгламадаги ҳар бир нисбатни t параметрга тенглаб, тўғри чизиқнинг

$$\left.\begin{aligned} x &= mt + a,\\ y &= nt + b,\\ z &= pt + c \end{aligned}\right\} \qquad (2)$$

кўринишдаги параметрик тенгламаларига эга бўламиз.

3°. *Икки нуқтадан ўтувчи* тўғри чизиқ тенгламалари:

$$\frac{x-x_1}{x_2-x_1} = \frac{y-y_1}{y_2-y_1} = \frac{z-z_1}{z_2-z_1}. \qquad (3)$$

4°. Тўғри чизиқнинг умумий тенгламалари:

$$\left.\begin{aligned} Ax + By + Cz + D &= 0,\\ A_1x + B_1y + C_1z + D_1 &= 0. \end{aligned}\right\} \qquad (4)$$

5°. (4) тенгламалардан бир марта y ни, иккинчи марта x ни йўқотиб, тўғри чизиқнинг проекциялари бўйича ёзилган тенгламаларига эга бўламиз:

$$\left.\begin{aligned} x &= mz + a, \\ y &= nz + b. \end{aligned}\right\} \qquad (5)$$

(5) тенгламаларни ушбу

$$\frac{x-a}{m} = \frac{y-b}{n} = \frac{z-0}{1}$$

каноник кўринишда ёзиш мумкин.

488.

1) $\begin{cases} x = z + 5 \\ y = 4 - 2z \end{cases}$ ва 2) $\begin{cases} \dfrac{x-3}{1} = \dfrac{y-2}{2} = \dfrac{z-3}{1} \end{cases}$

тўғри чизиқларнинг xOy ва xOz текисликлардаги излари топилсин ва тўғри чизиқлар ясалсин.

Кўрсатма. Тўғри чизиқнинг тенгламаларида 1) $z = 0$; 2) $y = 0$ деб фараз қилиш керак.

489. $\left.\begin{aligned} x + 2y + 3z - 13 &= 0 \\ 3x + y + 4z - 14 &= 0 \end{aligned}\right\}$ тўғри чизиқ тенгламаларини: 1) проекциялари бўйича; 2) каноник кўринишда ёзилсин. Тўғри чизиқнинг координата текисликларидаги излари топилсин ҳамда тўғри чизиқ ва унинг проекциялари ясалсин.

490. $A(4; 3; 0)$ нуқтадан ўтувчи ва $P\{-1; 1; 1\}$ векторга параллел бўлган тўғри чизиқ тенгламалари ёзилсин. Тўғри чизиқнинг yOz текисликдаги изи топилсин ва тўғри чизиқ ясалсин.

491. $x = 4$, $y = 3$ тўғри чизиқ ясалсин ва унинг йўналтирувчи вектори топилсин.

492.

1) $\begin{cases} y = 3 \\ z = 2, \end{cases}$ 2) $\begin{cases} y = 2 \\ z = x + 1, \end{cases}$ 3) $\begin{cases} x = 4 \\ z = y \end{cases}$

тўғри чизиқлар ясалсин ва уларнинг йўналтирувчи векторлари аниқлансин.

493. $A(-1; 2; 3)$ ва $B(2; 6; -2)$ нуқталардан ўтувчи тўғри чизиқ тенгламалари ёзилсин ва унинг йўналтирувчи косинуслари топилсин.

494. $A(2; -1; 3)$ ва $B(2; 3; 3)$ нуқталардан ўтувчи тўғри чизиқ ясалсин ва унинг тенгламалари ёзилсин.

495. $A(4; -3; 1)$ нуқтадан чиқиб $V\{2; 3; 1\}$ тезлик билан ҳаракат қилувчи $M(x; y; z)$ нуқта траекториясининг тенгламалари ёзилсин.

496. 1) $(-2;\ 1;\ -1)$ нуқтадан ўтувчи ва $\boldsymbol{P}\{1;\ -2;\ 3\}$ векторга параллел бўлган;

2) $A(3;\ -1;\ 4)$ ва $B(1;\ 1;\ 2)$ нуқталардан ўтувчи тўғри чизиқнинг тенгламалари ёзилсин.

497. $(a;\ b;\ c)$ нуқтадан ўтувчи ва: 1) Oz ўққа параллел; 2) Oz ўққа перпендикуляр бўлган тўғри чизиқ тенгламалари ёзилсин.

498. $x = 2z - 1;\ \ y = -2z + 1$ тўғри чизиқ билан $(1;\ -1;\ -1)$ нуқта ва координаталар бошидан ўтувчи тўғри чизиқ орасидаги бурчак топилсин.

499.

$$\begin{cases} x - y + z - 4 = 0 \\ 2x + y - 2z + 5 = 0 \end{cases} \text{ ва } \begin{cases} x + y + z - 4 = 0 \\ 2x + 3y - z - 6 = 0 \end{cases}$$

тўғри чизиқлар орасидаги бурчак топилсин.

Кўрсатма. Берилган тўғри чизиқлардан ҳар бирининг йўналтирувчи векторини, текисликлар нормал векторларининг вектор кўпайтмаси $(\boldsymbol{P} = \boldsymbol{N} \times \boldsymbol{N}_1)$ сифатида аниқлаш мумкин.

500. $\frac{x}{2} = \frac{y}{3} = \frac{z}{1}$ тўғри чизиқнинг. $x = z + 1,\ y = 1 - z$ тўғри чизиққа перпендикуляр экани кўрсатилсин.

501. $(-4;\ 3;\ 0)$ нуқтадан ўтувчи ва $\begin{matrix} x - 2y + z = 4 \\ 2x + y - z = 0 \end{matrix}$ тўғри чизиққа параллел бўлган тўғри чизиқ тенгламалари ёзилсин.

502. $(2;\ -3;\ 4)$ нуқтадан Oz ўққа туширилган перпендикулярнинг тенгламалари ёзилсин.

Кўрсатма. Изланган тўғри чизиқ $(0;\ 0;\ 4)$ нуқтадан ҳам ўтади.

503. $N(2;\ -1;\ 3)$ нуқтадан $\frac{x+1}{3} = \frac{y+2}{4} = \frac{z-1}{5}$ тўғри чизиққача бўлган масофа топилсин.

Кўрсатма. $A(-1;\ -2;\ 1)$ — тўғри чизиқдаги нуқта; $\boldsymbol{P}\{3;\ 4;\ 5\}$ — тўғри чизиқнинг йўналтирувчи вектори. У вақтда

$$d = AN \sin \alpha = \frac{AN \,|\, \boldsymbol{P} \times \overline{AN}\,|}{P \cdot AN} = \frac{|\, \boldsymbol{P} \times \overline{AN}\,|}{P}.$$

504. $\frac{x-2}{1} = \frac{y+1}{2} = \frac{z+3}{2}$ ва $\frac{x-1}{1} = \frac{y-1}{2} = \frac{z+1}{2}$ параллел тўғри чизиқлар орасидаги масофа топилсин.

505. $\frac{x-4}{1}=\frac{y-2}{2}=\frac{z}{-2}$ тўғри чизиқнинг координата текисликларидаги излари топилсин ва тўғри чизиқ ясалсин.

506. $\begin{cases}2x+y+8z-16=0\\x-2y-z+2=0\end{cases}$ тўғри чизиқ тенгламалари:

1) проекциялари бўйича; 2) каноник кўринишда ёзилсин. Тўғри чизиқнинг координаталар текисликларидаги излари топилсин, тўғри чизиқ ва унинг проекциялари ясалсин.

507. $A(0;\ -4;\ 0)$ нуқтадан ўтувчи ва $\boldsymbol{P}\{1;\ 2;\ 3\}$ векторга параллел тўғри чизиқ тенгламалари ёзилсин; тўғри чизиқнинг xOz текислигидаги изи топилсин ва тўғри чизиқ ясалсин.

508. $x=3$, $z=5$ тўғри чизиқ ясалсин ва унинг йўналтирувчи вектори топилсин.

509. $x+y-z=0$, $y=x$ тўғри чизиқнинг йўналтирувчи вектори ва координата ўқлари билан ташкил қилган бурчаклари топилсин (499-масалага берилган кўрсатмага қаранг).

510. $(2;\ -3;\ 4)$ нуқтадан Oy ўққа туширилган перпендикулярнинг тенгламалари ёзилсин.

511. $\begin{cases}2x-y-7=0\\2x-z+5=0\end{cases}$ ва $\begin{cases}3x-2y+8=0\\z=3x\end{cases}$ тўғри чизиқлар орасидаги бурчак топилсин.

512. $(-1;\ 2;\ -2)$ нуқтадан ўтувчи ва $x-y=2$, $y=2z+1$ тўғри чизиққа параллел тўғри чизиқ тенгламалари ёзилсин.

513. $M(3;\ 0;\ 4)$ нуқтадан $y=2x+1$; $z=2x$ тўғри чизиққача бўлган масофа топилсин (503-масалага қаранг).

4-§. Тўғри чизиқ ва текислик

1°. $\frac{x-a}{m}=\frac{y-b}{n}=\frac{z-c}{p}$ тўғри чизиқ билан $Ax+By+Cz+D=0$ текислик орасидаги бурчак:

$$\sin\theta=\frac{|\boldsymbol{N}\cdot\boldsymbol{P}|}{NP}=\frac{|Am+Bn+Cp|}{NP}. \tag{1}$$

Уларнинг параллеллик шарти ($\boldsymbol{N}\parallel\boldsymbol{P}$):

$$Am+Bn+Cp=0. \tag{2}$$

Уларнинг перпендикулярлик шарти ($\boldsymbol{N}\perp\boldsymbol{P}$):

$$\frac{A}{m}=\frac{B}{n}=\frac{C}{p}. \tag{3}$$

2°. Текислик билан тўғри чизиқнинг кесишган нуқтаси. Тўғри чизиқ тенгламаларини $x = mt + a$, $y = nt + b$, $z = pt + c$ параметрик кўринишда ёзиб, текисликнинг $Ax + By + Cz + D = 0$ тенгламасидаги x; y; z ларнинг ўрнига уларнинг t га нисбатан ёзилган қийматларини қўямиз. Ҳосил бўлган тенгламадан t_0 ни, сўнгра кесишган нуқта координаталари x_0, y_0, z_0 ни топамиз.

3°. Икки тўғри чизиқнинг бир текисликда ётиш шарти:

$$\begin{vmatrix} a - a_1 & b - b_1 & c - c_1 \\ m & n & p \\ m_1 & n_1 & p_1 \end{vmatrix} = 0. \qquad (4)$$

514. $y = 3x - 1$, $2z = -3x + 2$ тўғри чизиқ билан $2x + y + z - 4 = 0$ текислик орасидаги бурчак топилсан.

515. $\frac{x+1}{2} = \frac{y+1}{-1} = \frac{z-1}{3}$ тўғри чизиқ $2x + y - z = 0$ текисликка параллел эканлиги, $\frac{x+1}{2} = \frac{y+1}{-1} = \frac{z+3}{3}$ тўғри чизиқ эса шу текислик устида ётиши кўрсатилсин.

516. (—1; 2; —3) нуқтадан ўтувчи ва $x = 2$, $y - z = 1$ тўғри чизиққа перпендикуляр текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

517. $\frac{x-2}{1} = \frac{y-3}{2} = \frac{z+1}{3}$ тўғри чизиқдан ва (3; 4; 0) нуқтадан ўтувчи текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

518. $\frac{x-1}{1} = \frac{y+1}{2} = \frac{z+2}{2}$ тўғри чизиқдан ўтувчи ва $2x + 3y - z = 4$ текисликка перпендикуляр текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

519. $\frac{x-3}{2} = \frac{y}{1} = \frac{z-1}{2}$ ва $\frac{x+1}{2} = \frac{y-1}{1} = \frac{z}{2}$ параллел тўғри чизиқлардан ўтувчи текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

520. Координаталар бошидан ўтувчи ва $4y = 3x$, $y = 0$ ва $z = 0$ текисликлар билан тенг бурчаклар ташкил этувчи тўғри чизиқ тенгламалари ёзилсин ва ўша бурчаклар топилсин.

521. $x = 2t - 1$, $y = t + 2$, $z = 1 - t$ тўғри чизиқнинг $3x - 2y + z = 3$ текислик билан кесишган нуқтаси топилсин.

522. $\frac{x}{2} = \frac{y-1}{1} = \frac{z+1}{2}$ тўғри чизиқнинг $x + 2y + 3z - 29 = 0$ текислик билан кесишган нуқтаси топилсин.

523. (3; 1; —1) нуқтанинг $x + 2y + 3z - 30 = 0$ текисликдаги проекцияси топилсин.

524. (2; 3; 4) нуқтанинг $x = y = z$ тўғри чизиқдаги проекцияси топилсин.

525. Ушбу:

1) $\frac{x-a}{m}=\frac{y-b}{n}=\frac{z-c}{p}$ ва $\frac{x-a_1}{m_1}=\frac{y-b_1}{n_1}=\frac{z-c_1}{p_1}$;

2) $\frac{x+1}{1}=\frac{y}{1}=\frac{z-1}{2}$ ва $\frac{x}{1}=\frac{y+1}{3}=\frac{z-2}{4}$

параллел бўлмаган тўғри чизиқлар орасидаги энг қисқа масофа топилсин.

Кўрсатма. Умумий ҳолда тўғри чизиқларни учрашмайдиган деб фараз қилиб, улар ётган ўзаро параллел текисликларни чизамиз. $A\ (a;\ b;\ c)$ ва $A_1\ (a_1;\ b_1;\ c_1)$ нуқталардан $\overline{AB}=\overline{A_1B_1}=P\ \{m;\ n;\ P\}$ ва $\overline{AC}=\overline{A_1C_1}=P_1\ \{m_1;n_1;p_1\}$ векторларни ўтказамиз. $ABCA_1B_1C_1$ призманинг баландлиги изланган масофа бўлади.

526. $\left.\begin{matrix}x=z-2\\ y=2z+1\end{matrix}\right\}$ ва $\frac{x-2}{3}=\frac{y-4}{1}=\frac{z-2}{1}$

тўғри чизиқларнинг кесишувчи эканлиги кўрсатилсин ва улар ётган текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

527. (2; 1; 0) нуқтадан $x=3z-1$; $y=2z$ тўғри чизиққа туширилган перпендикулярнинг тенгламалари ёзилсин.

528. A (0; 0; 4) ва B (2; 2; 0) нуқталардан ўтувчи тўғри чизиқ ва $x+y-z=0$ текислик ясалсин. Тўғри чизиқнинг текислик билан кесишган нуқтаси ва улар орасидаги бурчак топилсин.

529. $y=z$ текислик, $\left.\begin{matrix}x=-z+1\\ y=2\end{matrix}\right\}$ тўғри чизиқ ясалсин ва: 1) уларнинг кесишган нуқтаси; 2) улар орасидаги бурчак топилсин.

530. (3; 1; —1) нуқтанинг $3x+y+z-20=0$ текисликдаги проекцияси топилсин.

531. (1; 2; 8) нуқтанинг $\frac{x-1}{2}=\frac{y}{-1}=z$ тўғри чизиқдаги проекцияси топилсин.

532. $\frac{x-1}{1}=\frac{y+1}{-2}=\frac{z-2}{3}$ ва $\frac{x}{1}=\frac{y+1}{-2}=\frac{z-1}{3}$ параллел тўғри чизиқлардан ўтувчи текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

533. $\frac{x+3}{1}=\frac{y+1}{2}=\frac{z+1}{1}$ ва $\left.\begin{matrix}x=3z-4\\ y=z+2\end{matrix}\right\}$ тўғри чизиқларнинг кесишувчи эканлиги кўрсатилсин, уларнинг кесишиш нуқтаси топилсин.

534. (1; 0; —1) нуқтадан $\frac{x+1}{1}=\frac{y-1}{2}=\frac{z}{-3}$ тўғри чизиққа туширилган перпендикулярнинг тенгламалари ёзилсин.

535. $x=-2y=z$ ва $x=y=2$ тўғри чизиқлар орасидаги энг қисқа масофа топилсин.

5-§. Сферик ва цилиндрик сиртлар

1°. Маркази $C(a; b; c)$ нуқтада ва радиуси R бўлган сферик сиртнинг тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$(x-a)^2+(y-b)^2+(z-c)^2=R^2. \qquad (1)$$

2°. z иштирок этмаган $F(x; y)=0$ тенглама, *ясовчилари* O_z *ўққа параллел цилиндрик сиртни аниқлайди*. Шунга ўхшаш 1) $F(y; z)=0$ ва 2) $F(x; z)=0$ тенгламаларнинг ҳар бир ясовчилари 1) Ox, 2) Oy ўқларга параллел бўлган цилиндрик сиртларни аниқлайди.

3°. Йўналтирувчиси $F(x; y)=0$, $z=0$, ясовчилари эса $\boldsymbol{P}\{m; n; p\}$ векторга параллел бўлган цилиндрик сирт тенгламаси. Ихтиёрий ясовчининг тенгламаси

$$\frac{x-x_0}{m}=\frac{y-y_0}{n}=\frac{z}{p}$$

дан иборат, бундаги $(x_0; y_0; 0)$—йўналтирувчида ётувчи нуқта. Сўнгги тенгликлардан x_0; y_0 ни топиб, йўналтирувчининг тенгламасига қўйсак, цилиндрик сиртнинг

$$F\left(x-\frac{m}{p}z,\ y-\frac{n}{p}z\right)=0 \qquad (2)$$

тенгламасини ҳосил қиламиз.

536. 1) $x^2+y^2+z^2-3x+5y-4z=0$; 2) $x^2+y^2+z^2=2az$ сфераларнинг маркази ва радиуси топилсин ҳамда иккинчи сферанинг тасвири ясалсин.

537. $3x-2y+6z-18=0$, $x=0$, $y=0$, $z=0$ текисликлардан ҳосил бўлган тетраэдрнинг ичига чизилган сферик сиртнинг тенгламаси ёзилсин.

538. $B(-4; 0; 0)$ нуқтага нисбатан $A(2; 0; 0)$ нуқтага икки марта яқинроқ бўлган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин.

539. $\left.\begin{matrix}x^2+y^2+z^2=a^2\\ x+y+z=a\end{matrix}\right\}$ айланадан ва $(a; a; a)$ нуқтадан ўтувчи сферик сиртнинг тенгламаси ёзилсин.

Кўрсатма. Изланган тенглама

$$x^2+y^2+z^2-a^2+\lambda(x+y+z-a)=0$$

кўринишда бўлиши керак.

540. Координаталарнинг чап системасида

1) $y^2+z^2=4$; 2) $y^2=ax$; 3) $xz=4$; 4) $x^2+y^2=ax$

сиртлар ясалсин.

541. $x=a$, $y=0$ тўғри чизиқдан ва yOz текисликдан тенг узоқлашган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин. Топилган сирт ясалсин.

542. $x^2+y^2+z^2-2ax=0$ сфера ташқарисида чизилган, ясовчилари мос равишда: 1) Ox ўққа; 2) Oy ўққа; 3) Oz ўққа параллел учта цилиндрик сиртнинг тенгламалари ёзилсин.

543. $\left.\begin{matrix} x^2+y^2+z^2=16 \\ x^2+y^2=4x \end{matrix}\right\}$

Вивиани эгри чизиғининг $x=0$; 2 ва 4 бўлгандаги нуқталарини ясаб, координаталар чап системасининг биринчи октантида унинг шакли чизилсин. Эгри чизиқнинг xOz текисликдаги проекцияси парабола экани кўрсатилсин.

544. $\left.\begin{matrix} x^2+y^2+z^2=10y \\ x+2y+2z-19=0 \end{matrix}\right\}$

айлананинг маркази ва радиуси топилсин.

Кўрсатма. Айлананинг маркази шар марказининг текисликдаги проекциясидир (530- масалага қаранг.)

545. Йўналтирувчиси $y^2=4x$, $z=0$ чизиқдан иборат ва ясовчиси $\boldsymbol{P}\{1; 2; 3\}$ векторга параллел бўлган цилиндрик сиртнинг тенгламаси ёзилсин.

546. Биринчи октантда $(x+y)^2+az=a^2$ сирт, $x=0$, $y=0$, $z=0$, $z=h\leqslant a$ текисликлар билан ҳосил қилган кесимлари бўйича ясалсин ҳамда у, ясовчилари $x+y=a$, $z=0$ тўғри чизиққа параллел бўлган цилиндрик сирт эканлиги кўрсатилсин.

547. $x^2+y^2+z^2=4z$ шар $x=0$, $y=z$ тўғри чизиққа параллел нурлар билан ёритилган. Шарнинг xOy текисликдаги соясининг шакли аниқлансин.

Кўрсатма. Шар сиртига уринма бўлган нурлардан тузилган цилиндрик сирт тенгламасини ёзиш керак. Унинг йўналтирувчиси деб, шар марказидан ўтувчи ва нурларга перпендикуляр текислик билан шар сиртининг кесишишидан ҳосил бўлган чизиқ қабул қилинсин.

---

548. $x^2+y^2+z^2-2x+y-3z=0$ сиртнинг маркази C дан ўтувчи ва OC тўғри чизиққа перпендикуляр текисликнинг тенгламаси ёзилсин.

549. (0; —3; 0) нуқтага нисбатан координаталар бошидан икки баравар узоқроқ бўлган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин.

550. $x^2+y^2+z^2=4(x-2y-2z)$ шар сиртини унинг марказдан ўтувчи ва $x=0$, $y+z=0$ тўғри чизиққа перпендикуляр текислик билан кесишдан ҳосил бўлган кесимининг $z=0$ текисликдаги проекцияси топилсин.

Кўрсатма. Шар сиртининг тенгламасини $(x-2)^2+(y+4)^2+(z+4)^2=36$ (1) кўринишда ёзиш мумкин. Шар маркази $C(2; -4; -4)$ нуқтадан ўтувчи ва $x=0$, $y+z=0$ тўғри чизиққа перпендикуляр текислик тенгламаси $y=z$ (2) дан иборат. У ҳолда изланган тенгламани топиш учун (1) ва (2) дан z ни йўқотиш керак.

551. Координаталарнинг чап системасида

$$1)\ z=4-x^2;\ 2)\ y^2+z^2=4z;\ 3)\ y^2=x^2$$

сиртлар ясалсин.

552. Координаталар чап системасининг биринчи октантида $x^2+z^2=a^2$ ва $x^2+y^2=a^2$ цилиндрларнинг кесишган эгри чизиғи ясалсин.

Кўрсатма. xOz ва *xOy* текисликларда йўналтирувчи айлананинг чоракларини ясаб, уларни тенг бўлакларга (масалан, 4 га) бўлиб, бўлиниш нуқталаридан ўзаро кесишгунча цилиндрларнинг ясовчилари ўтказилсин (64- чизмага қаранг).

553. Йўналтирувчиси $x^2+y^2=4x$, $z=0$ чизиқдан иборат бўлган ва ясовчиси $\boldsymbol{P}\{1; 1; 1\}$ векторга параллел бўлган цилиндрик сиртнинг тенгламаси ёзилсин.

554. $y^2=x$, $z=0$, $z=4$, $x=4$ сиртлар билан чегараланган жисм ясалсин ва унинг $x=4$ текисликда ётувчи ёғи диагоналларининг тенгламалари ёзилсин.

6- §. Конус сиртлар ва айланиш сиртлари

1°. Конус сиртлар. *Конус сиртнинг* учи координаталар бошида бўлсин ва $z=h$ текисликда ётувчи $F(x, y)=0$ *йўналтирувчига* эга бўлсин. *Ясовчисининг тенгламалари* $\frac{x}{x_0}=\frac{y}{y_0}=\frac{z}{h}$ бўлади, бундаги $(x_0; y_0; h)$—йўналтирувчининг нуқтасидир. Бундан x_0, y_0 ни топиб $F(x; y)=0$ тенгламага қўйсак, *учи координаталар бошида бўлган конус сирт тенгламасига* эга бўламиз.

$$F\left(\frac{xh}{z}, \frac{yh}{z}\right)=0: \qquad (1)$$

Агар конуснинг учи $(a;\ b;\ c)$ нуқтада бўлса, тенглама

$$F\left[\frac{(x-a)\ (h-c)}{z-c}+a,\ \frac{(y-b)\ (h-c)}{z-c}+b\right]=0 \qquad (2)$$

кўринишга эга бўлади.

(1) *тенглама* $x,\ y,\ z$ га нисбатан *бир жинсли*, (2) *тенглама* эса $(x-a),\ (y-b)$ ва $(z-c)$ *га нисбатан бир жинслидир*. Тенгламанинг *бир жинсли* эканидан унинг *конус сирт* тенгламаси эканини билиш мумкин.

2°. Айланиш сиртлари:

Эгри чизиқ тенгламалари	Айланиш ўқи	Айланиш сирти тенгламаси
$\begin{cases} F\ (x,\ y)=0 \\ z=0 \end{cases}$	Ox	$F\ (x,\ \sqrt{y^2+z^2})=0$
	Oy	$F\ (\sqrt{x^2+z^2},\ y)=0$

Эгри чизиқ тенгламалари	Айланиш ўқи	Айланиш сирти тенгламаси
$\begin{cases} F(x,\ z)=0 \\ y=0 \end{cases}$	Ox	$F\ (x,\ \sqrt{y^2+z^2})=0$
	Oz	$F\ (\sqrt{x^2+y^2},\ z)=0$
$\begin{cases} F\ (y,\ z)=0 \\ x=0 \end{cases}$	Oy	$F\ (y,\ \sqrt{x^2+z^2})=0$
	Oz	$F\ (\sqrt{x^2+y^2},\ z)=0$

555. Учи координаталар бошида ва йўналтирувчиси $x^2+y^2=a^2,\ z=c$ дан иборат конус сирт тенгламаси ёзилсин. Сиртнинг тасвири ясалсин.

556. Учи $A(0;\ -a;\ 0)$ нуқтада ва йўналтирувчиси $x^2=2py,\ z=h$ бўлган конус сиртнинг тенгламаси ёзилсин. Сиртнинг тасвири ясалсин.

557. $x^2+(y-a)^2-z^2=0$ конуснинг учи, унинг $z=a$ текисликдаги йўналтирувчиси аниқлансин ҳамда конус ясалсин.

558. $x^2=2yz$ конуснинг учи ва унинг $z=h$ текисликдаги йўналтирувчиси аниқлансин ҳамда конус ясалсин.

559. $(a^2-x^2)\ y^2=h^2z^2$ *коноид** ёки *понанинг* сирти уни $z=0,\ y=h,\ x=\pm c\ (c\leqslant a)$ текисликлар билан кесишдан

* Тўғри чизиқнинг берилган эгри ва тўғри чизиқлар билан кесишиб, берилган текисликка параллел ҳаракат қилишидан ҳосил бўлган сирт *коноид* дейилади.

ҳосил бўлган кесимлар бўйича текширилсин ва коноид $z \geqslant 0$ соҳада ясалсин.

560. $z = x^2$, $y = 0$ эгри чизиқнинг: а) Oz ўқ атрофида; б) Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сиртнинг тенгламаси ёзилсин. Иккала сирт ясалсин.

561. Oz ўқ атрофида: 1) $z = e^{-x^2}$, $y = 0$ эгри чизиқнинг; 2) $z = \frac{4}{x^2}$, $y = 0$ эгри чизиқнинг айланишидан ҳосил бўлган сиртнинг тенгламаси ёзилсин. Иккала сирт (координаталарнинг чап системасида) ясалсин.

562. Учи $O(0;\ 0;\ 0)$ нуқтада ва йўналтирувчиси $\begin{cases} x^2 + (y-6)^2 + z^2 = 25 \\ y = 3 \end{cases}$ бўлган конус сиртнинг тенгламаси ёзилсин ҳамда сирт ясалсин.

563. Учи $C(0;\ -a;\ 0)$ нуқтада, йўналтирувчиси $\begin{cases} x^2 + y^2 + z^2 = a^2 \\ y + z = a \end{cases}$ бўлган конус сиртнинг тенгламаси ёзилсин ва сирт ясалсин.

Кўрсатма. Ясовчининг тенгламалари $\frac{x}{x_0} = \frac{y+a}{y_0+a} = \frac{z}{z_0}$ дан ибарат. $(x_0;\ y_0;\ z_0)$ йўналтирувчида ҳам ётади, уларни ёзилган тенгламалардан топиб, йўналтирувчининг тенгламаларига қўйсак, изланган тенглама ҳосил бўлади.

564. $x = 0$, $z = y$ тўғри чизиқнинг: а) Oy ўқ атрофида; б) Oz ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган айланма сиртнинг тенгламаси ёзилсин ва иккала сирт ясалсин.

565. $z^2 = xy$ конуснинг $x + y = 2a$ текислик билан кесими эллипс эканлиги кўрсатилсин ва унинг ярим ўқлари топилсин.

7- §. Эллипсоид, гиперболоидлар ва параболоидлар

1°. Каноник тенгламалар. Цилиндрик сиртлардан бошқа қуйидаги каноник (энг содда) тенгламалар билан аниқланувчи олтита асосий иккинчи тартибли сиртлар бор:

I. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1$ — *эллипсоид.*

II. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 1$ — *бир ковакли гиперболоид.*

$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = -1$ — *икки ковакли гиперболоид.*

III. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 0$ — *иккинчи тартибли конус.*

IV. $\left.\begin{array}{l}\dfrac{x^2}{p}+\dfrac{y^2}{q}=2z\text{ — эллиптик параболоид,}\\ \dfrac{x^2}{p}-\dfrac{y^2}{q}=2z\text{ — гиперболик параболоид.}\end{array}\right\}$ ($pq>0$ бўлганда)

2°. Тўғри чизиқли ясовчилар. *Бир кавакли гиперболоиднинг* ҳар бир нуқтасидан унинг *иккита тўғри чизиқли ясовчиси:*

$$\left.\begin{array}{l}\alpha\left(\dfrac{x}{a}+\dfrac{z}{c}\right)=\beta\left(1+\dfrac{y}{b}\right)\\ \beta\left(\dfrac{x}{a}-\dfrac{z}{c}\right)=\alpha\left(1-\dfrac{y}{b}\right)\end{array}\right\}\quad\text{ва}\quad\left.\begin{array}{l}\gamma\left(\dfrac{x}{a}+\dfrac{z}{c}\right)=\delta\left(1-\dfrac{y}{b}\right)\\ \delta\left(\dfrac{x}{a}-\dfrac{z}{c}\right)=\gamma\left(1+\dfrac{y}{b}\right)\end{array}\right\}$$

ўтади.

Гиперболик параболоиднинг ҳар бир нуқтасидан *ҳам унинг иккита тўғри чизиқли ясовчиси* ($p>0$ ва $q>0$ бўлганда) ўтади:

$$\left.\begin{array}{l}\alpha\left(\dfrac{x}{\sqrt{p}}+\dfrac{y}{\sqrt{q}}\right)=2\beta\\ \beta\left(\dfrac{x}{\sqrt{p}}-\dfrac{y}{\sqrt{q}}\right)=\alpha z\end{array}\right\}\quad\text{ва}\quad\left.\begin{array}{l}\gamma\left(\dfrac{x}{\sqrt{p}}+\dfrac{y}{\sqrt{q}}\right)=\delta z\\ \delta\left(\dfrac{x}{\sqrt{p}}-\dfrac{y}{\sqrt{q}}\right)=2\gamma\end{array}\right\}$$

3°. Доиравий кесимлар. *Эллиптик* кесимга эга бўлган ҳар бир сиртда *доиравий* кесимлар ҳам бўлади. $\dfrac{x^2}{a^2}+\dfrac{y^2}{b^2}+\dfrac{z^2}{c^2}=1$ эллипсоиднинг ($a>b>c$ бўлганда) энг катта доиравий кесими $x^2+y^2+z^2=b^2$ сферада ётади. $\dfrac{x^2}{p}+\dfrac{y^2}{q}=2z$ эллиптик параболоиднинг учидан ўтувчи доиравий кесими $x^2+y^2+z^2=2pz$ сферада ётади ($p>q$ бўлганда).

566. $\dfrac{x^2}{a^2}+\dfrac{y^2}{c^2}=1$, $y=0$ эллипснинг Oz ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сиртнинг тенгламаси ёзилсин.

567. $\dfrac{x^2}{9}+\dfrac{y^2}{4}+\dfrac{z^2}{25}=1$ сирт ясалсин ва унинг: 1) $z=3$; 2) $y=1$ текисликлар билан кесимларининг юзлари топилсин.

568. $\dfrac{x^2}{a^2}-\dfrac{z^2}{c^2}=1$, $y=0$ эгри чизиқнинг: а) Oz ўқ; б) Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт тенгламаси ёзилсин. Иккала сирт (координаталарнинг чап системасида) ясалсин.

569. 1) $x^2+y^2-z^2=4$; 2) $x^2-y^2+z^2+4=0$ сиртлар ясалсин.

570. $\dfrac{x^2}{16}+\dfrac{y^2}{4}-\dfrac{z^2}{36}=1$ гиперболоид ясалсин ва унинг (4; 1; —3) нуқтадан ўтувчи ясовчилари топилсин.



22- чизма.

571. Ипдан ясалган цилиндр модели, устки доирасини (22-чизма) α° бурчакка буриб «ўралган». Агар ҳосил бўлган «чизиқли» сирт асосларининг доиралари $z=\pm c$ текисликларда, марказлари эса Oz ўқда ётса ва радиуслари $2a$ га тенг бўлса, ўша сирт тенгламаси ёзилсин. $\alpha=90°$, $120°$, $180°$ бўлгандаги хусусий ҳоллар қаралсин.

Кўрсатма. $P(x; y; z)$ нуқта $A(2a\cos t; 2a\sin t; -c)$ ва $B[2a\cos(t+\alpha); 2a\sin(t+\alpha); c]$ нуқталар орасидаги масофани AP: $PB=-c+z):(c-z)$ нисбатда бўлади.

572. $az=x^2$, $y=0$ параболанинг (Oz) ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт тенгламаси ёзилсин. $z=a$, $x=0$, $y=0$ текисликлар билан ҳосил қилган кесимлари бўйича сирт ясалсин.

573. 1) $2z=x^2+\frac{y^2}{2}$;

2) $z=c\left(1-\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}\right)$ сиртлар ясалсин.

574. $x^2-y^2=4z$ сирт (координаталарнинг чап системасида) ясалсин ва унинг (3; 1; 2) нуқтадан ўтувчи ясовчилари топилсин.

575. Ҳар биридан $x=2a$ текисликкача бўлган масофанинг $F(a; 0; 0)$ нуқтагача бўлган масофага нисбати $\sqrt{2}$ га тенг бўлган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин. Сирт ясалсин.

576. Ҳар биридан $F(0; 0; 2a)$ нуқтагача бўлган масофанинг $z=a$ текисликкача бўлган масофага нисбати $\sqrt{2}$ га тенг бўлган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин. Сирт ясалсин.

577. $F(-a; 0; 0)$ нуқтадан ва $x=a$ текисликдан тенг узоқлашган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин.

578. $\frac{x^2}{169}+\frac{y^2}{25}+\frac{z^2}{9}=1$ эллипсоиднинг энг катта доиравий кесими топилсин.

579. $\frac{x^2}{25}+\frac{y^2}{9}=z$ эллиптик параболоиднинг координаталар бошидан ўтувчи доиравий кесимлари аниқлансин.

---

580. Ушбу

1) $x^2+y^2+z^2=2az$;
2) $x^2+y^2=2az$;
3) $x^2+z^2=2az$;
4) $x^2-y^2=2az$;
5) $x^2-y^2=z^2$;
6) $x^2=2az$;
7) $x^2=2yz$;
8) $z=2+x^2+y^2$;
9) $(z-a)^2=xy$;
10) $(z-2x)^2+4(z-2x)=y^2$

сиртлардан ҳар бирининг номи аниқлансин ва улар ясалсин.

581. $x^2-y^2+z^2=4$ гиперболоиднинг (2; 4; 4) нуқтадан ўтувчи чизиқли ясовчиларининг тенгламалари ёзилсин.

582. $z=-\frac{a}{2}$ текисликдан ва $F\left(0;\ 0;\ \frac{a}{2}\right)$ нуқтадан тенг узоқлашган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин. Сирт ясалсин.

583. $z=\frac{3a}{2}$ текисликдан ва $F\left(0;\ 0;\ \frac{a}{2}\right)$ нуқтадан тенг узоқлашган нуқталар геометрик ўрнининг тенгламаси ёзилсин. Сирт ясалсин.

584. $\frac{x^2}{25}+\frac{y^2}{9}-\frac{3z^2}{25}=1$ гиперболоиднинг энг кичик доиравий кесимлари топилсин.

585. $\frac{x^2}{16}-\frac{y^2}{9}=2z$ гиперболик параболоиднинг (4; 3; 0) нуқтадан ўтувчи тўғри чизиқлар ясовчиларининг тенгламалари ёзилсин.

IV БОБ

ОЛИЙ АЛГЕБРА

1- §. Детерминантлар

1°. Детерминантлар. *2-тартибли детерминант* деб $\begin{vmatrix} a_1 & b_1 \\ a_2 & b_2 \end{vmatrix}$ символ билан белгиланувчи ва

$$\begin{vmatrix} a_1 & b_1 \\ a_2 & b_2 \end{vmatrix} = a_1 b_2 - a_2 b_1 \qquad (1)$$

тенглик билан аниқланувчи сонга айтилади.

3-тартибли детерминант деб, $\begin{vmatrix} a_1 & b_1 & c_1 \\ a_2 & b_2 & c_2 \\ a_3 & b_3 & c_3 \end{vmatrix}$ символ билан белгиланувчи ва

$$\begin{vmatrix} a_1 & b_1 & c_1 \\ a_2 & b_2 & c_2 \\ a_3 & b_3 & c_3 \end{vmatrix} = a_1 \begin{vmatrix} b_2 & c_2 \\ b_3 & c_3 \end{vmatrix} - b_1 \begin{vmatrix} a_2 & c_2 \\ a_3 & c_3 \end{vmatrix} + c_1 \begin{vmatrix} a_2 & b_2 \\ a_3 & b_3 \end{vmatrix} \qquad (2)$$

тенглик билан аниқланувчи сонга айтилади.

(2) тенгликнинг ўнг томонидаги 2-тартибли детерминантларнинг ҳар бири берилган учинчи тартибли детерминантнинг битта сатри ва битта устунини ўчиришдан ҳосил бўлади ва улар ўша детерминантнинг *минорлари* деб аталади. (2) формула эса 3-тартибли детерминантни биринчи сатри элементлари бўйича ёйиш формуласи дейилади.

2°. Детерминантларнинг хоссалари.

I. Детерминантнинг сатрларини устунлари билан алмаштиришдан унинг қиймати ўзгармайди.

II. Детерминантнинг иккита параллел қаторларини ўзаро алмаштирганда детерминант қийматининг ишораси ўзгаради.

I ва II хоссалардан равшанки, детерминантнинг исталган қаторини биринчи сатр ўрнига келтириш мумкин, шуънинг учун уни исталган қатор элементлари бўйича ёйиш мумкин.

III. Иккита параллел қатори бир хил бўлган детерминант нолга тенг.

IV. Бир қатор элементларининг умумий кўпайтувчисини детерминант белгисидан ташқарига чиқариш мумкин.

V. Детерминантнинг бирор қаторининг элементларига унга параллел қатор элементларини ихтиёрий бир хил сонга кўпайтириб қўшишдан детерминант қиймати ўзгармайди. Масалан:

$$\begin{vmatrix} a_1 & b_1 & c_1 \\ a_2 & b_2 & c_2 \\ a_3 & b_3 & c_3 \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} a_1 + mc_1 & b_1 + nc_1 & c_1 \\ a_2 + mc_2 & b_2 + nc_2 & c_2 \\ a_3 + mc_3 & b_3 + nc_3 & c_3 \end{vmatrix}.$$

Бу хоссага асосланиб, 3-тартибли детерминантнинг исталган қаторида иккита ноль ҳосил қилиш мумкин, бунинг натижасида детерминантнинг ўша қатор элементлари бўйича ёйилмаси соддалашади.

3°. Учлари $A(x_1; y_1)$, $B(x_2; y_2)$, $C(x_3; y_3)$ нуқталарда бўлган учбурчак юзи:

$$S = \pm \frac{1}{2} \begin{vmatrix} x_1 & y_1 & 1 \\ x_2 & y_2 & 1 \\ x_3 & y_3 & 1 \end{vmatrix}. \qquad (3)$$

Қуйидаги детерминантлар ҳисоблансин:

586. $\begin{vmatrix} 3 & -2 \\ 4 & 6 \end{vmatrix}$. 587. $\begin{vmatrix} 2 & 3 \\ 6 & -10 \end{vmatrix}$. 588. $\begin{vmatrix} 3 & -2 \\ -4 & 5 \end{vmatrix}$.

589. $\begin{vmatrix} \sqrt{a} & -1 \\ a & \sqrt{a} \end{vmatrix}$. 590. $\begin{vmatrix} \sin\alpha & \cos\alpha \\ -\cos\alpha & \sin\alpha \end{vmatrix}$.

591. $\begin{vmatrix} \sin^2\alpha & \cos^2\alpha \\ \sin^2\beta & \cos^2\beta \end{vmatrix}$.

Қуйидаги детерминантлар биринчи устун элементлари бўйича ёйиб ҳисоблансин:

592. $\begin{vmatrix} 2 & 3 & 4 \\ 5 & -2 & 1 \\ 1 & 2 & 3 \end{vmatrix}$. 593. $\begin{vmatrix} a & 1 & a \\ -1 & a & 1 \\ a & -1 & a \end{vmatrix}$.

Қуйидаги детерминантлар ноллар энг кўп бўлган қатор элементлари бўйича ёйиб ҳисоблансин:

594. $\begin{vmatrix} 1 & b & 1 \\ 0 & b & 0 \\ b & 0 & -b \end{vmatrix}$. 595. $\begin{vmatrix} -x & 1 & x \\ 0 & -x & -1 \\ x & 1 & -x \end{vmatrix}$.

Қуйидаги детерминантлар соддалаштирилсин ва ҳисоблансин:

596. $\begin{vmatrix} a & -a & a \\ a & a & -a \\ a & -a & -a \end{vmatrix}$. 597. $\begin{vmatrix} 1 & 2 & 5 \\ 3 & -4 & 7 \\ -3 & 12 & -15 \end{vmatrix}$.

598. $\begin{vmatrix} 12 & 6 & -4 \\ 6 & 4 & 4 \\ 3 & 2 & 8 \end{vmatrix}$. 599. $\begin{vmatrix} x^2 & x & 1 \\ y^2 & y & 1 \\ z^2 & z & 1 \end{vmatrix}$.

600. $\begin{vmatrix} 1+\cos\alpha & 1+\sin\alpha & 1 \\ 1-\sin\alpha & 1+\cos\alpha & 1 \\ 1 & 1 & 1 \end{vmatrix}$. 601. $\begin{vmatrix} 2\cos^2\frac{\alpha}{2} & \sin\alpha & 1 \\ 2\cos^2\frac{\beta}{2} & \sin\beta & 1 \\ 1 & 0 & 1 \end{vmatrix}$.

602. Учлари $A(2; 3)$, $B(4; -1)$ ва $C(6; 5)$ нуқталарда бўлган учбурчакнинг юзи ҳисоблансин.

603. $A(1; 3)$, $B(2; 4)$ ва $C(3; 5)$ нуқталар бир тўғри чизиқда ётадими?

604. 1) $(x_1; y_1)$ ва $(x_2; y_2)$; 2) $(2; 3)$ ва $(-1; 5)$ нуқталардан ўтувчи тўғри чизиқ тенгламаси 3-тартибли детерминант ёрдами билан ёзилсин.

Қуйидаги детерминантлар соддалаштирилсин ва ҳисоблансин:

605. $\begin{vmatrix} 2 & -3 & 1 \\ 6 & -6 & 2 \\ 2 & -1 & 2 \end{vmatrix}$. 606. $\begin{vmatrix} m+a & m-a & a \\ n+a & 2n-a & a \\ a & -a & a \end{vmatrix}$.

607. $\begin{vmatrix} ax & a^2+x^2 & 1 \\ ay & a^2+y^2 & 1 \\ az & a^2+z^2 & 1 \end{vmatrix}$. 608. $\begin{vmatrix} \sin 3\alpha & \cos 3\alpha & 1 \\ \sin 2\alpha & \cos 2\alpha & 1 \\ \sin\alpha & \cos\alpha & 1 \end{vmatrix}$.

Кўрсатма. 607-мисолда олдин a ни детерминант белгисидан ташқарига чиқариб, сўнгра биринчи ва иккинчи сатрдан учинчи сатрни айириш ($x-z$) ва ($y-z$) ни детерминант белгиси ташқарисига чиқариш керак.

609.

$$\begin{vmatrix} \frac{x_1+x_2}{2} & \frac{y_1+y_2}{2} & 1 \\ \frac{x_1-x_2}{2} & \frac{y_1-y_2}{2} & 1 \\ x_1 & y_1 & 1 \end{vmatrix} = \frac{1}{2}\begin{vmatrix} x_1 & y_1 \\ x_2 & y_2 \end{vmatrix}$$

тенглик исботлансин.

610. Ушбу

$$1)\begin{vmatrix} x^2 & 4 & 9 \\ x & 2 & 3 \\ 1 & 1 & 1 \end{vmatrix} = 0; \quad 2)\begin{vmatrix} x^2 & 3 & 2 \\ x & -1 & 1 \\ 0 & 1 & 4 \end{vmatrix} = 0$$

тенгламалардан x топилсин ва илдизларни детерминантга қўйиб текширилсин.

2-§. Чизиқли тенгламаларнинг системалари

1°. Икки номаълумли иккита чизиқли тенглама системаси

$$\left.\begin{aligned} a_1x + b_1y &= c_1, \\ a_2x + b_2y &= c_2. \end{aligned}\right\} \tag{1}$$

$\Delta = \begin{vmatrix} a_1 & b_1 \\ a_2 & b_2 \end{vmatrix} \neq 0$ шарт бажарилганда

$$x = \frac{\begin{vmatrix} c_1 & b_1 \\ c_2 & b_2 \end{vmatrix}}{\begin{vmatrix} a_1 & b_1 \\ a_2 & b_2 \end{vmatrix}}, \quad y = \frac{\begin{vmatrix} a_1 & c_1 \\ a_2 & c_2 \end{vmatrix}}{\begin{vmatrix} a_1 & b_1 \\ a_2 & b_2 \end{vmatrix}} \tag{2}$$

ечимларга эга.

2°. Бир жинсли уч номаълумли иккита тенглама системаси

$$\left.\begin{aligned} a_1x + b_1y + c_1z &= 0, \\ a_2x + b_2y + c_2z &= 0, \end{aligned}\right\} \tag{3}$$

ушбу

$$x = k\begin{vmatrix} b_1 & c_1 \\ b_2 & c_2 \end{vmatrix}, \quad y = -k\begin{vmatrix} a_1 & c_1 \\ a_2 & c_2 \end{vmatrix}, \quad z = k\begin{vmatrix} a_1 & b_1 \\ a_2 & b_2 \end{vmatrix} \tag{4}$$

формулалар билан аниқланувчи ечимларга эга, бундаги k — ихтиёрий сон.

3°. Бир жинсли уч номаълумли учта тенглама системаси

$$\left.\begin{aligned} a_1x + b_1y + c_1z &= 0, \\ a_2x + b_2y + c_2z &= 0, \\ a_3x + b_3y + c_3z &= 0, \end{aligned}\right\} \tag{5}$$

унинг детерминанти $\Delta = \begin{vmatrix} a_1 & b_1 & c_1 \\ a_2 & b_2 & c_2 \\ a_3 & b_3 & c_3 \end{vmatrix} = 0$ бўлса, нолга тенг бўлмаган ечимларига эга бўлади ва аксинча.

4°. Икки номалумли учта чизиқли тенглама системаси

$$\left.\begin{aligned} a_1x + b_1y &= c_1,\\ a_2x + b_2y &= c_2,\\ a_3x + b_3y &= c_3. \end{aligned}\right\} \tag{6}$$

$\Delta = \begin{vmatrix} a_1 & b_1 & c_1\\ a_2 & b_2 & c_2\\ a_3 & b_3 & c_3 \end{vmatrix} = 0$ бўлганда ва унинг ҳеч қайси иккита тенгламаси ўзаро зид бўлмаса, биргаликда бўлади.

5°. Уч номаълумли учта чизиқли тенглама системаси

$$\left.\begin{aligned} a_1x + b_1y + c_1z &= d_1,\\ a_2x + b_2y + c_2z &= d_2,\\ a_3x + b_3y + c_3z &= d_3, \end{aligned}\right\} \tag{7}$$

унинг детерминанти

$$\Delta = \begin{vmatrix} a_1 & b_1 & c_1\\ a_2 & b_2 & c_2\\ a_3 & b_3 & c_3 \end{vmatrix} \neq 0$$

нолдан фарқли бўлганда бирдан-бир

$$x = \frac{\Delta x}{\Delta},\ y = \frac{\Delta y}{\Delta},\ z = \frac{\Delta z}{\Delta} \tag{8}$$

ечимга эга бўлади, бунда

$$\Delta x = \begin{vmatrix} d_1 & b_1 & c_1\\ d_2 & b_2 & c_2\\ d_3 & b_3 & c_3 \end{vmatrix},\ \Delta y = \begin{vmatrix} a_1 & d_1 & c_1\\ a_2 & d_2 & c_2\\ a_3 & d_3 & c_3 \end{vmatrix},\ \Delta z = \begin{vmatrix} a_1 & b_1 & d_1\\ a_2 & b_2 & d_2\\ a_3 & b_3 & d_3 \end{vmatrix}.$$

6°. Биргаликда бўлмаган ва аниқмас тенгламалар системаси. (7) тенгламаларнинг чап томонларини X_1, X_2, X_3 лар билан белгилайлик, системанинг детерминанти $\Delta = 0$ бўлсин. У ҳолда қуйидаги икки ҳол бўлиши мумкин:

1. Δ детерминантнинг қандайдир иккита сатрининг элементлари бирбирига *пропорционал*, масалан $\frac{a_2}{a_1} = \frac{b_2}{b_1} = \frac{c_2}{c_1} = m$. У ҳолда $X_2 = mX_1$ ва

1) агар $d_2 \neq md_1$ бўлса, *система биргаликда эмас* (биринчи икки тенглама *бир-бирига зид*);

2) агар $d_2 = md_1$ бўлса, *система аниқмас* (агар биринчи ва учинчи тенгламалар бир-бирига зид бўлмаса).

II. Δ детерминантда пропорционал элементларга эга бўлган сатрлар йўқ. У ҳолда нолга тенг бўлмаган шундай m ва n сонлар мавжудки, $mX_1 + nX_2 = X_3$ ва

1) агар $md_1 + nd_2 \neq d_3$ бўлса, *система биргаликда* эмас;

2) агар $md_1 + nd_2 = d_3$ бўлса, *система аниқмас*.

m ва n сонларни мулоҳазалар ёрдами билан ёки $a_1m + a_2n = a_3$, $b_1m + b_2n = b_3$, $c_1m + c_2n = c_3$ тенгламалардан топиш мумкин.

Детерминантлар ёрдами билан қуйидаги тенгламалар системалари ечилсин:

611. $\begin{cases} 3x+2y=7 \\ 4x-5y=40. \end{cases}$ 612. $\begin{cases} ax-3y=1 \\ ax-2y=2. \end{cases}$

613. $\begin{cases} 5x+2y=4. \\ 7x+4y=8. \end{cases}$ 614. $\begin{cases} mx-ny=(m-n)^2 \\ 2x-y=n \ (m \neq 2n \end{cases}$

бўлганда)

Қуйидаги тенгламалар системалари ечилсин:

615. $\begin{cases} 2x-3y+z-2=0 \\ x+5y-4z+5=0 \\ 4x+y-3z+4=0. \end{cases}$ 616. $\begin{cases} 2x-4y+3z=1 \\ x-2y+4z=3 \\ 3x-y+5z=2. \end{cases}$

617. $\begin{cases} 2x-5y+2z=0 \\ x+4y-3z=0. \end{cases}$ 618. $\begin{cases} 3x+2y-z=0 \\ 2x-y+3z=0 \\ x+3y-4z=0. \end{cases}$

619. $\begin{cases} 3x+2y-z=0. \\ 2x-y+3z=0 \\ x+y-z=0. \end{cases}$ 620. $\begin{cases} x+2y+3z=4 \\ 2x+4y+6z=3 \\ 3x+y-z=1. \end{cases}$

621. $\begin{cases} x+2y+3z=4 \\ 2x+y-z=3 \\ 3x+3y+2z=7. \end{cases}$ 622. $\begin{cases} x+2y+3z=4 \\ 2x+y-z=3 \\ 3x+3y+2z=10. \end{cases}$

623. 1) $\begin{cases} 2x-3y=6 \\ 3x+y=9 \\ x+4y=3 \end{cases}$ ва 2) $\begin{cases} 2x-3y=6 \\ x+2y=4 \\ x-5y=5 \end{cases}$

тўғри чизиқлар бир нуқтада кесишадими? Иккала ҳолда ҳам чизиқлар ясалсин.

Қуйидаги чизиқли тенгламалар системалари ечилсин:

624. $\begin{cases} 2x-y+z=2 \\ 3x+2y=2z=-2 \\ x-2y+z=1. \end{cases}$ 625. $\begin{cases} x+2y+3z=5 \\ 2x-y-z=1 \\ x+3y+4z=6. \end{cases}$

626. $\begin{cases} 3x+2y+2z=0 \\ 5x+2y+3z=0. \end{cases}$ 627. $\begin{cases} 3x-y+2z=0 \\ 2x+3y-5z=0 \\ x+y+z=0. \end{cases}$

628. $\begin{cases} 2x-y+3z=0 \\ x+2y-5z=0 \\ 3x+y-2z=0. \end{cases}$ **629.** $\begin{cases} x-2y+z=4 \\ 2x+3y-z=3 \\ 4x-y+z=11. \end{cases}$

3-§. Комплекс сонлар

1°. Таърифлар. x ва y ҳақиқий сонлар, i эса қандайдир бир символ бўлса, $x+yi$ ифода *комплекс* сон дейилади, бунда қуйидаги шартлар қабул қилинган деб ҳисобланади.

1) $x+0i=x$; $0+yi=yi$ ва $1i=i$; $-1i=-i$,

2) фақат $x=x_1$, $y=y_1$ бўлгандагина, $x+yi=x_1+y_1i$ бўлади,

3) $(x+yi)+(x_1+y_1i)=(x+x_1)+(y+y_1)i$,

4) $(x+yi)(x_1+y_1i)=(xx_1-yy_1)+(xy_1+x_1y_1)i$.

1) ва 4) шартлардан i нинг даражалари ҳосил бўлади:

$$i^2=-1,\ i^3=-i;\ i^4=1,\ i^5=i \text{ ва ҳоказо.} \tag{1}$$

$x+yi$ комплекс сонда $x=0$, $y\neq 0$ бўлса, у *мавҳум сон* дейилади. i сон мавҳум бирлик дейилади.

2°. Комплекс сонлар устида бажариладиган амаллар. Комплекс сонларни қўшиш, айириш, кўпайтириш ва даражага кўтариш амаллари, шу амалларни кўпҳадлилар устида бажариш қоидалари асосида бажарилади, бунда i соннинг даражаларини (1) формулалар бўйича алмаштириш зарур.

Комплекс сонларни бўлиш, комплекс сондан илдиз чиқариш амаллари мос равишда кўпайтириш ва даражага кўтариш амалларига тескари амаллар сифатида аниқланади.

3°. Комплекс соннинг тригонометрик кўриниши. $x+yi$ комплекс сон икки ҳақиқий $(x;\ y)$ сон билан аниқланади, шунинг учун ҳам у текисликдаги $M(x;\ y)$ нуқта ёки унинг $r=\overline{OM}$ (12- чизма) радиус-вектори билан ифодаланади. Бу векторнинг узунлиги $r=\sqrt{x^2+y^2}$ комплекс соннинг *модули*, вектор билан Ox ўқ орасидаги φ бурчак эса комплекс соннинг *аргументи* дейилади. $x=r\cos\varphi$, $y=r\sin\varphi$ бўлгани учун:

$$x+yi=r(\cos\varphi+i\sin\varphi). \tag{2}$$

4°. Тригонометрик кўринишда берилган комплекс сонлар устида бажариладиган амаллар:

$$r(\cos\varphi+i\sin\varphi)\,r_1(\cos\varphi_1+i\sin\varphi_1)= \\ =(rr_1)[\cos(\varphi+\varphi_1)+i\sin(\varphi+\varphi_1)], \tag{3}$$

$$\frac{r(\cos\varphi+i\sin\varphi)}{r_1(\cos\varphi_1+\sin\varphi_1)}=\frac{r}{r_1}[\cos(\varphi-\varphi_1)+i\sin(\varphi-\varphi_1)], \tag{4}$$

$$[r(\cos\varphi+i\sin\varphi)]^n=r^n(\cos n\varphi+i\sin n\varphi), \tag{5}$$

$$\sqrt[n]{r(\cos\varphi+i\sin\varphi)}=\sqrt[n]{r}\left(\cos\frac{\varphi+2k\pi}{n}+i\sin\frac{\varphi+2k\pi}{n}\right), \tag{6}$$

бунда $k=0,1,2,\ldots,(n-1)$.

(5) ва (6) формулалар Муавр формулалари дейилади.

5°. Эйлер формуласи:

$$e^{i\varphi} = \cos\varphi + i\sin\varphi. \qquad (7)$$

6.° Комплекс сонниng логарифми қуйидагича ёзилади:

$$\ln z = \ln k + i\varphi_0 + i2k\pi, \qquad (8)$$

φ нинг $-\pi < \varphi \leqslant \pi$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи қиймати φ_0 бўлади. $\ln r + i\varphi_0$ ифода логарифмнинг *бош қиймати* дейилади.

630. 1) $(2 + 3i\,e\,(3 - 2i)$; 2) $(a + bi)(a - bi)$; 3) $(3 - 2i)^2$;

4) $(1 + i)^3$; 5) $\dfrac{1+i}{1-i}$; 6) $\dfrac{2i}{1+i}$

амаллар бажарилсин.

631. 1) $x^2 + 25 = 0$; 2) $x^2 - 2x + 5 = 0$; 3) $x^2 + 4x + 13 = 0$ тенгламалар ечилсин ва илдизлар тенгламага қўйилиб текширилсин.

Қуйидаги комплекс сонлар векторлар билан тасвирлансин ва уларнинг модуллари ва аргументлари аниқлансин ҳамда тригонометрик кўринишда ёзилсин:

632. 1) $z = 3$; 2) $z = -2$; 3) $z = 3i$; 4) $z = -2i$.

633. 1) $z = 2 - 2i$; 2) $z = 1 + i\sqrt{3}$; 3) $z = -\sqrt{3} - i$.

634. 1) $-\sqrt{2} + i\sqrt{2}$; 2) $\sin\alpha + i(1 - \cos\alpha)$.

635. 632—634-масалаларда берилган сонлар $re^{\mp i}$ кўринишда ёзилсин ($-\pi < \varphi \leqslant \pi$ бўлганда).

636. Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи z нуқталарнинг соҳалари ясалсин:

1) $|z| < 3$; 2) $|z| < 2$ ва $\dfrac{\pi}{2} < \varphi < \pi$;

3) $2 < |z| < 4$ ва $-\pi < \varphi < -\dfrac{\pi}{2}$.

637. $|z_1 - z_2|$ ифода z_1 ва z_2 нуқталар орасидаги масофа эканлиги кўрсатилсин.

638. $z_0 = -2 + 3i$ нуқта берилган. $|z - z_0| < 1$ тенгсизликни қаноатлантирувчи z нуқталарнинг соҳаси ясалсин.

639. z сонга қўшма бўлган сон $\overline{z}$ билан белгиланади.

$z \cdot z = |z|^2$ эканлиги исботлансин.

640. Қуйидагилар Муавр формуласи билан ҳисоблансин:

1) $(1 + i)^{10}$; 2) $(1 - i\sqrt{3})^6$; 3) $(-1 + i)^5$;

4) $\left(1 + \cos\dfrac{\pi}{4} + i\sin\dfrac{\pi}{4}\right)^4$; 5) $(\sqrt{3} + i)^3$.

641. $(\cos\alpha + i\sin\alpha)^3 = \cos 3\alpha + i\sin 3\alpha$ айниятдан фойдаланиб, $\sin 3\alpha$ ва $\cos 3\alpha$ лар α бурчакнинг функциялари орқали ифодалансин.

642. $z=\sqrt[6]{1}$ нинг барча қийматлари топилсин ва радиуси 1 га тенг доира ясаб, топилган қийматлар радиус-векторлар билан тасвирлансин.

643. 1) $\sqrt[3]{1}$; 2) $\sqrt[3]{i}$; 3) $\sqrt[6]{-1}$; 4) $\sqrt[3]{-2+2i}$ топилсин.

644. 1) $\sqrt{i}$; 2) $\sqrt[3]{-1+i}$; 3) $\sqrt[4]{-8+8i\sqrt{3}}$ топилсин.

645. 1) $x^3+8=0$; 2) $x^4+4=0$ икки ҳадли тенгламалар ечилсин.

646. 1) $\ln(-2)$; 2) $\ln(1+i)$; 3) $\ln i$; 4) $\ln(x+yi)$; 5) $\ln(2-2i)$ логарифмнинг бош қиймати топилсин.

647. $\sin x+\sin 2x+\sin 3x+\ldots+\sin nx$ йиғинди топилсин.

Кўрсатма. Эйлер формуласига асосан $\sin x=\dfrac{e^{xi}-e^{-xi}}{2i}$ ва ҳоказо алмаштиришлар бажарилсин.

648. $\cos x+\cos 2x+\cos 3x+\ldots+\cos nx$ йиғинди топилсин.

649. $x^5-1=(x-1)(x^2-2x\cos 72^\circ+1)(x^2-2x\cos 144^\circ+1)$ айният исботлансин.

---

650. Қуйидагиларни ҳисобланг:

1) $\dfrac{4-3i}{4+3i}$; 2) $(a+bi)^3-(a-bi)^3$.

Қуйидаги мисолларда комплекс сонлар векторлар билан тасвирлансин, уларнинг модуллари ва аргументлари топилсин ҳамда улар тригонометрик кўринишда ва $re^{\varphi i}$ (бунда $-\pi<\varphi\leqslant\pi$) кўринишда ёзилсин:

651. 1) $z=4+4i$; 2) $z=-1+i\sqrt{3}$; 3) $z=1-i$.

652. 1) $z=5$; 2) $z=-i$; 3) $z=-\sqrt{2}-\sqrt{-2}$.

653. Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи z нуқталарнинг соҳалари ясалсин:

$$1<|z|<3 \text{ ва } \frac{\pi}{4}<\varphi<\frac{3\pi}{4}.$$

654. $z_0=3-4i$ нуқта берилган. $|z-z_0|<5$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи z нуқталарнинг соҳаси ясалсин.

655. Қуйидагилар Муавр формуласи билан ҳисоблансин:

1) $(1-i)^6$; 2) $(2+i\sqrt{12})^5$; 3) $\left(1+\cos\frac{\pi}{3}+i\sin\frac{\pi}{3}\right)^6$.

656. $(\cos\alpha+i\sin\alpha)^4=\cos 4\alpha+i\sin 4\alpha$ айниятдан фойдаланиб, $\sin 4\alpha$ ва $\cos 4\alpha$ лар α бурчак функциялари орқали ифодалансин.

657. Ушбу 1) $\sqrt[4]{-1}$ ва 2) $\sqrt[5]{1}$ илдизларнинг барча қийматлари топилсин ҳамда улар радиус-векторлар билан тасвирлансин.

658. 1) $x^3-8=0$; 2) $x^6+64=0$; 3) $x^4-81=0$ тенгламалар ечилсин.

659. $\cos x+\cos 3x+\cos 5x+\ldots+\cos(2n-1)x$ йиғинди ҳисоблансин (647- масалага қаралсин).

4- §. Юқори даражали тенгламалар. Тенгламаларни тақрибий ечиш

1°. $x^3+ax^2+bx+c=0$ (1) тенглама кубик тенглама дейилади.

Агар x_1, x_2, x_3 лар (1) тенгламанинг илдизлари бўлса, тенгламани $(x-x_1)(x-x_2)(x-x_3)=0$ кўринишда ёзиш мумкин. Бундан $a=-(x_1+x_2+x_3)$, $b=x_1x_2+x_1x_3+x_2x_3$, $c=-x_1x_2x_3$.

$x^3+ax^2+bx+c=0$ тенглама $x=z-\frac{a}{3}$ алмаштириш ёрдами билан $z^3+pz+q=0$ кўринишга келтирилади. $z^3+pz+q=0$ тенглама ушбу

$$z=\sqrt[3]{-\frac{q}{2}+\sqrt{\frac{q^2}{4}+\frac{p^3}{27}}}+\sqrt[3]{-\frac{q}{2}-\sqrt{\frac{q^2}{4}+\frac{p^3}{27}}}=u+v$$

Кардано формуласи билан ечилади.

I. Агар $\Delta=\frac{q^2}{4}+\frac{p^3}{27}>0$ бўлса, у ҳолда $z_1=u_1+v_1$; $z_{2,3}=-\frac{u_1+v_1}{2}\pm\frac{u_1-v_1}{2}i\sqrt{3}$ бўлади, бунда u_1 ва v_1 лар u ва v илдизларнинг ҳақиқий қийматлари.

II. Агар $\Delta=\frac{q^2}{4}+\frac{p^3}{27}=0$ бўлса, у ҳолда $z_1=\frac{3q}{p}$; $z_2=z_3=-\frac{3q}{2p}=-\frac{z_1}{2}$ бўлади.

III. Агар $\Delta=\frac{q^2}{4}+\frac{p^3}{27}<0$ бўлса, у ҳолда $z_1=2\sqrt{\frac{-p}{3}}\cos\frac{\varphi}{3}$, $z_{2,3}=2\sqrt{\frac{-p}{3}}\cos\left(\frac{\varphi}{3}\pm 120^\circ\right)$ бўлади, бундаги $\cos\varphi=-\frac{q}{2}:\sqrt{\frac{-p^3}{27}}$.



23- чизма.

2°. $f(x)=0$ тенглама-нинг ҳақиқий илдизини ажратиш. Агар $f(a)$ ва $f(b)$ нинг ишоралари ҳар хил ва $f(x)$ эса $[a, b]$ кесмада узлуксиз ҳамда шу кесма ичида $f'(x)\neq 0$ ҳосилага эга бўлса, $f(x)=0$ тенгламанинг a ва b орасида бирдан бир илдизи жойлашган бўлади. Бундан ташқари, $[a, b]$ кесмада $f''(x)\neq 0$ деб ҳисоблаймиз.

3°. $f(x)=0$ тенгламани тақрибий ечишнинг ватарлар усули. α_0 — тенглама илдизини ажратувчи $[a, b]$ кесманинг икки учидан ўшанисики, унда $f(\alpha_0)\cdot f''(\alpha_0)<0$ шарт бажарилади. У ҳолда AB ватар билан Ox ўқининг кесишган нуқтаси α_1 (23- чизма) тенглама илдизи x нинг тақрибий қиймати бўлади:

$$\alpha_1=\alpha_0-\frac{f(\alpha_0)}{k},$$

бунда $k=\dfrac{f(b)-f(a)}{b-a}$.

4°. Уринмалар (Ньютон) усули. β_0 — $[a, b]$ кесманинг икки учидан ўшанисики, унда $f(\beta_0)\cdot f''(\beta_0)>0$ шарт бажарилади. У ҳолда, $y=f(x)$ эгри чизиқнинг $[\beta_0; f(\beta_0)]$ нуқтасига ўтказилган *уринма* билан Ox ўқининг кесишган нуқтаси β_1 (23- чизма) тенглама илдизи x нинг тақрибий қиймати бўлади:

$$\beta_1=\beta_0-\frac{f(\beta_0)}{k_1},$$

бунда

$$k_1=f'(\beta_0).$$

Ватар ва уринма усулларини янгидан татбиқ этиб, ушбу

$$\begin{array}{|c|c|c|c|c|c|c|}\hline \alpha & \beta & f(\alpha) & f(\beta) & k & k_1 & |\Delta\alpha| & |\Delta\beta| \\ \hline \cdot\cdot & \cdot\cdot & \cdot\cdot & \cdot\cdot & \cdot\cdot & \cdot\cdot & \cdot\cdot & \cdot\cdot \\ \hline \end{array} \qquad (2)$$

жадвални тузиш мумкин. Бунда k ва k_1 — мос равишда ватар ва уринманинг бурчак коэффициентларидир, $\Delta\alpha$ ва $\Delta\beta$ бўлса,

$$\Delta\alpha=-\frac{f(\alpha)}{k} \text{ ва } \Delta\beta=-\frac{f(\beta)}{k_1}$$

тенгликлар билан аниқланади.

(2) жадвалда ҳосил бўладиган α ва β қийматларнинг кетма-кетликлари изланган илдизга яқинлашади.

5°. Итерациялар усули. Агар $f(x)=0$ тенгламани $x=\varphi(x)$ кўринишга келтириш мумкин бўлса, ундан ташқари, тенглама илдизининг

қандайдир бир атрофида $|\varphi'(x)| < 0 \leqslant 1$ бўлса ва x_0 — шу атрофдаги ихтиёрий бир сон бўлса, у ҳолда тақрибий ечимларнинг яқинлашувчи кетма-кетлиги:

$$x_1 = \varphi(x_0),\ x_2 = \varphi(x_1),\ x_3 = \varphi(x_2)...$$

бўлади.

660, 661- мисолларда берилган тенгламалар озод ҳадларининг бутун кўпайтувчилари орасидан тенгламанинг битта илдизи x_1 ни топиб, сўнгра тенглама чап томонини $(x - x_1)$ га бўлиб, қолган илдизлар топилсин.

660. 1) $x^3 - 4x^2 + x + 6 = 0$; 2) $x^3 - 4x^2 - 4x - 5 = 0$ тенгламаларнинг ечимлари

$$x_1 + x_2 + x_3;\ x_1 x_2 + x_1 x_3 + x_2 x_3;\ x_1 x_2 x_3$$

ифодаларни тузиб, текширилсин.

661. 1) $x^3 - 5x^2 - 2x + 24 = 0$; 2) $x^4 + x^3 + 2x - 4 = 0$;
3) $9x^3 + 18x^2 - x - 2 = 0$; 4) $4x^3 - 4x^2 + x - 1 = 0$.

Қуйидаги тенгламалар Кардано формуласи бўйича ечилсин:

662. 1) $z^3 - 6z - 9 = 0$; 2) $z^3 - 12z - 16 = 0$.

663. 1) $z^3 - 12z - 8 = 0$; 2) $z^3 + 6z - 7 = 0$.

664. $x^3 + 9x^2 + 18x + 9 = 0$.

665. $f(x) = x^4 - x - 10 = 0$ тенглама берилган. $x = 0,1, 2,...$ лар учун $f(x)$ ишораларининг жадвалини тузиб, мусбат илдиз чегаралари аниқлансин ва уни 0,01 аниқлик билан ватарлар ҳамда уринмалар усули бўйича ҳисоблансин.

666. $y = \frac{x^3}{3}$ функция графиги ясалсин, $x^3 - 6x + 3 = 0$ тенглама илдизларининг чегаралари графикдан аниқлансин ҳамда илдизлар учинчи хона бирлиги аниқлиги билан ҳисоблансин.

667. Итерациялар (кетма-кет яқинлашишлар) усули билан: 1) $x^3 + 60x - 80 = 0$; 2) $2^x = 4x$; 3) $x^3 + l^2 x + l^3 = 0$; 4) $x^4 - 2x - 2 = 0$ тенгламаларнинг ҳақиқий илдизлари топилсин.

---

668. 1) $x^3 + 8x^2 + 15x + 18 = 0$; 2) $x^3 - 3x^2 + 4 = 0$ тенгламаларнинг озод ҳадлари бутун кўпайтувчилари орасидан тенгламанинг битта илдизини топиб, тенглама ечилсин. Текшириш учун $\sum x_i$, $\sum x_i x_s$ ва $x_1 x_2 x_3$ ифодалар тузилсин.

669. 1) $z^3 + 18z - 19 = 0$; 2) $z^3 - 6z - 4 = 0$;
3) $z^2 - 3z + 2 = 0$; 4) $x^3 + 6x^2 + 9x + 4 = 0$

тенгламалар Кардано формуласи бўйича ечилсин.

670. $y = \frac{x^4}{5}$ функция графигини ясаб, $x^4 + 3x - 15 = 0$ тенглама илдизларининг чегаралари аниқлансин ва илдизлар 0,01 аниқлик билан ҳисоблансин.

671. 0,01 аниқлик билан 1) $x^3 + 50x - 60 = 0$, 2) $x^3 + x - 32 = 0$ тенгламаларнинг мусбат илдизлари топилсин.

672. Итерациялар усули билан $x = \sqrt[3]{8 - 2x}$ формулага асосан кетма-кет яқинлашишларни (логарифмик линейка ёрдами билан) ҳисоблаб, $x^3 + 2x - 8 = 0$ тенгламанинг ҳақиқий илдизи топилсин.

V БОБ

АНАЛИЗГА КИРИШ

1-§. Ўзгарувчи миқдорлар ва функциялар

1°. Интерваллар. $a<x<b$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи x сонлар тўплами *оралиқ* дейилади ва (a, b) билан белгиланади. $a \leqslant x \leqslant b$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи x сонлар тўплами *сегмент* дейилади ва $[a, b]$ билан белгиланади.

Оралиқ ва *сегмент* (кесма) *интервал* деган умумий ном билан юргизилади. Ўзаро эквивалент

$$x^2 < a^2 \text{ ёки } |x| < a \text{ ёки } -a < x < a$$

тенгсизликлар ($a > 0$ бўлганда) нолга нисбатан симметрик оралиқларни билдиради.

2°. Ўзгарувчи миқдорлар ва функциялар. Агар ўзгарувчи x нинг ҳар бир қийматига битта сон мос келтирилган бўлса, у ҳолда ўша сонлар тўплами билан аниқланган y ўзгарувчи x нинг бир қийматли *функцияси* дейилади. Бунда ўзгарувчи x *аргумент*, аргумент қийматларининг берилган тўплами эса функциянинг *аниқланиш соҳаси* дейилади.

y нинг x функцияси экани символик $y = f(x)$, $y = F(x)$ ёки $y = \varphi(x)$ ва шунга ўхшаш кўринишда ёзилади. $f(x)$ ёки $F(x)$ ва шунга ўхшаш *символ* x ва y ўзгарувчиларнинг мослик қонунини белгилайди, хусусий ҳолда, x нинг қийматига мос келадиган y нинг қийматини топиш учун x устида бажариш керак бўлган *амаллар* ёки операциялар *тўпламини* билдириши мумкин.

673. 1) $|x| < 4$; 2) $x^2 \leqslant 9$; 3) $|x-4| < 1$;
4) $-1 < x-3 \leqslant 2$; 5) $x^2 > 9$; 6) $(x-2)^2 \leqslant 4$

тенгсизликларни қаноатлантирувчи x нинг ўзгариш интервал-лари ясалсин.

674. Ўзгарувчиларнинг $[-1; 3]$; $(0, 4)$; $[-2, 1]$ ўзгариш интерваллари тенгсизликлар орқали ёзилсин ва ясалсин.

675. $x = 1 - \frac{1}{t}$ ўзгарувчининг ўзгариш интервали аниқлансин, бундаги t бирдан кичик бўлмаган ҳар қандай қийматни қабул қилади ($t \geqslant 1$).

676 — 678- масалаларда $|x| \leqslant 3$ сегментда берилган функцияларнинг графиклари нуқталар бўйича ясалсин:

676. 1) $y = 2x$; 2) $y = 2x + 2$; 3) $y = 2x - 2$.

677. 1) $y = x^2$; 2) $y = x^2 + 1$; 3) $y = x^2 - 1$.

678. 1) $y = \frac{x^3}{3}$; 2) $y = \frac{x^3}{3} + 1$; 3) $y = \frac{x^3}{3} - 1$.

679. 1) $y = \frac{6}{x}$; 2) $y = 2^x$; 3) $y = \log_2 x$

функцияларнинг графиклари ясалсин. Бу эгри чизиқларнинг координата ўқларига нисбатан вазиятларида қандай хусусиятларни кўриш мумкин?

680. 1) $y = \sin x$; 2) $y = \cos x$

функцияларнинг графиклари y нинг энг катта, энг кичик ва нолга тенг қийматлар қабул этувчи нуқталар бўйича ясалсин. Бу эгри чизиқлар ординаталарини қўшиб, ўша чизманинг ўзида $y = \cos x + \sin x$ функция графиги ясалсин.

681. $y = 4x - x^2$ функциянинг илдизлари x_1 ва x_2 топилсин ҳамда унинг $[x_1 - 1,\ x_2 + 1]$ сегментдаги графиги ясалсин.

682. 1) $y = |x|$; 2) $y = -|x - 2|$; 3) $y = |x| - x$

функцияларнинг графиклари ясалсин.

683 — 686- масалалардаги функцияларнинг ҳақиқий қийматларини аниқловчи соҳалар топилсин ва уларнинг графиклари ясалсин:

683. 1) $y = \sqrt{x + 2}$; 2) $y = \sqrt{9 - x^2}$; 3) $y = \sqrt{4x - x^2}$.

684. 1) $y = \sqrt{-x} + \sqrt{4 + x}$; 2) $y = \arcsin \frac{x - 1}{2}$.

685. 1) $y = \frac{x(2 \pm \sqrt{x})}{4}$; 2) $y = \pm x\sqrt{4 - x}$.

686. 1) $y = -\sqrt{2 \sin x}$; 2) $y = -\frac{x\sqrt{16 - x^2}}{2}$.

687. 1) $f(x) = x^2 - x + 1$ бўлса, $f(0)$, $f(1)$, $f(-1)$, $f(2)$, $f(a + 1)$ ҳисоблансин; 2) $\varphi(x) = \frac{2x - 3}{x^2 + 1}$ бўлса, $\varphi(0)$, $\varphi(-1)$, $\varphi\left(\frac{3}{2}\right)$, $\varphi\left(\frac{1}{x}\right)$, $\frac{1}{\varphi(x)}$ ҳисоблансин.

688. $F(x) = x^2$ бўлса, 1) $\frac{F(b) - F(a)}{b - a}$; 2) $F\left(\frac{a + h}{2}\right) - F\left(\frac{a - h}{2}\right)$ ҳисоблансин.

689. $f(x) = x^2$; $\varphi(x) = x^3$ бўлса, $\frac{f(b) - f(a)}{\varphi(b) - \varphi(y)}$ ҳисоблансин.

690. $F(x, y) = x^3 - 3xy - y^2$ бўлса, $F(4, 3)$ ва $F(3, 4)$ ҳисоблансин.

691. Агар $f(-x) = f(x)$ бўлса, $f(x)$ функция *жуфт*, агар $f(-x) = -f(x)$ бўлса — *тоқ* дейилади. Ушбу 1) $f(x) = \frac{\sin x}{x}$; 2) $\varphi(x) = \frac{a^x - 1}{a^x + 1}$; 3) $F(x) = a^x + \frac{1}{a^x}$;

4) $\Phi(x) = a^x - \frac{1}{a^x}$; 5) $\Psi(x) = x \sin^2 x - x^3$; 6) $f_1(x) = x + x^2$ функциялардан қайсилари жуфт, қайсилари тоқ эканлиги кўрсатилсин.

692. Қандайдир $f(x)$ функция графигининг исталган вариниг ўртаси шу функция графигидан юқорироқда ётади. Функциянинг бу хоссаси тенгсизлик орқали ёзилсин. $f(x) = x^2$ функциянинг ўша хоссага эга эканлиги текширилсин.

693. Элементар функциялардан қайсиси

$$f(1) = 0,\ f(a) = 1;\ f(xy) = f(x) + f(y)$$

хоссаларга эга?

694. Элементар функциялардан қайсиси

$$f(0) = 1,\ f(1) = a,\ f(x + y) = f(x)\ f(y)$$

хоссаларга эга?

---

695. 1) $|x| < 3$; 2) $x^2 \leqslant 4$; 3) $|x - 2| < 2$; 4) $(x - 1)^2 \leqslant 4$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи x нинг ўзгариш интервал-лари ясалсин.

696. $x = 2 + \frac{1}{t}$ ўзгарувчининг ихтиёрий $t \geqslant 1$ қийматлар қабул қилгандаги ўзгариш интервали аниқлансин.

697. Қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

1) $y = 4 - \frac{x^3}{2}$ нинг $|x| \leqslant 2$ сегментда;

2) $y = 3{,}5 + 3x - \frac{x^2}{2}$ нинг абсциссалар ўқи билан кесишган нуқталари орасида.

698. Қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

1) $y = x - 4 + |x - 2|$ нинг $[-2{,}5]$ сегментда;
2) $y = 1 - \cos x$ нинг $|x| \leqslant 2\pi$ сегментда.

699. 1) $y = -\frac{4}{x}$; 2) $y = 2^{-x}$

функцияларнинг графиклари ясалсин.

700. 1) $y = \sqrt{4-x^2}$; 2) $y = \sqrt{x+1} - \sqrt{3-x}$;
3) $y = 1 - \sqrt{2\cos 2x}$; 4) $y = \frac{4}{1+\sqrt{x^2-4}}$

функциялар ҳақиқий қийматларининг аниқланиш соҳалари топилсин ва уларнинг графиклари ясалсин.

701. 1) Агар $f(x) = \frac{2x+1}{x^2+1}$ бўлса, $f(0)$; $f(-2)$; $f\left(-\frac{1}{2}\right)$; $f(x-1)$; $f\left(\frac{1}{2}\right)$ ҳисоблансин.

2) агар $\varphi(x) = x^3$ бўлса, $\frac{\varphi(x+h) - \varphi(x-h)}{h}$ ҳисоблансин;

3) агар $f(x) = 4x - x^2$ бўлса, $f(a+1) - f(a-1)$ ҳисоблансин.

2- §. Сонлар кетма-кетлиги. Чексиз кичик ва чексиз катта ўзгарувчилар. Ўзгарувчининг лимити. Функция лимити

1°. Сонлар кетма-кетлиги. Ўзгарувчи x ушбу

$$x_1, x_2, x_3, \ldots, x_n, \ldots, \tag{1}$$

қийматларни кетма-кет қабул қилсин. Бундай *номерланган сонлар тўплами кетма-кетлик* дейилади. (1) кетма-кетликнинг тузилиш қонуни n-ҳад формуласи билан берилади.

Масалан: $x_n = n + (-1)^n$ бўлсин; $n = 1, 2, 3, \ldots$ деб олсак,

$$0, 3, 2, 5, 4, 7, \ldots \tag{2}$$

кетма-кетлик ҳосил бўлади.

Агар ўзгарувчи x фақат (2) кетма-кетликнинг қийматларинигина қабул қилмасдан, 0 билан 3 орасидаги барча қийматлари (ўса бориб), 3 билан 2 орасидаги (камая бориб) барча қийматларни ҳам қабул қилади ва ҳоказо деб фараз қилсак, x нинг ўзгаришини $M(x)$ нуқтанинг Ox ўқидаги ҳаракати билан тасвирлаш мумкин. 24- чизмада (2) кетма-кетлик билан берилган x нинг ўзгариши тасвирланган.



24- чизма.

Бундан сўнг ўзгарувчи $x = f(n)$ кетма-кетлик билан ёки умумий ҳолда $a \leqslant t < b$ интервалдан аниқланган $x = f(t)$ функция билан берилган деб ҳисоблаймиз. Агар $t > t_0$ бўлса, $x = f(t)$ қиймат $x_0 = f(t_0)$ дан

кейин келади деб шарт қилинади (хусусий ҳолда t вақтни билдириши ҳам мумкин).

2°. Ч е к с и з к и ч и к ў з г а р у в ч и. Агар ҳар қандай мусбат ε сон учун ўзгарувчининг шундай α_0 қиймати мавжуд бўлсаки, α нинг ундан сўнгги ҳар бир қийматининг абсолют миқдори ε дан кичик бўлса, α ўзгарувчи *чексиз кичик* дейилади.

Агар α чексиз кичик бўлса, у нолга *интилади* дейилади ва $\alpha \to 0$ кўринишда ёзилади.

3°. Ч е к с и з к а т т а ў з г а р у в ч и. Агар ҳар қандай мусбат c сон учун ўзгарувчининг шундай қиймати мавжуд бўлсаки, x нинг ундан сўнгги ҳар бир қийматининг абсолют миқдори c дан катта бўлса, x ўзгарувчи *чексиз катта* дейилади. Бу $x \to \infty$ кўринишда ёзилади.

Шунинг билан бирга, агар x нинг x_0 дан кейинги барча қийматлари ўз белгиларини сақласа, у ҳолда $x \to +\infty$ (ёки $x \to -\infty$) деб ёзилади.

Чексиз катта ўзгарувчига тескари миқдор чексиз кичик миқдор ва аксинча (чексиз кичик ўзгарувчига тескари миқдор чексиз катта миқдор) бўлади.

4°. Ў з г а р у в ч и н и н г л и м и т и. Агар ўзгармас a ва ўзгарувчи x орасидаги айирма чексиз кичик миқдор, яъни агар $x = a + \alpha$ бўлса, ўзгармас a *ўзгарувчи* x нинг *лимити* дейилади, $\lim x = a$, ва аксинча.

Агар a ўзгарувчи x нинг лимити бўлса, у ҳолда ўзгарувчи x ўзгармас a га *интилади* деб ҳам айтадилар ва $x \to a$ ёки $x \to a - 0$ (агар x ҳар доим a дан *чапда* қолса) ёки $a \to a + 0$ (агар x ҳар доим a дан *ўнгда* қолса) кўринишда ёзадилар.

($a - \varepsilon$, $a + \varepsilon$) оралиқ a соннинг ε *атрофи дейилади*. Агар ҳар қандай мусбат ε сон учун шундай x қиймат топиш мумкин бўлсаки, x нинг ундан кейинги барча қийматлари a сонининг ε *атрофига* жойлашса, x ўзгарувчи a га *интилади* дейиш мумкин (25-чизма).



25-чизма.

Агар $x \to +\infty$ (ёки $x \to -\infty$) бўлса, у ҳолда ўзгарувчи x нинг лимити $+\infty$ га (ёки $-\infty$ га) тенг дейдилар ва

$$\lim x = +\infty \text{ (ёки } \lim x = -\infty \text{)}$$

деб ёзадилар.

5°. Ф у н к ц и я н и н г л и м и т и. Агар x нинг a га тенг бўлмасдан унга интилишидан ҳар доим $f(x)$ нинг b га *интилиши келиб чиқса*, b сон $f(x)$ *функциянинг* x нинг a га *интилгандаги лимити* дейилади. Буни $\lim\limits_{x \to a} f(x) = b$ кўринишда ёзадилар.

Юқорида келтирилган таъриф, a ёки b ларни $+\infty$ ёки $-\infty$ символлар билан алмаштирилгандаги қуйидаги махсус ҳолларни ҳам ўз ичига олади:

$\lim\limits_{x \to a} f(x) = +\infty$, $\lim\limits_{x \to a} f(x) = b$, $\lim\limits_{x \to a} f(x) = -\infty$ ва ҳоказо.

$\lim\limits_{x \to a-0} f(x) = b$ ни (ёки $\lim\limits_{x \to -\infty} f(x) = b$ ни) $f(x)$ функциянинг x нинг a га *чапдан* (ёки *ўнгдан*) *интилгандаги лимити* деймиз.

702. $n = 0, 1, 2, \ldots$ деб

$$\alpha = \frac{1}{2^n},\ \alpha = -\frac{1}{2^n},\ \alpha = \left(-\frac{1}{2}\right)^n$$

ўзгарувчилар қийматларининг кетма-кетлиги ёзилсин ва уларнинг ўзгариши график усулда тасвирлансин. n нинг қайси қийматларидан бошлаб ўзгарувчилардан ҳар қайсисининг модули 0,001 дан, берилган мусбат ε дан кичик бўлади ва шундай бўлиб қола беради?

703. $x = 1 + \frac{(-1)^n}{2n+1}$ ўзгарувчи қийматларининг кетма-кетлиги ёзилсин ва унинг ўзгариши график усулда тасвирлансин. n нинг қайси қийматидан бошлаб $x - 1$ нинг модули 0,01 дан, берилган мусбат ε дан кичик бўлади ва шундай бўлиб қола беради?

704. 3 га олдин 1 ни, сўнгра 0,1 ни, ундан сўнг 0,01 ни ва ҳоказо қўшиб (ёки айириб) ўзгарувчи x нинг $x \to 3 + 0$ ёки $x \to 3 - 0$ лимитларга яқинлашиши «ўнли» кетма-кетликлар билан ёзилсин.

705. «Ўнли» кетма-кетликлар билан ўзгарувчиларнинг $x \to 5 + 0$, $x \to 5 - 0$, $x \to -2 + 0$, $x \to -2 - 0$, $x \to 1 + 0$, $x \to 1 - 0$, $x \to 1{,}2 + 0$, $x \to 1{,}2 - 0$ лимитларга яқинлашишлари ёзилсин.

706. $\lim\limits_{x \to 2} x^2 = 4$ экани кўрсатилсин. x ва x^2 қийматларининг жадваллари билан тушунтирилсин.

Кўрсатма. $x = 2 + \alpha$ деб, бунда α чексиз кичик, $x^2 - 4$ айирма тузилсин ва унинг чексиз кичикка тенглиги исбот қилинсин.

707. $\lim\limits_{x \to 3} (2x - 1) - 5$ экани исбот қилинсин. Берилган $\varepsilon > 0$ сон бўйича шундай энг катта $\delta > 0$ топилсинки, 3 соннинг δ атрофидаги ҳар қандай x учун $(2x - 1)$ функциянинг қиймати 5 соннинг ε атрофида бўлсин. График усулда тушунтирилсин.

708. $\lim\limits_{x \to -1} (3 - 2x - x^2) = 4$ экани исбот қилинсин. Функциянинг қиймати ўз лимитидан $\varepsilon = 0{,}0001$ дан кичик сонга фарқ қилиши учун x нинг қийматини -1 соннинг қандай энг катта δ атрофидан олиш керак?

709. α чексиз кичик бўлганда, $\sin \alpha$ ҳам чексиз кичик экани исбот қилинсин.

Кўрсатма. Чизма ясалсин ва $|\sin \alpha| < |\alpha|$ экани кўрсатилсин.

710. $\lim\limits_{x \to a} \sin x = \sin \alpha$ экани кўрсатилсин.

Кўрсатма. $x = a + \alpha$ деб, $\sin x - \sin a$ айирма тузилсин.

711. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{3x+4}{x}=3$ экани исбот қилинсин. $x=1{,}10,\ 100,$ $1000,\ \ldots$ бўлганда x ва $\frac{3x+4}{x}$ ларнинг қийматлари жадваллари билан тушунтирилсин.

Кўрсатма. x чексиз каттага интилганда $(x\to\infty)$ $\frac{3x+4}{x}-3$ айирма чексиз кичик экани кўрсатилсин.

712. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{4x-3}{2x+1}=2$ экани исбот қилинсин. x нинг қандай қийматлари учун функция ўз лимитидан 0,001 дан кўра кичик сонга фарқ қилади?

713. $\lim\limits_{x\to 8}\frac{1-2x^2}{2+4x^2}=-0{,}5$ экани исбот қилинсин. Қандай x лар учун функциянинг қийматлари ўз лимитидан 0,01 дан кўра кичик сонга фарқ қилади?

714. $\frac{1}{3}-0{,}3;\ \frac{1}{3}-0{,}33;\ \frac{1}{3}-0{,}333,\ \ldots,\ \frac{1}{3}-\underbrace{0{,}333\ldots3}_{n\text{ рақам}}$ айирмаларни тузиб, $\lim\limits_{n\to\infty}\underbrace{0{,}333\ \ldots\ 3}_{n\text{ рақам}}=\frac{1}{3}$ экани исбот қилинсин.

715. 1) $x=\frac{n}{n+1}$; 2) $x=-\frac{n}{n+1}$; 3) $x=\frac{(-1)^n n}{n+1}$;

4) $x=\frac{8\cos n\frac{\pi}{2}}{n+4}$; 5) $x=\frac{2n+(-1)^n}{n}$;

6) $x=2^{-n}a\cos n\pi$

ўзгарувчилар қийматларининг кетма-кетликлари ёзилсин ва уларнинг ўзгариши график усулда тасвирлансин. Ҳар бир мисол учун $\lim\limits_{n\to\infty}x$ мавжудми ва у нимага тенг?

716. $\lim\limits_{x\to 2+0}\frac{3}{x-2}$ ва $\lim\limits_{x\to 2-0}\frac{3}{x-2}$ лар топилсин ва жадваллар билан тушунтирилсин.

717. $\lim\limits_{x\to 0+0}2^{\frac{1}{x}}$ ва $\lim\limits_{x\to 0-0}2^{\frac{1}{x}}$ топилсин ва жадваллар билан тушунтирилсин.

718. Ушбу

1) $\frac{2}{\infty}=0$; 2) $\frac{2}{0}=\pm\infty$; 3) $3^{\infty}=\infty$; 4) $3^{-\infty}=0$;

5) $\lg_{10}0=-\infty$; 6) $\operatorname{tg}90^\circ=\pm\infty$

«шартли» ёзишларнинг аниқ маънолари тушунтирилсин.

719. 1) $x = n\pi$ бўлганда; 2) $x = \frac{\pi}{2} + 2\pi n$ бўлганда; 3) $x = -\frac{\pi}{2} + 2\pi n$ бўлганда ($n = 0, 1, 2, 3, 4, \ldots$) $\sin x$ қийматларининг кетма-кетликларини тузиб, $\lim\limits_{x\to\infty} \sin x$ мавжуд эмаслиги кўрсатилсин.

720. $\lim\limits_{x\to 0} \sin \frac{1}{x}$ мавжуд эмаслиги кўрсатилсин.

721. Чексиз кичиклар ҳақидаги теоремалардан бирини татбиқ этиб, x қайси усул билан нолга яқинлашса ҳам $\lim\limits_{x\to 0} x \sin \frac{1}{x} = 0$ экани кўрсатилсин.

722. Радиуси R га тенг доирага томонларининг сони n ва томони a_n бўлган мунтазам кўпбурчак ички чизилган. Ўша доирага ташқи чизилган квадрат ясаб, $n > \frac{8R}{\varepsilon}$ бўлган замон $a_n < \varepsilon$, яъни $a_n \to 0$ экани кўрсатилсин.

723. r_n — радиуси R га тенг доирага ички чизилган мунтазам n бурчакнинг апофемаси бўлса, $\lim\limits_{x\to\infty} r_n = R$ экани исбот қилинсин.

724. ABC учбурчакнинг B учи AC га параллел BE тўғри чизиқ бўйича ўнг томонга қараб чексиз узоқлашади. Бу ҳолда учбурчак томонлари, унинг юзи, ички бурчаклари ва BCD ташқи бурчаги қандай ўзгаради?

---

725. Ўзгарувчиларнинг лимитларига яқинлашишларининг «ўнли» кетма-кетликлари ёзилсин: $x \to 4 + 0$; $x \to 4 - 0$; $x \to -1{,}5 + 0$; $x \to -1{,}5 - 0$.

726. 1) $\lim\limits_{x\to 3} x^3 = 27$; 2) $\lim\limits_{x\to 1} (x^2 + 2x) = 3$ экани исбот қилинсин (706-масалага берилган кўрсатмага қаралсин).

727. x чексиз катта бўлганда $\frac{5x+2}{2x} - 2{,}5$ нинг чексиз кичик эканини кўрсатиб, $\lim\limits_{x\to\infty} \frac{5x+2}{2x} = 2{,}5$ исбот қилинсин. $x = 1, 10, 100, 1000, \ldots$ деб фараз қилиб, жадвал билан тушунтирилсин.

728. $\lim\limits_{x\to a} \cos x = \cos a$ экани исбот қилинсин (709-масалага қаралсин.)

729. 1) $x = 1 + \left(-\frac{1}{2}\right)^n$; 2) $x = (-1)^n + \frac{1}{2^n}$;

3) $x = (-1)^n (2n + 1)$; 4) $x = \frac{2n \sin \frac{n\pi}{2}}{n + 1}$

ўзгарувчилар қийматларининг кетма-кетликлари ёзилсин ва уларнинг ўзгариши график усулда тасвирлансин. $n \to +\infty$ да бу ўзгарувчиларнинг қайси бири лимитга эга?

730. 1) $\lim\limits_{x \to 1-0} 2^{\frac{1}{x-1}}$; 2) $\lim\limits_{x \to 1+0} 2^{\frac{1}{x-1}}$;

3) $\lim\limits_{x \to \frac{\pi}{4}-0} 3^{\operatorname{tg} 2x}$; 4) $\lim\limits_{x \to \frac{\pi}{4}+0} 3^{\operatorname{tg} 2x}$; 5) $\lim\limits_{x \to \frac{\pi}{2}+0} \frac{2}{1 + 2^{\operatorname{tg} x}}$;

6) $\lim\limits_{x \to \frac{\pi}{2}-0} \frac{2}{1 + 2^{\operatorname{tg} x}}$; 7) $\lim\limits_{x \to +\infty} \frac{a}{1 + a^x}$

лимитлар топилсин.

731. $\frac{2}{3} - 0{,}6$; $\frac{2}{3} - 0{,}66$; ...; $\frac{2}{3} - \underbrace{0{,}66 \ldots 6}_{n \text{ рақам}}$ айирма ларни тузиб, $\lim\limits_{n \to \infty} \underbrace{0{,}666 \ldots 6}_{n \text{ рақам}} = \frac{2}{3}$ экани исбот қилинсин.

732. α_n мунтазам n бурчаклининг ички бурчаги бўлсин. $\lim\limits_{n \to \infty} \alpha_n = \pi$ экани исбот қилинсин.

733. $AB = a$ кесма давомининг ўнг томонидан $BP = x$ масофада P нуқта олинган. $\lim\limits_{x \to \infty} \frac{AP}{BP}$ топилсин.

3- §. Лимитларнинг хоссалари. $\frac{0}{0}$ ва $\frac{\infty}{\infty}$ кўринишдаги аниқмасликларни очиш

1°. Ўзгармас миқдорнинг лимити ўзига тенг.
Агар $\lim u$ ва $\lim v$ мавжуд бўлса:
2°. $\lim (u + v) = \lim u + \lim v$;
3°. $\lim (uv) = \lim u \cdot \lim v$.

4° Агар $\lim u$ ва $\lim v$ мавжуд ва $\lim v \neq 0$ бўлса, $\lim \frac{u}{v} = \frac{\lim u}{\lim v}$.

5°. Агар a нуқтанинг, қандайдир бир атрофидаги x нинг, балки фақат $x = a$ дан бошқа, барча қийматларида $f(x)$ ва $\varphi(x)$ функциялар бир-бирига тенг бўлса ва улардан бири $x \to a$ да лимитга эга бўлса, иккинчиси ҳам ўша лимитга эга бўлади.

Бу хосса $\frac{0}{0}$ ва $\frac{\infty}{\infty}$ кўринишдаги аниқмасликларни очишга татбиқ этилади. Масалан, x нинг a дан бошқа барча қийматлари учун $\frac{x^2 - a^2}{x - a} = x + a$. 5° хоссага кўра: $\lim\limits_{x \to a} \frac{x^2 - a^2}{x - a} = \lim\limits_{x \to a} (x + a) = 2a$.

Қуйидаги лимитлар топилсин:

734. 1) $\lim\limits_{x \to 2} \frac{x^2 - 4x + 1}{2x + 1}$; 2) $\lim\limits_{x \to \frac{\pi}{4}} \frac{1 + \sin 2x}{1 - \cos 4x}$.

735. $\lim\limits_{x \to 2} \frac{x^2 - 4}{x - 1}$ жадвал билан тушунтирилсин.

736. $\lim\limits_{x \to 2} \frac{x - 2}{x^2 - 3x + 2}$. 737. $\lim\limits_{x \to 3} \frac{x^2 - 9}{x^2 - 2x - 3}$.

Кўрсатма. 736- мисолни икки усул: 1) $x = 2 + \alpha$ деб олиб; 2) махражни кўпайтувчиларга ажратиш билан ечилсин.

738. $\lim\limits_{x \to \pi} \frac{\operatorname{tg} x}{\sin 2x}$. 739. $\lim\limits_{x \to \frac{\pi}{4}} \frac{\sin x - \cos x}{\cos 2x}$.

740. $\lim\limits_{x \to 0} \frac{x}{\sqrt{1 + 3x} - 1}$. 741. $\lim\limits_{x \to a} \frac{\sqrt{ax} - x}{x - a}$.

742. $\lim\limits_{x \to 1} \frac{\sqrt[3]{x} - 1}{\sqrt{x} - 1}$. 743. $\lim\limits_{x \to 0} \frac{\sqrt[3]{1 + mx} - 1}{x}$.

Кўрсатма. 742- мисолда $x = t^6$, 743- да эса $1 + mx = t^3$ деб олинсин.

744. $\lim\limits_{x \to 0} \frac{\sqrt{1 + x} - \sqrt{1 - x}}{x}$.

745. $\lim\limits_{x \to \pi} \frac{\sqrt{1 - \operatorname{tg} x} - \sqrt{1 + \operatorname{tg} x}}{\sin 2x}$.

746. 1) $\lim\limits_{x \to \infty} \frac{2x^2 - 1}{3x^2 - 4x}$; 2) $\lim\limits_{x \to \infty} \frac{5x^3 - 7x}{1 - 2x^3}$.

Кўрсатма. Икки усул: 1) сурат ва махражни x нинг энг катта даражасига бўлиш; 2) $x = \frac{1}{\alpha}$ деб олиш билан ечиш мумкин.

747. $\lim\limits_{x \to \infty} \frac{3x - 1}{x^2 + 1}$. 748. $\lim\limits_{x \to \infty} \frac{x^3 - 1}{x^2 + 1}$.

749. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{\sqrt{x}-6x}{3x+1}$. **750.** $\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{3n}{1-2n}$.

751. $\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{\sqrt{2n^2+1}}{\sqrt{2n-1}}$. **752.** $\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{1+2+3+\ldots+n}{\sqrt{9n^4+1}}$.

Қуйидаги лимитлар топилсин:

753. $\lim\limits_{x\to-2}\dfrac{3x+6}{x^3+8}$. **754.** $\lim\limits_{x\to3}\dfrac{9-x^2}{\sqrt{3x}-3}$

755. $\lim\limits_{x\to-1}\dfrac{x^2-x-2}{x^3+1}$. **756.** $\lim\limits_{x\to\pi+0}\dfrac{\sqrt{1+\cos x}}{\sin x}$.

757. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{5x^2-3x+2}{2x^2+4x+1}$. **758.** $\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{3n+1}{\sqrt{3n^2+1}}$.

759. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{5x^2}{1-x^2}+2\right)^{\frac{1}{x}}$. **760.** $\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{1+3+5+\ldots+(2n-1)}{1+2+3+\ldots+n}$

761. $\lim\limits_{x\to7}\dfrac{2-\sqrt{x-3}}{x^2-49}$. **762.** $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{4}}\dfrac{\sin 2x-\cos 2x-1}{\cos x-\sin x}$.

4- §. $\dfrac{\sin\alpha}{\alpha}$ нисбатнинг $\alpha\to0$ даги лимити

Агар α бурчак радиан ўлчови билан берилган бўлса, у ҳолда

$$\lim_{\alpha\to0}\frac{\sin\alpha}{\alpha}=1;\quad \lim_{\alpha\to0}\frac{\alpha}{\sin\alpha}=1.$$

Қуйидаги лимитлар топилсин:

763. $\lim\limits_{x\to0}\dfrac{\sin 4x}{x}$. **764.** $\lim\limits_{x\to0}\dfrac{\sin\frac{x}{3}}{x}$.

Кўрсатма. 763- мисолда касрнинг сурат ва махражи 4 га кўпайтирилсин (ёки $4x=\alpha$ деб олинсин).

765. $\lim\limits_{x\to0}\dfrac{\operatorname{tg}x}{x}$. **766.** $\lim\limits_{x\to0}\dfrac{\sin^2\frac{x}{2}}{x^2}$. **767.** $\lim\limits_{x\to0}\dfrac{1-\cos 2x}{x\sin x}$

768. $\lim\limits_{x\to0}\dfrac{\sin 3x}{\sqrt{x+2}-\sqrt{2}}$. **769.** $\lim\limits_{h\to0}\dfrac{\sin(x+h)-\sin(x-h)}{h}$.

770. 1) $\lim\limits_{x\to0}\dfrac{\operatorname{arc\,tg}x}{x}$; 2) $\lim\limits_{x\to\frac{1}{2}}\dfrac{\arcsin(1-2x)}{4x^2-1}$.

Кўрсатма. 1) мисолда $\operatorname{arc\,tg} x = \alpha$, 2) мисолда эса $\operatorname{arc\sin}(1-2x) = \alpha$ деб олиш керак.

771. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{1-\cos x}{x^2}$. 772. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{\operatorname{tg} x - \sin x}{x^3}$.

Қуйидаги лимитлар топилсин.

773. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{x}{\sin 3x}$. 774. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{\sin 4x}{\sqrt{x+1}-1}$.

775. $\lim\limits_{x\to -0} \dfrac{\sqrt{1-\cos 2x}}{x}$. 776. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{2x \sin x}{\sec x - 1}$.

777. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{1-\cos mx}{x^2}$. 778. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{1-\cos 2x + \operatorname{tg}^2 x}{x \sin x}$.

779. $\lim\limits_{x\to 2}\left[\dfrac{\sin(x-2)}{x^2-4} + 2^{-\frac{1}{(x-2)^2}}\right]$ ($x = 2 + \alpha$ деб олинсин).

780. 1) $\lim\limits_{h\to 0} \dfrac{\cos(x+h) - \cos(x-h)}{b}$; 2) $\lim\limits_{x\to -2} \dfrac{\operatorname{arc\sin}(x+2)}{x^2+2x}$.

781. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{\sin^2 x}{\sqrt{1+x\sin x} - \cos x}$.

5-§. $\infty - \infty$ ва $0\cdot\infty$ кўринишдаги аниқмасликлар

Қуйидаги лимитлар топилсин:

782. $\lim\limits_{x\to +\infty} (\sqrt{x^2+3x} - x)$.

783. $\lim\limits_{x\to 1} \left(\dfrac{1}{x-1} - \dfrac{2}{x^2-1}\right)$.

784. $\lim\limits_{x\to +\infty} (\sqrt{x^2+x+1} - \sqrt{x^2-x})$.

785. $\lim\limits_{x\to 2} \left(\dfrac{1}{x-2} - \dfrac{12}{x^2-8}\right)$. 786. $\lim\limits_{x\to 0} \left(\dfrac{1}{\sin^2 x} - \dfrac{1}{4\sin^2 \dfrac{x}{2}}\right)$.

787. $\lim\limits_{n\to 0} \left[\dfrac{1+3+\ldots+(2n-1)}{n+3} - n\right]$.

788. $\lim\limits_{x\to 1} (1-x) \operatorname{tg} \dfrac{\pi}{2} x$ ($x = 1 - \alpha$ деб олинсин).

789. $\lim\limits_{x\to -\infty} (\sqrt{x^2+1} - \sqrt{x^2-4x})$.

790. $\lim\limits_{x\to -2}\left(\frac{1}{x+2}+\frac{4}{x^2-4}\right)$.

Қуйидаги лимитлар топилсин:

791. $\lim\limits_{x\to +\infty}\left(x-\sqrt{x^2-x+1}\right)$.

792. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(x-\sqrt{x^2-a^2}\right)$. 793. $\lim\limits_{x\to \frac{\pi}{2}}\left(\frac{\sin x}{\cos^2 x}-\operatorname{tg}^2 x\right)$.

794. $\lim\limits_{n\to \infty}\left(\frac{1+2+3+\ldots+n}{n+2}-\frac{n}{2}\right)$.

795. $\lim\limits_{x\to \frac{\pi}{2}}\left(x-\frac{\pi}{2}\right)\operatorname{tg} x\left(x=\frac{\pi}{2}+\alpha \text{ деб олинсин}\right)$.

6- §. Лимитларни ҳисоблашга доир аралаш мисоллар

Қуйидаги лимитлар топилсин:

796. 1) $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt{x+4}-2}{\sin 5x}$; 2) $\lim\limits_{x\to 0}\frac{1+x\sin x-\cos 2x}{\sin^2 x}$.

797. 1) $\lim\limits_{x\to 1}\frac{\sqrt[4]{x}-1}{\sqrt[3]{x}-1}$; 2) $\lim\limits_{x\to 0}\frac{x}{\sqrt[4]{1+2x}-1}$.

798. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\sqrt{x^2+ax}-\sqrt{x^2-ax}\right)$.

799. 1) $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\frac{1-2x}{\sqrt[3]{1+8x^3}}+2^{-x^2}\right)$; 2) $\lim\limits_{x\to \infty}\frac{x-\sin x}{1-5x}$.

800. 1) $\lim\limits_{x\to -1}\frac{x^3+1}{(\sin x+1)}$; 2) $\lim\limits_{x\to -2}\frac{x^2+x-2}{x^2+2x}$.

801. 1) $\lim\limits_{x\to 0}\frac{1-\cos x}{x\sqrt{1+x}-1}$; 2) $\lim\limits_{x\to \pi}\frac{\cos\frac{x}{2}}{x-\pi}$.

802. 1) $\lim\limits_{x\to 1}\frac{\sin(1-x)}{\sqrt{x-1}}$; 2) $\lim\limits_{x\to +\infty}\frac{1-10^n}{1+10^{n+1}}$.

803. 1) $\lim\limits_{x\to \infty}\left[\frac{3x^4}{1-2x^4}-2^{\frac{1}{x}}\right]$; 2) $\lim\limits_{n\to -\infty}\frac{3-10^n}{2+10^{n+1}}$.

804. 1) $\lim\limits_{x\to \frac{\pi}{2}+0}\frac{\sqrt{1+\cos 2x}}{\sqrt{\pi}-\sqrt{2x}}$; 2) $\lim\limits_{x\to -1}\cos\frac{\pi(x+1)}{\sqrt[3]{x}+1}$.

7- §. Чексиз кичикларни таққослаш

1°. Таърифлар. $x \to a$ да $\alpha(x)$ ва $\beta(x)$ функциялар чексиз кичик бўлсин. У вақтда:

I. Агар $\lim\limits_{x \to a} \dfrac{\beta}{\alpha} = 0$ бўлса, β α га нисбатан *юқори тартибли чексиз кичик дейилади.*

II. Агар $\lim\limits_{x \to a} \dfrac{\beta}{\alpha^n} = A$ (чекли ва 0 дан фарқли) бўлса, β α га нисбатан n- тартибли чексиз кичик дейилади.

III. Агар $\lim\limits_{x \to a} \dfrac{\beta}{\alpha} = 1$ бўлса, β ва α *эквивалент чексиз кичиклар* дейилади. Эквивалентлик $\beta \approx \alpha$ кўринишда ёзилади.

2°. Эквивалент чексиз кичикларнинг хоссалари:

а) Эквивалент чексиз кичикларнинг айирмаси уларнинг ҳар бирига нисбатан ҳам юқори тартибли чексиз кичик бўлади.

б) Агар бир нечта ҳар хил тартибли чексиз кичиклар йиғиндисидан юқори тартибликлари чиқариб ташланса, у ҳолда қолган қисми *бош қисм* дейилади ва у умумий йиғиндига эквивалент бўлади.

Биринчи хоссадан, эквивалент чексиз кичиклардан бири, исталганча кичик нисбий хато билан иккинчисига тенг бўлиши мумкин эканлиги келиб чиқади. Шунинг учун биз $\approx$ белгини ҳам, чексиз кичикларнинг эквивалентликларини белгилаш учун ҳам уларнинг етарли кичик қийматларининг тақрибий тенглигини белгилаш учун ишлатамиз.

805. Чексиз кичик x га нисбатан: 1) $1 - \cos x$; 2) $\operatorname{tg} x - \sin x$ чексиз кичикларнинг тартиблари аниқлансин.

x бурчак икки баравар камайганда $1 - \cos x$ миқдор тахминан тўрт марта, $\operatorname{tg} x - \sin x$ миқдор эса тахминан саккиз марта камайиши чизмада кўрсатилсин.

806. Чексиз кичик x га нисбатан:

1) $2 \sin^4 x - x^5$; 2) $\sqrt{\sin^2 x + x^4}$; 3) $\sqrt{1 + x^3} - 1$ чексиз кичикларнинг тартиблари аниқлансин.

807. Доира сегменти «ўқининг» сегментнинг чексиз кичик ёйига нисбатан кичиклик тартиби аниқлансин.

808. x нолга интилганда ($x \to 0$):

1) $\sin mx \approx mx$, 2) $\operatorname{tg} mx \approx mx$; 3) $\sqrt[3]{1 + x} - 1 \approx \frac{1}{3} x$

эканлиги исбот қилинсин.

809. Жисмнинг ҳажмий кенгайиш коэффициенти узунлик кенгайиш коэффициентининг учланганига тахминан тенг деб олинади. Бу қандай чексиз кичикларнинг эквивалентлигига асосланган?

810. Агар $\alpha \approx \alpha_1$, $\beta \approx \beta_1$ ва $\lim \frac{\beta}{\alpha}$ ёки $\lim \frac{\beta_1}{\alpha_1}$ лимитлардан бири мавжуд бўлса, $\lim \frac{\beta_1}{\alpha_1} = \lim \frac{\beta}{\alpha}$ бўлади, деган теоремага асосланиб,

1) $\lim\limits_{x \to 0} \frac{\sin 5x}{\sin 2x}$; 2) $\lim\limits_{x \to 0} \frac{\sin ax + x^2}{\operatorname{tg} bx}$; 3) $\lim\limits_{x \to 0} \frac{3x + \sin^2 x}{\sin 2x - x^3}$

лимитлар топилсин.

---

811. Сув томчиси буғланганда (парга айланганда) унинг радиуси нолга интилади. Радиусга нисбатан сув томчиси сиртининг ва ҳажмининг чексиз кичиклик тартиби аниқлансин.

812. Чексиз кичик x га нисбатан:

1) $\sqrt{1 + x^2} - 1$; 2) $\sin 2x - 2 \sin x$; 3) $1 - 2 \cos\left(x + \frac{\pi}{3}\right)$

чексиз кичикларнинг тартиблари аниқлансин.

813. x нолга интилганда $(x \to 0)$; 1) $\operatorname{arc\,tg} mx \approx mx$;

2) $\sqrt{1 + x} - 1 \approx \frac{1}{2} x$; 3) $1 - \cos^3 x \approx 1{,}5 \sin^2 x$ экани исбот қилинсин.

8- §. Функциянинг узлуксизлиги

1°. Таъриф. Агар $f(x)$ функция a нинг бирор атрофида аниқланган ва

$$\lim_{x \to a} f(x) = f(a)$$

бўлса, у $x = a$ бўлганда *узлуксиз дейилади*. Бу таъриф қуйидаги тўртта узлуксизлик шартини ўз ичига олади:

1) $f(x)$ функция a нинг қандайдир атрофида аниқланган бўлиши керак;

2) чекли $\lim\limits_{x \to a-0} f(x)$ ва $\lim\limits_{x \to a+0} f(x)$ лимитлар мавжуд бўлиши керак;

3) бу (чап ва ўнг) лимитлар бир хил бўлиши керак;

4) бу лимитлар $f(a)$ га тенг бўлиши керак.

Агар функция $[x_1, x_2]$ сегментнинг ҳар бир ички нуқтасида узлуксиз бўлса ва унинг чегараларида эса $\lim\limits_{x \to x_1+0} f(x) = f(x_1)$ ва $\lim\limits_{x \to x_2-0} f(x) = f(x_2)$бўлса, у *шу сегментда узлуксиз* дейилади.

2°. Функциянинг узилишлари. Агар функция a дан ўнгда ва чапда аниқланган бўлса, аммо a нуқтада узлуксизликнинг тўртта шартидан ақалли биттаси бажарилмаса, $f(x)$ функция $x = a$ бўлганда узилишга эга бўлади. Узилишларни икки асосий турга ажратадилар.

1) *Биринчи тур узилиш*—чекли $\lim\limits_{x\to a-0} f(x)$ ва $\lim\limits_{x\to a+0} f(x)$ лимитлар мавжуд, яъни узлуксизлик шартларидан иккинчиси бажарилади ва қолганлари (ёки улардан ақалли биттаси) бажарилмайди.

Масалан, $x < a$ бўлганда — 1 га тенг, $x > a$ бўлганда + 1 га тенг бўлган $y = \dfrac{x-a}{|x-a|}$ функция $x = a$ да биринчи тур узилишга эга (26-чизма), чунки $\lim\limits_{x\to a-0} y = -1$ ва $\lim\limits_{x\to a+0} y = +1$ лимитлар мавжуд, аммо бу лимитлар ўзаро тенг эмас.

2) *Иккинчи тур узилиш* — $\lim\limits_{x\to a} f(x)$ ўнгдан ёки чапдан $\pm\infty$ га тенг. Масалан, $y = f(x) = \dfrac{a}{x-p}$ функция (27- чизма) $x = a$ бўлганда иккинчи тур узилишга эга. $x = a$ бўлганда махражи 0 (ноль) га тенг



26- чизма.



27- чизма.

бўлиб, сурати 0 (ноль) га тенг бўлмаган барча каср функциялар $x = a$ бўлганда иккинчи тур узилишга эга бўлади. $f(x) = 2^{\frac{1}{x}}$ функция (819-масала, 42- чизма) ҳам $x = 0$ бўлганда иккинчи тур узилишга эга, чунки $\lim\limits_{x\to-0} f(x) = 0$, лекин $\lim\limits_{x\to 0+0} f(x) = \infty$.

814. $y = \dfrac{4}{x-2}$ функциянинг узилиш нуқтаси кўрсатилсин, $\lim\limits_{x\to 2-0} y$; $\lim\limits_{x\to 2+0} y$; $\lim\limits_{x\to\pm\infty} y$ лар топилсин ва $x = -2, 0, 1, 3, 4$ ва 6 нуқталар бўйича эгри чизиқ ясалсин.

815. 1) $y = -\dfrac{6}{x}$; 2) $y = \operatorname{tg} x$; 3) $y = \dfrac{4}{4-x^2}$ функцияларнинг узилиш нуқталари топилсин ва графиклари ясалсин.

816. $y = \begin{cases} \dfrac{x}{2}, & x \neq 2 \text{ бўлганда,} \\ 0, & x = 2 \text{ бўлганда} \end{cases}$

функциянинг графиги ясалсин ва унинг узилиш нуқтаси кўрсатилсин. Нуқтада узлуксизликнинг тўртта шартидан қайсилари бажарилади ва қайсилари бажарилмайди?

817. 1) $y=\frac{x+1}{|x+1|}$ ва 2) $y=x+\frac{x+1}{|x+1|}$ функцияларнинг графиклари ясалсин. Бу функцияларнинг узилиш нуқталарида узлуксизлик шартларидан қайсилари бажарилади ва қайсилари бажарилмайди?

818.

$$y=f(x)=\begin{cases}\frac{\sin x}{x}, & x\neq 0 \text{ бўлса,}\\ 2, & x=0 \text{ бўлса}\end{cases}$$

функциянинг графиги ясалсин ва унинг узилиш нуқтаси кўрсатилсин. Унда узлуксизлик шартларидан қайсилари бажарилади ва қайсилари бажарилмайди?

819. $y=2^{\frac{1}{x}}$ функциянинг узилиш нуқтаси кўрсатилсин, $\lim\limits_{x\to-0} y$, $\lim\limits_{x\to+0} y$, $\lim\limits_{x\to\pm\infty} y$ лар топилсин ва функциянинг графиги ясалсин. Узилиш нуқтасида узлуксизлик шартларидан қайсилари бажарилади ва қайсилари бажарилмайди?

820.

$$y=f(x)=\begin{cases}0{,}5x^2, & |x|<2 \text{ бўлганда,}\\ 2{,}5, & |x|=2 \text{ бўлганда,}\\ 3, & |x|>2 \text{ бўлганда}\end{cases}$$

функциянинг графиги ясалсин ва унинг узилиш нуқталари кўрсатилсин.

821.

1) $y=\frac{1}{1+2^{\frac{1}{x}}}$; 2) $y=\operatorname{arc\,tg}\frac{a}{x-a}$; 3) $y=\frac{x^3-x^2}{2|x-1|}$

функцияларнинг узилиш нуқталари топилсин ва графиклари ясалсин.

822. $x^2-y^2=0$ тенглама билан нечта бир қийматли функция берилган? Улардан $x=\pm 1,\ \pm 2,\ \pm 3,\ \ldots$, бўлганда чекли (I тур) узилишга эга: 1) жуфт функция; 2) тоқ функциялар аниқлансин ва уларнинг графиклари ясалсин.

---

823. $y=\frac{x}{x+2}$ функциянинг узилиш нуқтаси кўрсатилсин, $\lim\limits_{x\to-2-0} y$, $\lim\limits_{x\to-2+0} y$, $\lim\limits_{x\to\pm\infty} y$ лар топилсин ва $x=-6, -4, -3, -1, 0, 2$ нуқталар бўйича графиги ясалсин.

824.

$$y = f(x) = \begin{cases} 2, & x = 0 \text{ ва } x = \pm 2 \text{ бўлса,} \\ 4 - x^2, & 0 < |x| < 2 \text{ бўлса,} \\ 4, & |x| > 2 \text{ бўлса} \end{cases}$$

функциянинг графиги ясалсин ва узилиш нуқталари кўрсатилсин. Узилиш нуқталарида узлуксизлик шартларидан қайсилари бажарилади ва қайсилари бажарилмайди?

825.

1) $y = 2 - \frac{|x|}{x}$; 2) $y = 2^{\frac{1}{x-2}}$; 3) $y = 1 - 2^{\frac{1}{x}}$;

4) $y = \frac{x^3 + x}{2|x|}$; 5) $y = \frac{4 - x^2}{|4x - x^3|}$

функцияларнинг узилиш нуқталари топилсин ва графиклари ясалсин.

826. $x^2 + y^2 = 4$ тенглама билан нечта бир қийматли функциялар берилган? Улардан: 1) $|x| \leqslant 2$ сегментда узлуксиз бўлган иккитаси; 2) $|x| \leqslant 1$ сегментда манфий бўлиб, x нинг қабул қилиши мумкин бўлган бошқа қийматларида мусбат бўлгани аниқлансин. Охирги функциянинг графиги ясалсин ва узилишлари кўрсатилсин.

9- §. Асимптоталар

Эгри чизиқнинг а с и м п т о т а с и деб шундай тўғри чизиққа, айтиладики, эгри чизиқнинг нуқтаси, эгри чизиқ бўйича чексиз узоқлашганда, у тўғри чизиққа чексиз яқинлашиб боради.

I. Агар $\lim\limits_{x \to a} f(x) = \pm \infty$ бўлса, у ҳолда $x = a$ тўғри чизиқ, $y = f(x)$ эгри чизиқнинг асимптотаси бўлади. Масалан, $y = \frac{a}{x - a}$ эгри чизиқ $x = a$ асимптотага эга (27- чизма).

II. Агар $y = f(x)$ эгри чизиқ тенгламасининг ўнг томонида чизиқли қисмини шундай ажратиш мумкин бўлсаки, яъни $y = f(x) = kx + b + \alpha(x)$, $x \to \pm\infty$ да қолган қисми $\alpha(x) \to 0$, у ҳолда $y = kx + b$ тўғри чизиқ эгри чизиқнинг асимптотаси бўлади. Мисоллар: 1) $y = \frac{x^3 + x^2 + 1}{x^2} = x + 1 + \frac{1}{x^2}$ эгри чизиқ $y = x + 1$ асимптотага эга ($x = 0$ ҳам асимптота бўлади). 2) $y = \frac{a}{x - a} = 0 + \frac{a}{x - a}$ эгри чизиқ $y = 0$ (27- чизма) асимптотага эга.

III. Агар чекли $\lim\limits_{x\to\pm\infty}\frac{f(x)}{x}=k$ ва $\lim\limits_{x\to+\infty\text{ёки}-\infty}[f(x)-kx]=b$ лимитлар мавжуд бўлса, у ҳолда $y=kx+b$ тўғри чизиқ асимптота бўлади.

827. $y=1-\frac{4}{x^2}$ эгри чизиқнинг асимптоталари аниқлансин ва $x=\pm 1,\ \pm 2,\ \pm 4$ нуқталар бўйича эгри чизиқ ясалсин.

828 — 830- мисолларда, касрнинг чизиқли бутун қисмини ажратиб, эгри чизиқларнинг асимптоталари топилсин; асимптоталар ва эгри чизиқлар ясалсин.

828. 1) $y=\frac{x^2+1}{x}$; 2) $y=\frac{x^2}{x+1}$; 3) $y=\frac{x^2}{x^2+1}$.

829. 1) $y=\frac{2}{|x|}-1$; 2) $y=\frac{x^2-x-1}{x}$; 3) $y=\frac{ax+b}{mx+n}$.

830. 1) $y=\frac{1-4x}{1+2x^2}$; 2) $y=\frac{x^3}{x^2+1}$; 3) $y=\frac{4x-x^3}{x^2+4}$.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг асимптоталари топилсин ва эгри чизиқлар ясалсин:

831. 1) $x^2-y^2=a^2$; 2) $x^3+y^3=3axy$;

3) $y=x-2\operatorname{arc\,tg}x$; 4) $y=\operatorname{arc\,tg}\frac{x}{a-x}$.

832. 1) $y=\sqrt{x^2+1}-\sqrt{x^2-1}$;
2) $y=\sqrt{x^2+1}+\sqrt{x^2-1}$; 3) $y=x-\frac{1}{\sqrt{x}}$.

833. 1) $y=\frac{x^4+1}{3x}$; 2) $y=\frac{x^3+x^2-2}{x+1}$ эгри чизиқлар ва бу эгри чизиқлар асимптотик равишда яқинлашадиган параболалар ясалсин.

---

834. 1) $y=\left(1-\frac{2}{x}\right)^2$; 2) $y=-x+\frac{1}{x^2}$ эгри чизиқларнинг асимптоталари топилсин ва $x=\pm\frac{1}{2}$, ± 1, ± 2 нуқталар бўйича эгри чизиқлар ясалсин.

835. 1) $y=\frac{x-4}{2x+4}$; 2) $y=\frac{x^2}{2-2x}$; 3) $y=\frac{x^2}{x^2-4}$;

4) $y=\frac{x^3}{1-x^2}$ эгри чизиқларнинг асимптоталари топилсин ва эгри чизиқлар ясалсин.

10- §. e сони

$\lim\limits_{n\to\infty}\left(1+\frac{1}{n}\right)^n=\lim\limits_{n\to-\infty}\left(1+\frac{1}{n}\right)^n=\lim\limits_{\alpha\to0}(1+\alpha)^{\frac{1}{\alpha}}=e$ лимит e сони дейилади. Бу сон иррационал бўлиб, тахминан $e=2{,}71828\ldots$ Асоси e га тенг логарифмлар *натурал* логарифмлар дейилади ва $\log_e x=\ln x$ кўринишда белгиланади.

Ўнли логарифм: $\lg_{10} x=M\ln x$, бунда $M=0{,}43429\ldots$

Қуйидаги лимитлар топилсин:

836. $\lim\limits_{n\to\infty}\left(1-\frac{5}{n}\right)^n\left(-\frac{5}{n}=\alpha\ \text{деб олинсин}\right)$.

837. 1) $\lim\limits_{n\to\infty}\left(1-\frac{1}{3n}\right)^n$; 2) $\lim\limits_{n\to-\infty}\left(1+\frac{4}{n}\right)^{n+3}$.

838. 1) $\lim\limits_{x\to0}(1+2x)^{\frac{1}{x}}$; 2) $\lim\limits_{x\to0}(1-4x)^{\frac{1-x}{x}}$.

839. 1) $\lim\limits_{n\to\infty}\left(\frac{n}{n+1}\right)^n$; 2) $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{2x-1}{2x+1}\right)^{2x}$.

840. 1) $\lim\limits_{x\to\infty} n\,[\ln(n+3)-\ln n]$; 2) $\lim\limits_{x\to0}(1+3\operatorname{tg}^2x)^{\operatorname{ctg}^2x}$.

841. $\lim\limits_{x\to0}(\cos x)^{\operatorname{ctg}^2x}(\sin^2x=\alpha\ \text{деб олинсин})$.

842. 1) $\lim\limits_{\alpha\to0}\frac{\ln(1+\alpha)}{\alpha}$; 2) $\lim\limits_{x\to0}\frac{e^{-x}-1}{x}$; 3) $\lim\limits_{x\to0}\frac{a^{2x}-1}{x}$.

Кўрсатма. 2) мисолда $e^{-x}-1=\alpha$ деб олинсин.

843. $6(1-1{,}01^{-100})$ ифодани ўртага олувчи кетма-кет иккита бутун сон топилсин.

Қуйидаги лимитлар топилсин:

844. 1) $\lim\limits_{n\to\infty}\left(1+\frac{2}{n}\right)^{3n}$; 2) $\lim\limits_{n\to\infty}\left(\frac{n-3}{n}\right)^{\frac{n}{2}}$.

845. 1) $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{3x-2}{3x+1}\right)^{2x}$; 2) $\lim\limits_{x\to0}\frac{e^{-3x}-1}{x}$.

846. $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{4}}(\sin 2x)^{\operatorname{tg}^2 2x}$ $(\cos^2 2x=\alpha\ \text{деб олинсин})$.

847. 1) $\lim\limits_{t\to0}\frac{t}{\ln(1+xt)}$ 2) $\lim\limits_{n\to\infty} n\,[\ln n-\ln(n+2)]$.

$(e^u)'=e^u\cdot u'$

848 – 858
874 – 884

867. 1) $y = x + \sin x$; 2) $y = x + \operatorname{ctg} x$.

868. 1) $y = x^2 \sin x$; 2) $y = x^2 \operatorname{tg} x$.

869. 1) $y = \sqrt{x}\cos x$; 2) $s = \frac{t}{2} - \frac{2}{t}$.

870. 1) $y = x - \frac{2}{x} - \frac{1}{3x^3}$; 2) $y = \frac{x^2-1}{x^2+1}$.

871. 1) $y = \left(1 + \frac{1}{\sqrt[3]{x}}\right)^3$; 2) $y = \frac{\cos x}{1+2\sin x}$.

872. $f(x) = \sqrt[3]{x^2}$; $f'(-8)$ топилсин.

873. $f(x) = \frac{x}{2x-1}$; $f'(0)$, $f'(2)$ ва $f'(-2)$ топилсин.

2- §. Мураккаб функциянинг ҳосиласи

Агар $y = f(u)$ ва $u = \varphi(x)$ бўлса, у ҳолда *у функциянинг функцияси* ёки *х* нинг *мураккаб функцияси* дейилади. У вақтда

$$\frac{dy}{dx} = \frac{dy}{du} \cdot \frac{du}{dx} \text{ ёки } y' = f'(u) \cdot u'. \qquad (1)$$

Ўтган параграфдаги формулалар қуйидаги умумий кўринишга эга бўлади:

1) $(u^n)' = nu^{n-1}u'$; 2) $(\sin u)' = \cos u \cdot u'$; 3) $(\cos u)' = -\sin u \cdot u'$;

4) $(\sqrt{u})' = \frac{u'}{2\sqrt{u}}$; 5) $(\operatorname{tg} u)' = \frac{u'}{\cos^2 u}$; 6) $(\operatorname{ctg} u)' = -\frac{u'}{\sin^2 u}$.

Қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

874. 1) $y = \sin 6x$; 2) $y = \cos(a - bx)$.

875. 1) $y = \sin\frac{x}{2} + \cos\frac{x}{2}$; 2) $y = 6\cos\frac{x}{3}$.

876. 1) $y = (1-5x)^4$; 2) $y = \sqrt[3]{(4+3x)^2}$.

877. 1) $y = \frac{1}{(1-x^2)^5}$; 2) $y = \sqrt{1-x^2}$; 3) $y = \sqrt{\cos 4x}$.

878. $y = \sqrt{2x} - \sin 2x$. **879.** $y = \sin^4 x = (\sin x)^4$.

880. 1) $y = \sin^2 x$; 2) $y = \cos^2 x$; 3) $y = \sec^2 x$.

881. $y = \sin^3 x + \cos^3 x$. **882.** $y = \operatorname{tg}^3 x - 3\operatorname{tg} x + 3x$.

883. $y = \sqrt[4]{1+\cos^2 x}$. **884.** $y = \sin\sqrt{x}$.

885. $y = \sqrt{1+\sin 2x} - \sqrt{1-\sin 2x}$.

886. $y = \frac{1}{(1+\cos 4x)^5}$. **887.** $y = \operatorname{ctg}^3\frac{x}{3}$.

888. $y = \frac{\sin^2 x}{\cos x}$. **889.** $y = x\sqrt{x^2-1}$.

890. $y = \frac{\sqrt{2x-1}}{x}$. **891.** $s = a\cos^2\frac{t}{a}$.

892. 1) $r = a\sqrt{\cos 2\varphi}$; 2) $r = \sqrt{2\varphi + \cos^2\left(2\varphi + \frac{\pi}{4}\right)}$.

893. $f(t) = \sqrt{a^2 + b^2 - 2ab\cos t}$; $f'(\pi)$, $f'\left(\frac{3\pi}{2}\right)$, $f'\left(\frac{\pi}{2}\right)$лар ҳисоблансин.

894. $f(x) = \sqrt{x + 2\sqrt{x}}$; $f'(1)$ топилсин.

Қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

895. $y = \sqrt{4x + \sin 4x}$. **896.** $y = x^2\sqrt{1-x^2}$.

897. $y = \sin^4 x + \cos^4 x$. **898.** $y = \sqrt[3]{1 + \cos 6x}$.

899. 1) $y = \operatorname{tg} x + \frac{2}{3}\operatorname{tg}^3 x + \frac{1}{5}\operatorname{tg}^5 x$; 2) $y = \sin^2 x^3$.

900. $y = \frac{1 + \sin 2x}{1 - \sin 2x}$. **901.** $s = \sqrt{\frac{t}{2} - \sin\frac{t}{2}}$.

902. $r = \cos^2\left(\frac{\pi}{4} - \frac{\varphi}{2}\right)$. **903.** $y = \frac{\sqrt{4x+1}}{x^2}$.

904. $f(t) = \sqrt{1 + \cos^2 t^2}$; $f'\left(\sqrt{\frac{\pi}{2}}\right)$ топилсин.

3- §. Текис эгри чизиққа ўтказилган уринма ва нормал

$y = f(x)$ эгри чизиқнинг $(x_0; y_0)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти $f(x)$ *функция ҳосиласининг* $(x_0; y_0)$ нуқтадаги *қийматига тенг.*

$$k = \operatorname{tg}\varphi = f'(x_0) = [y']_{x=x_0} \qquad (1)$$



28- чизма.

Бу k сон баъзан *эгри чизиқнинг* $(x_0; y_0)$ нуқтадаги *оғмалиги* ҳам дейилади. Эгри чизиқнинг $(x_0; y_0)$ нуқтасида ўтказилган *уринманинг* (28- чизма) тенгламаси:

$$y - y_0 = k(x - x_0); \qquad (2)$$

нормалнинг тенгламаси:

$$y - y_0 = -\frac{1}{k}(x - x_0), \qquad (3)$$

бунда k (1) формула бўйича аниқланади.

$TA = y_0 \operatorname{ctg} \varphi$, $AN = y_0 \operatorname{tg} \varphi$ кесмалар (28- чизма) мос равишда *уринма ости* ва *нормал ости* дейилади, MT ва MN кесмаларнинг узунликлари эса — уринма ва нормал узунликлари дейилади.

905. $y = x^2$ параболанинг $x = \pm 2$ нуқталардаги оғмалиги топилсин.

906. $y = 4 - x^2$ параболага унинг Ox ўқ билан кесишган нуқтасида ($x > 0$ бўлганда) ўтказилган уринма ва нормалнинг тенгламаси ёзилсин ҳамда парабола, уринма ва нормал ясалсин.

907 — 910- масалаларда эгри чизиқларга ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин ва эгри чизиқлар ҳамда уринмалар ясалсин.

907. $y = \frac{x^3}{3}$ эгри чизиққа $x = -1$ нуқтада.

908. $y^2 = x^3$ эгри чизиққа $x_1 = 0$ ва $x_2 = 1$ нуқталарда.

909. $y = \frac{8}{4 + x^2}$ локонга (зулфга) $x = 2$ нуқтада.

910. $y = \sin x$ синусоидага $x = \pi$ нуқтада.

911. $y = \sin x$ эгри чизиқ Ox ўқ билан қандай бурчак остида кесишади?

912. $2y = x^2$ ва $2y = 8 - x^2$ эгри чизиқлар қандай бурчак остида кесишади?

913. 1) $y = x^2$; 2) $y^2 = x^3$ эгри чизиқларга $x = 1$ нуқтада ўтказилган уринма ости, нормал ости, уринма ва нормалнинг узунликлари топилсин.

914. $y^2 = 2px$ параболанинг уринма ости уриниш нуқта абсциссасининг иккиланганига, нормал ости эса p га тенг экани исбот қилинсин.

915. Агар $y = x^2 + bx + c$ парабола $x = 2$ нуқтада $y = x$ тўғри чизиққа уринса, парабола тенгламасидаги b ва c аниқлансин.

---

916. $xy = 4$ гиперболага $x_1 = 1$ ва $x_2 = -4$ нуқталарда ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин ва уринмалар орасидаги бурчак топилсин. Эгри чизиқ ва уринмалар ясалсин.

Қуйидаги эгри чизиқларга ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин ва эгри чизиқ ҳамда уларга ўтказилган уринмалар ясалсин.

917. $y = 4x - x^2$ га Ox ўқ билан кесишган нуқталарида.

918. $y^2 = 4 - x$ га Oy ўқ билан кесишган нуқталарида.

919. $y^2 = (4 + x)^3$ га Ox ва Oy ўқлар билан кесишган нуқталарида.

920. $y = x^2 - 4x + 5$ парабола учидан унга Oy ўқ билан кесишган нуқтасида ўтказилган уринмагача бўлган масофа топилсин.

921. $y = 0{,}5$ тўғри чизиқ $y = \cos x$ эгри чизиқни қандай бурчак остида кесади?

922. $y = x^2 + 4x$ параболага қайси нуқтада ўтказилган уринма Ox ўққа параллел бўлади?

923. $y = x^2 - 2x + 5$ параболага ўтказилган уринма, биринчи координаталар бурчагининг биссектрисасига перпендикуляр бўлиши учун, уринма параболанинг қайси нуқтасида ўтказилиши керак?

924. $y = \frac{2}{1 + x^2}$ эгри чизиққа $x = 1$ нуқтада ўтказилган уринма ости, нормал ости, уринма ва нормал узунликлари топилсин.

925. $y = \frac{x^2}{4}$ парабола, учларининг абсциссалари 2 ва 4 га тенг ватари билан қандай бурчаклар тузади?

4- §. Дифференциалланмайдиган узлуксиз функциялар

1°. Эгри чизиқнинг синиш нуқтаси. Агар $y = f(x)$ эгри чизиқнинг $A(x_1; y_1)$ нуқтасида (29- чизма) y' ҳосила мавжуд бўлмасдан, ҳар хил *чап* $\lim\limits_{\Delta x \to -0} \frac{\Delta y}{\Delta x} = k_1$ ва *ўнг* $\lim\limits_{\Delta x \to +0} \frac{\Delta y}{\Delta x} = k_2$ ҳосилалар мавжуд бўлса, бу нуқта синиш нуқтаси дейилади. Синиш нуқтасидан k_1 ва k_2 бурчак коэффициентларига эга иккита уринма нурлар чиқади.



29- чизма.

2°. Вертикал уринмали қайтиш нуқтаси. Агар $B(x_2; y_2)$ нуқтада (29- чизма) y' ҳосила мавжуд бўлмасдан, лекин ҳар хил ишорали *чексиз* ($+\infty$ ва $-\infty$) *чап* ва *ўнг ҳосилалар* мавжуд бўлса, бу нуқта вертикал *уринмали қайтиш нуқтаси* дейилади. Бундай нуқта бурчак нуқтасининг хусусий ҳоли бўлади. Ундан битта уринма нур ёки устма-уст тушган иккита уринма нурлар чиқади деб ҳисоблаш мумкин.

3°. Вертикал уринмали букилиш нуқтаси. Агар $C(x_3; y_3)$ нуқтада (29- чизма)

$$y' = \lim_{\Delta x \to -0} \frac{\Delta y}{\Delta x} = \lim_{\Delta x \to +0} \frac{\Delta y}{\Delta x} = +\infty \text{ (ёки } -\infty)$$

ҳосила мавжуд бўлса, бу нуқта *вертикал уринмали букилиш нуқтаси* дейилади. Бундай нуқтада вертикал уринма мавжуддир.

A ва *B* нуқталарда $y = f(x)$ функция ҳосилага эга эмас; *C* нуқтада эса чексизга тенг бўлган ҳосилага эга. Бу уч нуқтанинг ҳар бирида функция узлуксиз, аммо *дифференциалланмайди*.

926. $y = \sqrt{x^2}$ (ёки $y = |x|$) функция графиги ясалсин ҳамда графикнинг синиш нуқтасида *чап* y'_- ва *ўнг* y'_+ ҳосилалар топилсин.

927. [0; 4] кесмада $y = 0{,}5\sqrt{(x-2)^2}$ функциянинг графиги ясалсин ҳамда графикнинг синиш нуқтасида чап y'_- ва ўнг y'_+ ҳосилалар топилсин.

928. $[-\pi, \pi]$ сегментда $y = \sqrt{\sin^2 x}$ функциянинг графиги ясалсин ва эгри чизиққа синиш нуқтасида ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин.

929. [0; 2π] сегментда $y = \sqrt{1 + \cos x}$ функциянинг графиги ясалсин ҳамда унга синиш нуқтасида ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин ва улар орасидаги бурчак топилсин.

930. [—2; 2] сегментда $y = \sqrt[3]{x^2}$ функциянинг графиги ясалсин ва $x = 0$ нуқтадаги уринманинг тенгламаси ёзилсин.

931. [0; 4] сегментда $y = 1 - \sqrt[3]{(x-2)^2}$ функциянинг графиги ясалсин ва $x = 2$ нуқтада унга ўтказилган уринманинг тенгламаси ёзилсин.

932. [—2; 2] сегментда $y^3 = 4x$ функциянинг графиги ясалсин ва $x = 0$ нуқтада унга ўтказилган уринманинг тенгламаси ёзилсин.

933. [0; 4] сегментда $y^3 = 4(2 - x)$ функциянинг графиги ясалсин ва $x = 2$ нуқтада унга ўтказилган уринманинг тенгламаси ёзилсин.

---

934. [0; π] сегментда $y = 1 - \sqrt{\cos^2 x}$ функциянинг графиги ясалсин ва унга синиш нуқтасида ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин.

935. [— 2; 0] сегментда $y = \sqrt[3]{(x+1)^2} - 1$ функциянинг графиги ясалсин ва эгри чизиққа $x = -1$ нуқтада ўтказилган уринманинг тенгламаси ёзилсин.

936. $[-1; 5]$ сегментда $y = [4x - x^2]$ функциянинг графиги ясалсин ва унга $x = 0$ синиш нуқтасида ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин ҳамда улар орасидаги бурчак топилсин.

5- §. Кўрсаткичли ва логарифмик функцияларнинг ҳосилалари

Асосий формулалар:

$$(\ln u)' = \frac{u'}{u}; \quad (e^u)' = e^u \cdot u'; \quad (a^u)' = a^u \ln a \, u'$$

Қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

937. 1) $y = x \ln x$; 2) $y = \frac{1 + \ln x}{x}$; $y = \lg(5x)$.

938. 1) $y = \ln x - \frac{2}{x} - \frac{1}{2x^2}$; 2) $y = \ln(x^2 + 2x)$.

939. 1) $y = \ln(1 + \cos x)$; 2) $y = \ln \sin x - \frac{1}{2}\sin^2 x$.

940. $y = \ln(\sqrt{x} + \sqrt{x+1})$.

941. $y = \ln \frac{a^2 + x^2}{a^2 - x^2}$. **942.** $y = \ln \frac{x^2}{1 - x^2}$.

943. $y = \ln \operatorname{tg}\left(\frac{\pi}{4} + \frac{x}{2}\right)$. **944.** $y = \ln \sqrt{\frac{1 + 2x}{1 - 2x}}$.

945. $y = \ln(x + \sqrt{a^2 + x^2})$.

946. $y = 2\sqrt{x} - 4 \ln(2 + \sqrt{x})$.

947. 1) $y = \frac{\cos x}{\sin^2 x} + \ln \operatorname{tg} \frac{x}{2}$; 2) $y = \ln \frac{x^2}{\sqrt{1 - ax^4}}$.

948. $y = \ln x$ эгри чизиққа унинг Ox ўқ билан кесишган нуқтасида ўтказилган уринма тенгламаси ёзилсин. Эгри чизиқ ва уринма ясалсин.

949. $y = \frac{x^2}{2e}$ параболанинг $y = \ln x$ эгри чизиққа уриниши кўрсатилсин ва унинг уриниш нуқтасини топилсин. Эгри чизиқлар ясалсин.

Қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

950. 1) $y = x^2 + 3^x$; 2) $y = x^2 \cdot 2^x$; 3) $y = x^2 e^x$.

951. 1) $y = a^{\sin x}$; 2) $y = e^{-x^2}$; 3) $y = x^2 e^{-2x}$.

952. $y = 2(e^{\frac{x}{2}} - e^{-\frac{x}{2}})$. **953.** $y = \sqrt{x} e^{\sqrt{x}}$.

954. $y = \frac{1 + e^x}{1 - e^x}$. **955.** $y = e^{\frac{x}{a}} \cos \frac{x}{a}$.

956. $y = e^{-x}(\sin x + \cos x)$; 2) $y = \ln(e^{-x} + xe^{-x})$.

957. $y = \ln \frac{e^x}{x^2+1}$. **958.** $y = (e^{ax} - e^{-ax})^2$.

959. $f(t) = \ln(1 + a^{-2t})$; $f'(0)$ топилсин.

960. $y = e^{2x}$ эгри чизиқ Oy ўқни қандай бурчак остида кесади?

961. $y = e^{\frac{x}{a}}$ эгри чизиқнинг исталган нуқтасидаги уринма ости узунлиги a га тенг экани исбот қилинсин.

962. Аввал логарифмлаб: 1) $y = x^x$; 2) $y = x^{\sin x}$ функцияларнинг ҳосилалари топилсин.

Қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

963. $y = \ln\cos x - \frac{1}{2}\cos^2 x$.

964. $y = \ln(\sqrt{x} - \sqrt{x-1})$. **965.** $y = \ln \frac{1+\sqrt{x^2+1}}{x}$.

966. $y = \ln(\sin x + \sqrt{1+\sin^2 x})$.

967. $y = \ln \frac{x}{\sqrt{1-x^2}}$. **968.** $y = \frac{1}{2}\ln \operatorname{tg} x + \ln\cos x$.

969. $y = \ln \sqrt{\frac{\sin 2x}{1-\sin 2x}}$. **970.** $y = \ln(1 + \sec x)$.

971. $y = a\ln(\sqrt{x+a} + \sqrt{x}) - \sqrt{x^2+ax}$.

972. $y = ae^{-\frac{x}{a}} + xe^{-\frac{x}{a}}$. **973.** $y = \frac{a}{2}(e^{\frac{x}{a}} + e^{-\frac{x}{a}})$.

974. $y = \frac{e^x + e^{-x}}{e^x - e^{-x}}$. **975.** $y = \ln(e^{2x} + \sqrt{e^{4x}+1})$.

976. $y = \ln \sqrt{\frac{e^{4x}}{e^{4x}+1}}$ **977.** $y = x^{\frac{1}{x}}$.

978. $f(t) = \ln \frac{2+\operatorname{tg} t}{2-\operatorname{tg} t}$; $f'\left(\frac{\pi}{3}\right)$ топилсин.

979. $y = 1 - e^{\frac{x}{2}}$ эгри чизиққа унинг Oy ўқ билан кесишган нуқтасида ўтказилган уринма тенгламаси ёзилсин. Эгри чизиқ, унинг уринмаси ва асимптотаси ясалсин.

6- §. Тескари тригонометрик функцияларнинг ҳосилалари

$(\arcsin u)' = \frac{u'}{\sqrt{1-u^2}}$; $(\arccos u)' = -\frac{u}{1+u^2}$;

$(\operatorname{arctg} u)' = \frac{u}{1+u^2}$; $(\operatorname{arcctg} u)' = -\frac{u'}{1+u^2}$.

Қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

980. $y = \sqrt{1-x^2} + \arcsin x$.

981. $y = x - \operatorname{arctg} x$. **982.** $y = \arcsin \sqrt{1-4x}$.

983. $y = \arcsin \frac{x}{a}$. **984.** $y = \operatorname{arctg} \frac{x}{a}$.

985. $y = \arccos(1-2x)$. **986.** $y = \operatorname{arcctg} \frac{1+x}{1-x}$.

987. 1) $y = x\sqrt{1-x^2} + \arcsin x$; 2) $y = \arcsin(e^{3x})$.

988. $y = \operatorname{arctg} x + \ln \sqrt{\frac{1+x}{1-x}}$. **989.** $y = \arccos \frac{1}{\sqrt{x}}$.

990. $y = x \operatorname{arctg} \frac{x}{a} - \frac{a}{2} \ln(x^2 + a^2)$.

Қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

991. $y = \arcsin \sqrt{x}$. **992.** $y = \operatorname{arctg} \sqrt{6x-1}$.

993. 1) $y = \arccos(1-x^2)$; 2) $y = \operatorname{arcctg} x - \frac{1}{x}$.

994. $y = e^x \sqrt{1-e^{2x}} + \arcsin e^x$.

995. $y = x \arccos x - \sqrt{1-x^2}$.

996. $y = \operatorname{arctg} e^{2x} + \ln \sqrt{\frac{e^{2x}+1}{e^{2x}-1}}$.

997. $s = \sqrt{4t-t^2} + 4 \arcsin \frac{\sqrt{t}}{2}$.

998. $y = \arccos \sqrt{1-2x} + \sqrt{2x-4x^2}$.

999. $f(z) = (z+1) \operatorname{arctg} e^{-2z}$; $f'(0)$ топилсин.

7- §. Гиперболик функцияларнинг ҳосилалари

1°. Таърифлар. $\frac{e^x - e^{-x}}{2}$, $\frac{e^x + e^{-x}}{2}$ ифодалар ва уларнинг нисбатлари мос равишда *гиперболик синус, косинус, тангенс, котангенс* дейилади ва

$\operatorname{sh} x = \frac{e^x - e^{-x}}{2}$; $\operatorname{ch} x = \frac{e^x + e^{-x}}{2}$; $\operatorname{th} x = \frac{\operatorname{sh} x}{\operatorname{ch} x}$; $\operatorname{cth} x = \frac{\operatorname{ch} x}{\operatorname{sh} x}$

кўринишда белгиланади.

2°. Гиперболик функцияларнинг хоссалари:

1) $\operatorname{ch}^2 x - \operatorname{sh}^2 x = 1$;
2) $\operatorname{ch}^2 x + \operatorname{sh}^2 x = \operatorname{ch} 2x$;
3) $\operatorname{sh} 2x = 2 \operatorname{sh} x \operatorname{ch} x$;
4) $\operatorname{sh} 0 = 0$, $\operatorname{ch} 0 = 1$;
5) $(\operatorname{sh} x)' = \operatorname{ch} x$, $(\operatorname{ch} x)' = \operatorname{sh} x$;
6) $(\operatorname{th} x) = \frac{1}{\operatorname{ch}^2 x}$, $(\operatorname{cth} x)' = -\frac{1}{\operatorname{sh}^2 x}$.

Қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

1000. 1) $y = \operatorname{sh}^2 x$; 2) $y = x - \operatorname{th} x$; 3) $y = 2\sqrt{\operatorname{ch} x - 1}$.

1001. $f(x) = \operatorname{sh} \frac{x}{2} + \operatorname{ch} \frac{x}{2}$; $f'(0) + f(0)$ топилсин.

1002. 1) $y = \ln [\operatorname{ch} x]$; 2) $y = \operatorname{th} x + \operatorname{cth} x$.

1003. 1) $y = x - \operatorname{cth} x$; 2) $y = \ln [\operatorname{th} x]$.

1004. 1) $y = \arcsin [\operatorname{th} x]$; 2) $y = \sqrt{1 + \operatorname{sh}^2 4x}$.

1005. $y = \frac{a}{2}\left(e^{\frac{x}{a}} + e^{-\frac{x}{a}}\right) = a \operatorname{ch} \frac{x}{a}$ чизиқ *занжир чизиқ* дейилади. Бу чизиққа $x = a$ нуқтасида ўтказилган нормалнинг тенгламаси ёзилсин (гиперболик функцияларнинг иловада берилган жадвалига қаралсин).

Эгри чизиқ ва нормал ясалсин.

1006. $y = \operatorname{sh} x$ эгри чизиққа $x = -2$ нуқтада ўтказилган уринма тенгламаси ёзилсин. Эгри чизиқ ва унга ўтказилган уринма ясалсин.

1007. $y = a \operatorname{ch} \frac{x}{a}$ занжир чизиқдаги исталган нуқта ординатасининг шу чизиқ нормалидаги проекцияси ўзгармас бўлиб, a га тенг экани исбот қилинсин.

8- §. Дифференциаллашга доир аралаш мисол ва масалалар

Қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

1008. 1) $y = \frac{\sqrt{x^2 - 1}}{x} + \arcsin \frac{1}{x}$; 2) $y = \frac{\operatorname{tg}^2 x}{2} + \ln \cos x$.

1009. $y = \sqrt{4x - 1} + \operatorname{arc\,ctg} \sqrt{4x - 1}$.

1010. $x = \ln (e^{2t} + 1) - 2 \operatorname{arc\,tg} (e^t)$.

1011. $y = 4 \ln(\sqrt{x - 4} + \sqrt{x}) + \sqrt{x^2 - 4x}$.

1012. $s = \frac{1}{4} \operatorname{tg}^4 t - \frac{1}{2} \operatorname{tg}^2 t - \ln (\cos t)$.

1013. $f(x)=(x^2+a^2)\ \operatorname{arc\,tg}\frac{x}{a}-ax$; $f'(a)$ топилсин.

1014. 1) $y=\ln\left[x-\frac{a^2}{x}\right]$; 2) $y=x(\cos\ln x+\sin\ln x)$.

1015. $f(x)=\operatorname{arc\,sin}\frac{x-1}{x}$; $f'(5)$ топилсин.

1016. $\varphi(u)=e^{-\frac{u}{a}}\cos\frac{u}{a}$; $\varphi(0)+a\varphi'(0)=0$ экани кўрсатилсин.

1017. $f(y)=\operatorname{arc\,tg}\frac{y}{a}-\ln\sqrt[4]{y^4-a^4}$; $f'(2a)$ топилсин.

1018. $F(z)=\frac{\cos^2 z}{1+\sin^2 z}$; $F\left(\frac{\pi}{4}\right)-3F'\left(\frac{\pi}{4}\right)=3$ экани кўрсатилсин.

1019. $s=\frac{1}{t\ln ct}$ функциянинг $t\frac{ds}{dt}+s=-ts^2$ дифференциал тенгламани қаноатлантириши кўрсатилсин.

1020. $x=\frac{t-e^{-t^2}}{2t^2}$ функциянинг $t\frac{dx}{dt}+2x=e^{-t^2}$ дифференциал тенгламани қаноатлантириши кўрсатилсин.

9-§. Юқори тартибли ҳосилалар

Биз $y=f(x)$ функциянинг $y'=f'(x)$ ҳосиласини топдик деб фараз қилайлик. Бу ҳосиланинг ҳосиласи $f(x)$ функциянинг *иккинчи тартибли ҳосиласи* дейилади ва y'' ёки $F''(x)$ ёки $\frac{d^2y}{dx^2}$ лар билан белгиланади. Шунга ўхшаш, юқори тартибли ҳосилалар аниқланади ва:

3-тартибли ҳосила $y'''=f'''(x)\frac{d^3y}{dx^3}$ билан,

4-тартибли ҳосила $y^{IV}=f^{IV}(x)=\frac{d^4y}{dx^4}$ билан ва умуман

n-тартибли ҳосила $y^{(n)}=f^{(n)}(x)=\frac{d^ny}{dx^n}$ билан белгиланади.

1021. 1) $y=\sin^2 x$; 2) $y=\operatorname{tg}x$; 3) $y=\sqrt{1+x^2}$ функцияларнинг 2-тартибли ҳосилалари топилсин.

1022. 1) $y=\cos^2 x$; 2) $y=\frac{1}{x^2}$; 3) $y=x\sin x$ функцияларнинг 3-тартибли ҳосилалари топилсин.

1023. Қуйидаги функцияларнинг 3-тартибли ҳосилалари топилсин:

1) $y = x \ln x$; 2) $s = te^{-t}$; 3) $y = \operatorname{arc\,tg} \frac{x}{a}$.

1024. $s = \frac{t}{2}\sqrt{2 - t^2} + \operatorname{arc\,sin} \frac{t}{\sqrt{2}}$ бўлса, $\frac{d^3s}{dt^3}$ топилсин.

Қуйидаги функцияларнинг n-тартибли ҳосилалари топилсин:

1025. 1) $e^{\frac{x}{a}}$; 2) $\ln x$; 3) $\sqrt{x}$.

1026. 1) x^n; 2) $\sin x$; 3) $\cos^2 x$.

1027. Кетма-кет дифференциаллаб, қуйидаги Лейбниц формулалари чиқарилсин:

$(uv)'' = u''v + 2u'v' + uv''$;

$(uv)''' = u'''v + 3u''v' + 3u'v'' + uv'''$

$(uv)^{IV} = u^{IV}v + 4u'''v' + 6u''v'' + 4u'v''' + uv^{IV}$ ва ҳоказо.

1028. Лейбниц формуласи бўйича:

1) $y = e^x \cos x$; 2) $y = a^x x^3$; 3) $y = x^2 \sin x$ функциялардан 2-тартибли ҳосилалар топилсин.

1029. Лейбниц формуласи бўйича:

1) $y = e^{-x} \sin x$; 2) $y = x^2 \ln x$; 3) $y = x \cos x$ функциялардан 3-тартибли ҳосилалар топилсин.

1030. $f(x) = xe^{\frac{x}{a}}$, $f''(x)$, $f^{(n)}(x)$, $f^{(n)}(0)$ топилсин.

1031. $f(x) = (1 + x)^m$, $f(0), f'(0), f''(0)$ $f''(0) \ldots, f^{(n)}_{(0)}$ топилсин.

1032. $f(x) = \frac{x}{\sqrt{1+x}}$; $n \geqslant 2$ бўлганда,

$f^{(n)}(0) = (-1)^{n-1} \cdot \frac{1 \cdot 3 \cdot 5 \cdot \ldots \cdot (2n-3)}{2^{n-1}} n$ экани кўрсатилсин.

1033. $f(x) = \frac{1}{1-x^2}$;

$f^{(n)}(0) = \begin{cases} n! & , n = 2m \text{ бўлганда.} \\ 0 & , n = 2m - 1 \text{ бўлганда} \end{cases}$ экани кўрсатилсин.

Кўрсатма. $\frac{1}{1-x^2} = \frac{1}{2}\left(\frac{1}{1+x} + \frac{1}{1-x}\right)$ айниятдан фойдаланиш керак.

1034. $(x-1)\cdot(x^2+x^3+\ldots+x^n)=x^{n+1}-x^2$ айниятни уч марта дифференциаллаб ҳамда $x=1$ деб, $\sum_{k=1}^{n} k\,(k-1)=$ $=\frac{(n+1)\,n\,(n-1)}{3}$ йиғинди, сўнгра натурал қатор сонларининг квадратлари йиғиндиси

$$\sum_{k=1}^{n} k^2=1^2+2^2+\ldots+n^2=\frac{n\,(n+1)\,(2n+1)}{6}$$ топилсин.

1035. 1) $y=e^{-x^2}$; 2) $y=\operatorname{ctg} x$; 3) $y=\arcsin\frac{x}{2}$ функцияларнинг 2-тартибли ҳосилалари топилсин.

1036. 1) $y=a^x$; 2) $y=\frac{1}{1+2x}$; 3) $y=\sin^2 x$ функцияларнинг n-тартибли ҳосилалари топилсин

1037. $f(x)=\arcsin\frac{1}{x}$; $f(2)$; $f'(2)$ ва $f''(2)$ топилсин.

1038. Лейбниц формуласига кўра:

1) $y=x^3e^x$; 2) $y=x^2\sin\frac{x}{a}$;

3) $y=xf'(a-x)+3f(a-x)$ функциялардан 3-тартибли ҳосилалар топилсин.

1039. $y=e^x\cos x$ функция $y^{IV}+4y=0$ дифференциал тенгламани қаноатлантириши кўрсатилсин.

1040. $y=xe^{-\frac{1}{x}}$ функция $x^3y''-xy'+y=0$ тенгламани қаноатлантириши кўрсатилсин.

1041. $f(x)=x^2e^{-\frac{x}{a}}$ бўлса, $f^{(n)}(0)=\frac{n\,(n-1)\cdot(-1)^n}{a^{n-2}}$ экани кўрсатилсин.

1042. $f(x)=e^{-x^2}$ бўлса,

$f^{(n)}(0)=-2\,(n-1)\,f^{(n-2)}(0)$, $f^{(2m-1)}(0)=0$,

$f^{2m}(0)=(-2)^m\,(2m-1)\,(2m-3)\ldots 5\cdot3\cdot1$ экани кўрсатилсин.

1043. $f(x) = x^n$ бўлса,

$f(1) + \frac{f'(1)}{1} + \frac{f''(1)}{2!} + \ldots + \frac{f^{(n)}(1)}{n!} = 2^n$ экани кўрсатилсин.

10- §. Ошкормас функциянинг ҳосиласи

Агар y га нисбатан ечилмаган $F(x; y) = 0$ тенглама y ни x нинг бир қийматли функцияси сифатида аниқласа, у ҳолда y x нинг *ошкормас функцияси* дейилади. Бу ошкормас функциядан y' ҳосилани топиш учун y ни x нинг функцияси деб, $F(x; y) = 0$ тенгламанинг икки томонини x бўйича дифференциаллаш керак. Ҳосил бўлган тенгламадан изланган y' ни топамиз. y'' ни топиш учун $F(x; y) = 0$ тенгламани x бўйича икки марта дифференциаллаш керак ва ҳоказо.

Қуйидаги тенгламалардан y' топилсин:

1044. 1) $x^2 + y^2 = a^2$; 2) $y^2 = 2px$; 3) $\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$.

1045. 1) $x^2 + xy + y^2 = 6$; 2) $x^2 + y^2 - xy = 0$.

1046. 1) $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$; $e^y - e^{-x} + xy = 0$.

1047. $e^x \sin y - e^{-y} \cos x = 0$.

1048. $x = y + \operatorname{arc\,ctg} y$.

1049. $e^{xy} - x^2 + y^3 = 0$; $\frac{dy}{dx}$ нинг $x = 0$ бўлгандаги қиймати топилсин.

1050. 1) $x^2 + y^2 = a^2$; 2) $ax + by - xy = c$; 3) $x^m y^n = 1$ тенгламалардан y'' топилсин.

1051. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$; $(0; b)$ нуқтадаги y'' топилсин.

1052. $x^2 + y^2 + 4x - 2y - 3 = 0$ эгри чизиқнинг Oy ўқ билан кесишган нуқталарида ўтказилган уринмаларининг тенгламалари ёзилсин.

1053. $x^2 - y^2 = 9$ гиперболанинг $(5; 4)$ нуқтасида ўтказилган нормалнинг асимптоталар билан кесишган нуқталари топилсин.

1054. 1) $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$; 2) $y^3 = 2px$ эгри чизиққа $(x_0; y_0)$ нуқтада ўтказилган уринма тенгламаси ёзилсин.

1055. $x^{2/3} + y^{2/3} = a^{2/3}$ астроидага унинг $y = x$ тўғри чизиқ билан кесишган нуқталарида ўтказилган уринмалар тенгламалари ёзилсин.

1056. $x^2+y^2=5$ ва $y^2=4x$ эгри чизиқлар қандай бурчак остида кесишади?

1057. 1) $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$; 2) $x^3+y^3-3axy=0$ тенгламалардан y' топилсин.

1058. 1) $x^2-y^2=a^2$; 2) $(x-\alpha)^2+(x-\beta)^2=R^2$;

3) $\operatorname{arc\,tg} y=x+y$; 4) $x^2+xy+y^2=a^2$ тенгламалардан y'' топилсин.

1059. $x^2+y^2+4x-4y+3=0$ айланага унинг Ox ўқ билан кесишган нуқталарида ўтказилган уринмаларнинг тенгламалари ёзилсин. Айлана ва уринмалар ясалсин.

1060. $x^2+4y^2=16$ эллипснинг биринчи чоракда ётувчи шундай нуқтасида уринма ўтказилсинки, унинг координата ўқлари орасидаги кесмаси шу нуқтада тенг иккига бўлинсин ҳамда уринманинг тенгламаси ёзилсин.

1061. $te^{-\frac{s}{2}}+se^{-\frac{t}{2}}=2$; $t=0$ бўлганда $\frac{ds}{dt}$ топилсин.

1062. $t\ln x-x\ln t=1$; $t=1$ бўлганда $\frac{dx}{dt}$ топилсин.

1063. $x^2\sin y-\cos y+\cos 2y=0$; $y=\frac{\pi}{2}$ бўлганда y' топилсин.

11-§. Функциянинг дифференциали

Агар $y=f(x)$ функция x нуқтада дифференциалланувчи бўлса, яъни ўша нуқтада чекли y' ҳосилага эга бўлса, у ҳолда

$$\frac{\Delta y}{\Delta x}=y'+\alpha$$

бўлади, бунда $\Delta x\to 0$ да $\alpha\to 0$. Бундан

$$\Delta y=y'\Delta x+\alpha\Delta x. \qquad (1)$$

Функция *орттирмаси* Δy нинг Δx га нисбатан чизиқли бўлган *бош қисми* $y'\Delta x$, функциянинг *дифференциали* дейилади ва dy билан белгиланади:

$$dy=y'\Delta x. \qquad (2)$$

(2) формулада $y=x$ деб $dx=x'\Delta x=1\cdot\Delta x=\Delta x$ га эга бўламиз, шунинг учун ҳам

$$dy=y'dx. \qquad (3)$$

(3) формула x қандайдир янги ўзгарувчи t нинг функцияси бўлган ҳол учун ҳам тўғри бўлади.

(1) дан $\Delta y \approx dy$ экани, яъни етарлича кичик $dx = \Delta x$ учун функция орттирмаси унинг дифференциалига тақрибий тенг экани келиб чиқади.

Хусусий ҳолда чизиқли функция $y = ax + b$ учун $\Delta y = dy$.

Қуйидаги функцияларнинг дифференциаллари топилсин:

1064. 1) $y = x^n$ 2) $y = x^3 - 3x^2 + 3x$.

1065. 1) $y = \sqrt{1 + x^2}$; 2) $s = \frac{gt^2}{2}$.

1066. 1) $r = 2\varphi - \sin 2\varphi$, 2) $x = \frac{1}{t^2}$.

1067. 1) $d(\sin^2 t)$; 2) $d(1 - \cos u)$.

1068. 1) $d\left(\frac{a}{x} + \operatorname{arc\,tg} \frac{x}{a}\right)$; 2) $d\ (\alpha + \ln \alpha)$;

3) $d\left(\cos \frac{\varphi}{2}\right)$ 4) $d\left(\arcsin \frac{1}{x}\right)$.

1069. 1) $x^2 + y^2 = a^2$; 2) $xy = a^2$; 3) $x^2 - xy - y^2 = 0$ тенгламаларнинг ҳар бир ҳадларининг дифференциалларини топиб, $\frac{dy}{dx}$ топилсин.

1070. 1) $y = x^2$ бўлса, x нинг қиймати 2 дан 2,01 гача ўзгарганда, y ўзгаришининг тақрибий қиймати топилсин ($\Delta y \approx dy$); 2) $y = \sqrt{x}$ бўлса, x нинг қиймати 100 дан 101 гача ўзгарганда, y ўзгаришининг тақрибий қиймати топилсин.

1071. 1) Кубнинг қирраси $x = 5\ м \pm 0{,}01\ м$. Куб ҳажмини ҳисоблашдаги абсолют ва нисбий хатолар аниқлансин.

2) Телеграф симининг узунлиги $s = 2b\left(1 + \frac{2f^2}{3b^2}\right)$, бундаги $2b$ — симнинг устунга биркитилган нуқталари орасидаги масофа, f эса симнинг энг катта эгилиши. Иссиқлик таъсирида сим узунлиги ds га ортса, эгилиш қанчага ортади?

1072. 1) $x \leqslant 4$ бўлганда, $y = x^2\sqrt{x}$ эгри чизиқ ординатасини ҳисоблашдаги хато 0,1 дан ортиқ бўлмаслиги учун унинг абсциссасини қандай аниқликда ўлчаш керак?

2) Шар ҳажмини ҳисоблашда 1% дан ортиқ хато қилмаслик учун шар радиусини қандай нисбий аниқликда ўлчаш зарур?

1073. 1) Доиравий ҳалқанинг юзи; 2) сферик қатламнинг (иккита концентрик сфера орасидаги қатламнинг) ҳажми тақрибий ҳисоблансин. Улар аниқ қийматлари билан таққослансин.

Қуйидаги функцияларнинг дифференциаллари топилсин:

1074. 1) $y=\frac{1}{x}-\frac{1}{x^2}$; 2) $r=\cos(a-b\varphi)$; 3) $s=\sqrt{1-t^2}$.

1075. 1) $y=\ln\cos x$; 2) $z=\operatorname{arc\,tg}\sqrt{4u-1}$; 3) $s=e^{-2t}$.

1076. 1) $d(\sqrt{x}+1)$; 2) $d(\operatorname{tg}\alpha-\alpha)$; 3) $d(bt-e^{-bt})$.

1077. 1) $y=x^3$ бўлса, Δy ҳамда dy лар аниқлансин ва улар x нинг қиймати 2 дан 1,98 гача ўзгарганда ҳисоблансин.

2) Маятник тебранишининг даври $T=2\pi\sqrt{\frac{l}{980}}$ *секунд*, бундаги l — сантиметр билан ўлчанган маятник узунлиги. Тебраниш даври 0,1 секундга камайиши учун маятник узунлиги $l=20$ *см* ни қандай ўзгартириш керак?

3) $x\geqslant 0{,}5$ бўлганда, $xy=4$ эгри чизиқ ординатасини ҳисоблашдаги хато 0,1 дан катта бўлмаслиги учун унинг абсциссасини қандай аниқлик билан ўлчаш керак?

12-§. Эгри чизиқнинг параметрик тенгламалари

Эгри чизиқ $x=f(t)$ ва $y=\varphi(t)$ параметрик тенгламалар билан берилган бўлсин. x ва y нинг текисдаги нуқталар билан уларнинг параметр t бўйича олинган ҳосилаларини белгилаб:

$$\frac{dy}{dx}=\frac{\dot{y}}{\dot{x}};\quad \frac{d\left(\frac{\dot{y}}{\dot{x}}\right)}{dx}=\frac{\dddot{y}\dot{x}-\ddot{x}\ddot{y}}{\dot{x}^2}$$

ларни топамиз.

1078. 1) $\left.\begin{aligned}x&=t^2\\ y&=\frac{1}{2}t^3\end{aligned}\right\}$; 2) $\left.\begin{aligned}x&=\\ y&=\frac{t^3}{3}-t\end{aligned}\right\}$

параметрик тенгламалар билан берилган эгри чизиқлар ясалсин. Тенгламалардан t ни чиқариб, ҳар бир эгри чизиқ тенгламаси одатдаги $F(x, y)=0$ кўринишда ёзилсин.

Қуйидаги параметрик тенгламалар билан берилган эгри чизиқларнинг тенгламалари $F(x, y)=0$ (ёки $y=f(x)$) кўринишга келтирилсин:

1079. 1) $\begin{cases} x = a\cos t \\ y = b\sin t; \end{cases}$ 2) $\begin{cases} x = a\cos^3 t \\ y = a\sin^3 t. \end{cases}$

1080. 1) $\begin{cases} x = \dfrac{e^t + e^{-t}}{2} \\ y = \dfrac{e^t - e^{-t}}{2}; \end{cases}$ 2) $\begin{cases} x = \operatorname{tg} t \\ y = \cos^2 t. \end{cases}$

1081. t га $0, \frac{\pi}{2}, \pi, \frac{3\pi}{2}, 2\pi$ қийматларни бериб, доира «эвольвентаси» ёки «ёйилмаси» ясалсин:

$$\left.\begin{aligned} x &= a(\cos t + t\sin t) \\ y &= a(\sin t - t\cos t) \end{aligned}\right\}.$$

1082. $y = xt$ деб, $x^3 + y^3 - 3axy = 0$ «Декарт япроғи» нинг параметрик тенгламалари ёзилсин (366-масалага қаралсин) ва t; 1) 0 дан $+\infty$ гача; 2) 0 дан -1 гача; 3) $-\infty$ дан -1 гача монотон ўзгарганда нуқтанинг эгри чизиқ бўйлаб ҳаракати текширилсин.

1083. $x = a\ (t - \sin t)$, $y = a\ (1 - \cos t)$ циклоиданинг (367-масалага қаралсин) $t = \frac{\pi}{2}$ нуқтасига ўтказилган уринма тенгламаси ёзилсин. Эгри чизиқ ва уринма ясалсин.

1084. $x = a\cos^3 t$, $y = a\sin^3 t$ гипоциклоидага (астроидага) $t = \frac{\pi}{4}$ нуқтада ўтказилган уринма тенгламаси ёзилсин. Эгри чизиқ ва уринма ясалсин.

Кўрсатма. Эгри чизиқни ясаш учун $t = 0, \frac{\pi}{4}, \frac{\pi}{2}, \frac{3\pi}{4}, \ldots$ бўлгандаги x ва y лар қийматларининг жадвали тузилсин.

1085. 1) $\begin{cases} x = a\cos t \\ y = a\sin t; \end{cases}$ 2) $\begin{cases} x = t^2 \\ y = \dfrac{t^3}{3} - t; \end{cases}$ 3) $\begin{cases} x = a(t - \sin t) \\ y = a(1 - \cos t) \end{cases}$

тенгламалардан $\frac{d^2y}{dx^2}$ топилсин.

1086. 1) $x = 2t - 1$, $y = 1 - 4t^2$; 2) $x = t^3$, $y = t^2 - 2$ параметрик тенгламалар билан берилган эгри чизиқлар, координаталар ўқлари билан кесишган нуқталарини топиб

ҳамда иккинчи эгри чизиқ учун $t = 0$ бўлганда $\frac{dy}{dx} = \infty$ эканини эътиборга олиб ясалсин. Эгри чизиқ тенгламаси $F(x, y) = 0$ кўринишда ёзилсин.

1087. $x = a(t - \sin t)$, $y = a(1 - \cos t)$ циклоидага $t = \frac{3\pi}{2}$ нуқтада ўтказилган уринма тенгламаси ёзилсин. Эгри чизиқ ва уринма ясалсин.

1088. $x = a(\cos t + t \sin t)$, $y = a(\sin t - t \cos t)$ доира ёйилмасига $t = \frac{\pi}{4}$ нуқтада ўтказилган уринма тенгламаси ёзилсин.

1089. 1) $\begin{cases} x = 2\cos t \\ y = \sin t; \end{cases}$ 2) $\begin{cases} x = t^2 \\ y = t + t^3; \end{cases}$ 3) $\begin{cases} x = e^{2t} \\ y = e^{3t} \end{cases}$ тенгламалардан $\frac{d^2y}{dx^2}$ топилсин.

VII БОБ

ҲОСИЛАНИНГ ТАТБИҚЛАРИ

1-§. Тезлик ва тезланиш

Нуқта Ox ўқ бўйича ҳаракат қилиб, вақтнинг t пайтида $x = f(t)$ координатага эга бўлсин, у ҳолда вақтнинг t пайтида

$$\text{тезлик } v = \lim_{\Delta t \to 0} \frac{\Delta x}{\Delta t} = \frac{dx}{dt},$$

$$\text{тезланиш } w = \lim_{\Delta t \to 0} \frac{\Delta v}{\Delta t} = \frac{dv}{dt} = \frac{d^2x}{dt^2} \text{ бўлади.}$$

1090. Зенит снаряд бошланғич a *м/сек* тезлик билан вертикал йўналишда отилган. t секунддан сўнг снаряд қандай x баландликда бўлади? Снарядниг ҳаракат тезлиги ва тезланиши аниқлансин. Неча секунддан сўнг снаряд энг юқори баландликка кўтарилади ва ердан қандай масофада бўлади?

1091. Жисм $x = \frac{t^3}{3} - 2t^2 + 3t$ қонунга асосан Ox тўғри чизиқ бўйича ҳаракат қилади. Ҳаракат тезлиги ва тезланиши аниқлансин. Қайси пайтларда жисм ҳаракат йўналишини ўзгартиради?

1092. Моддий нуқта $x = a\cos\omega t$ қонун бўйича тебранма ҳаракат қилади. $x = \pm a$ ва $x = 0$ нуқталардаги тезлик ва тезланиш аниқлансин.

$\frac{d^2x}{dt^2}$ тезланиш ҳамда нуқтанинг узоқлашиши x ушбу $\frac{d^2x}{dt^2} = -\omega^2 x$ «дифференциал» тенглама билан боғлангани кўрсатилсин.

1093. Тормоз билан тўхтатиладиган айланувчи маховик t секундда $\varphi = a + bt - ct^2$ бурчакка бурилади. Бундаги a, b ва c лар мусбат ўзгармас миқдорлар. Тезлик ва тезланиш аниқлансин. Ғилдирак қачон тўхтайди?

1094. Радиуси a га тенг ғилдирак тўғри чизиқ бўйича юмалайди. Ғилдиракнинг t секунддаги бурилиш бурчаги $\varphi = t + \frac{t^2}{2}$ тенглама билан аниқланади. Ғилдирак марказининг ҳаракат тезлиги ва тезланиши аниқлансин.

1095. Ox ўқ бўйича ҳаракат қилувчи нуқтанинг тезлиги v, тезланиши w бўлсин, $wdx = vdv$ экани кўрсатилсин.

1096. Тўғри чизиқли ҳаракатдаги нуқтанинг тезлиги v, ўтган йўли x бўлиб, $v^2 = 2ax$ шарт бажарилади; a — ўзгармас. Ҳаракат тезланиши аниқлансин.

1097. 10 метр баландликдаги жисм 20 *м/сек* бошланғич тезлик билан юқорига вертикал отилган. t секунддан кейин у қандай x баландликда бўлади? Ҳаракат тезлиги ва тезланиши аниқлансин. Неча секунддан сўнг жисм энг юқори нуқтага чиқади ва ердан қанча баландликда бўлади?

1098. Радиуси R *см* бўлган ярим шар шаклидаги идишга ўзгармас a *л/сек* тезлик билан сув қуйилади. Идишдаги сувнинг h *см* баландликдаги кўтарилиш тезлиги аниқлансин ва у сувнинг эркин сиртига тескари пропорционал экани кўрсатилсин.

Кўрсатма. Шар сегментининг ҳажми $V = \pi h^2 \left(R - \frac{h}{3} \right)$ экани маълум. Масаланинг шартига кўра $\frac{dV}{dt} = a$ эканини ҳисобга олиб, биринчи тенгликнинг икки томонини t бўйича дифференциаллаш керак.

1099. Қандайдир химиявий реакция натижасида ҳосил қилинадиган жисм миқдори x билан t вақт орасидаги боғланиш $x = A\,(1 - e^{-kt})$ тенглама билан ифодаланади. Реакция тезлиги аниқлансин.

1100. Бурчак тезлиги $\frac{d\varphi}{dt} = \omega$, бурчак тезланиши эса $\frac{d\omega}{dt} = \varepsilon$ бўлсин. $\frac{d(\omega^2)}{d\mu} = 2\varepsilon$ экани кўрсатилсин.

2-§. Ўрта қиймат ҳақидаги теоремалар

1°. Ролль теоремаси. Агар $f(x)$: 1) $[a, b]$ сегментда узлуксиз, 2) шу сегментнинг ички нуқталарида ҳосилага эга, 3) $f(a) = f(b)$ бўлса, у ҳолда a билан b орасида шундай $x = c$ нуқта мавжудки,

унда

$$f'(c) = 0 \qquad (1)$$

бўлади.

2°. Лагранж теоремаси. Агар $f(x)$: 1) $[a, b]$ сегментда узлуксиз, 2) шу кесманинг ички нуқталарида ҳосилага эга бўлса, у ҳолда a билан b орасида шундай $x = c$ нуқта мавжудки, унда

$$f(b) - f(a) = (b - a) f'(c) \qquad (2)$$

бўлади.

3°. Коши теоремаси. Агар $f(x)$ ва $\varphi(x)$: 1) $[a, b]$ сегментда узлуксиз, 2) шу кесманинг ички нуқталарида ҳар иккала функция ҳам ҳосилага эга, шунинг билан бирга $\varphi'(x) \neq 0$ бўлса, у ҳолда a билан b орасида $x = c$ нуқта мавжудки, унда

$$\frac{f(b) - f(a)}{\varphi(b) - \varphi(a)} = \frac{f'(c)}{\varphi'(c)} \qquad (3)$$

бўлади.

Бу теоремаларда a билан b орасидаги қандайдир ўрта $x = c$ қиймат ҳақида сўз юритилгани учун, улар ўрта қиймат ҳақидаги теоремалар деб аталади.

Геометрик нуқтаи назардан Ролль ва Лагранж теоремалари, ҳар бир нуқтаси учун аниқ бир уринма мавжуд бўлган, қайтиш нуқтаси бўлмаган узлуксиз $y = f(x)$ эгри чизиқнинг AB ёйида шундай ички нуқта борки, унда ўтказилган уринма AB ватарга параллел бўлишини тасдиқлайди.

Равшанки, синиш ёки қайтиш нуқталарга эга ёйлар учун юқоридаги теоремаларнинг шартлари бажарилмайди

$f(b) = f(a) = 0$ бўлган хусусий ҳол учун Ролль теоремаси қуйидагича ўқилади: агар $f(x)$ функция $[a, b]$ сегментда узлуксиз ва сегментнинг ички нуқталарида ҳосилага эга бўлса, $f(x)$ функциянинг иккита илдизи a ва b орасида $f'(x)$ нинг ҳам ҳеч бўлмаганда битта илдизи бўлади.

1101. $f(x) = x^2 - 4x + 3$ функция илдизлари орасида унинг ҳосиласининг ҳам илдизи бор экани текширилсин. Бу график усулда тушунтирилсин.

1102. Ролль теоремасини $f(x) = \sqrt[3]{x^2}$ функцияга $[-1, 1]$ сегментда татбиқ қилиш мумкинми?

1103. $y = |\sin x|$ эгри чизиқнинг $\left[-\frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2}\right]$ сегментдаги $\overset{\frown}{AB}$ ёйи ясалсин. Нима учун бу ёйда AB ватарга параллел уринма йўқ? Ролль теоремасининг қайси шарти бу ерда бажарилмайди?

1104. $y = x^2$ параболанинг қайси нуқтасида ўтказилган уринма $A(-1; 1)$ ва $B(3; 9)$ нуқталарни бирлаштирувчи ватарга параллел бўлади?

1105. $[a, b]$ сегментда $f(x) = x^2$ функция учун Лагранж формуласи ёзилсин ва c топилсин. График усул билан тушунтирилсин.

1106. $[1, 4]$ сегментда $f(x) = \sqrt{x}$ функция учун Лагранж формуласи ёзилсин ва c топилсин.

1107. $[-1, 2]$ сегментда $\frac{4}{x}$ ва $1 - \sqrt[3]{x^2}$ функцияларга Лагранж теоремасини татбиқ қилиш мумкин эмаслиги кўрсатилсин. График усулда тушунтирилсин.

1108. $\left[0, \frac{2\pi}{3}\right]$ сегментда $y = |\cos x|$ эгри чизиқнинг $\overset{\frown}{AB}$ ёйи ясалсин. Нима учун бу ёйда AB ватарга параллел уринма йўқ? Лагранж теоремасининг қайси шарти бунда бажарилмайди?

1109. $f(x) = \begin{cases} x, |x| < 2 \text{ бўлганда,} \\ 1, |x| \geqslant 2 \text{ бўлганда} \end{cases}$ функция графиги ясалсин. Унда $O(0; 0)$ ва $B(2; 1)$ нуқталарни олиб, графикнинг O билан B нуқтаси орасида уринмаси OB га параллел бўлган нуқта йўқлиги кўрсатилсин. $[0, 2]$ сегментда бу функция учун Лагранж теоремасининг қайси шартлари бажарилади ва қайси шартлари бажарилмайди?

1110. Поезд икки станция орасидаги масофани $v_0 = 40$ *км/соат* ўртача тезлик билан босиб ўтган. Лагранж теоремасига кўра шундай момент бўладики, ўша вақтда ҳақиқий тезлик (ўртача тезлик эмас) $\frac{ds}{dt} = 40$ *км/соат* бўлади. Бунинг тўғрилиги кўрсатилсин.

1111. $[a, b]$ сегментда узлуксиз ва шу сегментнинг ҳар бир ички нуқтасида ҳосилага эга $f(x)$ функция берилган.

$$\Phi(x) = \begin{vmatrix} x & f(x) & 1 \\ b & f(b) & 1 \\ a & f(a) & 1 \end{vmatrix}$$

функцияга Ролль теоремасини татбиқ этиб, $f(x)$ функция учун Лагранж теоремаси ҳосил қилинсин. $\Phi(x)$ функциянинг геометрик маъноси аниқлансин.

1112. $f(x) = x^3$ ва $\varphi(x) = x^2$ функциялар учун Кошининг $\frac{f(b) - f(a)}{\varphi(b) - \varphi(a)} = \frac{f'(c)}{\varphi'(c)}$ формуласи ёзилсин ҳамда c топилсин.

1113. Геометрик нуқтаи назардан Коши теоремаси қуйидагини тасдиқлайди: агар $[a, b]$ сегментда $x = \varphi(t)$ ва $y = f(t)$ функциялар Коши теоремасининг шартларини қаноатлантир-

са, у ҳолда t нинг $a \leqslant t \leqslant b$ сегментдан олинган қийматлари учун $x = \varphi(t)$ ва $y = f(t)$ эгри чизиқнинг ёйи устида шундай ички нуқта топиладики, бу нуқтада ёйга ўтказилган уринма ватарга параллел бўлади. Бу исбот қилинсин.

1114. 1) $f(x) = x^2$; 2) $f(x) = x^3$ функциялар учун Лагранж формуласи $f(x + \Delta x) - f(x) = \Delta x f'(x + \theta \Delta x)$ кўринишда ёзилсин, бунда $0 < \theta < 1$ ҳамда биринчи функция учун θ нинг x га боғлиқ эмаслиги, иккинчи функция учун эса у x ва Δx ларга боғлиқ эканлиги кўрсатилсин.

1115. $\sqrt{101} = 10 + \dfrac{1}{2\sqrt{100 + \theta}} \approx 10{,}05$ экани кўрсатилсин.

1116. Агар

$$f(0) = f'(0) = f''(0) = \ldots = f^{(n-1)}(0) = 0$$

бўлса, Коши формуласи ёрдами билан

$$\frac{f(x)}{x^n} = \frac{f^{(n)}(\theta x)}{n!}$$

экани кўрсатилсин, бунда $0 < \theta < 1$.

1117. $f(x) = x^3$ функция учун Лагранжнинг

$$f(b) - f(a) = f(b - a)\, f'(c)$$

формуласи ёзилсин ва c топилсин.

1118. Қуйидаги функциялар учун Лагранж формуласи ёзилсин ва c топилсин.

1) $[0, 1]$ сегментда $f(x) = \operatorname{arc\,tg} x$;

2) $[0, 1]$ сегментда $f(x) = \arcsin x$;

3) $[1, 2]$ сегментда $f(x) = \ln x$.

1119. Қуйидаги функциялар учун Коши формуласи ёзилсин ва c топилсин:

1) $\left[0, \dfrac{\pi}{2}\right]$ сегментда $\sin x$ ва $\cos x$;

2) $[1, 4]$ сегментда x^2 ва $\sqrt{x}$.

1120. $y = |x - 1|$ функциянинг $[0; 3]$ сегментдаги графиги ясалсин. Нима учун бунда ватарга параллел уринма ўтказиш мумкин эмас? Лагранж теоремасининг шартларидан қайси бири бажарилмайди?

1121. $y = 4 - x^2$ эгри чизиқнинг қайси нуқтасида ўтказилган уринма унинг $A(-2; 0)$ ва $B(1; 3)$ нуқталарини бирлаштирувчи ватарга параллел бўлади? График усулда тушунтирилсин.

3-§. Аниқмасликларни очиш. Лопитал қоидаси

1°. $\frac{0}{0}$ кўринишдаги аниқмаслик. Лопиталнинг биринчи қоидаси. Агар $\lim\limits_{x\to a} f(x) = \lim\limits_{x\to a} \varphi(x) = 0$ ва $\lim\limits_{x\to a} \frac{f'(x)}{\varphi'(x)}$ мавжуд бўлса, у ҳолда $\lim\limits_{x\to a} \frac{f(x)}{\varphi(x)} = \lim\limits_{x\to a} \frac{f'(x)}{\varphi'(x)}$ бўлади.

2°. $\frac{\infty}{\infty}$ кўринишдаги аниқмаслик. Лопиталнинг иккинчи қоидаси. Агар $\lim\limits_{x\to a} f(x) = \lim\limits_{x\to a} \varphi(x) = \infty$ ва $\lim\limits_{x\to a} \frac{f'(x)}{\varphi'(x)}$ мавжуд бўлса, у ҳолда $\lim\limits_{x\to a} \frac{f(x)}{\varphi(x)} = \lim\limits_{x\to a} \frac{f'(x)}{\varphi'(x)}$ бўлади.

3°. $0\cdot\infty$, $\infty - \infty$, 1^∞ ва 0^0 кўринишдаги аниқмасликлар алгебраик алмаштиришлар ёрдами билан $\frac{0}{0}$ ва $\frac{\infty}{\infty}$ кўринишдаги аниқмасликларга келтирилади.

Қуйидаги лимитлар топилсин:

1122. $\lim\limits_{x\to a} \frac{\sin 3x}{x}$.

1123. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{e^x - 1}{\sin 2x}$.

1124. $\lim\limits_{x\to a} \frac{x-a}{x^n - a^n}$.

1125. $\lim\limits_{x\to a} \frac{x-1}{\ln x}$,

1126. $\lim\limits_{x\to a} \frac{1-\cos ax}{1-\cos bx}$.

1127. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{1-\cos x}{x^2}$.

1128. $\lim\limits_{x\to a} \frac{x-\sin x}{x^3}$.

1129. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\operatorname{tg} x - \sin x}{x - \sin x}$.

1130. $\lim\limits_{x\to+\infty} \frac{e^x}{x^3}$; 2) $\lim\limits_{x\to\infty} \frac{e^x}{x^3}$.

1131. $\lim\limits_{x\to\infty} \frac{\ln x}{x}$.

1132. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\ln x}{\operatorname{ctg} x}$.

1133. $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{2}} \frac{\operatorname{tg} x}{\operatorname{tg} 3x}$.

1134. $\lim\limits_{x\to\pi} (\pi - x)\operatorname{tg}\frac{x}{2}$.

1135. $\lim\limits_{x\to 0} x \ln x$.

1136. $\lim\limits_{x\to+\infty} x^n \cdot e^{-x}$.

1137. $\lim\limits_{x\to 0} x^x$.

1138. $\lim\limits_{x\to 0}(\sin x)^{\operatorname{tg} x}$. **1139.** $\lim\limits_{x\to\infty}\left(1+\frac{3}{x}\right)^{x}$.

1140. $xe^{x}-\sin x$ чексиз кичикнинг нолга интилувчи x $(x\to 0)$ га нисбатан тартиби аниқлансин.

1141. x нолга интилса $(x\to 0)$:

1) $x-\operatorname{arc tg} x\approx\frac{x^3}{3}$; 2) $a^{x}-b^{x}\approx x\ln\frac{a}{b}$;

3) $e^{2x}-1-2x\approx 2x^2$; 4) $2x-\ln(1+2x)\approx 2x^2$

бўлиши исбот қилинсин.

1142. x нолга интилганда $(x\to 0)$ $x-\sin x\approx\frac{x^3}{6}$ ва бундан тахминан $\frac{x^3}{6}$ хато билан $\sin x\approx x$ экани исбот қилинсин, $\sin 1^\circ$ ва $\sin 6^\circ$ ҳисоблансин ҳамда хатолар баҳолансин.

1143. α нолга интилганда $\sqrt[3]{1+\alpha}-1-\frac{1}{3}\alpha\approx-\frac{\alpha^2}{9}$ ва бундан тахминан $\frac{\alpha^2}{9}$ хато билан $\sqrt[3]{1+\alpha}\approx 1+\frac{1}{3}\alpha$ экани исбот қилинсин. $\sqrt[3]{1{,}006}$, $\sqrt[3]{0{,}991}$, $\sqrt[3]{65}$, $\sqrt[3]{210}$ лар ҳисоблансин ва хатолар баҳолансин.

Қуйидаги лимитлар ҳисоблансин:

1144. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{ax}-e^{bx}}{\sin x}$. **1145.** $\lim\limits_{x\to 0}\frac{x-\operatorname{arc tg} x}{x^3}$.

1146. $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{2a}}\frac{1-\sin ax}{(2ax-\pi)^2}$. **1147.** $\lim\limits_{x\to 0}\frac{a^{x}-b^{x}}{\operatorname{tg} x}$.

1148. $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{6}}\frac{1-2\sin x}{\cos 3x}$. **1149.** $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{4}}\frac{1-\operatorname{tg} x}{\cos 2x}$.

1150. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{2x}-1}{\ln(1+2x)}$ **1151.** $\lim\limits_{x\to 1}\frac{\ln x}{1-x^3}$.

1152. $\lim\limits_{x\to 0}(1-e^{2x})\operatorname{ctg} x$. **1153.** $\lim\limits_{x\to 1}x^{\frac{1}{1-x}}$.

1154. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\frac{1}{x\sin x}-\frac{1}{x^2}\right)$. **1155.** $\lim\limits_{x\to 0}(e^{2x}+x)^{\frac{1}{x}}$.

1156. x нолга интилганда $\arcsin x - x \approx \frac{x^3}{6}$ экани исбот қилинсин.

1157. α нолга интилганда $\sqrt{1+\alpha}-1-\frac{\alpha}{2}\approx -\frac{\alpha^2}{8}$ бўлиши ва бундан тахминан $\frac{\alpha^2}{8}$ хато билан $\sqrt{1+\alpha}\approx \approx 1+\frac{\alpha}{2}$ экани келиб чиқиши исбот қилинсин. $\sqrt{1{,}006}$, $\sqrt{1{,}004}$, $\sqrt{0{,}998}$, $\sqrt{0{,}994}$, $\sqrt{66}$, $\sqrt{85}$ лар ҳисоблансин ва хатолар баҳолансин.

4- §. Функциянинг ўсиши ва камайиши. Максимум ва минимум

1°. Таърифлар. I. Агар x_0 нуқтанинг қандайдир ε атрофида, исталган мусбат $h<\varepsilon$ учун

$$f(x_0-h)<f(x_0)<f(x_0+h)$$

бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада ўсувчи дейилади.

II. Агар $[a, b]$ сегментдаги исталган x_1 ва x_2 учун $x_1<x_2$ бўлганда $f(x_1)<f(x_2)$ бўлса, $f(x)$ функция шу сегментда ўсувчи дейилади.

Функциянинг нуқтада ва сегментда камаювчи бўлиши ҳам шунинг сингари таърифланади.

III. Агар $f(x_0)$ қиймат x_0 нуқтанинг қандайдир икки томонлама атрофида $f(x)$ функциянинг энг катта ёки энг кичик қиймати бўлса, x_0 нуқтада $f(x)$ функция *экстремумга (максимумга* ёки *минимумга)* эга дейилади.

2°. $y=f(x)$ функциянинг (нуқтада ва сегментда) ўсувчи ва камаювчи бўлишининг етарли аломатлари:

агар $y'>0$ бўлса, функция *ўсувчи бўлади*.

агар $y'<0$ бўлса, функция *камаювчи бўлади*.

3°. Экстремумнинг зарурий шарти. $y=f(x)$ функция, фақат $y'=0$ ёки бу ҳосила мавжуд бўлмаган нуқталардагина экстремумга эга бўлиши мумкин. Бу нуқталар *критик* нуқталар деб аталади. Функциянинг критик нуқталаридан ўтувчи уринма горизонтал ($y'=0$) ёки вертикал (қайтиш нуқтасида) бўлади, ёки аниқ уринмага эга бўлмайди (масалан, синиш нуқтасида). Сўнгги икки ҳолда y' мавжуд бўлмайди.

4°. Экстремумнинг етарли шартлари. Агар $y=f(x)$ функция x_0 нуқтада узлуксиз бўлса ва ўша нуқта ихтиёрий атрофининг, балки фақат x_0 нинг ўзидан бошқа нуқталарида чекли ҳосилага эга бўлса ва агар x нинг қиймати x_0 дан ўтганда

y' ўз ишорасини + дан — га ўзгартса, у ҳолда

$$f(x_0)=y_{\max}$$ бўлади;

y' ўз ишорасини — дан + га ўзгартса, у ҳолда

$$f(x_0) = y_{\min}$$ бўлади;

y' ўз ишорасини ўзгартмаса, у ҳолда функция экстремумга эга бўлмайди.

Учинчи ҳол ($y' > 0$ ёки $y' < 0$ бўлганда) оддий нуқтада ҳамда бурилиш нуқтасида ва шунингдек синиш нуқтасида рўй беради.

Демак, функциянинг экстремумини топиш учун:

1) y' ни топиб, уни нолга айлантирувчи ёки у мавжуд бўлмаган критик нуқталарни топиш керак;

2) ҳар бир критик нуқтадан чап ва ўнг томонларида y' нинг ишорасини, масалан, ушбу

x		x_1		x_2		x_3		x_4	
y'	—	0	+	ўўқ	—	0	—	$-\infty$	—
y	камаяди	$\cup$ min	ўсади	$\cap$ max	камаяди	букилиш	камаяди	букилиш	камаяди

кўринишдаги жадвал тузиб, аниқлаш керак.

Сўнгра $y_{\max}$ ва $y_{\min}$ ларни топиб эгри чизиқни (функция графигини) ясаш мумкин. 30- чизмада юқорида келтирилган жадвалга мос келувчи эгри чизиқ ясалган.

5°. Функция экстремумининг етарли шартлари (текширишнинг иккинчи усули).

Агар бирор $x = x_0$ нуқтада:

1) $y' = 0$ ва $y'' < 0$ бўлса, у ҳолда $f(x_0) = y_{\max}$ бўлади;

2) $y' = 0$ ва $y'' > 0$ бўлса, у ҳолда



30- чизма.

$f(x_0) = y_{\min}$ бўлади;

3) $y' = 0$ ва $y'' = 0$ бўлса, у ҳолда масала ечилмасдан қолади ва уни ечиш учун биринчи усулга мурожаат қилиш керак.

Қуйидаги функцияларнинг ўсиши ва камайиши текширилсин:

1158. 1) $y = x^2$; 2) $y = x^3$; 3) $y = \frac{1}{x}$; 4) $y = \ln x$.

1159. 1) $y = \operatorname{tg} x$; 2) $y = e^x$. 3) $y = 4x - x^2$.

Қуйидаги функцияларнинг экстремумлари топилсин ва уларнинг графиклари ясалсин*:

---

* 1165, 1168, 1173 шунингдек бошқа бир қанча масалалардаги эгри чизиқларни ясаш учун аввал уларнинг асимптоталарини топиш зарур (V боб, 9- § га қаралсин).

1160. $y = x^2 + 4x + 5$, **1161.** $y = 4x - \frac{x^3}{3}$.

1162. $y = \frac{x^3}{3} - x^2 - 3x$. **1163.** $y = 1 + 2x^2 - \frac{x^4}{4}$.

1164. $y = \frac{x^4}{4} - x^3$. **1165.** $y = \frac{x}{2} + \frac{2}{x}$.

1166. $y = \sqrt[3]{x^2} - 1$. **1167.** $y = \frac{1}{1+x^2}$.

1168. $y = \frac{y^2 - 6x + 13}{x - 3}$, **1169.** $y = x^2(1-x)$.

1170. $y = 1 - \sqrt[3]{(x-4)^2}$. **1171.** $y = e^{-x^2}$.

1172. $y = x + \cos 2x$, $(0, \pi)$ оралиқда.

1173. $y = 4x - \operatorname{tg} x$, $\left(-\frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2}\right)$ оралиқда.

1174. $y = \frac{1 + \ln x}{x}$, **1175.** $y = x - \operatorname{arc\,tg} 2x$.

1176. 1) $y = xe^{-\frac{x}{2}}$; 2) $y = x \ln x$.

1177. 1) $y = \sqrt{\sin x^2}$; 2) $y = \sqrt{e^{x^2} - 1}$.

1178. $y = \sin^4 x + \cos^4 x$. **1179.** $y = x\sqrt{1-x}$.

1180 $y = \frac{\sqrt[4]{x}}{x+2}$. **1181.** $y = \frac{x}{(x-1)(x-4)}$.

1182. $y = \frac{x^2}{2} + \frac{1}{x}$. **1183.** $y = x^{\frac{2}{3}} + (x-2)^{\frac{2}{3}}$.

1184. $y = \frac{x^5}{5} - x^4 + x^3$. **1185.** $y = x^3(x+2)^2$.

1186. $y = 2\left(\frac{1}{x} - \frac{1}{x^2}\right)$. **1187.** $y = \frac{x^3}{x^2 - 3}$.

1188. $y = 2\operatorname{tg} x - \operatorname{tg}^2 x$. **1189.** $y = x + \ln(\cos x)$.

1190. 1) $y = \ln\sqrt{1 + x^2} - \operatorname{arc\,tg} x$; 2) $y = |x|(x+2)$.

1191. $y = x^2 e^{-x}$. **1192.** $y = 3\sqrt[3]{(x+1)^2} - 2x$.

Қуйидаги функцияларнинг экстремумлари топилсин ва графиклари ясалсин:

1193. $y = 4x - x^2$. **1194.** $y = x^2 + 2x - 3$.

1195. $y = \frac{x^3}{3} + x^2$.

1196. $y = x^3 + 6x^2 + 9x$.

1197. $y = \frac{x^2}{x-2}$.

1198. $y = x^3 + \frac{x^4}{4}$.

1199. $y = \frac{x^4}{4} - 2x^2$.

1200. $y = 2x - 3\sqrt[3]{x^2}$.

1201. $y = \frac{(x-1)^2}{x^2+1}$.

1202. $y = xe^{-\frac{x^2}{2}}$.

1203. $y = x - 2\ln x$.

1204. $y = x^{\frac{2}{3}}(x-5)$.

1205. $y = \sin 2x - x$, $\left(-\frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2}\right)$ оралиқда.

1206. $y = 2x + \operatorname{ctg} x$, $(0, \pi)$ оралиқда.

1207. $y = x + \operatorname{arc\,ctg} 2x$.

1208. $y = 1 + \sqrt[3]{(x-1)^2}$.

1209. $y = 2\sin x + \cos 2x$, $(0, \pi)$ оралиқда.

1210. $y = 3x^4 - 8x^3 + 6x^2$.

1211. $y = \frac{\ln x}{x}$.

1212. $y = \frac{3-x^2}{x+2}$.

1213. $y = x + \frac{1}{x}$.

1214. 1) $y = ae^{-x}\cos x$ ($x > 0$ бўлганда);
2) $y = 3x^5 - 5x^3$.

1215. $y = \frac{(4-x)^3}{9(2-x)}$.

1216. $y = \frac{12\sqrt{(x+2)^2}}{x^2+8}$.

1217. $y = \frac{2x^2-1}{x^4}$.

1218. $y = (1-x^2)(1-x^3)$.

1219. $y = \frac{1+x+x^2}{1-x+x^2}$.

1220. $y = x + 2\sqrt{-x}$.

1221. 1) $y = \frac{(x+3)^3}{(x+2)^2}$;

2) $y = \sqrt{1-\cos x}$.

5- §. Миқдорларнинг энг катта ва энг кичик қийматларига доир масалалар

Бу параграфда берилган масалаларни ечиш учун масалада берилган шартларга кўра энг катта ва энг кичик қийматини топиш зарур бўлган миқдорни (функцияни) тузиб олиш керак. 1229-масалани ечайлик: бу масалада туннель кесими юзининг энг катта бўлиш шартлари сўралади. Шунинг учун туннель кесими юзи S учун формула тузамиз.

Ярим айлана радиусини x, тўртбурчак баландлигини y десак:

$$S = \frac{\pi}{2}x^2 + 2xy. \qquad (1)$$

Масаланинг шартига кўра $2x + 2y + \pi x = 18$. (2)

Бундан y ни топиб (1) га қўйсак $S = f(x) = 18x - \frac{\pi + 4}{2} x^2$ функцияга эга бўламиз. Энди бу функциянинг энг катта қийматини топамиз. $S = f(x)$ функция $\left(0, \frac{18^2}{\pi + 4}\right)$ оралиқда мавжуд. Бу оралиқдаги экстремум нуқталарни топамиз: 1) $f'(x) = 18 - (4 + \pi)x$; 2) $18 - (4 + \pi)x = 0$; $x = \frac{18}{4 + \pi}$; 3) $f''(x) = -(4+\pi) < 0 \cdot f\left(\frac{18}{\pi + 4}\right)$ функциянинг maximum қиймати бўлади. Равшанки, у функциянинг энг катта қиймати ҳам бўлади. Демак, туннель кесими юзининг энг катта бўлиши учун ярим доира радиуси $x = \frac{18}{4 + \pi}$ бўлиши керак.

1222. Узунлиги 120 метрлик панжара билан бир томондан уй билан чегараланган энг катта юзага эга тўғри тўртбурчак шаклидаги майдон ўраб олиниши керак. Тўғри тўрт бурчакли майдон ўлчовлари аниқлансин.

1223. 10 сони шундай иккита қўшилувчига ажратилсинки, уларнинг кўпайтмаси энг катта бўлсин.

1224. Асоси a ва баландлиги h бўлган учбурчакка энг катта юзли тўғри тўртбурчак ички чизилган. Тўғри тўртбурчак юзи аниқлансин.

1225. Томони a бўлган квадрат шаклидаги картон қоғознинг тўртта учидан катталиги бир хил квадратлар кесиб олиниб, қолган қисмидан тўғри бурчакли қути ясалган. Қутининг ҳажми энг катта бўлиши учун кесиб ташланган квадратнинг томони қандай бўлиши керак?

1226. Таги квадрат шаклида, ҳажми 32 $м^3$ га тенг очиқ ҳовузнинг ўлчовлари шундай аниқлансинки, унинг деворлари билан тагини қоплаш учун мумкин қадар оз материал сарф этилсин.

1227. Трапециянинг кичик асоси ва ён томонларининг ҳар бири 10 $см$ га тенг. Унинг катта асоси шундай аниқлансинки, трапеция юзи энг катта бўлсин.

1228. Ярим доирага асоси ярим доира диаметридан иборат бўлган трапеция ички чизилган. Трапециянинг асосига ёпишган бурчаги қандай бўлганда трапециянинг юзи энг катта бўлади?

Кўрсатма. Доира диаметрини d, трапеция ён томонининг асосидаги проекциясини x деб олсак, трапециянинг кичик асоси $d - 2x$ ва баландлиги $h = x \operatorname{tg} \alpha$ бўлади. У ҳолда $S_{тр} = (d - x)x \operatorname{tg} \alpha$.

Планиметриядан маълумки, $h^2 = (d - x)x$; $x^2 \operatorname{tg}^2 \alpha = dx - x^2$ $x = d \cos^2 \alpha$. Бундан $S_{тр} = d^2 \sin^3 \alpha \cos \alpha = f(\alpha)$.

Бундан кейин $S = f(\alpha)$ нинг maximum нуқтаси топилади.

1229. Туннелнинг кесими бир томони ярим доирадан иборат тўғри тўртбурчак шаклига эга. Кесим периметри 18 *м*. Ярим доира радиуси қандай бўлса, кесим юзи энг катта бўлади?

1230. *A* заводга яқин бўлган жойдан белгиланган тўғри чизиқ бўйича *B* шаҳарга қараб темир йўл ўтказилмоқда. Агар бир тонна юкни бир километрга тош йўл бўйича ташиш темир йўл бўйича ташишга қараганда *m* марта қиммат-роқ бўлса, *A* дан *B* га юк ташиш энг арзон бўлиши учун, *A* заводдан темир йўлгача тош йўлни темир йўлга нисбатан қандай α бурчак остида ўтказиш керак?

Кўрсатма. 1 тонна юкни тош йўл бўйлаб ташиш учун x сўм сарф бўлсин. Ташилган юк *A* дан *B* гача $\frac{b}{\sin\alpha}$ *км* тош йўл бўйича, $(a - b\operatorname{ctg}\alpha)$ *км* темир йўл бўйича юради. У ҳолда юкни ташиш учун ҳаммаси бўлиб

$$f(\alpha) = \frac{bx}{\sin\alpha} + (a - b\operatorname{ctg}\alpha)\frac{x}{m}$$

сўм пул сарфланади. Бундан кейин $f(\alpha)$ нинг минимуми топилсин.

1231. Иккита ёруғлик манбалари бир-биридан 30 *м* масофада жойлашган. Агар бу манбаларнинг ёруғлик кучлари 27:8 нисбатда бўлса, уларни туташтирувчи тўғри чизиқда энг суст ёритилган нуқта топилсин.

1232. Иккита самолёт бир хил v *км/соат* тезлик билан бир текислик устида 120° бурчак ташкил этувчи тўғри чизиқлар бўйича учади. Маълум пайтда самолётлардан бири уларнинг ҳаракат чизиқларининг кесишган нуқтасида бўлган ва иккинчисини эса бу нуқтага етишга a *км* қолган. Қанча вақтдан сўнг улар орасидаги масофа энг кичик бўлади ва бу масофа нимага тенг?

1233. Икки учи таянч устига эркин қўйилган, кесими тўғри тўртбурчак бўлган балканинг барча нуқталари текис юкланган. Унинг эгилиш ўқи балка кесимининг инерция моменти $I = \frac{xy^3}{12}$ га тескари пропорционал, бунда x ва y — балканинг ўлчовлари. Агар балка, диаметри D бўлган юмалоқ ёғочдан кесиб олинган бўлса, эгилиш ўқи энг кичик бўлганда унинг ўлчовлари аниқлансин.

1234. Шар ҳажми унга ички чизилган энг катта цилиндр ҳажмидан неча марта катта бўлади?



31- чизма.

1235. Эни 2,4 ва 1,6 *м* бўлган икки даҳлиз тўғри бурчак остида кесишади. Бир даҳлиздан иккинчи даҳлизга (горизонтал ҳолатда) кўчириш мумкин бўлган нарвоннинг энг катта узунлиги аниқлансин.

1236. Асосининг радиуси 4 *дм*, баландлиги 6 *дм* бўлган конусга ҳажми энг катта цилиндр ички чизилган. Ўша цилиндрнинг ҳажми топилсин.

1237. Радиуси R бўлган ярим доирага юзи энг катта тўғри тўртбурчак ички чизилган. Тўғри тўртбурчак ўлчовлари аниқлансин.

1238. $y = x^2$ параболада $y = 2x - 4$ тўғри чизиққа энг яқин нуқта топилсин.

1239. Сурат деворга осилган. Унинг пастки қирраси кузатувчининг кўзидан b *см* баландликда, устки қирраси a *см* баландликда. Суратни энг катта бурчак остида кўриш учун кузатувчи девордан қанчалик узоқликда туриши керак?

Кўрсатма. Суратни девордан x *см* узоқликда туриб қарагандаги кўриш бурчаги қуйидагича аниқланади:

$$\alpha = \frac{(a-b)x}{ab + x^2}.$$

1240. Планда кўрсатилган уй деворларининг умумий узунлиги (31- чизма) 90 *м* га тенг. Даҳлизнинг эни x қандай бўлса, қолган уч хонанинг юзи энг катта бўлади?

1241. Гипотенузаси 8 *см* ва ўткир бурчакларидан бири 60° бўлган тўғри бурчакли учбурчакка асоси гипотенузада ётувчи тўғри тўртбурчак ички чизилган. Тўғри тўртбурчакнинг ўлчовлари қандай бўлганда унинг юзи энг катта бўлади?

1242. A (0; 3) ва B (4; 5) нуқталар берилган. Ox ўқда шундай P нуқта топилсинки, $S = AP + PB$ масофа энг кичик бўлсин.

1243. Балкани узунлиги бўйича қисганда кўрсатадиган қаршилиги кўндаланг кесими юзига пропорционал бўлади.



32- чизма.

Диаметри D бўлганда юмалоқ ёғочдан кесиб олинган балканинг ўлчовларини шундай аниқлангки, у энг катта қаршиликка эга бўлсин.

1244. Доирадан α бурчакли сектор қирқилиб, сўнгра ундан конус ясалган. α бурчак катталиги қандай бўлганда конуснинг ҳажми энг катта бўлади?

1245. Горизонтал текисликда ётувчи P оғирликка эга юкни (32- чизма) унга тиркалган F куч таъсири билан силжитиш керак. Сарф этиладиган F куч мумкин қадар кам бўлиши учун кучни текисликка нисбатан қандай бурчак остида йўналтириш керак? Ишқаланиш коэффициенти $\mu = 0{,}25$.

6- §. Эгри чизиқ қавариқлигининг йўналиши ва бурилиш нуқталари. Эгри чизиқларни ясаш

1°. Қавариқлик. Агар $x = x_0$ нуқтанинг қандайдир атрофида (чапдан ва ўнгдан) эгри чизиқ ўша нуқтада ўтказилган уринмадан «пастда» («юқорида») жойлашган бўлса, эгри чизиқ шу нуқтада *қавариқлиги* билан «юқорига» («пастга») қараган дейилади.

Агар $x = x_0$ нуқтада:

1) $y'' > 0$ бўлса, эгри чизиқнинг қавариқлиги пастга қараган бўлади;

2) $y'' < 0$ бўлса, эгри чизиқнинг қавариқлиги юқорига қараган бўлади.

2°. Эгри чизиқ ўзининг бирор нуқтасида уринманинг бир томонидан иккинчи томонига ўтса (демак, у қавариқлигининг йўналишини ўзгартирса), ўша нуқта эгри чизиқнинг *бурилиш нуқтаси* дейилади. Нуқтанинг бурилиш нуқта бўлиши учун *зарурий* шарт бўлиб ўша нуқтада $y'' = 0$ ёки унинг мавжуд бўлмаслиги ҳисобланса, ўша нуқта атрофида y'' ўз ишорасини ўзгартириши унинг *етарли* шарти бўлади.

3°. Эгри чизиқни ясаш учун қуйидагиларни аниқлаш тавсия қилинади: 1) симметриклиги; 2) жойлашиш соҳаси; 3) Ox ва Oy ўқлар билан кесишган нуқталари; 4) $y = \varphi(x)$ ёки $x = f(y)$ функцияларнинг узилиш нуқталари ва асимптоталари; 5) x ёки y нинг ўсиши ва камайиши ҳамда уларнинг экстремум нуқталари; 6) қавариқлик йўналиши ҳамда бурилиш нуқталари.

1246. 1) $y = x^2$; 2) $y = x^3$; 3) $y = e^x$; 4) $y = \ln x$; 5) $y = x^{5/3}$ эгри чизиқларнинг қавариқлик йўналишлари текширилсин ва ўзлари ясалсин.

1247. 1) $y = \frac{x^3}{6} - x^2$; 2) $y = e^{-x^2}$;

3) $y = \frac{2x}{1+x^2}$: 4) $y = 2^{\frac{1}{x}}$

эгри чизиқларнинг экстремум ҳамда бурилиш нуқталари аниқлансин ва эгри чизиқлар ясалсин.

3° да кўрсатилган баъзи қоидаларни татбиқ қилиб, 1248—1262- масалалардаги тенгламалар билан берилган эгри чизиқлар ясалсин:

1248. $y^2 = 2x + 9$. **1249.** $y = -x^2 - 4x$.

Кўрсатма. 1248- масалада симметриклиги, жойлашиш соҳаси ва координата ўқлари билан кесишган нуқталари, 1249- масалада бўлса экстремум ва Ox ўқ билан кесишган нуқталари аниқлансин.

1250. $y = \sin x$, $y = \cos x$. **1251.** $y = \operatorname{sh} x$, $y = \operatorname{ch} x$.

Кўрсатма. 1250, 1251- масалаларда экстремум ва бурилиш нуқталари аниқлансин.

1252. $y = \ln(x + 2)$. **1253.** $y = e^{-x}$.

Кўрсатма. 1252, 1253- масалаларда жойлашиш соҳаси, ўқлар билан кесишган нуқталари, асимптоталари ҳамда қаварикдик йўналиши аниқлансин.

1254. 1) $y^2 = x^3$; 2) $y^2 = (x + 3)^3$.

1255. 1) $y = 2 + \frac{12}{x^2-4}$; 2) $y = \frac{3}{x} - \frac{1}{x^3}$.

1256. 1) $y = \frac{e \ln x}{x}$; 2) $y = exe^{-x}$.

1257. 1) $y = x + \frac{4}{x+2}$; 2) $y = \frac{1}{x^4} - \frac{2}{x^2}$.

1258. 1) $y = x - \ln x$; 2) $y = \frac{a}{2}(e^{\frac{x}{a}} + e^{-\frac{x}{a}})$.

1259. 1) $y = \frac{x^4}{x^3-1}$; 2) $y = \frac{4}{x} + \frac{1}{x^4}$.

1260. 1) $y^2 = 2x^2 - x^4$; 2) $x(y - x)^2 = 4$.

1261. $y = (x + 2)^{2/3} - (x - 2)^{2/3}$. **1262.** $y^2 = xe^{-x}$.

1313. $\int \frac{\sin x\,dx}{\sqrt{1+2\cos x}}$. 1314. $\int \frac{\sqrt{1+\ln x}\,dx}{x}$.

1315. $\int \sqrt{1+4\sin x}\cos x\,dx$. 1316. $\int \sqrt[3]{1-6x^5}x^4\,dx$.

Қуйидаги интегралларни топилсин:

1317. $\int (e^x+e^{-x})^2\,dx$. 1318. $\int \sin^3 x\cos x\,dx$.

1319. $\int \frac{dx}{\sqrt{1-4x}}$. 1320. $\int \cos(a-bx)\,dx$.

1321. $\int \sqrt[3]{1+3x}\,dx$. 1322. $\int \sqrt[6]{1-2x^3}x^2\,dx$.

1323. $\int \frac{x\,dx}{\sqrt{1+x^2}}$. 1324. $\int \frac{1-2\sin x}{\cos^2 x}\,dx$.

1325. $\int \frac{1+\sin 2x}{\sin^2 x}\,dx$. 1326. $\int e^{\sin x}\cos x\,dx$.

1327. $\int \frac{x^2\,dx}{1-x^3}$. 1328. $\int \frac{dx}{(a-bx)^3}$.

3-§. $\int \frac{dx}{x^2\pm a^2}$, $\int \frac{dx}{\sqrt{a^2-x^2}}$, $\int \frac{dx}{\sqrt{x^2+k}}$ [кўринишдаги ва шу кўринишга келтириладиган интегралларни]

1329. Қуйидагилар кўрсатилсин:

1) $\int \frac{dx}{a^2+x^2} = \frac{1}{a}\operatorname{arc\,tg}\frac{x}{a}+C$ экани, $x=a\operatorname{tg}t$ деб;

2) $\int \frac{dx}{\sqrt{a^2-x^2}} = \arcsin\frac{x}{a}+C$ экани, $x=a\sin t$ деб;

3) $\int \frac{dx}{x^2-a^2} = \frac{1}{2a}\ln\left|\frac{x-a}{x+a}\right|+C$ экани, $\frac{1}{x^2-a^2}$ ни қуйидагича ёйиб: $\frac{1}{x^2-a^2} = \frac{1}{2a}\frac{a+x+a-x}{x^2-a^2} = \frac{1}{2a}\left(\frac{1}{x-a}-\frac{1}{x+a}\right)$;

4) $\int \frac{dx}{\sqrt{x^2+k}} = \ln\left|x+\sqrt{x^2+k}\right|+C$ экани,
$\sqrt{x^2+k}=t-x$ деб.

Қуйидаги интегралларни ҳисоблансин:

1330. 1) $\int \frac{dx}{x^2-25}$; 2) $\int \frac{dx}{x^2+9}$.

1331. 1) $\int \frac{dx}{\sqrt{4-x^2}}$; 2) $\int \frac{dx}{\sqrt{x^2+5}}$.

1332. 1) $\int \frac{dx}{\sqrt{x^2-4}}$; 2) $\int \frac{dx}{x^2+3}$.

1333. 1) $\int \frac{dx}{\sqrt{5-x^2}}$; 2) $\int \frac{x^2\,dx}{4+x^6}$.

1334. 1) $\int \frac{x\,dx}{\sqrt{3-x^4}}$; 2) $\int \frac{dx}{b^2x^2-a^2}$.

1335. 1) $\int \frac{dx}{\sqrt{3-4x^2}}$; 2) $\int \frac{x^3\,dx}{\sqrt{x^3-1}}$.

1336. 1) $\int \frac{5x-2}{x^2+4}\,dx$; 2) $\int \frac{3x-4}{x^2-4}\,dx$.

1337. 1) $\int \frac{x+1}{\sqrt{x^2+1}}\,dx$; 2) $\int \frac{x+1}{\sqrt{1-x^2}}\,dx$.

1338. $\int \frac{x^2\,dx}{x^2+1}$. 1339. $\int \frac{x^4dx}{x^2-3}$.

Кўрсатма. 1338, 1339-мисолларда олдин интеграл белгиси остидаги *нотўғри* касрнинг бутун қисмини ажратиш керак.

1340. $\int \frac{dx}{x^2+4x+5}$. 1341. $\int \frac{dx}{x^2-6x+13}$.

Кўрсатма. 1340—1347-мисолларда квадрат учҳадлардан тўлиқ квадрат бўлган қисмни ажратиш зарур.

1342. $\int \frac{dx}{\sqrt{x^2+2x+3}}$. 1343. $\int \frac{dx}{\sqrt{1-2x-x^2}}$.

1344. $\int \frac{dx}{\sqrt{4x-x^2}}$. 1445. $\int \frac{dx}{x^2+3x+3}$.

1346. $\int \frac{dx}{\sqrt{2+3x-2x^2}}$. 1347. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x^2-2x-1}}$.

Қуйидаги интеграллар топилсин:

1348. $\int \left(\frac{3}{x^2+3}+\frac{6}{x^2-3}\right)dx$.

1349. $\int \left(\frac{1}{\sqrt{2-x^2}}+\frac{1}{\sqrt{2+x^2}}\right)dx$.

1350. $\int \left(\frac{4x-5}{x^2+5}\,dx\right.$. 1351. $\int \frac{x^2dx}{x^2-2}$.

1352. $\int \frac{x^4 dx}{x^2+2}$.

1353. $\int \frac{e^x dx}{\sqrt{1-e^{2x}}}$.

1354. $\int \frac{x dx}{x^4+0,25}$.

1355. $\int \frac{dx}{x^2+4x+29}$.

1356. $\int \frac{dx}{x^2-2x+5}$.

1357. $\int \frac{dx}{\sqrt{5-4x-x^2}}$.

1358. $\int \frac{x dx}{x^2+x+1}$.

1359. $\int \frac{dx}{\sqrt{4x^2+4x+3}}$.

4-§. Бўлаклаб интеграллаш

Кўпайтманинг дифференциалини ҳисоблаш формуласи $d(uv) = u\,dv + v\,du$ дан бўлаклаб интеграллаш формуласи

$$\int u\,dv = uv - \int v\,du$$

келиб чиқади. Бу формула кўпроқ интеграл белгиси остида алгебраик функция билан трансцендент функциялар кўпайтмасидан иборат ифодалар бўлган ҳолларда татбиқ этилади. Масалан, $\int x^2 e^x\,dx$ ёки $\int x^2 \ln x\,dx$ га ўхшаш. Бу ҳолларда u деб дифференциаллаш натижасида соддалашадиган функцияни қабул қилиб, dv учун эса интеграл белгиси остидаги ифоданинг dx ни ўз ичига олган ва интеграли маълум ёки топилиши мумкин бўлган қисми қабул қилинади.

Одатда u деб трансцендент функциялардан $\ln x$, $\operatorname{arc\,tg} x$ ва $\arcsin x$ лар қабул қилинади.

Масалан, $\int x^2 \ln x\,dx$ интегралда u деб $\ln x$ ни (x^2 ни эмас), $\int x^2 e^x\,dx$ интегралда эса x^2 ни (e^x ни эмас) қабул қилиш керак.

Қуйидаги интеграллар топилсин:

1360. $\int \ln x\,dx$.

1361. $\int x \ln(x-1)\,dx$.

1362. $\int x e^{2x} dx$.

1363. $\int x \operatorname{arc\,tg} x\,dx$.

1364. $\int x^2 \cos x\,dx$.

1365. $\int e^x \sin x\,dx$.

1366. $\int \sqrt{x^2+k}\,dx = \frac{1}{2}\left[x\sqrt{x^2+k} + k \ln\left(x + \sqrt{x^2+k}\right)\right] + C$ экани кўрсатилсин.

1367. $\int (\ln x)^2 dx$.

1368. $\int \frac{x\,dx}{\sin^2 x}$.

1369. $\int \frac{\ln x\,dx}{x^2}$.

1370. $\int \frac{\arcsin x\,dx}{\sqrt{1+x}}$.

1371. $\int \arcsin x\,dx$.

1372. $\int x^3 e^{-x}\,dx$.

1373. $\int \ln(x^2+1)\,dx$.

1374. $\int \cos(\ln x)\,dx$.

Қуйидаги интеграллар топилсин:

1375. $\int \sqrt{x}\ln x\,dx$.

1376. $\int x^2 e^{-\frac{x}{2}}\,dx$.

1377. $\int \operatorname{arc\,tg} x\,dx$.

1378. $\int \frac{x\,dx}{\cos^2 x}$.

1379. $\int e^x \cos x\,dx$.

1380. $\int \frac{\arcsin\frac{x}{2}}{\sqrt{2-x}}\,dx$.

1381. $\int \frac{x\cos x\,dx}{\sin^3 x}$.

1382. $\int \operatorname{arc\,tg}\sqrt{2x-1}\,dx$.

5-§. Тригонометрик функцияларни интеграллаш

1°. Синус ҳамда косинуснинг квадратларидан ва уларнинг бошқа жуфт даражаларидан олинган интеграллар, ушбу

$$\sin^2 x = \frac{1-\cos 2x}{2};\quad \cos^2 x = \frac{1+\cos 2x}{2};\quad \sin x\cos x = \frac{\sin 2x}{2}$$

формулаларни татбиқ этиб даражаларини пасайтиргандан сўнг топилади.

2°. Синус ҳамда косинуснинг кубларидан ва уларнинг бошқа тоқ даражаларидан олинадиган интеграллар, ўша тоқ даражалардан битта кўпайтувчини ажратиб ва *кофункцияни* и деб олиб топилади.

$\int \cos^m x \sin^n x\,dx$ интегралда m ва n ларнинг иккаласи ҳам жуфт бўлса, интеграл 1° усул билан топилади, борди-ю m ёки n лардан бигтаси тоқ бўлса, 2° усул билан топилади.

1383. $\int \sin^2 3x\,dx$.

1384. $\int (1+2\cos x)^2\,dx$.

1385. $\int (1-\sin 2x)^2\,dx$.

1386. $\int \cos^4 x\,dx$.

1387. $\int \sin^2 x\cos^2 x\,dx$.

1388. $\int \sin^4 x\cos^4 x\,dx$.

1389. $\int \sin^2 \cos^4 x\, dx$.

1390. $\int \sin^5 x\, dx$.

1391. $\int \sin^2 x \cos^3 x\, dx$.

1392. $\int \sin^3 x \cos^3 x\, dx$.

1393. $\int \cos^7 x\, dx$.

1394. $\int (1 + 2\cos x)^3\, dx$.

1395. $\int \frac{\cos^3 x\, dx}{\sin^2 x}$.

1396. $\int \frac{\sin^3 x\, dx}{\cos^2 x}$.

1397. $\int \frac{dx}{\sin 2x} = \int \frac{\sin^2 x + \cos^2 x}{2 \sin x \cos x}\, dx = ?$

1398. 1) $\int \frac{dx}{\sin x}$, 2) $\int \frac{dx}{\cos x}$.

1399. $\int \frac{\cos x + \sin x}{\sin 2x}\, dx$.

1400. $\int \frac{dx}{\sin x - \cos x}$.

1401. $\int \operatorname{tg}^3 x\, dx$.

1402. $\int \operatorname{ctg}^3 x\, dx$.

Кўрсатма. 1401-мисолда $\operatorname{tg} x = t$, $x = \operatorname{arc\,tg} t$ деб олинсин.

1403. $\int \sin 3x \cos x\, dx$.

1404. $\int \cos mx \cos nx\, dx$.

Кўрсатма. 1403—1406-мисолларга ушбу

$$\sin\alpha \cos\beta = \frac{1}{2}[\sin(\alpha+\beta) + \sin(\alpha-\beta)],\ \cos\alpha\cos\beta =$$

$$= \frac{1}{2}[\cos(\alpha+\beta) + \cos(\alpha-\beta)],\ \sin\alpha\sin\beta = \frac{1}{2}[\cos(\alpha-\beta) -$$

$$- \cos(\alpha+\beta)]$$

формулалар татбиқ қилинсин.

1405. 1) $\int \sin 3x \sin 5x\, dx$; 2) $\int \sin mx \sin nx\, dx$.

1406. $\int \sin\left(5x - \frac{\pi}{4}\right) \cos\left(x + \frac{\pi}{4}\right) dx$.

1407. Бўлаклаб интеграллаш асосида ушбу

1) $\int \sin^n x dx = -\frac{1}{n} \cdot \cos x \sin^{n-1} x + \frac{n-1}{n} \int \sin^{n-2} x\, dx$;

2) $\int \cos^n x\, dx = \frac{1}{n} \sin x \cos^{n-1} x + \frac{n-1}{n} \int \cos^{n-2} x\, dx$

«даражаларни пасайтириш» формулалари чиқарилсин ва ўша формулаларга асосан 1) $\int \sin^6 x\, dx$; 2) $\int \cos^6 x\, dx$ интеграллар топилсин.

1408. Ушбу

$$1)\ \int \frac{dx}{\sin^3 x};\quad 2)\ \int \frac{dx}{\cos^3 x}$$

интеграллар топилсин.

Кўрсатма. $\int \frac{dx}{\sin x}$ ва $\int \frac{dx}{\cos x}$ интегралларга 1407- масаладаги формулалар татбиқ қилинсин.

1409. $\int (1+3\cos 2x)^2\,dx.$ **1410.** $\int \sin^4 x\,dx.$

1411. $\int \sin^4 x\cos^2 x\,dx.$ **1412.** $\int \cos^5 x\,dx.$

1413. $\int \sin^3 x\cos^2 x\,dx.$ **1414.** $\int (1+2\sin x)^3\,dx.$

1415. $\int \frac{(\sin x-\cos x)^2}{\sin 2x}\,dx.$ **1416.** $\int \sin 3x\sin x\,dx.$

1417. $\int \frac{\sin^3 x+1}{\cos^2 x}\,dx.$ **1418.** $\int \sin\left(x+\frac{\pi}{6}\right)\cos x\,dx.$

6-§. Рационал алгебраик функцияларни интеграллаш

1°. Агар интеграл белгиси остидаги каср *нотўғри каср* бўлса, олдин ундан бутун қисмини ажратиш керак.

2°. Тўғри каср махражи $(x-a)^\alpha$ ва $(x^2+px+q)^\beta$ кўринишдаги кўпайтувчиларга ажратилади, тўғри касрнинг ўзи эса

$$\frac{P(x)}{(x-a)^\alpha (x^2+px+q)^\beta \dots} = \frac{A_1}{x-a}+\frac{A_2}{(x-a)^2}+\dots+\frac{A_\alpha}{(x-a)^\alpha}+$$

$$+\frac{M_1x+N_1}{x^2+px+q}+\frac{M_2x+N_2}{(x^2+px+q)^2}+\dots+\frac{M_\beta x+N_\beta}{(x^2+px+q)^\beta}+\dots$$

кўринишдаги бир нечта элементар касрлар йиғиндисига ажратилади. Бундаги $P(x)$—махражга нисбатан паст даражали кўпҳаддир.

Қуйидаги интеграллар топилсин:

1419. 1) $\int \frac{x^3}{x-2}\,dx$; 2) $\int \frac{x^4}{x^2+a^2}\,dx$; 3) $\int \frac{x^5}{x^3-a^3}\,dx.$

1420. $\int \frac{x-1}{(x-2)(x-3)}\,dx.$ **1421.** $\int \frac{2x+7}{x^2+x-2}\,dx.$

1422. $\int \frac{3x^2+2x-3}{x^3-x}dx$. **1423.** $\int \frac{(x+1)^3}{x^2-x}dx$.

1424. $\int \frac{x+2}{x^3-2x^2}dx$. **1425.** $\int \frac{3x-2a}{x^4-ax^3}dx$.

1426. $\int \frac{2x^2-5x+1}{x^3-2x^2+x}dx$. **1427.** $\int \frac{5x-1}{x^3-3x-2}dx$.

1428. $\int \frac{5x+2}{x^2+2x+10}dx$. **1429.** $\int \frac{4x-2,4}{x^2-0,2x+0,17}dx$.

Кўрсатма. 1428-мисолнинг махражида тўлиқ квадрат ифодани ажратгандан сўнг $x+1$ ни t деб олиш керак.

1430. $\int \frac{2x^2+x+4}{x^3+x^2+4x+4}dx$. **1431.** $\int \frac{7x-15}{x^3-2x^2+5x}dx$.

1432. $\int \frac{dx}{x^3+8}$. **1433.** $\int \frac{3x^2+2x+1}{(x+1)^2(x^2+1)}dx$.

1434. 1) $\int \frac{dx}{(x^2+b^2)^2}$; 2) $\int \frac{dx}{(x^2+b^2)^3}$.

Кўрсатма. $x=b\operatorname{tg}t$ деб олиб, сўнгра (иккинчи мисолда) 1407-масаладаги 2) формулани татбиқ қилиш керак.

1435. 1) $\int \frac{(2x+1)\,dx}{(x^2+2x+5)^2}$; 2) $\int \frac{dx}{(x^2-6x+10)^3}$.

1436. $\int \frac{4x\,dx}{(1+x)(1+x^2)^2}$. **1437.** $\int \frac{x+1}{x^4+4x^2+4}dx$.

Аниқмас коэффициентларнинг умумий усулини татбиқ қилмасдан, қуйидаги интегралларни топилсин:

1438. $\int \frac{dx}{x(x+a)}$. **1439.** $\int \frac{dx}{(x+a)(x+b)}$.

1438—1442-мисолларга *кўрсатма.* Интеграл белгиси остидаги касрнинг суратига махраж кўпайтувчиларининг айирмасини ёзиб, интегрални мос (ўша айирмага тенг) сонга бўлиш керак.

1440. $\int \frac{dx}{x^2-2x}$. **1441.** $\int \frac{dx}{(x^2-3)(x^2+2)}$.

1442. $\int \frac{dx}{x^4-x^2}$. **1443.** $\int \frac{dx}{x^3+4x}$.

Қуйидаги интегралларни топилсин:

1444. $\int \frac{2x-1}{(x-1)(x-2)}dx$. **1445.** $\int \frac{3x+2}{2x^2+x-3}dx$.

1446. $\int \frac{5x-14}{x^3-x^2-4x+4}\,dx$. **1447.** $\int \frac{11x+16}{(x-1)(x+2)^2}\,dx$.

1448. $\int \frac{5x-8}{x^3-4x^2+4x}\,dx$. **1449.** $\int \frac{x+2}{x^3-2x^2+2x}\,dx$.

1450. $\int \frac{x-a}{x^3+a^2x}\,dx$. **1451.** $\int \frac{dx}{x^3+x^2+2x+2}$.

1452. $\int \frac{dx}{x^3-8}$. **1453.** $\int \frac{x\,dx}{(x^2+2x+2)^2}$.

1454—1457-мисоллардаги интегралларни аниқмас коэффициентлар усулидан фойдаланмасдан ҳисобланг.

1454. $\int \frac{dx}{x^2+5x}$. **1455.** $\int \frac{dx}{x^4+3x^2}$.

1456. $\int \frac{dx}{x^4-1}$. **1457.** $\int \frac{dx}{x^4-x^2-2}$.

7-§. Баъзи бир иррационал алгебраик функцияларни интеграллаш

1°. $\int R\left(x, \sqrt[n]{ax+b}\right)dx$ кўринишдаги интеграл, бунда $R(x, y)$—рационал функция, $ax+b=t^n$ ўрнига қўйиш ёрдами билан топилади, умумийроқ кўринишдаги $\int R\left(x^m, \sqrt[n]{ax^m+b}\right)x^{m-1}\,dx$ интеграл бўлса, $ax^m+b=t^n$ ўрнига қўйиш ёрдами билан топилади.

2°. $\int \frac{(Mx+N)\,dx}{(x-a)\sqrt{ax^2+bx+c}}$ кўринишдаги интеграл $x-a=\frac{1}{t}$ ўрнига қўйиш ёрдами билан топилади.

3°. Тригонометрик ўрнига қўйишлар.

$\int R\left(x, \sqrt{a^2-x^2}\right)dx$ кўринишдаги интеграл $x=a\sin t$ ўрнига қўйиш натижасида, $\int R\left(x, \sqrt{a^2+x^2}\right)dx$ кўринишдаги интегралларда $x=a\operatorname{tg} t$ ўрнига қўйиш натижасида рационал тригонометрик кўринишга келтирилади.

4°. $\int \frac{a_0x^m+a_1x^{m-1}+\ldots+a_m}{\sqrt{ax^2+bx+c}}\,dx$ кўринишдаги интегралдан ушбу

$$\int \frac{a_0x^m+\ldots+a_m}{W}\,dx=(A_0x^{m-1}+\ldots+A_{m-1})W+A_m\int \frac{dx}{W}$$

формулага асосан алгебраик қисмини ажратиш мумкин. Бунда $W = \sqrt{ax^2 + bx + c}$. A коэффициентлар тенгликнинг икки томонини дифференциаллаб ва махраждан қутқаргандан сўнг чап ва ўнг томонидаги бир хил даражали x лар олдидаги коэффициентларни тенглаштириб топилади.

5°. Дифференциал биномдан олинган $\int x^m (a + bx^n)^p \, dx$ интеграл қуйидаги уч ҳолда охиригача олиниши мумкин: 1) p—бутун бўлганда ёйиш ёрдами билан; 2) $\frac{m+1}{n}$ бутун бўлганда $a + bx^n = t^s$ ўрнига қўйиш ёрдами билан; 3) $\frac{m+1}{n} + p$ бутун бўлганда эса $ax^{-n} + b = t^s$ ўрнига қўйиш ёрдами билан, s бунда p нинг махражидан иборат.

1° ўрнига қўйишдан фойдаланиб, қуйидаги интегралларни топилсин:

1458. $\int \frac{x+1}{\sqrt[3]{3x+1}} dx.$

1459. $\int \frac{x dx}{\sqrt{2x+1}+1}.$

1460. $\int \frac{dx}{\sqrt[3]{x}+\sqrt{x}}.$

1461. $\int x\sqrt{a-x}\,dx.$

1462. $\int \frac{x^3 dx}{1+\sqrt[3]{x^4+1}}.$

1463. $\int \frac{x^3 dx}{\sqrt{x^2+2}}.$

2° ўрнига қўйишдан фойдаланиб, қуйидаги интегралларни топилсин:

1464. $\int \frac{dx}{x\sqrt{x^2-1}}.$

1465. $\int \frac{dx}{x\sqrt{x^2+2x+1}}.$

1466. $\int \frac{dx}{x\sqrt{2ax-x^2}}.$

1467. $\int \frac{dx}{(x+1)\sqrt{x^2+2x+2}}.$

3° ўрнига қўйишдан фойдаланиб, қуйидаги интегралларни топилсин:

1468. $\int \sqrt{a^2-x^2}\,dx.$

1469. $\int \frac{dx}{\sqrt{(4+x^2)^3}}.$

1470. $\int x^2\sqrt{4-x^2}\,dx.$

1471. $\int \frac{x^2 dx}{\sqrt{(a^2+x^2)^5}}.$

1472. $\int \sqrt{3+2x-x^2}\,dx.$

1473. $\int \frac{x^2 dx}{\sqrt{(2-x^2)^3}}.$

4° қондадан фойдаланиб, қуйидаги интегралларни топилсин:

1474. $\int \frac{x^2+4x}{\sqrt{x^2+2x+2}} dx.$

1475. $\int \frac{x dx}{\sqrt{3-2x-x^2}}.$

1476. $\int \sqrt{x^2+k}\,dx$. **1477.** $\int \sqrt{2ax-x^2}dx$.

Дифференциал биномлардан олинган қуйидаги интеграллар топилсин.

1478. $\int \frac{dx}{x\sqrt[4]{1+x^3}}$. **1479.** $\int \frac{dx}{x^3\sqrt[3]{2-x^3}}$.

1480. $\int \frac{dx}{x^2\sqrt{(1+x^2)^3}}$. **1481.** $\int \frac{x^3dx}{(a-bx^2)^{3/2}}$.

Қуйидаги интеграллар топилсин:

1482. $\int \frac{x-1}{\sqrt{2x-1}}dx$. **1483.** $\int \frac{dx}{\sqrt[3]{3x+1}-1}$.

1484. $\int \frac{\sqrt{x}\,dx}{\sqrt{x}+1}$. **1485.** $\int \frac{x}{\sqrt[3]{a-x}}dx$.

1486. $\int \frac{x+1}{x\sqrt{x-2}}dx$. **1487.** $\int \frac{x^3dx}{\sqrt[3]{x^2+1}-1}$.

1488. $\int \frac{x\,dx}{x^2+2+2\sqrt{1+x^2}}$. **1489.** $\int \frac{x^3\,dx}{2+\sqrt{4-x^2}}$.

1490. $\int \frac{dx}{x\sqrt{x^2+2x}}$. **1491.** $\int \frac{dx}{(x-1)\sqrt{x^2-2x}}$.

1492. $\int \frac{x^2dx}{\sqrt{4-x^2}}$. **1493.** $\int \sqrt{\frac{x}{2-x}}dx$.

Кўрсатма. 1493- мисолда $x=2\sin^2 t$ деб олинсин.

1494. $\int \sqrt{4x+x^2}dx$. **1495.** $\int \frac{x^2}{\sqrt{5+4x+x^2}}dx$.

1496. $\int \frac{dx}{x^3\sqrt{1+x^2}}$. **1497.** $\int \frac{dx}{x^2\sqrt{1+x^2}}$.

1498. $\int \frac{dx}{x\sqrt{1-x^3}}$. **1499.** $\int \frac{dx}{x\sqrt{3x^2-2x-1}}$.

8-§. Баъзи бир трансцендент функцияларни интеграллаш

Қуйидаги интеграллар:

$\int R(e^x)\,dx$ интеграл $e^x=t$, $x=\ln t$, $dx=\frac{dt}{t}$ ўрнига қўйиш ёрдами билан;

$\int R(\operatorname{tg} x)\,dx$ интеграл $\operatorname{tg} x = t$, $x = \operatorname{arc\,tg} t$, $dx = \dfrac{dt}{1+t^2}$ ўрнига қўйиш ёрдами билан;

$\int R(\sin x,\ \cos x)\,dx$ интеграл $\operatorname{tg}\dfrac{x}{2} = t$, $\sin x = \dfrac{2t}{1+t^2}$, $\cos x = \dfrac{1-t^2}{1+t^2}$, $dx = \dfrac{2dt}{1+t^2}$ ўрнига қўйиш ёрдами билан рационал алгебраик кўринишга келтирилади.

Қуйидаги интегралларни топилсин:

1500. $\int \dfrac{e^{2x} - 2e^x}{e^{2x}+1}\,dx.$

1501. $\int \operatorname{tg}^4 x\,dx.$

1502. $\int \dfrac{e^{3x}dx}{e^x+2}.$

1503. $\int \dfrac{dx}{\sin x}.$

1504. $\int \dfrac{dx}{5+3\cos x}.$

1505. $\int \dfrac{dx}{3\sin x + 4\cos x}.$

1506. $\int \dfrac{dx}{\sin^4 x}.$

1507. $\int \dfrac{dx}{1+3\cos^2 x}.$

Кўрсатма. Интеграл белгиси остида $\sin x$ ва $\cos x$ ларнинг фақат жуфт даражаларигина бўлган 1506, 1507, 1512, 1513- мисолларда

$$\operatorname{tg} x = t, \quad \sin^2 x = \frac{t^2}{1+t^2}, \quad \cos^2 x = \frac{1}{1+t^2}, \quad dx = \frac{dt}{1+t^2}$$

ўрнига қўйишни татбиқ қилиш яхши.

Қуйидаги интегралларни топилсин:

1508. $\int \dfrac{e^{2x}dx}{e^x-1}.$

1509. $\int \operatorname{tg}^5 x\,dx.$

1510. $\int \dfrac{e^{3x}dx}{e^{2x}-1}.$

1511. $\int \dfrac{dx}{3+\cos x}.$

1512. $\int \dfrac{dx}{\cos^4 x}.$

1513. $\int \dfrac{dx}{1+3\sin^2 x}.$

1514. $\int \dfrac{dx}{2\sin x + \sin 2x}.$

1515. $\int \dfrac{1+\cos x}{\sin^3 x}\,dx.$

1516. $\int \dfrac{e^x+1}{e^x-1}\,dx.$

1517. $\int \dfrac{1+\operatorname{tg} x}{\sin 2x}\,dx.$

9- §. Гиперболик функцияларни интеграллаш. Гиперболик ўрнига қўйишлар

1. $\int \operatorname{ch} x\,dx = \operatorname{sh} x + C.$ 2. $\int \operatorname{sh} x\,dx = \operatorname{ch} x + C.$

3. $\int \frac{dx}{\operatorname{ch}^2 x} = \operatorname{th} x + C.$ 4. $\int \frac{dx}{\operatorname{sh}^2 x} = -\operatorname{cth} x + C.$

$\operatorname{sh} x$ ва $\operatorname{ch} x$ ларнинг квадратларидан ва бошқа жуфт даражаларидан олинадиган интегралар

$$\operatorname{ch}^2 x = \frac{\operatorname{ch} 2x + 1}{2}, \quad \operatorname{ch}^2 x = \frac{\operatorname{sh} 2x - 1}{2}, \quad \operatorname{sh} x \operatorname{ch} x = \frac{\operatorname{sh} 2x}{2}$$

формулаларни татбиқ қилиб топилади.

$\operatorname{ch} x$ ва $\operatorname{sh} x$ ларнинг тоқ даражаларидан олинадиган интегралар $\sin x$ ва $\cos x$ ларнинг тоқ даражаларидан олинадиган интегралар сингари топилади.

Гиперболик ўрнига қўйишлар баъзан $\int R(x, \sqrt{x^2 - a^2})\,dx$, $\int R(x, \sqrt{x^2 + a^2})\,dx$ кўринишдаги интегрални топишда татбиқ қилинади. Масалан, биринчи интегрални топишда $x = a \operatorname{ch} t$, иккинчисини топишда $x = a \operatorname{sh} t$ ўрнига қўйишлар татбиқ этилади. Шунинг билан бирга агар $x = a \operatorname{ch} t$ бўлса, у ҳолда $t = \ln \left| \frac{x + \sqrt{x^2 - a^2}}{a} \right|$ бўлади, агар $x = a \operatorname{sh} t$ бўлса, у ҳолда $t = \ln \frac{x + \sqrt{x^2 + a^2}}{a}$ бўлади.

Қуйидаги интеграллар ҳисоблансин:

1518. 1) $\int \operatorname{sh}^3 3x\,dx$; 2) $\int (1 + \operatorname{sh} 2x)^2\,dx$.

1519. $\int \operatorname{ch}^3 x\,dx$. **1520.** $\int \operatorname{th} x\,dx$.

1521. $\int \frac{dx}{\operatorname{ch} x + 1}$. **1522.** $\int \frac{dx}{\operatorname{th} x - 1}$.

1523. $\int \sqrt{x^2 + a^2}\,dx$. **1524.** $\int \sqrt{x^2 - a^2}\,dx$.

1525. $\int \frac{dx}{\sqrt{(x^2 + 4)^3}}$. **1526.** $\int \frac{dx}{\sqrt{(x^2 - 5)^3}}$.

Қуйидаги интеграллар ҳисоблансин:

1527. $\int \operatorname{sh}^3 3x\,dx$. **1528.** $\int \operatorname{sh}^2 x \operatorname{ch}^2 x\,dx$.

1529. $\int \operatorname{sh}^4 x \operatorname{ch} x\,dx$. **1530.** $\int \operatorname{cth}^2 x\,dx$.

1531. $\int \sqrt{\operatorname{ch} x + 1}\, dx$.

1532. $\int \frac{1 + 2 \operatorname{sh} x}{\operatorname{ch}^2 x} dx$.

1533. $\int \frac{x^2 dx}{\sqrt{x^2 - 3}}$.

1534. $\int \frac{\sqrt{x^2 + 3}}{x^2} dx$.

10- §. Интеграллашга доир аралаш мисоллар

Қуйидаги интеграллар топилсин:

1535. $\int \frac{\sqrt{1 + x}\, dx}{x}$.

1536. $\int \frac{\operatorname{arc\,tg} x\, dx}{1 + x^2}$.

1537. $\int \frac{dx}{x^3 + ax^2}$.

1538. $\int \frac{dx}{1 + \sin x}$.

1539. $\int \frac{dx}{\sqrt{x(1 - x)}}$.

1540. $\int \frac{dx}{\frac{\sin^2 x}{a^2} + \frac{\cos^2 x}{b^2}}$.

1541. $\int x \cos^2 x\, dx$.

1542. $\int \frac{dx}{e^{2x} + e^x}$.

1543. $\int \sqrt{\frac{1 - x}{1 + x}}$.

1544. $\int \frac{\cos^2 x\, dx}{\sin^4 x}$.

1545. $\int x \operatorname{tg}^2 x\, dx$.

1546. $\int \frac{\cos^2 x\, dx}{\sin x}$.

1547. $\int \frac{\sin x\, dx}{b^2 + \cos^2 x}$.

1548. $\int \frac{dx}{\sqrt[3]{x^2} + 2\sqrt{x}}$.

1549. $\int \frac{ax - b}{(ax + b)^4} dx$.

1550. $\int \frac{dx}{x^4 + x^2}$.

1551. $\int \frac{dx}{(\sin x + \cos x)^2}$.

1552. $\int \frac{dx}{x\sqrt{a + b \ln x}}$.

1553. $\int \frac{x^2 dx}{(a - bx^3)^n}$.

1554. $\int \sqrt{1 - 2x - x^2}\, dx$.

1555. $\int \frac{dx}{(1 + \sqrt{x})^3}$.

1556. $\int \frac{\operatorname{arc\,tg} x\, dx}{x^2}$.

1557. $\int \frac{e^x - 2}{e^{2x} + 4} dx$.

1558. $\int \frac{dx}{(2x+1)(1 + \sqrt{2x + 1})}$.

1559. $\int \operatorname{ctg}^4 x\, dx$.

1560. $\int \frac{\sqrt{4 - x^2}}{x^2} dx$.

1561. 1) $\int \frac{\cos x}{\cos 3x} dx$;

2) $\int \frac{\sin x}{\sin 3x} dx$.

1562. 1) $\int \frac{dx}{\sqrt{x + a} + \sqrt{x}}$;

3) $\int \frac{dx}{\sqrt{x^2 + 1} - x}$.

1563. $\int \frac{x^4+1}{x^3-x^2}\,dx$.

1564. $\int \frac{\sqrt{x^2+2x}}{x^3}\,dx$.

1565. $\int \frac{dx}{x\sqrt{x^3-1}}$.

1566. $\int \frac{dx}{1+\operatorname{tg} x}$.

1567. $\int \frac{\arcsin\sqrt{x}}{\sqrt{x}}\,dx$.

1568. $\int \frac{\sin 2x}{\cos^4 x}\,dx$.

1569. $\int \frac{\cos 2x}{\sin^4 x}\,dx$.

1570. $\int \frac{\ln(\cos x)\,dx}{\sin^2 x}$.

1571. $\int \frac{dx}{e^{3x}-e^x}$.

1572. $\int \frac{\sin^3 x\,dx}{\cos^5 x}$.

1573. $\int \frac{\ln(x+1)\,dx}{x^2}$.

1574. $\int \sqrt{1-\sin x}\,dx$.

1575. $\int \frac{dx}{1+\sin^2 x}$.

1576. $\int \frac{x\,dx}{x^4-x^2-2}$.

1577. $\int e^{-\sqrt{x}}\,dx$.

1578. $\int \frac{\operatorname{arc\,tg}\sqrt{x}dx}{\sqrt{x}}$.

1579. $\int \frac{\sqrt{\operatorname{tg} x}\,dx}{\sin 2x}$.

1580. $\int \frac{\ln(x^2+1)\,dx}{x^3}$.

1581. $\int \frac{a^x dx}{a^{2x}+1}$.

1582. $\int \frac{1-\sin\sqrt{x}}{\sqrt{x}}\,dx$.

1583. $\int \sqrt{\frac{(x+1)^3}{(x-1)^3}}\,dx$.

1584. $\int \frac{x\arcsin x\,dx}{\sqrt{1-x^2}}$.

1585. $\int \frac{dx}{x^2\sqrt{x^2-1}}$.

1586. $\int \frac{x^3 dx}{(x+1)^4}$.

1587. $\int \frac{x-a}{\sqrt{2ax+x^2}}dx$.

1588. $\int \frac{4x+1}{2x^3+x^2-x}\,dx$.

1589. $\int \frac{\cos^3 x+1}{\sin^2 x}\,dx$.

1590. $\int \frac{dx}{x^4+4}$.

IX БОБ

АНИҚ ИНТЕГРАЛ

1- §. Аниқ интегрални ҳисоблаш

$[a, b]$ сегментда $f(x)$ функция аниқланган бўлсин. $[a, b]$ сегментни $a = x_0 < x_1 < \ldots < x_n = b$ нуқталар билан n та бўлакларга ажратайлик. Ҳар бир $[x_{i-1}, x_i]$ сегментдан ихтиёрий ξ_i нуқта олиб, $\sum_{i=1}^{n} f(\xi_i)\,\Delta x_i$ йиғиндини тузамиз, бунда $\Delta x_i = x_i - x_{i-1}$. $\sum_{i=1}^{n} f(\xi_i)\,\Delta x_i$ кўринишдаги йиғинди *интеграл йиғинди* дейилиб, унинг $\max \Delta xi \to 0$ даги лимити, у мавжуд ва чекли бўлса, $f(x)$ функциянинг a дан b гача *аниқ интеграли* дейилади ҳамда

$$\int_a^b f(x)\,dx = \lim_{\max \Delta x_i \to 0} \sum_{i=1}^{n} f(\xi_i)\,\Delta x_i \qquad (1)$$

кўринишда ёзилади.

Бу ҳолда $f(x)$ функция $[a, b]$ сегментда *интегралланувчи* дейилади.

$f(x)$ функциянинг *интегралланувчи бўлиши* учун унинг $[a, b]$ сегментда *узлуксиз* бўлиши ёки чекли сондаги чекли узилишларга эга бўлиши кифоядир.

$f(x)$ функция $[a, b]$ сегментда узлуксиз бўлсин. У ҳолда бу сегментда

$$\int f(x)\,dx = F(x) + C \qquad (2)$$

аниқмас интеграл мавжуддир ва ушбу

$$\int_a^b f(x)\,dx = F(b) - F(a) = \left[\int f(x)\,dx\right]_a^b \qquad (3)$$

формула ўринли, яъни *узлуксиз функциядан олинган аниқ интеграл бошланғич функциянинг* (ёки аниқмас интегралнинг) *юқори ва қуйи чегаралардаги қийматларининг айирмасига* тенгдир. (3) формула Ньютон-Лейбниц формуласи дейилади.

1591. Ушбу

$$1)\ \int_0^a x\,dx;\quad 2)\ \int_0^a x^2\,dx;\quad 3)\ \int_0^a e^x dx;\quad 4)\ \int_0^\pi \sin x\,dx$$

интеграллар интеграл йиғиндиларни тузиш ва лимитга ўтиш йўли билан топилсин.

Кўрсатма. Иккинчи ва тўртинчи мисолларни ечишда 1034 ва 647- мисолларнинг натижаларидан фойдаланилсин.

1592. [1, 2] сегментни бешта тенг бўлакка ажратиб $\int_1^2 \frac{dx}{x}$ интеграл учун s_5 ва S_5 «қуйи» ва «юқори» интеграл йиғиндилар ҳисоблансин. Натижа интегралнинг аниқ қиймати билан таққослансин.

Кўрсатма. Ажралган бўлакларнинг i-сида интеграл остидаги функциянинг энг кичик қийматини m_i, энг катта қийматини эса M_i деб белгиласак, $s_5=\sum_{i=1}^{5} m_i\Delta x$, $S_5=\sum_{i=1}^{5} M_i\Delta x$.

Қуйидаги интеграллар ҳисоблансин:

1593. $\int_1^3 x^3\,dx$.

1594. $\int_1^2 \left(x^2+\frac{1}{x^4}\right)dx$.

1595. $\int_1^4 \sqrt{x}\,dx$.

1596. $\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{4-x^2}}$.

1597. $\int_a^{a\sqrt{3}} \frac{dx}{a^2+x^2}$.

1598. $\int_0^3 e^{\frac{x}{3}}dx$.

1599. $\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{x^2+1}}$.

1600. $\int_0^{\frac{\pi}{4}} \sin 4x\,dx$.

1601. $\int_4^9 \frac{dx}{\sqrt{x}-1}$.

1602. $\int_{\frac{\pi}{4}}^{\frac{\pi}{3}} \frac{1+\operatorname{tg}^2 x}{(1+\operatorname{tg}x)^2}dx$.

Кўрсатма. 1601- мисолда $x=t^2$ ўрнига қўйишни татбиқ этиш керак; бунда интегралнинг чегаралари ўзгаради, буни $\begin{array}{c|c|c} x & 4 & 9 \\ \hline t & 2 & 3 \end{array}$ жадвал би-

3- §. Айланиш жисмининг ҳажми

1°. A_1ABB_1 эгри чизиқли трапециянинг Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажми, $\overset{\frown}{AB}$ ёй $y=f(x)$ эгри чизиқнинг ёйи бўлса,

$$V=\lim_{\Delta x\to 0}\sum \pi y^2\Delta x=\int_{x_1}^{x_2}\pi y^2\,dx \qquad (1)$$

формула билан аниқланади.

Ўзгарувчи ҳажмнинг дифференциали $dV=\pi y^2\,dx$.

2°. Oy ўққа ёпишган эгри чизиқли трапециянинг Oy ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажми

$$V=\lim_{\Delta y\to 0}\sum \pi x^2\Delta y=\int_{y_1}^{y_2}\pi x^2\,dy \qquad (2)$$



35- чизма.

формула билан аниқланади.

Ўзгарувчи ҳажмнинг дифференциали $dV=\pi x^2\,dy$.

Қуйидаги чизиқлар билан чегараланган фигураларнинг айланишидан ҳосил бўлган жисмларнинг ҳажмлари аниқлансин:

1669. $y^2=2px$ ва $x=h$, Ox ўқ атрофида.

1670. $\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}=1$ ва $y=\pm b$, Oy ўқ атрофида.

1671. $xy=4$, $x=1$, $x=4$, $y=0$, Ox ўқ атрофида.

1672. $y^2=(x+4)^3$ ва $x=0$, Oy ўқ атрофида

1673. $x^2+y^2=a^2$, $x=b>a$ тўғри чизиқ атрофида.

Кўрсатма. $dV=\pi(b+x)^2\,dy-\pi(b-x)^2\,dy=4\pi bx\,dy$.

1674. $y=a\operatorname{ch}\frac{x}{a}$, $x=\pm a$, $y=0$, Ox ўқ атрофида.

1675. $y^2=4-x$, $y=0$, Oy ўқ атрофида.

1676. $(y-a)^2=ax$, $x=0$, $y=2a$, Ox ўқ атрофида.

1677. $y=\cos x$ ва $y=-1$, $-\pi\leqslant x\leqslant\pi$ бўлганда $y=-1$ тўғри чизиқ атрофида.

1678. $y=x\sqrt{-x}$, $x=-4$ ва $y=0$, Oy ўқ атрофида

1679. $y=\cos\left(x-\frac{\pi}{3}\right)$, $x=0$; $y=0$, $(x>0$ бўлганда$)$ Ox ўқ атрофида.

1680. $y=a-\frac{x^2}{a}$ ва $x+y=a$, Oy ўқ атрофида.

Қуйидаги чизиқлар билан чегараланган фигураларнинг айланишидан ҳосил бўлган жисмларнинг ҳажмлари аниқлансин:

1681. $y = \sin x$ (битта ярим тўлқини), $y = 0$, Ox ўқ атрофида.

1682. $x^2 - y^2 = 4$, $y = \pm 2$, Oy атрофида.

1683. $y = \dfrac{1}{1+x^2}$, $x = \pm 1$, $y = 0$, Ox ўқ атрофида.

1684. $\dfrac{x^2}{a^2} + \dfrac{y^2}{b^2} = 1$, Oy ўқ атрофида.

1685. $x^{2/3} + y^{2/3} = a^{2/3}$, Ox ўқ атрофида.

1686. $y = x^3$, $x = 0$, $y = 8$, Oy ўқ атрофида.

1687. $x^2 - y^2 = a^2$, $x = \pm 2a$, Ox ўқ атрофида.

1688. $y = x^2$, $y = 4$, $x = 2$ тўғри чизиқ атрофида.

Кўрсатма. $dV = \pi(2+x)^2\,dy - \pi(2-x)^2\,dy$.

1689. $x = a(t - \sin t)$, $y = a(1 - \cos t)$ циклоиданинг бир даври, Ox ўқ атрофида.

1690. $(y-3)^2 + 3x = 0$, $x = -3$, Ox ўқ атрофида.

4- §. Текис эгри чизиқ ёйининг узунлиги

1°. $y = f(x)$ эгри чизиқ $\overset{\smile}{AB}$ ёйининг узунлиги:

$$s = \int_{x_A}^{x_B} \sqrt{1 + y'^2}\,dx. \tag{1}$$

Ёй дифференциали: $ds = \sqrt{1 + y'^2}\,dx = \sqrt{dx^2 + dy^2}$.

2°. $x = f(t)$, $y = \varphi(t)$ эгри чизиқ $\overset{\smile}{AB}$ ёйининг узунлиги:

$$s = \int_{t_A}^{t_B} \sqrt{x'^2 + y'^2}\,dt. \tag{2}$$

3°. $r = f(\varphi)$ эгри чизиқ $\overset{\smile}{AB}$ ёйининг узунлиги

$$s = \int_{\varphi_A}^{\varphi_B} \sqrt{r^2 + r'^2}\,d\varphi. \tag{3}$$

Қуйидаги эгри чизиқлар ёйларининг узунликлари аниқлансин:

1691. $y^2 = x^3$ эгри чизиқнинг $x = \dfrac{4}{3}$ тўғри чизиқ билан кесилган қисмининг узунлиги.

1692. $x^2 + y^2 = a^2$ эгри чизиқнинг бутун узунлиги.

1693. $x^{2/3} + y^{2/3} = a^{2/3}$ эгри чизиқнинг бутун узунлиги.

1694. $y^2 = (x+1)^3$ эгри чизиқнинг $x = 4$ тўғри чизиқ билан кесилган қисмининг узунлиги.

1695. $x = a(t - \sin t)$, $y = a(1 - \cos t)$ циклоида бир давринінг узунлиги.

1696. $x = \frac{t^6}{6}$, $y = 2 - \frac{t^4}{4}$ эгри чизиқнинг координата ўқлари билан кесишган нуқталари орасидаги қисмининг узунлиги.

1697. $y = \frac{x^2}{2} - 1$ эгри чизиқнинг Ox ўқ кесган бўлагининг узунлиги.

Кўрсатма. $\int \sqrt{1 + x^2}$ интегрални бўлаклаб ёки 1366-масаладаги формула ёрдами билан ҳисоблаш мумкин.

1698. $y = \frac{a}{2}\left(e^{\frac{x}{a}} + e^{-\frac{x}{a}}\right) = a \operatorname{ch} \frac{x}{a}$ эгри чизиқнинг $x = \pm a$ тўғри чизиқлар орасидаги қисмининг узунлиги.

1699. $y = \ln x$ нинг $x = \frac{3}{4}$ дан $x = \frac{12}{5}$ гача бўлган қисмининг узунлиги.

Кўрсатма. $\int \frac{\sqrt{1 + x^2}}{x}\, dx$ интеграл $1 + x^2 = t^2$ ўрнига қўйиш ёрдами билан топилади.

1700. $y = \ln(2 \cos x)$ эгри чизиқнинг Oy ва Ox ўқлар билан кесишган икки қўшни нуқталари орасидаги қисмининг узунлиги.

1701. 1) $9y^2 = x(x - 3)^2$ эгри чизиқнинг Ox ўқ билан кесишган нуқталари орасидаги қисмининг узунлиги.

2) $e^{2y} \operatorname{th} x = 1$ эгри чизиқ ёйининг $x = 1$ дан $x = 2$ гача бўлган узунлиги.

1702. 1) $r = a(1 - \cos \varphi)$ кардиоиданинг;

2) $r = a\varphi$ спираль биринчи гажаги ёйининг узунлиги.

1703. $r = a \sin^3 \frac{\varphi}{3}$ эгри чизиқнинг бутун узунлиги.

1704. Эластик ип бир хил баландликдаги A ва B нуқталарга осилган. $AB = 2b$ ва ипнинг эгилиш ўқи f га тенг. Ипнинг шакли параболадан иборат деб ҳисоблаб, $\frac{f}{b}$ етарли кичик бўлганда $s \approx 2b\left(1 + \frac{2}{3}\frac{f^2}{b^2}\right)$ экани кўрсатилсин.

Кўрсатма. 1157-масаладаги $\sqrt{1 + \alpha} \approx 1 + \frac{1}{2}\alpha$ тақрибий формула татбиқ қилинсин.

1705. $y^2 = \frac{4}{9}(2-x)^3$ нинг $x = -1$ тўғри чизиқ билан кесилган қисмининг узунлиги.

1706. $y = \ln(\sin x)$ нинг $x = \frac{\pi}{3}$ дан $x = \frac{2\pi}{3}$ гача қисмининг узунлиги.

1707. $y = \ln(1-x^2)$ нинг $x = -\frac{1}{2}$ дан $x = \frac{1}{2}$ гача қисмининг узунлиги.

1708. $y^2 = 2px$ нинг $x = \frac{p}{2}$ тўғри чизиқ билан кесилган қисмининг узунлиги.

1709. $\left.\begin{aligned} x &= t^2, \\ y &= \frac{b}{t}(t^2-3) \end{aligned}\right\}$ Ox ўқ билан кесишган нуқталари орасидаги бўлагининг узунлиги.

5- §. Айланиш жисми сиртининг юзи

1. $y = f(x)$ эгри чизиқ ёйи $\overset{\frown}{AB}$ нинг Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сиртнинг юзи:

$$P_x = 2\pi \int_{\overset{\frown}{AB}} y\,ds, \quad \text{бунда} \quad ds = \sqrt{dx^2 + dy^2}.$$

2°. $x = \varphi(y)$ эгри чизиқ ёйи $\overset{\frown}{AB}$ нинг Oy ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт юзи:

$$P_y = 2\pi \int_{\overset{\frown}{AB}} x\,ds, \quad \text{бунда} \quad ds = \sqrt{dx^2 + dy^2}.$$

Қуйидаги эгри чизиқларнинг айланишидан ҳосил бўлган сиртларнинг юзлари аниқлансин:

1710. $x^2 + y^2 = R^2$, Ox ўқ атрофида.

1711. $y = \frac{x^2}{2}$ нинг $y = 1{,}5$ тўғри чизиқ билан кесишган қисми, Oy ўқ атрофида.

1712. $y = a \operatorname{ch} \frac{x}{a}$ нинг $x = \pm a$ тўғри чизиқлар орасидаги қисми, Ox ўқ атрофида.

1713. $4x^2 + y^2 = 4$, Oy ўқ атрофида.

Кўрсатма. y ни эркли ўзгарувчи деб олсак, изланган сирт юзи.

$$P = \pi \int_0^2 \sqrt{16 - 3y^2}\,dy$$ бўлади. Сўнгра $y = \frac{4}{\sqrt{3}} \sin t$ ўрнига қўйишни татбиқ этамиз.

1714. $y = \sin x$ эгри чизиқнинг битта ярим тўлқини, Ox ўқ атрофида.

1715. $\left.\begin{aligned} x &= a(t - \sin t \\ y &= a(1 - \cos t) \end{aligned}\right\}$ циклоиданинг бир даври, Ox ўқ атрофида.

1716. $x = t^2$, $y = \frac{t}{3}(t^2 - 3)$ эгри чизиқ илмоғи, Ox ўқ атрофида.

1717. $x^2 + y^2 = a^2$, $x = b > a$ тўғри чизиқ атрофида.

Кўрсатма.

$$dP = 2\pi(b + x)\, ds + 2\pi(b - x)\, ds.$$

Қуйидаги эгри чизиқлар ёйларининг Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сиртларнинг юзлари аниқлансин:

1718. $y = \frac{x^3}{3}$ эгри чизиқнинг $x = -2$ дан $x = 2$ гача бўлган ёйи.

1719. $y^2 = 4 + x$ эгри чизиқнинг $x = 2$ тўғри чизиқ билан кесилган қисми.

1720. $x = a\cos^3 t$, $y = a\sin^3 t$ эгри чизиқнинг барча ёйи.

1721. $x = \frac{t^3}{3}$, $y = 4 - \frac{t^2}{2}$ эгри чизиқнинг координата ўқлари билан кесишган нуқталари орасидаги қисми.

6- §. Физика масалалари

1722. Баландлиги 6 *м* ва асоси 8 *м* тўғри бурчакли вертикал шлюзга бўлган сув босими аниқлансин. Шлюзнинг пастки ярмига бўлган босим ҳам аниқлансин.

1723. a асоси сув юзида жойлашган, баландлиги h га тенг уч бурчакли вертикал юзга бўлган сув босими аниқлансин.

1724. $2R$ диаметри сув юзида жойлашган вертикал ярим доирага бўлган сув босими аниқлансин.

1725. Тўғон юқори асоси 20 *м*, қуйи асоси 10 *м* ва баландлиги 6 *м* бўлган трапеция шаклида, Сувнинг тўғонга бўлган босими аниқлансин.

Кўрсатма. BC нинг тенгламаси: $\frac{x}{6} = \frac{y - 20}{-10}$ ёки $y = -\frac{5}{3}x + 20$.

Сув учун $\omega = 1$; $P = \int_0^6 \left(20 - \frac{5}{3}x\right) x\, dx = 240$ *Т*.

1726. $x=0$, $x=a$, $y=0$ ва $y=b$ чизиқлар билан чегараланган тўғри тўртбурчакнинг Ox ва Oy ўқларга нисбатан инерция моментлари аниқлансин.

Кўрсатма. Тўғри тўртбурчакни горизонтал, юзларга ажратиб, ҳар бир юзни ундан Ox ўққача бўлган масофа квадратига, яъни y^2 га кўпайтирамиз. Кўпайтмаларни қўшиб лимитга ўтсак, қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$J_x=\lim_{\Delta y\to 0}\sum a\Delta y\cdot y^2=\int_0^b ay^2\,dy.$$

Шунга ўхшаш $J_y=\int_0^a bx^2\,dx$.

1727. $x=0$, $y=0$ ва $\frac{x}{a}+\frac{y}{b}=1$ чизиқлар билан чегараланган учбурчакнинг Ox ва Oy ўқларга нисбатан инерция моментлари топилсин.

1728. $x=2$, $y=x^2$ ва $y=0$ чизиқлар билан чегараланган юзнинг Oy ўққа нисбатан инерция моменти топилсин.

1729. $x=0$, ва $x+y=a$ чизиқлар билан чегараланган учбурчакнинг Ox ва Oy ўқларга нисбатан статик моменти ва оғирлик марказининг координаталари топилсин.

Кўрсатма. Статик моментлар қуйидагидан иборат:

$$M_x=\int_0^a xy\,dy,\ M_y=\int_0^a xy\,dx.$$

Оғирлик марказининг координаталари:

$$x_c=\frac{M_y}{S},\qquad y_c=\frac{M_x}{S},$$

бунда S — шаклнинг юзи.

1730. $a^2y=bx^2$, $x=a$ ва $y=0$ чизиқлар билан чегараланган юзнинг оғирлик маркази топилсин.

1731. $x^2+y^2=a^2$ айлананинг Ox ўқ билан кесишишидан ҳосил бўлган ярим доиранинг оғирлик маркази топилсин.

1732. 1) Асосининг радиуси 0,5 *м* бўлган цилиндрик ҳовуздаги сувнинг бошланғич сатҳи 2,8 *м* ва цилиндрдаги сув оқиб чиқадиган жўмракдан 0,2 *м* қуйи бўлса, ҳовуздаги сувни тортиб чиқариш учун сарф этилган иш ҳисоблансин.

2) Радиуси R *м* бўлган ярим шардаги сувни тортиб чиқариш учун сарф этилган иш ҳисоблансин.

1733. Массаси m бўлган жисмни ердан h баландликка кўтариш учун сарф этиш керак бўлган иш аниқлансин.

Кўрсатма. Ер марказидан x масофада марказга тортиш кучи F ушбу $F : mg = R^2 : x^2$ пропорциядан аниқланади, бунда R — ер шарининг радиуси.

1734. Қозон асосининг радиуси $R = 0{,}4$ *м*, чуқурлиги $H = 0{,}5$ *м* дан иборат айланиш параболоид шаклида. Сув тўлдирилган шундай қозондан барча сувни тортиб чиқариш учун сарф этилган иш аниқлансин.

1735. Цилиндрдаги поршень остида ҳажми $V_0 = 0{,}1$ $м^3$, эластиклиги $p_0 = 10330$ $кГ/м^2$ бўлган ҳаво бор. Ҳаво ҳажмини $V_1 = 0{,}03$ $м^3$ га келтириш учун, ҳавони изотермик қисиш учун бажарилган иш аниқлансин. (Бойль-Мариотт қонуни бўйича $pV = P_0V_0$.)

1736. Узунлиги 1 *м*, кесим радиуси 2 *мм* бўлган мис симни 0,001 *м* чўзиш учун сарф этилган иш ҳисоблансин.

Кўрсатма. Узунлиги l *м*, кесими s $мм^2$ бўлган симни x *м* чўзиш учун сарф этиладиган куч $F = E\dfrac{sx}{l}$ формула билан аниқланади, бунда E — эластиклик модули. Мис учун $E \approx 12\,000$ $кГ/мм^2$ деб олиш мумкин.

1737. Асоси $S = 420$ $см^2$, баландлиги $H = 40$ *см* бўлган цилиндрик идишдаги сув цилиндр тубидаги юзи $s = 2$ $см^2$ бўлган тешикдан қанча вақт ичида оқиб тамом бўлади?

Кўрсатма. Юксаклиги x *см* баландликда бўлган сувнинг оқиш тезлиги $v = \mu\sqrt{2gx}$ формула билан ҳисобланади, бунда μ — суюқликнинг ёпишқоқлигига, идишнинг шаклига ва тешикнинг юзига боғлиқ коэффициент. Бу ерда ва шунингдек 1738- масалада $\mu = 0{,}6$ деб оламиз.

1738. Пастки асосининг радиуси $r = 0{,}3$ *см*, юқори асосининг радиуси $R = 6$ *см*, баландлиги $H = 40$ *см* бўлган конус шаклидаги воронкадан сув қанча вақт ичида оқиб бўлади (1737- масалага берилган кўрсатмага қаранг)?

1739. Баландлиги h, асоси a сув юзига параллел, унга қарши учи эса сув юзида бўлган уч бурчакли вертикал юзга бўлган сув босими аниқлансин.

1740. Асоси 4 *м* га тенг ва сув юзига жойлашган параболик сегментнинг учи 4 *м* чуқурликда ётади. Ўша сегментга бўлган сув босими аниқлансин.

1741. Баландлиги h га тенг тўғри бурчакли шлюз шундай x чуқурликда икки горизонтал бўлакка ажратилсинки, уларга бўлган сув босими бир хил бўлсин.

1742. Горизонтал ўққа эга цилиндрик идиш ярмисигача ёғ (солиштирма оғирлиги 0,9) билан тўлдирилган. Агар цилиндр текис деворларининг радиуси 2 *м* га тенг бўлса, уларнинг ҳар бирига бўлган ёғ босими аниқлансин.

1743. $x = a\cos t$, $y = a\sin t$ доира чорак юзининг Ox ўққа нисбатан инерция моменти топилсин.

1744. $y = 4 - x^2$ ва $y = 0$ чизиқлар билан чегараланган юзнинг оғирлик марказининг координаталари топилсин.

1745. Баландлиги $H = 2$ *м*, асосининг радиуси $R = 0{,}3$ *м* га тенг конус шаклидаги чуқурдан (конуснинг учи пастга қараган) барча сувни тортиб чиқариш учун бажариш керак бўлган иш ҳисоблансин.

1746. Ҳажми $V_0 = 0{,}1$ $м^3$, эластиклиги $p_0 = 10330$ $кГ/м^2$ га тенг ҳавони $V_1 = 0{,}03$ $м^3$ ҳажмгача адиабатик қисиш учун бажарилган иш аниқлансин. (Адиабатик қисиш Пуассон қонунига бўйсунади: $pV^k = p_0V_0^k$ бунда $k \approx 1{,}4$.)

1747. Радиуси 40 *см* га тенг ярим шар шаклидаги идишни тўлғазиб турган сув қанча вақт ичида шар тубидаги юзи 2 $см^2$ бўлган тешикдан оқиб бўлади? (1737-масалага берилган кўрсатмага қаралсин; ёпишқоқлик коэффициентини $\mu = 0{,}8$ деб фараз қиламиз).

7-§. Хосмас интеграллар

1°. Таърифлар.

1. Агар $\lim\limits_{b \to +\infty} \int\limits_a^b f(x)\,dx$ мавжуд ва чекли бўлса, у $\int\limits_a^{+\infty} f(x)\,dx$ интеграл деб айтилади. $\int\limits_{-\infty}^b f(x)\,dx$ ва $\int\limits_{-\infty}^{+\infty} f(x)\,dx$ интеграллар ҳам шунга ўхшаш таърифланади.

II. Агар $f(x)$ функция $[a, b]$ сегментнинг c нуқтасидан бошқа барча нуқталарида узлуксиз бўлиб, c да II тур узилишга эга бўлса, у ҳолда $f(x)$ дан a дан b гача чегараларда олинган интеграл деб

$$\lim_{\varepsilon \to 0} \int_a^{c-\varepsilon} f(x)\,dx + \lim_{\delta \to 0} \int_{c+\delta}^b f(x)\,dx$$

йиғиндига айтилади (агар бу лимитлар мавжуд ва чекли бўлса).

Чегаралари чексиз бўлган ҳамда узлукли (чегараланмаган) функциялардан олинган интеграллар хосмас интеграллар дейилади.

Агар юқорида келтирилган лимитлар чекли бўлса умумлашган интеграллар *яқинлашади*, чекли бўлмаса — *узоқлашади* дейилади.

2°. Хосмас интегралларнинг яқинлашиши кўпинча таққослаш методи билан аниқланади: агар $x>a$ бўлганда $|f(x)| \leqslant \varphi(x)$ бўлса ва $\int_a^{+\infty} \varphi(x)\,dx$ яқинлашса, у ҳолда $\int_a^{+\infty} f(x)\,dx$ ҳам яқинлашади. Шунга ўхшаш яқинлашиш аломатини узилувчи функциядан олинган интеграл учун ҳам кўрсатиш мумкин.

Қуйидаги интеграллар ҳисоблансин:

1748. 1) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{x^2}$; 2) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{x}$; 3) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{\sqrt{x}}$; 4) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{x^n}$.

1749. 1) $\int_0^{\infty} e^{-x}\,dx$; 2) $\int_0^{\infty} xe^{-x^2}\,dx$; 3) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{1+x^2}$;

4) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{x^2\sqrt{x^2-1}}$; 5) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{x^2+x}$; 6) $\int_0^{\infty} x^2 e^{-\frac{x}{2}}\,dx$.

1750. 1) $\int_2^{\infty} \frac{dx}{x\sqrt{x^2-1}}$; 2) $\int_1^{\infty} \frac{\operatorname{arc\,tg} x\,dx}{x^2}$; 3) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{(x^2+1)^2}$.

1751. 1) $\int_2^{6} \frac{dx}{\sqrt[3]{(4-x)^2}}$; 2) $\int_0^{2} \frac{dx}{(x-1)^2}$; 3) $\int_0^{2} \frac{dx}{\sqrt[3]{(x-1)^2}}$.

1752. Қуйидаги интегралларнинг яқинлашиши текширилсин.

1) $\int_0^{\infty} \frac{dx}{\sqrt{1+x^3}}$; 2) $\int_2^{\infty} \frac{dx}{\sqrt[3]{x^3-1}}$; 3) $\int_1^{\infty} \frac{e^{-x}\,dx}{x}$;

4) $\int_1^{\infty} \frac{\sin x\,dx}{x^2}$; 5) $\int_2^{\infty} \frac{dx}{\sqrt{x^4+1}}$; 6) $\int_0^{\infty} e^{-x}\,dx$.

1753. 1) $\int_0^{1} \frac{dx}{x^n}$; 2) $\int_a^{b} \frac{dx}{(b-x)^n}$ ($b>a$ бўлганда).

Кўрсатма. $n=1-\alpha<1$, $n=1$ ва $n=1+\alpha>1$ бўлган уч ҳол кўрилсин.

1754. $y=\frac{1}{1+x^2}$ эгри билан унинг асимптотаси орасидаги юз ҳисоблансин.

1755. $y = xe^{-\frac{x^2}{2}}$ эгри чизиқ билан унинг асимптотаси орасидаги юз ҳисоблансин ($x > 0$ бўлганда).

1756. $y^2 = \frac{x^3}{2a - x}$ циссоида билан унинг асимптотаси орасидаги юз ҳисоблансин.

Кўрсатма. $x = 2a \sin^2 t$ деб параметрик тенгламаларга ўтиш керак.

1757. $y^2 = \frac{x^2}{2a - x}$ циссоиданинг ўз асимпототаси атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисм ҳажми аниқлансин (1756-масалага қаралсин).

1758. $y = e^{-x}$ эгри чизиқнинг x мусбат бўлгандаги чексиз ёйининг Ox ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисм ҳажми аниқлансин.

1759. $y = 2\left(\frac{1}{x} - \frac{1}{x^2}\right)$ эгри чизиқнинг $x \geqslant 1$ бўлгандаги чексиз шохчасининг Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажми топилсин.

1760. 1) m бутун ва мусбат бўлганда

$$\left.\begin{array}{l} 1)\ \int\limits_0^\infty e^{-x} x^m\, dx = m!; \\ 2)\ \int\limits_0^\infty e^{-x^2} x^{2m+1}\, dx = \frac{m!}{2} \end{array}\right\}$$ экани кўрсатилсин*.

1761. Қуйидаги интеграллар ҳисоблансин:

$$1)\ \int\limits_2^\infty \frac{dx}{x^2};\quad 2)\ \int\limits_0^\infty x^2 e^{-x^3}\, dx;\quad 3)\ \int\limits_1^\infty \frac{\ln x\, dx}{x^2};\quad 4)\ \int\limits_1^e \frac{dx}{x \ln x}.$$

Кўрсатма. 3) мисолда $\lim\limits_{x \to \infty} \frac{\ln x}{x}$ ни топишда Лопитал қоидаси татбиқ этилсин.

---

* $\int\limits_0^\infty e^{-x} x^{t-1}\, dx = \Gamma(t)$ функция t нинг гамма-функцияси дейилади. 1760-масаладаги 1) мисолдан t бутун ва > 1 бўлганда $\Gamma(t) = (t-1)!$ экани келиб чиқади. Бу ерда t=деб шартли $0! = \Gamma(1) = \int\limits_0^\infty e^{-x} x^0\, dx = 1$ га эга бўламиз. Шунинг учун $0! = 1$ деб ҳисобланади.

1762. 1) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{x\sqrt{1+x^2}}$; 2) $\int_0^{\infty} \frac{dx}{\sqrt{(1+x)^3}}$; 3) $\int_1^{\infty} \frac{dx}{x^2+x^4}$.

1763. $y = e^{-2x}$ эгри чизиқ ва координата ўқлари орасидаги юз ҳисоблансин ($x > 0$ бўлганда).

1764. $xy = 4$, $y = 1$, $x = 0$ чизиқлар билан чегараланган чексиз узун юз Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажми топилсин.

1765. $y = xe^{-\frac{x}{2}}$ эгри чизиқнинг ($x > 0$ бўлганда) ўз асимптотаси атрофида айланишдан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажми аниқлансин.

8- §. Функциянинг ўрта қиймати

Ўрта қиймат ҳақидаги теорема. Агар $y = f(x)$ функция $[a, b]$ сегментда узлуксиз бўлса, у ҳолда $\int_a^b f(x)\,dx$ интегралнинг чегаралари орасида шундай $x = c$ топиладики,

$$\int_a^b f(x)\,dx = (b-a)\,f(c) \tag{1}$$

бўлади. Функциянинг

$$y_m = f(c) = \frac{\int_a^b f(x)\,dx}{b-a} \tag{2}$$

қиймати $y = f(x)$ функциянинг $[a, b]$ сегментдаги ўрта қиймати дейилади.

1766. Қуйидаги функцияларнинг ўрта қийматлари аниқлансин:

1) $y = \sin x$, $[0, \pi]$ сегментда;
2) $y = \operatorname{tg} x$, $\left[0, \frac{\pi}{3}\right]$ сегментда;
3) $y = \ln x$, $[1, e]$ сегментда;
4) $y = x^2$, $[a, b]$ сегментда:
5) $y = \frac{1}{1+x^2}$, $[-1, 1]$ сегментда.

Ҳар бир мисолда функция ўрта қиймати чизмада кўрсатилсин.

9-§. Трапециялар формуласи ва Симпсон формуласи

1°. Трапециялар формуласи:

$$\int_a^b f(x)\,dx \approx h\left[\frac{y_0+y_n}{2}+\sum_{i=1}^{n-1} y_i\right], \tag{I}$$

бунда $h=\dfrac{b-a}{n}$, $y_0, y_1, y_2, \ldots, y_n$ лар эса $y=f(x)$ функциянинг $[a, b]$ сегментдаги бир-биридан баравар узоқликда турган ординаталаридан иборат.

(I) формуланинг хатоси:

$$\varepsilon(h)\leqslant\frac{(b-a)h^2}{12}\,|y''|_{\max}. \tag{1}$$

2°. Симпсоннинг параболик формуласи (оралиқ иккига бўлинганда):

$$\int_a^b f(x)\,dx \approx \frac{h}{3}(y_0+4y_1+y_2), \tag{II}$$

бунда $h=\dfrac{b-a}{2}$.

3°. $[a, b]$ оралиқ $2n$ бўлакка бўлинган ҳол учун Симпсон формуласи:

$$\int_a^b f(x)\,dx \approx \frac{h}{3}\left[y_0+y_{2n}+4\sum_{i=1}^{n} y_{2i-1}+2\sum_{i=1}^{n-1} y_{2i}\right], \tag{III}$$

бунда $h=\dfrac{b-a}{2n}$, (II) ва (III) формулаларнинг хатоси:

$$\varepsilon(h)\leqslant\frac{(b-a)h^4}{180}\,|y^{IV}|_{\max}, \tag{2}$$

яъни (II) формула иккинчи ва учинчи даражали

$$y=a+bx+cx^2+dx^3$$

параболалар учун интегралнинг аниқ қийматини беради.

1767. Трапециялар формуласига кўра $\ln 2=\int_1^2 \dfrac{dx}{x}$ ҳисоблансин ва (1) формулага асосан хатоси баҳолансин.

1768. Симпсоннинг (II) формуласига кўра $\int_1^5 x^3dx$ ва

$\int_0^2 x^4\,dx$ интеграллар ҳисоблансин ҳамда (2) формулага асосан хатоси баҳолансин ва натижа интегралларнинг аниқ қийматлари билан таққослансин.

1769. Симпсоннинг (III) формуласига кўра

1) $\int_0^2 \sqrt{1+x^3}\,dx\ (2n=4)$; 2) $\int_0^{\frac{\pi}{2}} \sqrt{3-\cos 2x}\,dx\ (2n=6)$;

3) $\int_0^4 \frac{dx}{1+x^4}\ (2n=4)$

интеграллар ҳисоблансин ва (2) формулада тахминан $h^4\,|\,y^{IV}\,|_{max} \approx |\,\Delta^4 y\,|_{max}$ деб олиб, хатоси баҳолансин.

1770. Баландлиги 50 *см*, ҳар бир асосининг диаметри 20 *см* ва ўрта кесимининг диаметри 30 *см* бўлган бочканинг ҳажми Симпсоннинг (II) формуласи бўйича топилсин.

1771. Симпсоннинг (II) формуласидан пирамида ва шар ҳажмларининг формулалари чиқарилсин.

1772. $\ln 2 = \int_1^2 \frac{dx}{x}$ интеграл Симпсоннинг умумий (III) формуласи бўйича ҳисоблансин ($2n=10$ бўлганда) ва (2) формула бўйича хатоси баҳолансин.

1773. $x=5\cos t$, $y=3\sin t$ эллипс биринчи чорак ёйининг узунлигини ҳисоблаб берувчи интегралга Симпсоннинг (II) формуласини татбиқ этиб, эллипснинг узунлиги топилсин.

1774. Симпсоннинг (II) формуласини татбиқ этиб, $\pi = 6\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{4-x^2}}$ интегралнинг тақрибий қиймати ҳисоблансин.

1775. Симпсоннинг умумий (III) формуласи бўйича ($2n=10$ бўлганда) $\frac{\pi}{4} = \int_0^1 \frac{dx}{1+x^2}$ интеграл ҳисоблансин, (2) формулада тахминан $h^4\,|\,y^{IV}\,|_{max} \approx |\,\Delta^4 y\,|_{max}$ деб, хатоси баҳолансин.

1776. $x^2 + y^2 = 32$ эгри чизиқ билан чегараланган доира қисмининг юзини қараб, $\int_0^4 \sqrt{32 - x^2}\,dx = 4\pi + 8$ экани кўрсатилсин ва бундан, интегрални Симпсон формуласига асосан ҳисоблаб, π топилсин (формулада $2n = 4$ деб олинсин).

1777. $[0, \pi]$ сегментни олтита тенг бўлакка бўлиб, Симпсоннинг (III) формуласи бўйича $y = \sin x$ синусоида ярим тўлқини ёйининг узунлиги ҳисоблансин.

X БОБ

ТЕКИС ВА ФАЗОВИЙ ЭГРИ ЧИЗИҚНИНГ ЭГРИЛИГИ

1- §. Текис эгри чизиқнинг эгрилиги. Эгрилик маркази ва радиуси. Эволюта.

1°. Эгрилик:

$$k = \frac{d\varphi}{ds} = \frac{y''}{(1 + y'^2)^{3/2}}. \qquad (1)$$

2°. Эгрилик радиуси:

$$R = \frac{(1+y'^2)^{3/2}}{|y''|} = \frac{(\dot{x}^2 + \dot{y}^2)^{3/2}}{|\dot{y}\ddot{x} - \dot{x}\ddot{y}|}. \qquad (2)$$

3°. Эгрилик марказининг координаталари:

$$\left.\begin{aligned} X &= x - \frac{1+y'^2}{y''}\,y' = x + \frac{\dot{x}^2 + \dot{y}^2}{\dot{x}\ddot{y} - \dot{x}\ddot{y}}\,\dot{y}, \\ Y &= y + \frac{1+y'^2}{y''} = y + \frac{\dot{x}^2 + \dot{y}^2}{\dot{y}\ddot{x} - \dot{x}\ddot{y}}\,x. \end{aligned}\right\} \qquad (3)$$

$C(X; Y)$ эгрилик марказларининг геометрик ўрни *эволюта* дейилади. (3) тенгламалар эволютанинг *параметрик тенгламалари* бўлади.

4°. r ва φ қутб координаталари бўлганда, $r = f(\varphi)$ тенглама билан берилган эгри чизиқнинг эгрилик радиуси:

$$R = \frac{(r^2 + r'^2)^{3/2}}{|r^2 + 2r'^2 - rr''|}. \qquad (4)$$

Қуйидаги эгри чизиқларнинг эгрилик радиуслари аниқлансин ва эгри чизиқ ҳамда унинг учидаги эгрилик доираси ясалсин:

1778. $y = 4x - x^2$.

1779. $y = e^{-x^2}$.

1780. $x^2 + 4y^2 = 4$.

1781. $\begin{cases} x = a(t - \sin t), \\ y = a(1 - \cos t). \end{cases}$

1782. $y = xe^{-x}$.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг эгрилик марказлари аниқлансин ва эгри чизиқ ҳамда унинг мисолда кўрсатилган нуқтасидаги эгрилик доираси ясалсин:

1783. $xy = 4$, $x = 2$ нуқтада.

1784. $y = \ln x$, Ox ўқ билан кесишган нуқтасида.

1785. $y = -\frac{x^3 + 1}{3}$, Ox ўқ билан кесишган нуқтасида.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг эволюталарининг тенгламалари ёзилсин ва эгри чизиқ ҳамда унинг эволютаси ясалсин:

1786. $y = 1 - \frac{x^2}{2}$.

1787. $\begin{cases} x = 2\cos t, \\ y = \sin t. \end{cases}$

1788. $x^2 - y^2 = a^2$ (ёки $x = a\operatorname{ch} t$ ва $y = a\operatorname{sh} t$).

1789. $\begin{cases} x = a(\cos t + t\sin t), \\ y = a(\sin t - t\cos t). \end{cases}$

1790. $y = e^x$ эгри чизиқнинг энг катта эгрилиги топилсин.

1791. $y = a\operatorname{ch}\frac{x}{a}$ занжир чизиқнинг ихтиёрий нуқтасидаги эгрилик радиуси $\frac{y^2}{a}$ га тенг бўлиб, у ўша нуқтада ўтказилган нормалнинг эгри чизиқ билан Ox ўқ орасидаги кесмасига тенг эканлиги исбот қилинсин.

1792. 1) $r = a(1 - \cos\varphi)$; 2) $r^2 = a^2\cos 2\varphi$; 3) $r^2 = \frac{a^2}{\cos 2\varphi}$ эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасидаги эгрилик радиуси аниқлансин.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг учларидаги эгрилик радиуси аниқлансин ва эгри чизиқ ҳамда унинг эгрилик доираси ясалсин.

1793. $y = \frac{1}{1 + x^2}$.

1794. $x^2 - y^2 = 4$.

1795. $y = \sin x$.

1796. $2y = x^2 + 4x$.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг эгрилик маркази координаталари аниқлансин ва эгри чизиқ ҳамда унинг эгрилик доираси ясалсин:

1797. $y = e^x$, Oy ўқ билан кесишган нуқтасида.

1798. $y = \frac{x^3}{3}$, $\left(-1; -\frac{1}{3}\right)$ нуқтада.

1799. $y^2 = x^3$; (1; 1) нуқтада.

1800. $y = \cos x$, $x = \frac{\pi}{4}$ нуқтада.

Қуйидаги эгри чизиқлар эволюталарининг тенгламалари ёзилсин ва эгри чизиқ ҳамда унинг эволютаси ясалсин.

1801. $y^2 = 2(x+1)$. **1802.** $x = t^2,\ y = \frac{t^3}{3}$.

1803. $xy = 4$. **1804.** $x = a\cos^3 t,\ y = \sin^3 t$.

1805. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$ астроиданинг ихтиёрий нуқтасидаги эгрилик радиуси $3\sqrt[3]{a|xy|}$ га тенг эканлиги кўрсатилсин.

2- §. Фазодаги эгри чизиқ ёйининг узунлиги

Ёй дифференциали: $ds = \sqrt{dx^2 + dy^2 + dz^2}$ ёки

$$ds = \sqrt{\dot{x}^2 + \dot{y}^2 + \dot{z}^2}\,dt.$$

Ёй узунлиги: $s = \int_{t_1}^{t_2} \sqrt{\dot{x}^2 + \dot{y}^2 + \dot{z}^2}\,dt$.

Қуйидаги эгри чизиқлар ёйларининг узунликлари топилсин:

1806. $x = t,\ y = t^2,\ z = \frac{2}{3}t^3,\ t = 0$ дан $t = 3$ гача.

1807. $x = 3\cos t,\ y = 3\sin t,\ z = 4t,\ t = 0$ дан исталган t гача.

1808. $y = \frac{x^2}{2},\ z = \frac{x^3}{6},\ x = 0$ дан $x = 3$ гача.

Қуйидаги эгри чизиқлар ёйларининг узунликлари топилсин:

1809. $x = t - \sin t,\ y = 1 - \cos t,\ z = 4\sin\frac{t}{2},\ t = 0$ дан $t = \pi$ гача.

1810. $x = e^t,\ y = e^{-t},\ z = t\sqrt{2},\ t = 0$ дан $t = 1$ гача.

1811. $y = \frac{1}{2}\ln x,\ z = \frac{x^2}{2},\ x = 1$ дан $x = 2$ гача.

3- §. Вектор-функциянинг скаляр бўйича ҳосиласи ва унинг механик ҳамда геометрик маъноси. Эгри чизиқнинг табиий уч ёқлиги

$x = x(t),\ y = y(t),\ z = z(t)$ эгри чизиқ нуқтасининг $\boldsymbol{r} = x\boldsymbol{i} + y\boldsymbol{i} + z\boldsymbol{k}$ радиус-вектори скаляр t нинг *вектор-функцияси* бўлади. $\boldsymbol{r} = x\boldsymbol{i} + y\boldsymbol{j} + z\boldsymbol{k}$ ҳосила тангенциал вектор бўлиб, унинг

$$\text{модули } |\boldsymbol{r}| = \sqrt{\dot{x}^2 + \dot{y}^2 + \dot{z}^2} = \dot{s} = \frac{ds}{dt}.$$



36- чизма.

Шунинг учун, агар t — вақт, эгри чизиқ — ҳаракат траекторияси бўлса, $\dot{r} = v$ тезлик вектори, $\ddot{r} = \omega$ тезланиш вектори бўлади.

Эгри чизиқнинг $M(x; y; z)$ нуқтасидан учта текислик ўтказайлик (36- чизма);

1) $\dot{r}$ га перпендикуляр текислик; у *нормал текислик* дейилади.

2) $\dot{r}$ ва $\ddot{r}$ ни ўз ичига олувчи текислик; у *ёпишма текислик* дейилади;

3) олдинги икки текисликка перпендикуляр текислик.

Бу текисликлар эгри чизиқнинг *табиий уч ёқлиги* (триэдр) ҳосил қилади.

Текисликларнинг кесишишидан

1) $\dot{r}$—*тангенциал;*

2) $\boldsymbol{B} = \dot{\boldsymbol{r}} \times \ddot{\boldsymbol{r}}$ *бинормаль;*

3) $\boldsymbol{N} = \boldsymbol{B} \times \dot{\boldsymbol{r}}$ *бош нормаль*

векторлар билан аниқланувчи учта: *уринма бинормаль* ва *бош нормаль* тўғри чизиқлар ҳосил бўлади.

Бу йўналишларнинг бирлик векторларини τ, β, ν деб белгилайлик; улар $\frac{d\tau}{ds} = \left|\frac{d\tau}{ds}\right| \nu$ ва $\beta = \tau \times \nu$ муносабатлар билан боғланган.

$M_1(X; Y; Z)$ — уринманинг нуқтаси бўлсин (36-чизма). У ҳолда $\overline{MM_1} \parallel \dot{r}$ бўлади ва векторларнинг параллеллик шартидан уринманинг ушбу

$$\frac{X-x}{\dot{x}} = \frac{Y-y}{\dot{y}} = \frac{Z-z}{\dot{z}} \qquad (1)$$

тенгламалари ҳосил бўлади.

$M_2(X; Y; Z)$ — нормаль текисликда ётувчи нуқта бўлсин.

У ҳолда $\overline{MM_2} \perp \dot{r}$ бўлади ва векторларнинг перпендикулярлик шартидан нормал текисликнинг ушбу

$$\dot{x}(X-x) + \dot{y}(Y-y) + \dot{z}(Z-z) = 0 \qquad (11)$$

тенгламаси ҳосил бўлади.

Бинормаль ва бош нормаль тенгламалари (1) тенгламалардаги $\dot{x}$, $\dot{y}$, $\dot{z}$ ларни мос равишда B_x, B_y, B_z лар ёки N_x, N_y, N_z лар билан алмаштиришдан ҳосил бўлади.

Ёпишма текислик тенгламаси эса (11) тенгламадаги $\dot{x}$, $\dot{y}$, $\dot{z}$ ларни B_x, B_y, B_z лар билан алмаштиришдан ҳосил бўлади.

1812. Ҳаракат қилувчи нуқтанинг t моментдаги радиус-вектори $\boldsymbol{r} = 4t\boldsymbol{i} - 3t\boldsymbol{j}$ тенглама билан берилган. Ҳаракатнинг траекторияси, тезлиги ва тезланиши аниқлансин.

1813. $\boldsymbol{r} = 3t\boldsymbol{i} + (4t - t^2)\boldsymbol{j}$ ҳаракат тенгламаси бўлсин. Ҳаракат траекторияси ва тезлиги аниқлансин. Ҳаракат траекторияси ва $t = 0., 1, 2$ ва 3 секунд вақтдаги тезлик векторлари ясалсин.

Кўрсатма. Ҳаракат тенгламаси $\boldsymbol{r} = 3t\boldsymbol{i} + (4t - t^2)\boldsymbol{j}$ бўлса, $x = 3t$, $y = 4t - t^2$ бўлади; бу тенгликлардан t ни йўқотиб, ҳаракат траекториясининг тенгламаси $y = \frac{4}{3}x - \frac{1}{9}x^2$ ёки $(x-6)^2 + 9(y-4) = 0$ ни топамиз. $\boldsymbol{v} = \frac{d\boldsymbol{r}}{dt} = 3\boldsymbol{i} + 2(2-t)\boldsymbol{j}$.

1814. 1813- масаладаги ҳаракатнинг тезланиши w ва унинг ихтиёрий t ва $t = 0$ вақтлардаги тангенциал $w_\tau = \frac{dv}{dt}$ ҳам нормал $w_n = \sqrt{w^2 - w_\tau^2}$ тузувчилари аниқлансин.

1815. $\boldsymbol{r} = a\cos t \cdot \boldsymbol{i} + b\sin t \cdot \boldsymbol{j}$ ҳаракат тенгламаси бўлсин. Ҳаракат траекторияси, тезлиги ва тезланиши аниқлансин ва $t = 0, \frac{\pi}{4}, \frac{\pi}{2}$ нуқталарда тезлик ва тезланиш векторлари ясалсин.

1816—1818- масалаларда берилган эгри чизиқларнинг уринма чизиғининг ва нормал текислигининг тенгламалари ёзилсин.

1816. $x = t$, $y = t^2$, $z = t^3$ исталган нуқтасида ва $t = 1$ бўлганда.

1817. $y = x^2$, $z^2 = x$ исталган нуқтада $(x \geqslant 0)$ ва $x = 4$ бўлганда.

1818. $\left.\begin{matrix} x^2 + y^2 = 10 \\ y^2 + z^2 = 25 \end{matrix}\right\}$ (1; 3; 4) нуқтада.

Кўрсатма. Ҳар бир тенгламанинг ўнг ва чап томонларидан дифференциал олиб, сўнгра $dx:dy:dz$ нисбатлар топилсин.

1819. $x = 1 - \sin t$, $y = \cos t$, $z = t$ эгри чизиқнинг $t = 0$ нуқтадаги тангенциал $\boldsymbol{r}$, бинормал $\boldsymbol{B}$ ва бош нормал $\boldsymbol{N}$ векторлари топилсин. Шунингдек берилган нуқтада τ, β ва ν топилсин.

1820. $x = t$, $y = t^2$, $z = t^3$ эгри чизиқнинг $t = 1$ нуқтасида ўтказилган бош нормал, бинормал ва ёпишма текисликнинг тенгламалари ёзилсин.

1821. $x = e^t$, $y = e^{-t}$, $z = t$ эгри чизиқнинг $t = 0$ нуқтасида ўтказилган бош нормал ва бинормалнинг тенгламалари ёзилсин.

1822. $x = t\cos t$, $y = t\sin t$, $z = t$ тенгламалар конус устидаги винт чизиқни аниқлаши кўрсатилсин ва координаталар бошида бу чизиққа ўтказилган бош нормал, бинормал ҳам уринманинг тенгламалари ёзилсин.

1823. $x = a\cos t$, $y = a\sin t$, $z = bt$ винт чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ва $t = \frac{\pi}{2}$ бўлганда ўтказилган уринманинг тенгламалари ёзилсин. Винт чизиқ $x^2 + y^2 = a^2$ цилиндрнинг ясовчилари билан бир хил $\gamma = \arccos\frac{b}{\sqrt{a^2+b^2}}$ бурчак остида кесишгани кўрсатилсин.

1824. $x^2 = 2az$ ва $y^2 = 2bz$ эгри чизиқнинг $z = \sqrt{ab}$ нуқтасида ўтказилган тангенциал векторнинг координата ўқлари билан ҳосил қилган бурчаклари топилсин.

1825. $2z = x^2$, $y = 0$ эгри чизиқ жойлашган $y = 0$ текислик $x^2 + y^2 = 2y$ цилиндрга ўралади. Цилиндр сирти устида берилган эгри чизиқ ҳосил қилган винтнинг параметрик тенгламалари ёзилсин ҳамда унинг исталган ва $t = \frac{\pi}{2}$ нуқтада бинормал вектори аниқлансин, бунда t — текисликнинг бурилиш бурчаги.

1826. Ҳаракатдаги нуқтанинг t моментдаги радиус-вектори $\boldsymbol{r} = a(t - \sin t)\boldsymbol{i} + a(1 - \cos t)\boldsymbol{j}$ тенглама билан берилган. $t = \frac{\pi}{2}$ ва $t = \pi$ учун тезлик ва тезланиш векторлари аниқлансин ва ясалсин.

1827—1829- масалаларда берилган эгри чизиққа ўтказилган уринманинг тенгламалари ёзилсин:

1827. $y = x$, $z = 2x^2$, $x = 2$ нуқтада.

1828. $\left.\begin{matrix} x^2 + y^2 + z^2 = 14 \\ x + 2y - z = 2 \end{matrix}\right\}$ (1; 2; 3) нуқтада (1818- масалага қаралсин).

1829. $x = 2t$, $y = \ln t$, $z = t^2$, $t = 1$ нуқтада.

1830. $\boldsymbol{r} = e^t\boldsymbol{i} + e^{-t}\boldsymbol{j} + t\sqrt{2}\boldsymbol{k}$. $t = 0$ нуқтада бинормал вектор $\boldsymbol{b}$ нинг координата ўқлари билан ташкил этган бурчаклари топилсин.

1831. $y = x^2$, $z = y^2$ эгри чизиқнинг $x = 1$ нуқтадаги бош нормал ва бинормалининг тенгламалари ёзилсин.

1832. $x = t - \sin t$, $y = 1 - \cos t$, $z = 4\sin\frac{t}{2}$ эгри чизиқнинг $t = \pi$ нуқтадаги бош нормал ва бинормалининг тенгламалари ёзилсин.

4-§. Фазодаги эгри чизиқнинг эгрилиги ва буралиши

Эгрилик $\frac{1}{R}$ *уринманинг* буралиш бурчаги φ нинг ёй узунлиги Δs га нисбатининг $\Delta s \to 0$ даги лимитидан иборатдир.

Буралиш $\frac{1}{\rho}$, бинормал буралиш бурчаги θ нинг ёй узунлиги Δs га нисбатининг $\Delta s \to 0$ даги лимитидан иборатдир. $\varphi \approx |\Delta\tau|$ ва $\theta \approx \pm |\Delta\beta|$ бўлгани учун, $\frac{1}{R}$ ва $\frac{1}{\rho}$ нинг сон қийматлари

$$\frac{d\tau}{ds} = \frac{1}{R}\nu, \quad \frac{d\beta}{ds} = -\frac{1}{\rho}\nu \tag{1}$$

векторнинг модулларига тенг. Агар эгри чизиқ $r = r(t)$ тенглама билан берилса, у ҳолда

$$\frac{1}{R} = \frac{|\dot{r} \times \ddot{r}|}{|\dot{r}|^3}, \quad \frac{1}{\rho} = \frac{\dot{r}\,\ddot{r}\,\dddot{r}}{|\dot{r} \times \ddot{r}|^2}. \tag{2}$$

1833. $v = v\tau$ тенгликни t бўйича дифференциаллаб, (1) формула ёрдами билан тезланиш w нинг тангенциал ва нормал тузувчиларга ёйилмаси

$$\omega = v\tau + \frac{v^2}{R}\nu$$

ҳосил қилинсин.

1834. Нуқтада $x = t$, $y = t - t^2$ парабола бўйича ҳаракат қилади, бунда t—ҳаракат вақти. Ихтиёрий t моментда ва $t = 0$ бўлганда траекториянинг эгрилиги $\frac{1}{R}$ ва тангенциал ҳам нормал тезланишлар аниқлансин.

1835. Нуқта $x = 4\cos t$, $y = 3\sin t$ эллипс бўйича ҳаракат қилади, бунда t — ҳаракат вақти. $t = \frac{\pi}{4}$ бўлганда траекториянинг эгрилиги $\frac{1}{R}$ ва тангенциал ҳамда нормал тезланишлар аниқлансин.

1836. Агар ҳаракат тенгламаси $r = ti + t^2 j + \frac{2}{3}t^3 k$ дан иборат бўлса, исталган вақтда ва $t = 1$ бўлганда траектория эгрилиги $\frac{1}{R}$ ва тангенциал ҳамда нормал тезланишлар аниқлансин.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг эгриликлари $\frac{1}{R}$ ни буралишлари $\frac{1}{\rho}$ аниқлансин.

1837. $x=t$, $y=t^2$, $z=t^3$ исталган нуқтасида ва $t=0$ бўлганда.

1838. $x=e^t$, $x=e^{-t}$, $z=t\sqrt{2}$ исталган нуқтасида ва $t=0$ бўлганда.

1839. $y=\frac{x^2}{2}$, $z=\frac{x^3}{3}$ исталган нуқтасида ва $x=1$ бўлганда.

1840. Ўнг винтда ($x=a\cos t$, $y=a\sin t$, $z=bt$) буралиш мусбат, чап винтда ($x=a\cos t$, $y=-a\sin t$, $z=bt$) манфий экани кўрсатилган.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг эгриликлари $\frac{1}{R}$ ва буралишлари $\frac{1}{\rho}$ аниқлансин:

1841. $x=2t$, $y=\ln t$, $z=t^2$ исталган нуқтасида ва $t=1$ бўлганда.

1842. $x=\frac{y^2}{2}$, $z=x^2$ исталган нуқтасида ва $y=1$ бўлганда.

1843. $x=e^t\sin t$, $y=e^t\cos t$, $z=e^t$ $t=0$ нуқтасида.

XI БОБ

ХУСУСИЙ ҲОСИЛАЛАР, ТЎЛИҚ ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАТБИҚИ

1- §. Икки аргументли функциялар ва уларнинг геометрик тасвири

1°. Таъриф. Агар x ва y ўзгарувчиларнинг бирор ўзгариш соҳасидаги ҳар бир қийматлари жуфтига ўзгарувчи z нинг аниқ бир қиймати мос келтирилса, z ўзгарувчи x ва y ўзгарувчиларнинг *бир қийматли функцияси* дейилади. z нинг x ва y га функционал боғлиқ бўлиши

$$z = F(x, y) \tag{1}$$

кўринишда ёзилади.

2°. Геометрик тасвир. (1) тенглама геометрик нуқтаи назардан қандайдир сиртни аниқлайди, x ва y нинг қийматлари жуфти xOy текислигида $P(x; y)$ нуқтани аниқлайди, $z = F(x, y)$ эса сиртдаги унга мос $M(x; y; z)$ нуқтанинг аппликатасини аниқлайди. Шу сабабли z ўзгарувчи $P(x; y)$ нуқтанинг функцияси дейилади ва $z = F(P)$ деб ёзилади.

3°. Функциянинг лимити. Агар ҳаракатдаги P нуқта ҳар қандай усул билан P_0 нуқтага яқинлашганда (масалан, ихтиёрий чизиқ бўйлаб), яъни $\rho = P_0P$ нолга интилганда ($\rho = P_0P \to 0$) $F(P) \to A$ айирма чексиз кичик бўлса, $\lim\limits_{P \to P_0} F(P) = A$ дейилади.

4°. Функциянинг узлуксизлиги. Агар $\lim\limits_{P \to P_0} F(P) = F(P_0)$ бўлса, $F(x, y)$ функция P_0 нуқтада *узлуксиз* дейилади. Бошқача айтганда, агар $\lim\limits_{\substack{\Delta x \to 0 \\ \Delta y \to 0}} F(x + \Delta x, y + \Delta y) = F(x, y)$ бўлса,

$F(x, y)$ функция $(x; y)$ нуқтада *узлуксиз* дейилади.

1844. Қуйидаги функциялар ҳақиқий қийматларга эга бўлишлари учун x ва y ларнинг ўзгариш соҳалари кўрсатилсин.

1) $z = x^2 + y^2$; 2) $az = a^2 - x^2 - y^2$; 3) $z = \dfrac{4}{x^2 + y^2}$;

4) $z=\sqrt{a^2-x^2-y^2}$; 5) $z=\sqrt{xy}$; 6) $z=\frac{1}{\sqrt{1-x^2-y^2}}$;

7) $z=\frac{xy}{y-x}$

ва сиртларнинг $x=0$, $y=0$, $z=0$ ва $z+h$ текисликлар билан кесишган кесимлари бўйича бу функцияларнинг геометрик тасвирлари ясалсин.

1845. Учбурчакнинг периметри $2p$ берилган. Учбурчакнинг икки томонини x ва y деб, унинг юзи S шу томонларнинг функцияси сифатида аниқлансин. x ва y нинг қабул қилиши мумкин бўлган қийматларининг соҳаси аниқлансин ва ясалсин.

1846. $F(x,\ y)=\frac{x-2y}{2x-y}$; $F(3,\ 1)$, $F(1,\ 3)$, $F(1,\ 2)$, $F(2,\ 1)$, $F(a,\ a)$, $F(a,\ -a)$

лар ҳисоблансин.

1847. $F(x,\ y)=\sqrt{x^4+y^4}-2xy$;
$F(tx,\ ty)=t^2F(x,\ y)$

экани исбот қилинсин.

1848. $z=x^2-xy+y^2$; $\Delta_x z$, $\Delta_y z$ ва Δz лар аниқлансин. Агар x 2 дан 2,1 гача, y эса 2 дан 1,9 гача ўзгарса $\Delta_x z$, $\Delta_y z$, Δz лар ҳисоблансин.

1849. $x^2-y^2-z^2=0$ тенглама z ни x ва y нинг чексиз кўп бир қиймати функциялари сифатида аниқлаши ва улардан иккитаси узлуксиз экани кўрсатилсин. Бу функцияларнинг аниқланиш соҳаси кўрсатилсин ва мусбат узлуксиз функциянинг геометрик тасвири ясалсин. Шу $x^2-y^2=z^2$ тенглама билан аниқланувчи бир қийматли, лекин узлукли бўлган $z=F(x,\ y)$ функцияга мисол келтирилсин.

1850. Қуйидаги функцияларнинг ($z=0$, 1, 2 ва ҳоказо бўлгандаги) юксаклик чизиқлари ясалсин:

1) $z=\sqrt{1-\frac{x^2}{4}-y^2}$; 2) $z=x^2-y$;

3) $z=x^2-y^2$; 4) $z=xy$.

1851. x ва y нолга интилганда ($x\to 0$ ва $y\to 0$) $u=\frac{y}{x-y}$ ифода ҳар қандай лимитга интилиш мумкинлиги кўрсатилсин. (x; y) нуқтанинг (0; 0) нуқтага шундай интилишларига мисоллар келтирилсинки, ўша ҳолларда $\lim u=3$, $\lim u=2$, $\lim u=1$, $\lim u=0$, $\lim u=-2$ бўлсин.

Кўрсатма. x ва y нинг $y=kx$ тўғри чизиқлар бўйича ўзгариши қаралсин.

1852. $(x;\ y)$ нуқта $(0;\ 0)$ нуқтага ҳар қандай усул билан яқинлашганида ҳам

1) $\lim\limits_{\substack{x\to 0\\ y\to 0}} \frac{2-\sqrt{xy+4}}{xy} = -\frac{1}{4}$; 2) $\lim\limits_{\substack{x\to 0\\ y\to 0}} \frac{\sin(xy)}{xy} = 1$;

3) $\lim\limits_{\substack{x\to 0\\ y\to 0}} \frac{\sin(xy)}{x} = 0$

экани кўрсатилсин.

Кўрсатма. $xy = \alpha$ деб олинсин.

1853.

$$z = F(x,\ y) = \begin{cases} 1, & xy > 0 \text{ бўлганда} \\ 0, & xy = 0 \text{ бўлганда} \\ -1, & xy < 0 \text{ бўлганда} \end{cases}$$

функция геометрик тасвирлансин ва унинг узилиш чизиғи кўрсатилсин.

1854. $z = x + y$; 2) $z = \frac{4}{x+y}$; 3) $\frac{z}{c} = \sqrt{1 - \frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2}}$;

4) $\frac{z}{c} = 1 - \frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2}$; 5) $z = x + \sqrt{x^2 - y^2}$;

6) $\sqrt{z} = \sqrt{x} + \sqrt{y}$

функцияларнинг аниқланиш соҳалари кўрсатилсин ва бу функцияларнинг геометрик тасвирлари ясалсин.

1855. $F(x,\ y) = \frac{x}{x-y}$;

$F(a,\ b) + (b,\ a) = 1$

экани кўрсатилсин.

1856. $z^2 = \frac{4}{4 - x^2 - y^2}$ тенглама z ни x ва y нинг чексиз кўп бир қийматли функциялари сифатида аниқлаши ва улардан иккитаси узлуксиз экани кўрсатилсин. Бу функцияларнинг аниқланиш соҳаси кўрсатилсин ва улар ичидан $x^2 + y^2 \leqslant 1$ соҳада мусбат ва бу соҳадан ташқарида манфий бўлган функциянинг геометрик тасвири ясалсин.

1857. $x^2 + y^2 + z^2 = a^2$ тенглама билан аниқланувчи ва бу соҳадан ташқарида манфий бўлган бир қийматли $z = F(x,\ y)$ функциянинг геометрик тасвири ясалсин.

2- §. Биринчи тартибли хусусий ҳосилалар

$z = F(x, y)$ функцияда y ни ўзгармас деб қараб, ундан x бўйича олинган ҳосила z нинг x бўйича *хусусий ҳосиласи* дейилади ва у $\frac{\partial z}{\partial x}$ ёки $F'_x(x, y)$ кўринишда белгиланади. z нинг y бўйича *хусусий ҳосиласи* ҳам шунга ўхшаш таърифланади ва белгиланади:

$$\frac{\partial z}{\partial y} = F'_y(x, y).$$

Қуйидаги функцияларнинг хусусий ҳосилалари топилсин.

1858. $z = x^3 + 3x^2y - y^3$.

1859. $z = \ln(x^2 + y^2)$.

1860. $z = \frac{y}{x}$.

1861. $z = \operatorname{arc\,tg} \frac{y}{x}$.

1862. $z = \frac{xy}{x - y}$.

1863. $u = \ln\left(\frac{1}{\sqrt[3]{x}} - \frac{1}{\sqrt[3]{t}}\right)$.

1864. $c = \sqrt{a^2 + b^2 - 2ab\cos\alpha}$.

1865. $u = \frac{y}{x} + \frac{z}{y} - \frac{x}{z}$.

1866. $u = xe^{-yx}$.

1867. $u = \frac{2x - t}{x + 2t}$.

1868. $\alpha = \arcsin(t\sqrt{x})$.

1869. $z = \ln(\sqrt{x} + \sqrt{y})$; $x\frac{\partial z}{\partial x} + y\frac{\partial z}{\partial y} = \frac{1}{2}$ экани исбот қилинсин.

1870. $z = \sqrt{x}\sin\frac{y}{x}$; $x\frac{\partial z}{\partial x} + y\frac{\partial z}{\partial y} = \frac{z}{2}$ экани исбот қилинсин.

1871. $u = e^{\frac{x}{t^2}}$; $2x\frac{\partial u}{\partial x} + t\frac{\partial u}{\partial t} = 0$ экани исбот қилинсин.

1872. $u = x^y$; $\frac{x}{y}\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{1}{\ln x}\frac{\partial u}{\partial y} = 2u$ экани исбот қилинсин.

1873. Қуйида, 1898-масалада Эйлернинг ушбу теоремаси исботланади:

«Агар $z = F(x, y)$ — n ўлчови бир жинсли функция бўлса, у ҳолда $x\frac{\partial z}{\partial x} + y\frac{\partial z}{\partial y} = nz$ бўлади».

Бу теорема ушбу

1) $z = x^3 + xy^2 - 2y^3$; 2) $z = \sqrt{x^2 + xy + y^2}$;

3) $z = \frac{1}{x^3 - y^3}$; 4) $z = e^{\frac{x}{y}}$

функциялар учун текширилсин.

Қуйидаги функцияларнинг хусусий ҳосилалари топилсин:

1874. $z = \cos(ax - by)$. 1875. $z = \arcsin \frac{y}{x}$.

1876. $z = \frac{x}{3y - 2x}$. 1877. $u = \ln \sin(x - 2t)$.

1878. $u = \sin^2(x + y) - \sin^2 x - \sin^2 y$.

1879. $u = \sqrt{x^2 + y^2 + z^2}$;

$$\left(\frac{\partial u}{\partial x}\right)^2 + \left(\frac{\partial u}{\partial y}\right)^2 + \left(\frac{\partial u}{\partial z}\right)^2 = 1$$ экани исбот қилинсин.

1880. $z = e^{\frac{x}{y}} \ln y$; $x\frac{\partial z}{\partial x} + y\frac{\partial z}{\partial y} = \frac{z}{\ln y}$ экани исбот қилинсин.

1881. $T = \pi\sqrt{\frac{l}{g}}$; $l\frac{\partial T}{\partial l} + g\frac{\partial T}{\partial g} = 0$ экани исбот қилинсин.

1882. $z = e^{\frac{x}{2}} \sin\left(\frac{\pi}{4} - \frac{y}{2}\right)$;

$$\left(\frac{\partial z}{\partial x} + \frac{\partial z}{\partial y}\right)^2 = \frac{1}{2} e^x \sin^2 \frac{y}{2}$$ экани исбот қилинсин.

1883. Ушбу

1) $z = \frac{x^3}{x - y}$; 2) $z = \frac{1}{x^2 + y^2}$; $z = \operatorname{arc\,tg} \frac{y}{x}$

функциялар учун бир жинсли функциялар ҳақидаги Эйлер теоремаси (1873- масалага қаранг) текширилсин.

3- §. Биринчи тартибли тўлиқ дифференциал

Агар $z = F(x, y)$ функция (x, y) нуқтада узлуксиз хусусий ҳосилаларга эга бўлса, унинг тўлиқ орттирмаси

$$\Delta z = \frac{\partial z}{\partial x}\Delta x + \frac{\partial z}{\partial y}\Delta y + \varepsilon \cdot \rho \qquad (1)$$

кўринишида ёзилади, бунда $\rho = \sqrt{|\Delta x|^2 + |\Delta y|^2}$ нолга интилганда $(\rho \to 0)$ $\varepsilon \to 0$. У ҳолда $\frac{\partial z}{\partial x}\Delta x + \frac{\partial z}{\partial y}\Delta y$ ифода *тўлиқ орттирма* Δz *нинг бош қисми бўлади:* у *функциянинг тўлиқ дифференциали дейилади* ва dz орқали белгиланади:

$$dz = \frac{\partial z}{\partial x}\Delta x + \frac{\partial z}{\partial y}\Delta y. \qquad (2)$$

Агар (2) да z ни: 1) x га; 2) y га тенг деб олсак, $dx = \Delta x$, $dy = \Delta y$ бўлади. Шунинг учун

$$dz = \frac{\partial z}{\partial x}dx + \frac{\partial z}{\partial y}dy. \qquad (3)$$

(1) дан

$$\Delta z \approx dz \qquad (4)$$

экани келиб чиқади, яъни Δx ва Δy етарли кичик бўлган ҳолда функциянинг *тўлиқ орттирмаси тақрибан тўлиқ дифференциалга* тенг бўлади (V боб, 7- §).

Агар $F(x\ y)$ функциянинг $(x;\ y)$ нуқтада тўлиқ дифференциали мавжуд бўлса, функция бу нуқтада *дифференциалланувчи* дейилади.

1884. Ушбу

1) $z = x^2y$; 2) $z = \frac{xy}{x-y}$; 3) $u = e^{\frac{s}{t}}$; 4) $z = \sqrt{x^2+y^2}$

функцияларнинг тўлиқ дифференциаллари топилсин.

1885. Қуйидаги функциялар тўлиқ дифференциалларининг қийматлари топилсин:

1) $z = \frac{y}{x}$, $x = 2$, $y = 1$, $dx = 0{,}1$, $dx = 0{,}2$ бўлганда;

2) $u = e^{xy}$, $x = 1$, $y = 2$, $dx = -0{,}1$, $dy = 0{,}1$ бўлганда.

1886. $z = xy$ функция учун $x = 5$, $y = 4$, $\Delta x = 0{,}1$, $\Delta y = -0{,}2$ бўлганда dz ва Δz ҳисоблансин.

1887. x 2 дан 2,1 гача, y эса 3 дан 2,5 гача ўзгарганда $\varphi = arctg\ \frac{y}{x}$ функциянинг ўзгариши тақрибан ҳисоблансин.

1888. Цилиндрни деформация қилиш натижасида унинг радиуси R 2 дан 2,05 *дм* гача ортиб, баландлиги H эса 10 дан 9,8 *дм* гача камайган. $\Delta V \approx dV$ формулага асосан цилиндр ҳажми V нинг ўзгариши тақрибан топилсин.

1889. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катетлари 0,1 *см* аниқлик билан ўлчанганда 7,5 ва 18 *см* га тенг бўлган. Гипотенузани ҳисоблашдаги абсолют хато аниқлансин.

1890. Ушбу

1) $z = \frac{y}{x} - \frac{x}{y}$; 2) $s = x\ln t$; 3) $u = \sqrt{x^2+y^2+z^2}$

функцияларнинг тўлиқ дифференциаллари топилсин.

1891. x 2 дан 2,1 гача, y эса 1 дан 0,9 гача ўзгарганда $z = \ln(x^2+y^2)$ функция учун dz ва Δz ларнинг қийматлари топилсин.

1892. x 5 дан 4,5 гача, y эса 3 дан 3,3 гача ўзгарганда $z = arc\sin\frac{y}{x}$ функциянинг ўзгариши тақрибан ҳисоблансин.

1893. Конусни деформация қилиш натижасида унинг радиуси R 30 дан 30,1 *см* гача ортиб, баландлиги H эса 60 дан 59,5 *см* гача камайган. $\Delta V \approx dV$ формулага асосан конус ҳажми V нинг ўзгариши тақрибан ҳисоблансин.

4-§. Мураккаб функцияларнинг ҳосилалари

1°. Агар $z = F(x, y)$ бўлиб, $x = f(t)$, $y = \varphi(t)$ бўлса, z t нинг *мураккаб функцияси* дейилади. У ҳолда, агар F, f ва φ *дифференциалланувчи* функциялар бўлса,

$$\frac{dz}{dt} = \frac{\partial z}{\partial x}\frac{dx}{dt} + \frac{\partial z}{\partial y}\frac{dy}{dt} \tag{1}$$

бўлади.

2°. Агар $z = F(x, y)$ бўлиб, $x = f(u, v)$, $y = \varphi(u, v)$ ва F, f, φ дифференциалланувчи функциялар бўлса,

$$\frac{\partial z}{\partial u} = \frac{\partial z}{\partial x}\frac{\partial x}{\partial u} + \frac{\partial z}{\partial y}\frac{\partial y}{\partial u}\ ;\quad \frac{\partial z}{\partial v} = \frac{\partial z}{\partial x}\frac{\partial x}{\partial v} + \frac{\partial z}{\partial y}\frac{\partial y}{\partial v} \tag{2}$$

бўлади.

1894. Қуйидаги тенгламалардан (1) формулага асосан $\frac{dz}{dt}$ топилсин.

1) $z = x^2 + xy + y^2$, $x = t^2$, $y = t$;

2) $z = \sqrt{x^2 + y^2}$, $x = \sin t$, $y = \cos t$;

z функция ифодасига x ва y ларнинг қийматларини қўйиб ва сўнгра t бўйича ҳосила олиб, натижа текширилсин.

1895. $z = \frac{y}{x}$, $x = e^t$, $y = 1 - e^{2t}$; $\frac{dz}{dt}$ топилсин.

1896. $z = u^v$, бунда u ва v лар x нинг функциялари, $\frac{dz}{dx}$ ёзилсин.

1897. $z = xe^y$, бунда y ўзгарувчи x нинг функцияси $\frac{dz}{dx}$ ёзилсин.

1898. Агар $F(xt, yt) = t^n \cdot F(x, y)$ бўлса, $z = F(x, y)$ функция *бир жинсли* дейилади. $F(xt, yt) = t^n \cdot F(x, y)$ тенгликнинг иккала томонини t бўйича дифференциаллаб, сўнгра $t = 1$ деб, Эйлернинг *бир жинсли* функциялар ҳақидаги теоремаси исбот қилинсин:

$$x\frac{\partial z}{\partial x} + y\frac{\partial z}{\partial y} = nz.$$

1899. $z = \frac{x^2}{y}$, бунда $x = u - 2v$, $y = v + 2u$. $\frac{\partial z}{\partial u}$ ва $\frac{\partial z}{\partial v}$ топилсин.

1900. $z = F(x, y)$. Агар: 1) $u = mx + ny$, $v = px + qy$; 2) $u = xy$, $v = \frac{y}{x}$ бўлса, $\frac{\partial z}{\partial x}$ ва $\frac{\partial z}{\partial y}$ лар $\frac{\partial z}{\partial u}$ ва $\frac{\partial z}{\partial v}$ лар орқали ифода қилинсин.

1901. $u = F(x, y)$; $x = r\cos\varphi$, $y = r\sin\varphi$. $\frac{\partial u}{\partial r}$ ва $\frac{\partial u}{\partial \varphi}$ лар $\frac{\partial u}{\partial x}$ ва $\frac{\partial u}{\partial y}$ лар орқали ифода қилинсин ҳамда

$$\left(\frac{\partial u}{\partial r}\right)^2 + \left(\frac{1}{r}\frac{\partial u}{\partial \varphi}\right)^2 = \left(\frac{\partial u}{\partial x}\right)^2 + \left(\frac{\partial u}{\partial y}\right)^2$$

экани кўрсатилсин.

1902. $z = y + F(u)$, бунда $u = x^2 - y^2$. $F(u)$ исталган дифференциалланувчи функция бўлганда $y\frac{\partial z}{\partial x} + x\frac{\partial z}{\partial y} = x$ бўлиши исбот қилинсин.

1903. Қуйидаги тенгламалардан $\frac{dz}{dt}$ топилсин:

1) $z = Ax^2 + 2Bxy + Cy^2$, $x = \sin t$, $y = \cos t$;

2) $z = \operatorname{arc}\,tg\,\frac{y}{x}$, $x = e^{2t} + 1$, $y = e^{2t} - 1$.

1904. $z = xy + xF(u)$, бунда $u = \frac{y}{x}$,

$$x\frac{\partial z}{\partial x} + y\frac{\partial z}{\partial y} = z + xy$$

экани исбот қилинсин.

1905. $z = y\varphi(u)$, бунда $u = x^2 - y^2$.

$$\frac{1}{x}\frac{\partial z}{\partial x} + \frac{1}{y}\frac{\partial z}{\partial y} = \frac{z}{y^2}$$

экани исбот қилинсин.

1906. $z = F(x, y)$. Агар: 1) $u = x + 2y$, $v = x - y$; 2) $u = \sqrt{xy}$, $v = x + y$ бўлса, $\frac{\partial z}{\partial x}$ ва $\frac{\partial z}{\partial y}$ лар $\frac{\partial z}{\partial u}$ ва $\frac{\partial z}{\partial v}$ лар орқали ифодалансин.

5-§. Ошкормас функцияларнинг ҳосилалари

1°. (x_0, y_0) ечимга эга бўлган $F(x, y) = 0$ тенглама, унинг $\frac{\partial F}{\partial y}$ ҳосиласи $(x_0; y_0)$ нуқтанинг қандайдир атрофида узлуксиз ва нолга тенг эмаслик $\left(\frac{\partial F}{\partial y} \neq 0\right)$ шартларини қаноатлантиргандагина, x_0 атрофида y ни x нинг узлуксиз функцияси сифатида аниқлаб беради. $(x_0; y_0)$ нуқта атрофида, юқоридаги шартлардан ташқари $\frac{\partial F}{\partial x}$ ҳосила ҳам мав-

жуд ва узлуксиз бўлса, у ҳолда *ошкормас функция* $\frac{dy}{dx}$ ҳосилага эга бўлиб, бу ҳосила ушбу

$$\frac{dy}{dx} = -\frac{\frac{\partial F}{\partial x}}{\frac{\partial F}{\partial y}} \qquad (1)$$

формула билан аниқланади.

2°. $F(x, y, z) = 0$ тенглама учун юқоридаги шартларга ўхшаш шартлар бажарилса (яъни $\frac{\partial F}{\partial z}$ ҳосила $(x_0; y_0; z_0)$ нуқта атрофида нолдан фарқли ва узлуксиз; $\frac{\partial F}{\partial x}$, $\frac{\partial F}{\partial y}$ ҳосилалар бу нуқта атрофида мавжуд ва узлуксиз бўлса), бу тенглама z ни x ва y нинг ошкормас функцияси сифатида аниқлайди ва у қуйидаги хусусий ҳосилаларга эга бўлади:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = -\frac{\frac{\partial F}{\partial x}}{\frac{\partial F}{\partial z}}; \quad \frac{\partial z}{\partial y} = -\frac{\frac{\partial F}{\partial y}}{\frac{\partial F}{\partial z}}. \qquad (2)$$

Қуйидаги тенгламалардан $\frac{dy}{dx}$ топилсин:

1907. $x^2 + y^2 - 4x + 6y = 0$.

1908. 1) $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$; 2) $xe^{2y} - ye^{2x} = 0$.

1909. $Ax^2 + 2Bxy + Cy^2 + 2Dx + 2Ey + F = 0$.

Қуйидаги эгри чизиқларга ўтказилган уринмаларнинг бурчак коэффициентлари топилсин:

1910. $x^2 + y^2 = 10y$, $x = 3$ тўғри чизиқ билан кесишган нуқталарда.

1911. $x^3 + y^3 - 2axy = 0$, $x = y = a$ нуқтасида.

1912. $x^2 + y^2 + 2x - 2y = 2$ эгри чизиқнинг уринмалари: 1) Ox; 2) Oy ўққа параллел бўлган нуқталари топилсин.

Қуйидаги тенгламалардан $\frac{\partial z}{\partial x}$ ва $\frac{\partial z}{\partial y}$ топилсин:

1913. $x^2 + y^2 + z^2 - 6x = 0$. **1914.** $z^2 = xy$.

1915. $\cos(ax + by - cz) = b(ax + by - cz)$.

1916. $xyz = a^3$; $x\frac{\partial z}{\partial x} + y\frac{\partial z}{\partial y} = -2z$ экани кўрсатилсин.

1917. $x\frac{\partial z}{\partial x} + y\frac{\partial z}{\partial y} = z$ дифференциал тенгламани, $\frac{z}{x} = \varphi\left(\frac{y}{x}\right)$ (конус сиртлар) тенгламаси билан берилган ошкормас функция z қаноатлантириши кўрсатилсин.

Қуйидаги тенгламалардан $\frac{dy}{dx}$ топилсин:

1918. $x^2 - 4y^2 = 4$. **1919.** $xy + \ln y + \ln x = 0$.

1920. $y + x = e^{\frac{y}{x}}$. **1921.** $2\cos(x - 2y) = 2y - x$.

1922. $y^2 - xy = 4$ эгри чизиқнинг $x = 3$ тўғри чизиқ билан кесишган нуқталарида ўтказилган уринмаларнинг бурчак коэффициентлари топилсин.

1923. $x^2 + y^2 + z^2 - 2zx = a^2$ дан $\frac{\partial z}{\partial x}$ ва $\frac{\partial z}{\partial y}$ топилсин.

1924. $2\sin(x + 2y - 3z) = x + 2y - 3z$ бўлса, $\frac{\partial z}{\partial x} + \frac{\partial z}{\partial y} = 1$ бўлиши кўрсатилсин.

1925. $m\frac{\partial z}{\partial x} + n\frac{\partial z}{\partial y} = 1$ дифференциал тенгламани цилиндрик сиртлар тенгламаси билан $x - mz = \varphi(y - nz)$ берилган ошкормас z функция қаноатлантириши кўрсатилсин.

6-§. Юқори тартибли хусусий ҳосилалар ва тўлиқ дифференциаллар

$\frac{\partial F}{\partial x}$ ва $\frac{\partial F}{\partial y}$ хусусий ҳосилаларга эга $z = F(x, y)$ функция берилган бўлсин. Бу ҳосилалардан олинган хусусий ҳосилалар 2-тартибли хусусий ҳосилалар дейилади. Улар қуйидагича белгиланади:

$$\frac{\partial\left(\frac{\partial F}{\partial x}\right)}{\partial x} = \frac{\partial^2 F}{\partial x^2}; \quad \frac{\partial\left(\frac{\partial F}{\partial x}\right)}{\partial y} = \frac{\partial^2 F}{\partial x\,\partial y};$$

$$\frac{\partial\left(\frac{\partial F}{\partial y}\right)}{\partial x} = \frac{\partial^2 F}{\partial y\,\partial x}; \quad \frac{\partial\left(\frac{\partial F}{\partial y}\right)}{\partial y} = \frac{\partial^2 F}{\partial y^2}.$$

Учинчи тартибли ва бошқа юқори тартибли хусусий ҳосилалар ҳам шунга ўхшаш таърифланади ва белгиланади.

Ҳосила олиш тартиби билангина фарқланувчи аралаш ҳосилалар узлуксиз бўлсалар, улар ўзаро тенг бўлади:

$$\frac{\partial^2 F}{\partial x\,\partial y} = \frac{\partial^2 F}{\partial y\,\partial x}; \quad \frac{\partial^3 F}{\partial x^2\partial y} = \frac{\partial^3 F}{\partial x\,\partial y\,\partial x} = \frac{\partial^3 F}{\partial y\partial x^2} \text{ ва ҳ.о казо.}$$

Юқори тартибли ҳосилаларнинг қуйидаги жадвалига эга бўламиз:

2-тартибли $\frac{\partial^2 F}{\partial x^2}$; $\frac{\partial^2 F}{\partial x\,\partial y}$; $\frac{\partial^2 F}{\partial y^2}$.

3- тартибли $\frac{\partial^3 F}{\partial x^3}$; $\frac{\partial^3 F}{\partial x^2 \partial y}$; $\frac{\partial^3 F}{\partial x\, \partial y^2}$; $\frac{\partial^3 F}{\partial y^3}$ ва ҳоказо.

Юқори тартибли тўлиқ дифференциаллар қуйидагича аниқланади: $d^2z = \frac{\partial^2 z}{\partial x^2} dx^2 + 2 \frac{\partial^2 z}{\partial x\, \partial y} dx\, dy + \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} d_y{}^2$. Бу тенгликни символик $d^2z = \left(\frac{\partial}{\partial x} dx + \frac{\partial}{\partial u} dy\right)^2 z$ кўринишда ёзиш мумкин. Шунга ўхшаш $d^3z = \left(\frac{\partial}{\partial x} dx + \frac{\partial}{\partial y} dy\right)^3 z$ ва ҳоказо.

1926. $z = x^3 + x^2y + y^3$. 3-тартибли хусусий ҳосилалар топилсин.

1927. 1) $z = \sin(ax - by)$; 2) $z = \frac{x^2}{y^2}$; 3) $z = \ln(x - 2y)$ функциялар учун $\frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y} = \frac{\partial^2 z}{\partial y \partial x}$ экани текширилсин.

1928. $u = x^4 + 3x^2y^2 - 2y^4$. 4-тартибли хусусий ҳосилалар топилсин.

1929. $u = \frac{y}{x}$. 3-тартибли хусусий ҳосилалар топилсин.

1930. $s = \ln\left(\frac{1}{x} - \frac{1}{t}\right)$; $\frac{\partial^2 s}{\partial x\, \partial t} + \frac{\partial^2 s}{\partial x^2} = \frac{1}{x^2}$ экани текширилсин.

1931. $z = \operatorname{arc}tg \frac{y}{x}$. 2-тартибли ҳосилалар топилсин.

1932. $z = \sin\left(\frac{x}{a} - \frac{y}{b}\right)$; $\left(\frac{\partial}{\partial x} + \frac{\partial}{\partial y}\right)^2 z = -\left(\frac{1}{a} - \frac{1}{b}\right)^2 z$ экани текширилсин.

1933. $u = \operatorname{arc}\,\mathrm{tg}(2x - t)$; $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + 2 \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial t} = 0$ экани текширилсин.

1934. $s = \sqrt[3]{ax + bt}$; $\left(x \frac{\partial}{\partial x} + t \frac{\partial}{\partial t}\right)^2 s = -\frac{2s}{9}$ экани текширилсин.

1935. $u = xe^{-\frac{y}{x}}$ функция

$$x \frac{\partial^2 u}{\partial x\, \partial y} + 2\left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial u}{\partial y}\right) = y \frac{\partial^2 u}{\partial y^2}$$

дифференциал тенгламани қаноатлантириши кўрсатилсин.

1936. Агар $z = F(x, y)$ функция n- ўлчовли бир жинсли функция бўлса,

$$x^2 \frac{\partial^2 z}{\partial x^2} + 2xy \frac{\partial^2 z}{\partial x\, \partial y} + y^2 \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = n(n - 1)\, z\ .$$

ёки символик кўринишда

$$\left(x\frac{\partial}{\partial x}+y\frac{\partial}{\partial y}\right)^2 z=n(n-1)z$$

бўлиши исбот қилинсин.

Кўрсатма. $x\frac{\partial z}{\partial x}+y\frac{\partial z}{\partial y}=nz$ тенгликни (1898-масалага қаранг): 1) x бўйича; 2) y бўйича дифференциаллаб, натижаларни мос равишда x ва y га кўпайтириб, ҳадма-ҳад қўшиш керак.

1937. Ушбу 1) $z=x^2+xy+y^2$; 2) $z=\frac{y}{x^2}$; 3) $z=\frac{1}{x^2-y^2}$ 4) $z=\ln\left(\frac{y}{x}-1\right)$ бир жинсли функциялар учун $x\left(\frac{\partial}{\partial x}+\right.$ $\left.+y\frac{\partial}{\partial y}\right)^2 z=n(n-1)z$ тенглик текширилсин.

1938. Агар: 1) $u=\frac{y^2}{x^3}$; 2) $u=x\ln\frac{y}{x}$ бўлса, d^2u топилсин.

1939. $z=\cos(mx+ny)$. $d^2z=-z(mdx+ndy)^2$ эканлиги исбот қилинсин.

1940. $z=\ln(ax+by)$. 1) $d^3z=2dz^3$; 2) $d^nz=(-1)^{n-1}\times$ $\times(n-1)!\,dz^n$ эканлиги исбот қилинсин.

1941. Агар $z=F(u,v)$, бунда $u=mx+ny$ ва $v=px+$ $+qy$ бўлса, $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2}=\left(m\frac{\partial}{\partial u}+p\frac{\partial}{\partial v}\right)^2 z$; $\frac{\partial^2 z}{\partial x\,\partial y}=\left(m\frac{\partial}{\partial u}+p\frac{\partial}{\partial v}\right)\times$ $\times\left(n\frac{\partial}{\partial u}+q\frac{\partial}{\partial v}\right)z$, $\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}=\left(n\frac{\partial}{\partial u}+q\frac{\partial}{\partial v}\right)^2 z$ бўлиши исбот қилинсин.

1942. $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2}-4\frac{\partial^2 z}{\partial x\,\partial y}+3\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}$ ифодада x, y ўзгарувчиларни янги $u=3x+y$ ва $v=x+y$ ўзгарувчилар билан алмаштирилсин (1941-масалага қаранг).

1943. $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2}-4\frac{\partial^2 z}{\partial x\,\partial y}+4\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}$ ифоданинг ўзгарувчилари $u=2x+y$ ва $v=y$ ўзгарувчилар билан алмаштирилсин (1941-масалага қаранг).

1944. Агар u ва v лар x ва y ларнинг функцияси бўлиб, $z=F(u,v)$ бўлса, $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2}=\left(u'_x\frac{\partial}{\partial u}+v'_x\frac{\partial}{\partial v}\right)^2 z+u''_{xx}\frac{\partial z}{\partial u}+$ $+v''_{xx}\frac{\partial z}{\partial v}$ эканлиги кўрсатилсин. Шунга ўхшаш $\frac{\partial^2 z}{\partial x\,\partial y}$ ва $\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}$ аниқлансин.

1945. $x^2\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} - y^2\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}$ ифодада ўзгарувчилар $u = xy$ ва $v = \frac{y}{x}$ янги ўзгарувчилар билан алмаштирилсин (1944- масалага қаранг).

1946. $\frac{\partial^2 z}{\partial r^2} + \frac{1}{r^2}\frac{\partial^2 z}{\partial \varphi^2} + \frac{1}{r}\frac{\partial z}{\partial r}$ ифодада ўзгарувчилар $x = r\cos\varphi$ ва $y = r\sin\varphi$ янги ўзгарувчилар билан алмаштирилсин (1944- масалага қаранг).

1947. $z = \frac{x^2}{1-2y}$. 2- тартибли хусусий ҳосилалар топилсин.

1948. $u = \frac{x}{\sqrt[3]{t}}$. 3- тартибли хусусий ҳосилалар топилсин.

1949. $z = \frac{xy}{x-y}$; $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} + 2\frac{\partial^2 z}{\partial x\,\partial y} + \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = \frac{2}{x-y}$ экани исбот қилинсин.

1950. $s = \ln\ (ax - bt)$; $\left(x\frac{\partial}{\partial x} + t\frac{\partial}{\partial t}\right)^3 s = 2$ экани исбот қилинсин.

1951. $z = 2\ \cos^2\left(x - \frac{t}{2}\right)$; $2\frac{\partial^2 z}{\partial t^2} + \frac{\partial^2 z}{\partial x\,\partial t} = 0$ экани исбот қилинсин.

1952. $z = e^{\frac{x}{y}}$; $y\frac{\partial^2 z}{\partial x\,\partial y} = \frac{\partial z}{\partial y} - \frac{\partial z}{\partial x}$ экани исбот қилинсин.

1953. $u = y\ln x$. d^2u ва $\partial^3 u$ топилсин.

1954. $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} - a^2\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}$ ифодада ўзгарувчилар янги $u = ax + y$ ва $v = ax - y$ ўзгарувчиларга алмаштирилсин (1944- масалага қаранг).

1955. $x\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} + y\frac{\partial^2 z}{\partial x\,\partial y}$ ифодада ўзгарувчилар $u = y$ ва $v = \frac{y}{x}$ янги ўзгарувчиларга алмаштирилсин (1944- масалага қаранг).

1956. f ва φ функциялар икки марта дифференциалланувчи функциялар бўлганда $u = \frac{xf(x)}{y} + \varphi\left(\frac{y}{x}\right)$ функция ушбу

$$xy\cdot\frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial y} + y^2\frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + x\frac{\partial u}{\partial x} + 2y\frac{\partial u}{\partial y} = 0$$

дифференциал тенгламани қаноатлантириши кўрсатилсин.

7- §. Тўлиқ дифференциалларни интеграллаш

1°. P ва Q лар x ва y ларнинг дифференциалланувчи функциялари бўлганда $P dx + Q dy$ ифода тўлиқ дифференциал du бўлиши учун $\frac{\partial P}{\partial y} = \frac{dQ}{dx}$ шартнинг бажарилиши зарур ва етарлидир.

u ни топиш учун $\frac{\partial u}{\partial x} = P$ ва $\frac{\partial u}{\partial y} = Q$ шартлардан $u = \int P dx + \varphi_1(y)$, $u = \int Q dy + \varphi_2(x)$ тенгликларни ҳосил қиламиз.

Биринчи ифодадан барча маълум ҳадларни олиб, унга иккинчи ифодадаги биринчида етишмаган ва фақат y га боғлиқ бўлган маълум ҳадларни қўшсак, u ҳосил бўлади.

2° P, Q ва R лар x, y ва z нинг дифференциалланувчи функциялари бўлганда $P dx + Q dy + R dz$ тўлиқ дифференциал du бўлиши учун

$$\frac{\partial P}{\partial y} = \frac{\partial Q}{\partial x}; \quad \frac{\partial P}{\partial z} = \frac{\partial R}{\partial x}; \quad \frac{\partial Q}{\partial z} = \frac{\partial R}{\partial y}$$

шартларнинг бажарилиши зарур ва етарлидир.

Бу шартлар бажарилганда u қуйидагича топилади:

$$u = \int P dx + \varphi_1(y,z), \quad u = \int Q dy + \varphi_2(x,z), \quad u = \int R dz + \varphi_3(x,y).$$

Биринчи ифодадан маълум ҳадларни олиб, унга иккинчи ва учинчи ифодадаги, биринчида етишмаган, y билан z га боғлиқ маълум ҳадлар қўшилиб ечилса, u ҳосил бўлади.

Функцияни унинг тўлиқ дифференциали бўйича топиш, *тўлиқ дифференциални интеграллаш* дейилади.

Қуйидаги ифодалар тўлиқ дифференциал du экани текширилсин ва u топилсин:

1957. $(2x + y)\,dx + (x - 2y - 3)\,dy$.

1958. $x \sin 2y\,dx + x^2 \cos 2y\,dy$.

1959. $(x + \ln y)\,dx + \left(\frac{x}{y} + \sin y\right) dy$.

1960. $\frac{x\,dy - y\,dx}{x^2 + y^2}$.

1961. $(yz - 2x)\,dx + (xz + y)\,dy + (xy - z)\,dz$.

1962. $\left(\frac{1}{z} - \frac{1}{x^2}\right) dx + \frac{dy}{y} - \left(\frac{x}{z^2} + \frac{1}{1 + z^2}\right) dz$.

Қуйидаги ифодалар тўлиқ дифференциал du экани текширилсин ва u топилсин:

1963. $(y^2 - 1)\,dx + (2xy + 3y)\,dy$.

1964. $(\sin 2y - y \operatorname{tg} x)\,dx + (2x \cos 2y + \ln \cos x + 2y)\,dy$.

1965. $\left(y-\frac{\sin^2 y}{x^2}\right)dx+\left(x+\frac{\sin 2y}{x}+1\right)dy.$

1966. $t\sqrt{\frac{x}{t^2+1}}\,dt+\frac{1+\sqrt{t^2+1}}{2\sqrt{x}}\,dx.$

1967. $(\ln y-\cos 2z)\,dx+\left(\frac{x}{y}+z\right)dy+(x+2x\sin 2z)\,dz.$

1968. $\frac{dx-3\,dy}{z}-\frac{3y-z}{z^2}\,dz.$

8-§. Текис эгри чизиқнинг махсус нуқталари

$F(x, y)=0$ эгри чизиқнинг бирорта нуқтасида $\frac{\partial F}{\partial x}=0$ ва $\frac{\partial F}{\partial y}=0$ бўлса, бундай нуқта *махсус* дейилади.

Бу нуқтада ўтказилган уринманинг $k=y^1$ бурчак коэффициенти $A+2Bk+Ck^2=0$ тенгламадан топилади, бундаги A, B ва C лар мос равишда $\frac{\partial^2 F}{\partial x^2}$, $\frac{\partial^2 F}{\partial x\,\partial y}$ ва $\frac{\partial^2 F}{\partial y^2}$ ҳосилаларнинг шу нуқтадаги қийматларидан иборат. Бу ерда қуйидаги уч хол бўлиши мумкин:

1) $B^2-AC>0$ — уринмалар иккита бўлиб, нуқта *тугун нуқта* дейилади.

2) $B^2-AC<0$ — уринма бўлмайди, нуқта *яккаланган* бўлади.

3) $B^2-AC=0$ — бу ҳолда нуқта ёки *яккаланган*, ёки *қайтиш* нуқтаси, ёки эгри чизиқнинг *ўз-ўзига уриниш* нуқтаси бўлади; қайтиш ва ўз-ўзига уриниш нуқталарида эгри чизиқнинг икки шохчасига битта умумий уринма мавжуд бўлади.

Учинчи, шубҳали ҳолда масалага тўла жавоб бериш учун, текширилаётган нуқтанинг ихтиёрий кичик атрофида эгри чизиқнинг бошқа нуқталари бор ёки йўқлигини аниқлаш керак.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг жойлашган соҳалари, координата ўқлари билан кесишган нуқталари, махсус нуқталари аниқлансин ва эгри чизиқлар ясалсин.

1969. $x^3+x^2-y^2=0$. **1970.** $y^2=(x+2)^3$.

1971. $x^3-x^2-y^2=0$. **1972.** $y^2+x^4-x^2=0$.

1973. $(y-x)^2=x^3$. **1974.** $y^2=(x-2)^2$.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг жойлашган соҳалари, махсус нуқталари ва асимптоталари аниқлансин ҳамда эгри чизиқлар ясалсин:

1975. $(x+2a)^3+xy^2=0$. **1976.** $x^3-y^3-3y^2=0$.

1977. $x^3+y^3-3axy=0$. **1978.** $y^2(x^2-a^2)=x^4$.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг жойлашган соҳалари, координата ўқлари билан кесишган нуқталари, махсус нуқталари аниқлансин ва эгри чизиқлар ясалсин:

1979. $y^2 + x^3 - 2x^2 = 0$. **1980.** $a^2 y^2 = x^2 (2ax - x^2)$.
1981. $y^2 = x(x + 2)^2$. **1982.** $xy^2 = (x + a)^3$.
1983. $4y^2 = x^5 + 5x^4$. **1984.** $y^2 - x^4 + x^2 = 0$.

1985. $4x^2 - y^2 + x^3 - y^3 = 0$ эгри чизиқнинг асимптотаси, махсус нуқтаси, $y_{мах}$, координата ўқлари билан кесишган нуқталари топилсин ва эгри чизиқ ясалсин.

Қуйидаги эгри чизиқларнинг жойлашган соҳалари, махсус нуқталари ва асимптоталари топилсин:

1986. 1) $y^2 (2a - x) = x(x - a)^2$ (строфоида);
2) $a^2 (a^2 + y^2) = x^2 y^2$.
1987. 1) $x (x^2 + y^2) = a(x^2 - y^2)$;
2) $a (x^2 + y^2) = x(x^2 - y^2)$.

9-§. Текис эгри чизиқлар оиласининг ўрамаси

$F(x, y, \alpha) = 0$ эгри чизиқлар оиласининг *ўрамаси* деб шундай эгри чизиққа айтиладики: 1) у оиланинг ҳар бир чизиғига уринади; 2) унинг ҳар бир нуқтаси оила эгри чизиқларидан ўзидан фарқли биттаси билан унинг уриниш нуқтаси бўлади.

$F(x, y, \alpha) = 0$ эгри чизиқлар оиласининг ўрамаси мавжуд бўлса, унинг тенгламаси

$$F(x, y, \alpha) = 0 \text{ ва } F'_\alpha (x, y, \alpha) = 0$$

тенгликлардан α параметрни йўқотиш натижасида ҳосил бўлади.

Бу усул билан топилган эгри чизиқ ўрама бўлмасдан, оила эгри чизиқлари махсус нуқталарининг геометрик ўрни ҳам бўлиши мумкин [1990, 2) масаланинг жавобига қаралсин].

Қуйидаги эгри чизиқлар оиласининг ўрамаси топилсин ва ўрама ҳамда оила эгри чизиқлари ясалсин:

1988. 1) $y = ax + a^2$; 2) $y = ax^2 + \frac{1}{a}$.
1989. 1) $(x - a)^2 + y^2 = R^2$; 2) $4ay = (x - a)^2$.
1990. 1) $y - 1 = (x - a)^2$; 2) $(y - 1)^3 = (x - a)^2$;
3) $(y - 1)^2 = (x - a)^3$; 4) $9(y - a)^2 = (x - a)^3$.

1991. Узунлиги ўзгармас a бўлган кесманинг учлари координата ўқлари бўйича сирғанади. Бундай кесмалар оиласининг ўрамаси топилсин.

1992. Координаталар бошидан ўтувчи ва марказлари $y^2 = 4x$ параболада ётувчи айланалар оиласининг ўармаси топилсин.

1993. Диаметрлари $xy = a^2$ гипербола нуқталарининг фокал радиус-векторларидан иборат бўлган айланалар оиласининг ўрамаси топилсин.

1994. Координаталар бошидан бошланғич b тезлик билан Ox ўққа α бурчак остида тўп отилган, α ҳар хил бўлганда тўп траекториялари оиласининг ўрамаси топилсин.

1995. 1) p ўзгармас бўлганда $x\cos\alpha + y\sin\alpha - p = 0$ тўғри чизиқлар оиласининг; 2) $y = ax + \frac{1}{a}$ тўғри чизиқлар оиласининг; 3) $y - 1 = (x - a)^3$ кубик параболалар оиласининг ўрамалари топилсин.

1996. Марказлари Ox ўқда ётувчи, радиуслари эса ўша марказлардан чиқарилган $y^2 = 4x$ параболанинг мос ординаталарига тенг айланалар оиласининг ўрамаси топилсин.

1997. Ярим ўқларининг йиғиндиси ўзгармас l узунликка тенг бўлган $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$ эллипслар оиласининг ўрамаси топилсин.

1998. a ни ўзгарувчи ҳисоблаб, симметрия ўқи Oy ўққа параллел бўлган, $(-a;\ 0)$, $(3a;\ 0)$ ва $(0;\ 3a^3)$ нуқталардан ўтувчи параболалар оиласининг ўрамаси топилсин.

10-§. Сиртга ўтказилган уринма текислик ва нормал

Сирт $F(x, y, z) = 0$ тенглама билан берилган бўлсин; ўша сиртда $M(x;\ y;\ z)$ нуқта олинган. Бу нуқтада ўтказилган нормал тенгламалари қуйидагича ёзилади:

$$\frac{X - x}{\frac{\partial F}{\partial x}} = \frac{Y - y}{\frac{\partial F}{\partial y}} = \frac{Z - z}{\frac{\partial F}{\partial z}}. \qquad (1)$$

Уринма текислик тенгламаси:

$$\frac{\partial F}{\partial x}(X - x) + \frac{\partial F}{\partial y}(Y - y) + \frac{\partial F}{\partial z}(Z - z) = 0 \qquad (2)$$

дан иборат бўлади.

(1) ва (2) тенгламалардаги X, Y, Z — нормалнинг ёки уринма текисликнинг ўзгарувчи координаталаридан иборат.

$\boldsymbol{N}\left\{\frac{\partial F}{\partial x};\ \frac{\partial F}{\partial y};\ \frac{\partial F}{\partial z}\right\}$ векторни сиртнинг *нормал вектори* деймиз.

Агар сиртдаги бирор нуқтада $\frac{\partial F}{\partial x} = 0$, $\frac{\partial F}{\partial y} = 0$, $\frac{\partial F}{\partial z} = 0$ бўлса, у *махсус* нуқта дейилади. Бундай нуқтада сиртнинг нормали ҳам уринма текислиги ҳам бўлмайди.

Қуйидаги сиртларга ўтказилган уринма текисликлар тенгламаси ёзилсин:

1999. $z = x^2 + 2y^2$, (1; 1; 3) нуқтада.

2000. $xy = z^2$, $(x_0; y_0; z_0)$ нуқтада.

2001. $xyz = a^3$, $(x_0; y_0; z_0)$ нуқтада.

2002. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 1$, $(x_0; y_0; z_0)$ ва $(a; b; c)$ нуқталарда.

2003. $x^2 + 4y^2 + z^2 = 36$ сиртга уринма ва $x + y - z = 0$ текисликка параллел бўлган текислик аниқлансин.

2004. $x^2 + y^2 = z^2$ конус сиртнинг (3; 4; 5) нуқтасида ўтказилган нормалнинг тенгламалари ёзилсин. Конуснинг қандай нуқтасида нормал аниқмас?

2005. $x^2 + y^2 - xz - yz = 0$ сиртнинг (0; 2; 2) нуқтасида ўтказилган нормалнинг координата ўқлари билан ҳосил қилган бурчаклари топилсин.

2006. $x^2z + y^2z = 4$ сиртнинг (−2; 0; 1) нуқтасида ўтказилган нормалнинг тенгламалари ёзилсин. Нормал ва сирт ясалсин.

2007. $xyz = a^3$ сиртга ўтказилган уринма текисликлар координата текисликлари билан ўзгармас ҳажмга эга пирамидалар ҳосил қилиши кўрсатилсин.

2008. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} + z^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$ сиртга ўтказилган уринма текисликларнинг координата ўқларидан кесган кесмалари квадратларининг йиғиндиси ўзгармас a^2 га тенг экани кўрсатилсин.

2009. Координаталар бошидан $y = x\operatorname{tg}\frac{z}{a}$ геликоиднинг $\left(a; a; \frac{\pi a}{4}\right)$ нуқтасида ўтказилган уринма текисликкача бўлган масофа аниқлансин. $z = 0; \frac{\pi a}{4}; \frac{\pi a}{4}; \pi a$ кесимлар бўйича сирт ясалсин.

2010. $az = x^2 + y^2$ сиртнинг $x = y = z$ тўғри чизиқ билан кесишган нуқталарида ўтказилган уринма текисликларнинг тенгламалари ёзилсин.

2011. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1$ сиртнинг $(x_0; y_0; z_0)$ нуқтасида ўтказилган уринма текисликнинг тенгламаси

$$\frac{xx_0}{a^2} + \frac{yy_0}{b^2} + \frac{zz_0}{c^2} = 1$$

кўринишда бўлиши кўрсатилсин.

2012. $x^2+y^2-(z-5)^2=0$ сиртнинг $x_0=4$, $z_0=0$ ва $y_0=3$ нуқтасида ўтказилган нормалнинг тенгламалари ёзилсин. Биринчи октантда ($x>0$, $y>0$, $z>0$) сирт ва нормал ясалсин.

2013. $2z=x^2-y^2$ сиртнинг (2; 2; 0) нуқтасида ўтказилган нормалнинг координата ўқлари билан ташкил қилган бурчаклар топилсин.

2014. Координаталар бошидан $(2a^2-z^2)$ $x^2-a^2y^2=0$ коноиднинг (a; a; a) нуқтасида ўтказилган уринма текисликка бўлган масофа аниқлансин.

2015. $x^{\frac{1}{2}}+y^{\frac{1}{2}}+z^{\frac{1}{2}}=a^{\frac{1}{2}}$ сиртнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринма текисликнинг координата ўқларидан кесган кесмаларининг йиғиндиси ўзгармас a га тенглиги кўрсатилсин.

2016. $z=4-x^2-y^2$ сиртнинг қайси нуқтасида ўтказилган уринма текислик: 1) xOy текисликка; 2) $2x+2y+z=0$ текисликка параллел бўлади? Ўша уринма текисликларнинг тенгламалари ёзилсин.

11-§. Скаляр майдон. Юксакликлар чизиқлари ва сиртлари. Берилган йўналиш бўйича ҳосила. Градиент

$u=F(x, y)$ тенглама бирор соҳанинг ҳар бир (x, y) нуқтасида u ни аниқлаб беради, ўша соҳа *скаляр и нинг майдони* дейилади.

$F(x, u)=u_1$, $F(x, y)=u_2$, ... *лардаги* u_1, u_2, ... лар ўзгармас бўлганда чизиқларнинг ҳар бири бўйича скаляр u ўзгармас бўлиб, у фақат $(x; y)$ нуқта бир чизиқдан иккинчи чизиққа ўтганидагина ўзгаради. Бу чизиқлар *юксакликлар чизиқлари* ёки *изочизиқлар* (изотермалар, изобаралар ва шунга ўхшаш дейилади.

$u=F(x, y, z)$ тенглама уч ўлчовли фазонинг бирор қисмида скаляр u *нинг майдонини аниқлайди*. У ҳолда *изосиртлар* ёки *юксакликлар сиртларининг* тенгламалари

$$F(x, y, z)=u_1,\ F(x, y, z)=u_2,\ \ldots$$

лардан иборат бўлади.

$(x; y; z)$ нуқта $x=x_0+l\cos\alpha$, $y=y_0+l\cos\beta$, $z=z_0+l\cos\gamma$ тўғри чизиқ бўйича $\frac{dl}{dt}=1$ тезлик билан ҳаракат қилсин.

У ҳолда $F(x, y, z)$ скаляр

$$v=\frac{du}{dt}=\frac{du}{dl}=\frac{\partial F}{\partial x}\cos\alpha+\frac{\partial F}{\partial y}\cos\beta+\frac{\partial F}{\partial z}\cos\gamma=\boldsymbol{N}\cdot\boldsymbol{l}_0$$

тезлик билан ўзгаради, бундаги $\boldsymbol{N}\left\{\frac{\partial F}{\partial x};\ \frac{\partial F}{\partial y};\ \frac{\partial F}{\partial z}\right\}$ — *изосиртнинг нормал* вектори бўлиб, $\boldsymbol{l}_0$ $\{\cos\alpha;\ \cos\beta;\ \cos\gamma\}$ — l йўналишнинг бирлик векторидан иборат.

Ушбу

$$\frac{\partial u}{\partial l}=\frac{\partial F}{\partial x}\cos\alpha+\frac{\partial^2 F}{\partial y}\cos\beta+\frac{\partial F}{dz}\cos\gamma=N\cdot l_0$$

ҳосила $u=F(x;\ y;\ z)$ *функциянинг берилган* l_0 $\{\cos\alpha;\ \cos\beta;\ \cos\gamma\}$ *йўналиш бўйича ҳосиласи* дейилади.

$u=F(x,\ y,\ z)$ скалярнинг *градиенти* деб $\operatorname{grad} u=\frac{\partial u}{\partial x}i+\frac{\partial u}{\partial y}j+\frac{\partial u}{\partial z}k$ *векторга* айтилади. Градиент скаляр u нинг *энг тез* ўзгариш тезлигининг векторидан иборат.

2017. $z=4-x^2-y^2$. Юксаклик чизиқлари ва A (1; 2) нуқтада grad z ясалсин.

2018. $z=\operatorname{arctg}\frac{y}{x}$. Юксаклик чизиқлари ясалсин ва: 1) $y=x$ тўғри чизиқнинг исталган нуқтасида, $y=-x$ тўғри чизиқнинг исталган нуқтасида, жумладан $\left(\frac{1}{2};\ \pm\frac{1}{2}\right)$, (1; $\pm$ $\pm$ 1), ... нуқталарда grad z ясалсин.

2019. Баландлик горизонталлари $h=20-\frac{x^2}{4}-y^2$ тенглама билан аниқланади. $h=20$, 19, 18, 16 ва 11 *м* га мос горизонталлар ясалсин. Бунда grad h нинг йўналиши энг тикка қияликка эга чизиқ йўналишини аниқлаб берса, унинг катталиги эса юксакликнинг ўша қиялик тиккалигини беради. $x=2$ ва $y=1$ нуқтада grad h ясалсин.

2020. $z^2=xy$ сиртнинг (4; 2) нуқтадаги энг катта тиккалиги топилсин.

2021. $u=\ln(e^x+e^y)$ функциянинг координата бурчагининг биссектрисасига параллел йўналиш бўйича ҳосиласи топилсин.

2022. $u=x^2+y^2+z^2$ функциянинг l $\{\cos 45°;\ \cos 60°;\ \cos 60°\}$ йўналиш бўйича (1; 1; 1) нуқтада ҳосиласи топилсин; ўша нуқтада grad u ва унинг узунлиги топилсин. Юксаклик сиртлари ясалсин.

2023. $u=x^2+y^2-2z$ скалярнинг юксаклик сиртлари ясалсин ва $u=4$ сиртнинг Ox ўқ билан кесишган нуқталарида grad u топилсин ва ясалсин.

2024. $u=\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{a^2}+\frac{z^2}{c^2}$ функциянинг $(a, b; c)$ нуқтада, ўша нуқтанинг радиус-вектори йўналиши бўйича ҳосиласи топилсин.

2025. $z = \frac{4}{x^2+y^2}$. Юксаклик чизиқлари ва $(-1; 2)$ нуқтада grad z ясалсин ҳамда $|\text{grad } z|$ топилсин.

2026. $u = xyz$. Координата ўқлари билан бир хил бурчак тузувчи йўналиш бўйича исталган нуқтада ва $(1; 2; 1)$ нуқтада $\frac{du}{dl}$ топилсин.

2027. $u = x^2 + y^2 - z^2$ скалярнинг юксаклик сиртлари ясалсин, координаталар бошидан ўтувчи сиртда grad u аниқлансин ва ўша сиртнинг $y = 0$ ва $z = 2$ бўлган нуқталарида grad u ясалсин.

2028. $u = \sqrt{x^2 + y^2 + z^2}$. grad u ва унинг узунлиги топилсин.

2029. $u = \frac{z}{c} - \frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2}$ функция майдонининг изосиртлари ясалсин ва $(a; b; c)$ нуқтада ўша нуқтанинг радиус-вектори йўналиши бўйича u нинг ҳосиласи топилсин.

12-§. Икки ўзгарувчили функциянинг экстремуми

1°. Зарурий шартлар $z = F(x; y)$ функция фақат $\frac{\partial F}{\partial x} = 0$ ва $\frac{\partial F}{\partial y} = 0$ бўлган нуқталардагина *экстремумга* эга бўлиши мумкин. Бу нуқталар *критик* нуқталар дейилади.

2°. Етарли шартлар. $\frac{\partial^2 F}{\partial x^2}$, $\frac{\partial^2 F}{\partial x \partial y}$ ва $\frac{\partial^2 F}{\partial y^2}$ ҳосилаларнинг $(x_0 y_0)$ критик нуқтадаги қийматларини A, B ва C орқали белгилайлик. У вақтда агар:

1) $\begin{vmatrix} A & B \\ B & C \end{vmatrix} > 0$, бўлса, у ҳолда $\begin{cases} A < 0 \text{ бўлганда } F(x_0; y_0) = z_{\max} \\ A > 0 \text{ бўлганда } F(x_0; y_0) = z_{\min}; \end{cases}$

2) $\begin{vmatrix} A & B \\ B & C \end{vmatrix} < 0$, бўлса, у ҳолда экстремум бўлмайди;

3) $\begin{vmatrix} A & B \\ B & C \end{vmatrix} = 0$, бўлса, у ҳолда экстремум бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин (шубҳали ҳол).

3°. Шартли экстремум $z = F(y, x)$ функциянинг, x ва y ўзаро $\varphi(x, y) = 0$ тенглама билан боғланган ҳолдаги экстремумини топиш учун $u = F(x, y) + \lambda \varphi(x, y)$ ёрдамчи функцияни тузамиз.

Экстремал (x, y) нуқтанинг координаталари ушбу $\varphi(x, y) = 0$, $\frac{\partial u}{\partial x} = 0$,

$\frac{\partial u}{\partial y} = 0$ учта тенгламани қаноатлантириши керак λ, x ва y ўша тенгламалардан топилади.

Қуйидаги функцияларнинг экстремумлари топилсин:

2030. $z = x^2 - xy + y^2 + 9x - 6y + 20$.

2031. $z = y\sqrt{x} - y^2 - x + 6y$.

2032. $z = x^3 + 8y^3 - 6xy + 1$.

2033. $z = 2xy - 4x - 2y$. 2034. $z = e^{\frac{x}{2}}(x + y^2)$.

2035. $z = \sin x + \sin y + \sin(x + y)$, $0 \leqslant x \leqslant \frac{\pi}{2}$ ва $0 \leqslant y \leqslant \frac{\pi}{2}$ бўлганда.

2036. $z = \frac{1}{x} + \frac{1}{y}$, $x + y = 2$ бўлганда.

2037. $z = x + y$, $\frac{1}{x^2} + \frac{1}{y^2} = \frac{1}{2}$ бўлганда.

2038. Ҳажми V га тенг ва энг кичик сиртга эга бўлган тўғри тўрт бурчакли очиқ ҳовузнинг ўлчовлари аниқлансин.

2039. $x^2 + 4y^2 = 4$ эллипс ва $2x + 3y - 6 = 0$ тўғри чизиқ ясалсин ва эллипснинг берилган тўғри чизиқдан энг узоқ ва энг яқин бўлган нуқталари топилсин.

2040. $x^2 - y^2 = 4$ гиперболада (0; 2) нуқтадан энг кичик масофада бўлган нуқта топилсин.

2041. Тўлиқ сирти $S = 6\pi\ дм^2$ га тенг ва энг катта ҳажмга эга бўлган цилиндрнинг ўлчовлари аниқлансин.

2042. 1) $x^2 + 3y^2 = 12$ эллипсга ички чизилган ва асоси унинг катта ўқига параллел бўлган тенг ёнли учбурчаклардан юзи энг каттаси топилсин.

2) Ox ўқ икки муҳитнинг чегараси бўлиб ҳисобланади. A $(0; a)$ нуқтадан чиққан ёруғлик нури B $(c; -b)$ нуқтага энг қисқа вақтда етиб бориши учун у қандай йўл билан юриши керак $(a > 0,\ b > 0,\ c > 0)$?

Кўрсатма. $T = \frac{a}{v_1 \cos\alpha} + \frac{b}{v_2 \cos\beta}$ функциянинг $\alpha \operatorname{tg}\alpha + b \operatorname{tg}\beta = c$ шарт бажарилгандаги минимумини топиш керак, бунда v_1 ва v_2 ёруғлик нурининг икки муҳитдаги тезликлари, α ва β эса нурнинг тушиш ва синиш бурчаклари.

Қуйидаги функцияларнинг экстремумлари топилсин:

2043. $z = 3x + 6y - x^2 - xy - y^2$.

2044. $z = x^2 + y^2 - 2x - 4\sqrt{xy} - 2y + 8$.

2045. $z = 2x^3 - xy^2 + 5x^2 + y^2$.

2046. $z = 3x^2 - 2x\sqrt{y} + y - 8x + 8$.

2047. $z = xy$, $x^2 + y^2 = 2$ бўлганда.

2048. Диагоналининг узунлиги $2\sqrt{3}$ бўлган тўғри бурчакли параллелепипедлардан энг катта ҳажмга эга бўлгани топилсин.

2049. 1) $y^2 = 4x$ параболада $x - y + 4 = 0$ тўғри чизиққа энг яқин бўлган нуқта топилсин.

2) $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$ эллипсга энг катта юзга эга бўлган тўғри тўртбурчак ички чизилган. Унинг юзи топилсин.

2050. Ён сиртлари S бўлган конуслардан энг катта ҳажмга эга бўлганининг ўлчовлари аниқлансин.

XII БОБ

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР

1-§. Дифференциал тенглама ҳақида тушунча

1°. n-тартибли оддий дифференциал тенглама деб

$$F(x, y, y', y'', \ldots, y^{(n)}) = 0 \tag{1}$$

кўринишдаги тенгламага айтилади.

Тенгламадаги y ўрнига қўйганда уни айниятга айлантирувчи $\varphi(x)$ функция тенгламанинг *ечими* дейилади. Шу функцияни аниқловчи $y=\varphi(x)$ ёки $\Phi(x, y) = 0$ тенглама дифференциал тенгламанинг *интеграли* дейилади. Ҳар бир интеграл xOy текисликда дифференциал тенгламанинг *интеграл чизиғи* деб аталувчи эгри чизиқни аниқлайди.

Агар x, y ва n та ихтиёрий $C_1, C_2, \ldots, C_n$ ўзгармасларни ўз ичига олган

$$\Phi(x, y, C_1, C_2, \ldots, C_n) = 0 \tag{2}$$

тенгламадаги ихтиёрий ўзгармасларга ҳар хил қийматлар берганда (1) тенглама ечимларининг мавжудлик ва ягоналик соҳасидан ўтувчи ҳамма интеграл чизиқлар ва фақат ўша чизиқларгина ҳосил бўлса, (2) тенглама (1) дифференциал тенгламанинг ўша соҳадаги *умумий интеграли* дейилади.

Ихтиёрий ўзгармасларга аниқ қийматлар бериб, умумий интегралдан ҳосил қилинган интеграл *хусусий интеграл* дейилади.

Умумий интеграл (2) ни n марта x бўйича дифференциаллаб, ҳосил бўлган n та тенгламадан ва (2) тенгламадан n та ихтиёрий ўзгармасни йўқотсак, берилган (1) дифференциал тенгламага эга бўламиз.

2°. Биринчи тартибли дифференциал тенглама

$$F\left(x, y, \frac{dy}{dx}\right) = 0 \tag{3}$$

кўринишга эга. (3) тенгламани $\frac{dy}{dx}$ га нисбатан ечиш мумкин бўлса, уни ечиб

$$\frac{dy}{dx} = f(x, y) \tag{4}$$

тенгламага эга бўламиз.

(4) тенглама, интеграл чизиқнинг $(x; y)$ нуқтадаги $k = \operatorname{tg}\alpha = \frac{dy}{dx} = f(x, y)$ қиялиги аниқлайди, яъни у интеграл чизиқлар *йўналишларининг майдонини* аниқлайди.

Агарда бирор соҳада $f(x, y)$ функция узлуксиз бўлса ва чегараланган $f'_y(x, y)$ хусусий ҳосилага эга бўлса, у ҳолда шу соҳанинг ҳар бир ички $(x_0; y_0)$ нуқтасидан *бирдан-бир* интеграл чизиқ ўтар экан.

Бундай соҳада (4) тенглама $y = \varphi(x, C)$ ёки $\Phi(x, y, C) = 0$ умумий интегралга эга; бу умумий ечимдан $x = x_0$ бўлганда $y = y_0$ бўладиган *бошланғич шартларни* қаноатлантирувчи бирдан-бир хусусий интеграл топиш мумкин.

2051. Ўрнига қўйиш йўли билан $y = Cx^3$ функция $3y - xy' = 0$ тенгламанинг ечими эканлиги текширилсин. Ушбу

$$1)\ \left(1; \frac{1}{3}\right);\ 2)\ (1; 1);\ 3)\ \left(1; -\frac{1}{3}\right)$$

нуқталардан ўтувчи интеграл чизиқлар ясалсин.

2052. Ўрнига қўйиш йўли билан: 1) $y'' + 4y = 0$ ва 2) $y''' - 9y' = 0$ дифференциал тенгламалар мос равишда 1) $y = C_1 \cos 2x + C_2 \sin 2x$ ва 2) $y = C_1 + C_2 e^{3x} + C_3 e^{-3x}$ умумий интегралларга эга эканликлари текширилсин.

2053. $C = 0; \pm 1; \pm 2$ бўлганда $y = Cx^2$ параболалар ясалсин ва шу параболалар оиласининг дифференциал тенгламаси тузилсин.

2054. 1) $x^2 + y^2 = 2Cx$ айланалар, 2) $y = x^2 + 2Cx$ параболалар оиласининг тасвири ясалсин ва уларнинг дифференциал тенгламалари тузилсин.

2055. 1) $\frac{dy}{dx} = \frac{y}{x}$; 2) $\frac{dy}{dx} = y - x$; 3) $\frac{dy}{dx} = y + x^2$ тенгламаларнинг ҳар қайсиси билан аниқланган йўналиш майдонларининг тасвири ясалсин.

2056. $\frac{dy}{dx} = \sqrt{x^2 + y^2}$ тенглама билан аниқланувчи йўналиш майдонининг тасвири, барча нуқталарида $\frac{dy}{dx} = \frac{1}{2}$; 1; 2; 3; ... бўлган айланалар ёрдами билан ясалсин. Координаталар бошидан ўтувчи интеграл чизиқ тахминий чизилсин.

2-§. Ўзгарувчилари ажраладиган 1-тартибли дифференциал тенглама. Ортогонал траекториялар

1°. 1-тартибли

$$P dx + Q dy = 0 \qquad (1)$$

дифференциал тенгламадаги дифференциаллар олдидаги P

ва Q коэффициентлар фақат x ёки фақат y нинг функцияларидан иборат бўлган кўпайтувчиларга ажралса, яъни агарда тенглама

$$f(x)\,\varphi(y)\,dx + f_1(x)\,\varphi_1(y)\,dy = 0 \qquad (2)$$

кўринишда бўлса, (1) тенглама *ўзгарувчилари ажраладиган* тенглама дейилади.

(2) тенгламанинг иккала ҳадини $\varphi(y)\,f_1(x)$ кўпайтмага бўлиб,

$$\frac{f(x)\,dx}{f_1(x)} + \frac{\varphi_1(y)\,dy}{\varphi(y)} = 0 \qquad (3)$$

тенгламани ҳосил қиламиз.

(3) тенгламанинг, демак, (2) тенгламанинг умумий интеграли

$$\int \frac{f(x)\,dx}{f_1(x)} + \int \frac{\varphi_1(y)\,dy}{\varphi(y)} = C \qquad (4)$$

дан иборат бўлади.

2°. Берилган $F(x, y, a) = 0$ чизиқлар оиласининг ҳар бир чизиғини тўғри бурчак остида кесувчи чизиқлар ўша чизиқлар оиласининг **ортогонал траекториялари** дейилади.

$F(x, y, a) = 0$ тенгламани x бўйича дифференциаллаб, ҳосил бўлган ва $F(x, y, a) = 0$ тенгламалардан a йўқотилса, берилган чизиқлар оиласининг $y' = f(x, y)$ дифференциал тенгламасига эга бўламиз. У вақтда *ортогонал траекториялар нинг дифференциал тенгламаси* $y' = -\frac{1}{f(x, y)}$ дан иборат бўлади.

Қуйидаги дифференциал тенгламаларда: 1) умумий интеграл топилсин: 2) бир нечта интеграл чизиқлар чизилсин; 3) $x = -2$ бўлганда $y = 4$ бошланғич шартлар бўйича хусусий интеграл топилсин:

2057. $xy' - y = 0$. **2058.** $xy' + y = 0$.

2059. $yy' + x = 0$. **2060.** $y' = y$.

Қуйидаги тенгламаларнинг умумий интегралли топилсин:

2061. $x^2y' + y = 0$. **2062.** $x + xy + y' (y + xy) = 0$.

2063. $\varphi^2\,dr + (r - a)\,d\varphi = 0$. **2064.** $2sl^2\,ds = (1 + t^2)dt$.

Қуйидаги тенгламаларнинг умумий интегралли ва берилган бошланғич шартлар бўйича хусусий интегралли топилсин:

2065. $2y'\sqrt{x} = y$, $x = 4$ бўлганда $y = 1$.

2066. $y' = (2y + 1)\operatorname{ctg} x$, $x = \frac{\pi}{4}$ бўлганда $y = \frac{1}{2}$.

2067. $x^2y' + y^2 = 0$, $x = -1$ бўлганда $y = 1$.

2068. 1) $y'(x^2 - 4) = 2xy$, 2) $y' + y\operatorname{tg} x = 0$, тенгламалардан ҳар бирининг 1) (0; 1); 2) $\left(0; \frac{1}{2}\right)$; 3) $\left(0; -\frac{1}{2}\right)$; 4) (0; −1) нуқталардан ўтувчи интеграл чизиқлари ясалсин.

2069. Агар $\left(1;\ \frac{1}{3}\right)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти уриниш нуқта радиус-векторининг бурчак коэффициентидан уч марта катта бўлса, ўша эгри чизиқ топилсин.

2070. Эгри чизиқ A (0; a) нуқтадан ўтади, PN — унинг ихтиёрий нуқтасининг ординатаси. AP ёйнинг узунлиги s бўлганда $OAPN$ нинг юзи as га тенг бўлиш шартидан эгри чизиқ аниқлансин.

2071. Эгри чизиқ (a; a) нуқтадан ўтади. Ихтиёрий нуқтасидаги уринма ости уриниш нуқтаси абсциссасининг иккиланганига тенг. Шу чизиқ топилсин.

2072. (— 1; — 2) нуқтадан ўтиб, ҳар бир нуқтасидаги нормал ости 2 га тенг эгри чизиқ топилсин.

2073. Температураси 20° бўлган уйдаги жисмни 100° дан 60° гача совутиш учун 10 минут вақт кетса, уни 25° гача совутиш учун қанча вақт кетади? (Ньютон қонунига асосан совуш тезлиги температуралар айирмасига пропорционал.)

2074. Осма кўприк (31- бетдаги 6-чизма) канатига горизонтал балканинг ҳар бир бирлик узунлигидан тушадиган юк p кГ га тенг. Қанатнинг энг қуйи нуқтасидаги тарангликни H кГ деб ҳамда канат оғирлигини ҳисобга олмасдан унинг шакли топилсин.

Кўрсатма. $\overset{\frown}{OC}$ ёйда ихтиёрий M нуқта оламиз (31- бетдаги 6- чизма). Қанатнинг OM бўлагига учта куч; горизонтал H (M дан чапда), вертикал px оғирлик ва тангенциал T (M дан ўнгда) кучлар таъсир этади. Мувозанат бўлиши учун кучларнинг Ox ва Oy ўқлардаги проекциялари йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак.

2075. $P(-a;\ a)$ нуқтадан ўтувчи ва исталган нуқтасидаги уринманинг координата ўқлари орасидаги кесмаси уриниш нуқтаси M да тенг иккига бўлинувчи эгри чизиқ аниқлансин ва ясалсин.

2076. $ay = x^2$ параболалар оиласининг ортогонал траекториялари топилсин. Улар ясалсин.

2077. $xy = c$ гиперболалар оиласининг ортогонал траекториялари топилсин.

2078. $ay^2 = x^3$ ярим кубик параболалар оиласининг ортогонал траекториялари топилсин.

2079. $x^2 + 4y^2 = a^2$ эллипслар оиласининг ортогонал траекториялари топилсин.

Қуйидаги тенгламалар ечилсин:

2080. $y'x^3 = 2y$. 2081. $(x^2 + x)\ y' = 2y + 1$.

2082. $y'\sqrt{a^2 + x^2} = y$. 2083. $(1 + x^2)\ y' + 1 + y^2 = 0$.

2084. $dr + r\,\mathrm{tg}\,\varphi\, d\varphi = 0$; $\varphi = \pi$ бўлганда $r = 2$.

2085. $y' = 2\sqrt{y}\ln x$; $x = e$ бўлганда $y = 1$.

2086. $(1+x^2)y' + y\sqrt{1 + x^2} = xy$; $x = 0$ бўлганда $y = 1$.

2087. $A\ (-1;\ 1)$ нуқтадан ўтувчи ва исталган нуқтасидаги уринманинг бурчак коэффициенти уриниш нуқта ординатасининг квадратига тенг бўлган эгри чизиқ аниқлансин.

2088. Эгри чизиқ $A\ (0;\ a)$ нуқтадан ўтади, PN — ихтиёрий нуқтасининг ординатаси. $OAPN$ нинг юзи $= a\,(PN - a)$ эканига кўра эгри чизиқ аниқлансин.

2089. $(-1;\ 1)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг исталган нуқтасида ўтказилган уринма Ox ўқдан уриниш нуқтаси абциссасининг квадратига тенг OT кесма кесади. Ўша эгри чизиқ аниқлансин ва ясалсин.

2090. $x^2 - 2y^2 = a^2$ гиперболалар оиласининг ортогонал траекториялари топилсин.

2091. Исталган нуқтасининг радиус-вектори, шу нуқтада ўтказилган нормалнинг эгри чизиқ билан Ox ўқ орасидаги кесмасига (яъни нормал узунлигига) тенг эгри чизиқ аниқлансин.

2092. Эгри чизиқ ва унинг ихтиёрий нуқтасининг ординатаси ҳамда координата ўқлари билан чегараланган юз, эгри чизиқнинг ўша нуқтасининг координаталарига асосан ясалган тўғри тўртбурчак юзининг $\frac{1}{3}$ га тенг. Ўша чизиқ аниқлансин.

3-§. 1-тартибли: 1) бир жинсли, 2) чизиқли дифференциал тенгламалар ва 3) Бернулли дифференциал тенгламаси

1°. Бир жинсли тенглама. $P\,dx + Q\,dy = 0$ кўринишдаги тенглама P ва Q x ва y нинг бир хил ўлчовли бир жинсли функциялари бўлганда, *бир жинсли* тенглама дейилади. Бу тенглама $\frac{dy}{dx} = \varphi\left(\frac{y}{x}\right)$ кўринишга келтирилиб, $\frac{y}{x} = u$ ёки $y = ux$ алмаштириш билан ечилади.

2° Чизиқли тенглама. Изланувчи y ва унинг барча ҳосилаларига нисбатан биринчи даражали бўлган тенглама *чизиқли* дейилади. 1-тартибли чизиқли тенглама $y' + Py = Q$ кўринишга эга. $y = uv$ ал-

маштириш билан бу тенглама ўзгарувчилари ажраладиган иккита тенгламага келтирилади. 1-тартибли чизиқли тенгламанинг ечиш йўлларидан иккинчиси (*ихтиёрий ўзгармасини вариация қилиш*) қуйидагидан иборат: олдин $y'+Py=0$ тенгламани ечиб, $y=-Ae^{-\int Pdx}$ ечимни топамиз. Бундаги A ни x нинг функцияси ҳисоблаб, берилган тенгламага қўямиз. Бундан A' ва A ни топамиз.

3°. Бернулли тенгламаси: $y'+Py=Qy^n$ чизиқли тенгламага ўхшаш $y=uv$ алмаштириш билан ёки ихтиёрий ўзгармасни вариация қилиш билан ечилади. Бернулли тенгламаси $z=y^{1-n}$ алмаштириш натижасида чизиқли тенгламага келтирилади.

Қуйидаги дифференциал тенгламалар интегралласин:

2093. $yy'=2y-x$. **2094.** $x^2+y^2-2xyy'=0$.

2095. $\frac{ds}{dt}=\frac{s}{t}-\frac{t}{s}$. **2096.** $y'-\frac{3y}{x}=x$.

2097. $y'+\frac{2y}{x}=\frac{e^{-x^2}}{x}$. **2098.** $y'\cos x-y\sin x=\sin 2x$.

2099. $y'x+y=-xy^2$. **2100.** $y'-xy=-y^3e^{-x^2}$.

2101. $xy'\cos\frac{y}{x}=y\cos\frac{y}{x}-x$.

2102. $x^2y'=y^2+xy$. **2103.** $xy'+y=\ln x+1$.

2104. $x^2y^2y'+yx^3=1$.

2105—2107- масалаларда берилган бошланғич шартлар бўйича хусусий интеграллар топилсин:

2105. $y+\sqrt{x^2+y^2}-xy'=0$; $x=1$ бўлганда $y=0$.

2106. $t^2\frac{ds}{dt}=2ts-3$; $t=-1$ бўлганда $s=1$.

2107. $xy'=y\left(1+\ln\frac{y}{x}\right)$; $x=1$ бўлганида $y=\frac{1}{\sqrt{e}}$.

2108. Исталган нуқтасидаги уринма ости, ўриниш нуқтаси координаталарининг ўрта арифметик қийматига тенг бўлган эгри чизиқлар оиласи топилсин.

2109. $x^2+y^2=2ax$ айланалар оиласининг ортогонал траекториялари топилсин.

2110. Қаршилиги R, ўз-ўзидан индукцияланиши Δ ва электр юргизувчи кучи E бўлган занжирда оқим кучи i

$$L\frac{di}{dt}+Ri=E$$

дифференциал тенгламани қаноатлантиради. R ва L ни ўзгармас, электр юргизувчи куч E ни чизиқли ўсувчи: $E=kt$

деб олиб, юқоридаги тенглама ечилсин. Бошланғич шартлар: $t = 0$ бўлганда $i = 0$.

2111. Берилган нуқтадан чиқувчи барча нурларни берилган йўналишга параллел қилиб қайтарувчи кўзгунинг формаси (шакли) аниқлансин.

Кўрсатма. Кўзгунинг текис кесимини олиб, берилган нуқтани координаталар боши, берилган йўналишни эса Oy ўқ деб оламиз. Изланувчи эгри чизиқнинг M нуқтасида ўтказилган уринма Oy ўқ ва OM билан тенг бурчаклар ҳосил қилади, яъни Oy ўқдан OM га тенг ON кесма кесади.

Қуйидаги дифференциал тенгламалар ечилсин:

2112. $xy + y^2 = (2x^2 + xy)\,y'$.

2113. $(a^2 + x^2)\,y' + xy = 1$.

2114. $xy' + 2\sqrt{xy} = y$. **2115.** $(2x + 1)\,y' + y = x$.

2116. $y' - y \operatorname{tg} x = \operatorname{ctg} x$. **2117.** $tds - 2s\,dt = t^3 \ln t\,dt$.

2118. $y' + xy = xy^3$. **2119.** $y' + y\cos x = \sin 2x$.

2120. $y' = \frac{y^2}{x^2} - \frac{y}{x}$; $x = -1$ бўлганда $y = 1$.

2121. $3y^2y' + y^3 = x + 1$; $x = 1$ бўлганда $x = -1$.

2122. $(1 - x^2)\,y' - xy = xy^2$; $x = 0$ бўлганда $y = 0{,}5$.

2123. $A\,(a;\ a)$ нуқтадан ўтувчи ва координаталар бошидан чизиқнинг исталган нуқтасидаги уринмагача бўлган масофа ўша нуқта абсциссасига тенг бўлган эгри чизиқ аниқлансин.

4-§. Кўпайтма ва бўлинманинг дифференциалларини ўз ичига олган дифференциал тенгламалар

$$d(xy) = xdy + ydx;\ d\left(\frac{y}{x}\right) = \frac{x\,dy - y\,dx}{x^2};$$

$$d\left(\frac{x}{y}\right) = \frac{y\,dx - x\,dy}{y^2}.$$

Бундай тенгламалар баъзан, мос равишда $xy = u$, $y = \frac{u}{x}$ ёки $\frac{y}{x} = u$, $y = ux$ алмаштиришлар ёрдами билан осонгина ечилади.

2124. $x^2dy + xy\,dx = dx$. **2125.** $y^2x\,dy - y^3dx = x^2dy$.

Кўрсатма. 2125-мисолдаги тенглама $y^2d\left(\frac{y}{x}\right) = dy$ ёки $y^2du = dy$ кўринишга келтирилади.

2126. $y\,dx + (x - y^3)\,dy = 0$. **2127.** $yxdx - (x - y^3)\,dy = 0$.

2128. $y \cos x\,dx + \sin x\,dy = \cos 2x\,dx$.

2129. $t\frac{ds}{dt} - s = s^2 \ln t$. **2130.** $x^2y^2 + 1 + x^3yy' = 0$.

2131. $t^2s\,dt + t^3ds = dt$. **2132.** $x\,dy - y\,dx = x^2dx$.

2133. $xy' + \operatorname{tg} y = 2x \sec y$. **2134.** $y\,(ye^{-\frac{x}{2}} + 1) = xy'$.

5-§. Тўлиқ дифференциалли 1-тартибли дифференциал тенгламалар. Интегралловчи кўпайтувчи

1. Агар $Pdx + Q\,dy = 0$ дифференциал тенгламада $\frac{\partial P}{\partial y} = \frac{\partial Q}{\partial x}$ бўлса, бу тенглама $du = 0$ кўринишга эга ва унинг умумий интеграли $u = C$ бўлади.

2°. Агар $\frac{\partial P}{\partial y} \neq \frac{\partial Q}{\partial x}$ бўлса, у ҳолда баъзи бир шартлар бажарилганда шундай $\mu\,(x, y)$ функция топиш мумкинки, $\mu Pdx + \mu Qdy = du$ бўлади. Бу $\mu\,(x, y)$ функция *интегралловчи* кўпайтувчи дейилади.

Қуйидаги ҳолларда интегралловчи кўпайтувчини топиш осон:

1) $\frac{\frac{\partial P}{\partial y} - \frac{\partial Q}{\partial x}}{Q} = \Phi\,(x)$ бўлганда $\ln \mu = \int \Phi\,(x)\,dx$ бўлади.

2) $\frac{\frac{\partial Q}{\partial x} - \frac{\partial P}{\partial y}}{P} = \Phi_1\,(y)$ бўлганда $\ln \mu = \int \Phi_1\,(y)\,dy$ бўлади.

4-§ даги дифференциал тенгламалар ушбу параграфда қаралаётган тенгламаларнинг хусусий ҳолларидир.

Қуйидаги «тўлиқ дифференциалли» дифференциал тенгламалар ечилсин:

2135. $\left(4 - \frac{y^2}{x^2}\right)dx + \frac{2y}{x}dy = 0$.

2136. $3x^2e^y\,dx + (x^3e^y - 1)\,dy = 0$.

2137. $e^{-y}\,dx + (1 - xe^{-y})\,dy = 0$.

2138. $2x \cos^2 y\,dx + (2x - x^2 \sin 2y)\,dy = 0$.

Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг интегралловчи кўпайтувчилари топилсин ва тенгламалар ечилсин:

2139. $(x^2 - y)\,dx + x\,dy = 0$.

2140. $2x \operatorname{tg} y\,dx + (x^2 - 2 \sin y)\,dy = 0$.

2141. $(e^{2x} - y^2)\,dx + y\,dy = 0.$

2142. $(1 + 3x^2 \sin y)\,dx - x \operatorname{ctg} y\,dy = 0.$

Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг чап томонлари тўлиқ дифференциалдан иборат эканлиги текширилсин ва тенгламалар ечилсин:

2143. $(3x^2 + 2y)\,dx + (2x - 3)\,dy = 0.$

2144. $(3x^2y - 4xy^2)\,dx + (x^3 - 4x^2y + 12y^3)\,dy = 0.$

2145. $(x \cos 2y + 1)\,dx - x^2 \sin 2y\,dy = 0.$

Қуйидаги тенгламаларнинг интегралловчи кўпайтувчилари топилсин ва тенгламалар ечилсин:

2146. $y^2dx + (yx - 1)\,dy = 0.$

2147. $(x^2 - 3y^2)\,dx + 2xy\,dy = 0.$

2148. $(\sin x + e^y)\,dx + \cos x\,dy = 0.$

2149. $(x \sin y + y)\,dx + (x^2 \cos y + x \ln x)\,dy = 0.$

6-§. Ҳосилага нисбатан ечилмаган 1-тартибли дифференциал тенгламалар. Лагранж ва Клеро тенгламалари

1°. Агар $F(x, y, y') = 0$ тенглама y' га нисбатан 2-даражали бўлса, бу тенглама y' га нисбатан иккита бирор соҳада x ва y га нисбатан узлуксиз $y' = f_1(x, y)$ ва $y' = f_2(x, y)$ ечимга эга. Геометрик нуқтаи назардан бу тенглама шу соҳанинг ихтиёрий $(x_0; y_0)$ нуқтасида иккита интеграл чизиқнинг йўналишларини аниқлайди.

Бундай $F(x, y, y') = 0$ дифференциал тенгламалар, $\Phi(x, y, C) = 0$ умумий ва хусусий интеграллардан ташқари баъзан ихтиёрий ўзгармасни ўз ичига олмаган ва умумий интегралдан ихтиёрий ўзгармасга бирор қийматбериш дан ҳосил бўлмайдиган *махсус интегралга* эга бўлади.

Махсус интеграл мавжуд бўлса, уни $F(x, y, p) = 0$ ва $F'_p(x, y, p) = 0$ тенгламалардан $y' = p$ ни йўқотиб ёки умумий интеграл $\Phi(y, x, C) = 0$ билан $\Phi'_c(x, y, C) = 0$ дан C ни йўқотиб топиш мумкин. Геометрик нуқтаи назардан *махсус интеграл, интеграл чизиқлар оиласининг ўрамасини аниқлайди**.

2°. Лангранж тенгламаси

$$y = xf(p) + \varphi(p) \tag{1}$$

кўринишда ёзилади, бунда $p = y'$. Бу тенглама қуйидагича интегралланади.

(1) ни x бўйича дифференциаллаб,

$$p = f(p) + [xf'(p) + \varphi'(p)]\frac{dp}{dx}$$

тенгламани топамиз.

---

* 216-бетдаги ўраманинг таърифига қаралсин.

Бу тенглама x ва $\frac{dx}{dp}$ га нисбатан чизиқли. Уни ечиб

$$x = CA(p) + B(p) \qquad (2)$$

га эга бўламиз.

(1) ва (2) тенгламалар умумий интегрални параметр орқали аниқлайди. Бу тенгламалардан (мумкин бўлса) p ни йўқотиб, $\Phi(x, y, C)=0$ кўринишдаги умумий интегралга эга бўламиз.

3°. Клеро тенгламаси

$$y = px + \varphi(p) \qquad (3)$$

Лагранж тенгламасининг хусусий ҳолидир. Бу тенглама $y = Cx + \varphi(C)$ умумий интегралга ва $y = px + \varphi(p)$ ҳамда $x = -\varphi'(p)$ тенгламалардан p параметрни йўқотишдан ҳосил бўладиган махсус ечимга эгадир.

2150. $y'^2 = 4y$ тенгламанинг бир нечта интеграл чизиқлари ясалсин. $M(1; 4)$ нуқтадан қандай иккита интеграл чизиғи ўтади?

2151. $y'^2 + y^2 - 1 = 0$ тенгламанинг интеграл чизиқлари чизилсин. $M\left(\frac{\pi}{2}; \frac{1}{\sqrt{2}}\right)$ нуқтадан қандай иккита интеграл чизиғи ўтади?

2152. $xy'^2 - 2yy' + 4x = 0$ тенгламанинг интеграл чизиқлари $y = \pm 2x$ тўғри чизиқлар орасидаги ўткир бурчак ичида ётиши кўрсатилсин. Умумий интегралда ўзгармас $C = \pm \frac{1}{2}, \pm 1, \pm 2$ ва ҳоказо деб олиб, интеграл чизиқлар ясалсин.

2153. 1) $yy'^2 + y'(x - y) - x = 0$; 2) $xy'^2 + 2xy' - y = 0$ тенгламалар ечилсин ва интеграл чизиқлари ясалсин.

2154. Ўзгарувчилардан биттаси ошкор иштирок этмаган:

1) $y = 1 + y'^2$; 2) $x = 2y' - \frac{1}{y'^2}$

тенгламалар ечилсин.

Кўрсатма. y' ни p деб белгилаб, биринчи тенгламани x бўйича, иккинчи тенгламани y бўйича дифференциаллаш керак.

2155. 1) $y = xy'^2 + y'^2$; 2) $y = 2xy' + \frac{1}{x'^2}$. 3) $2y = \frac{xy'^2}{y' + 2}$

Лагранж тенгламаларининг умумий ва махсус интегралларини топилсин.

2156. 1) $y = xy' - y'^2$; 2) $y = xy' - a\sqrt{1 + y'^2}$; 3) $y = xy' + \frac{1}{2y'}$. Клеро тенгламаларининг умумий ва махсус интегралларини топилсин ва интеграл чизиқлари ясалсин.

2157. $y'^2 + y = 1$ тенгламанинг интеграл чизиқлари ясалсин. $M\left(1;\frac{3}{4}\right)$ нуқтадан қандай иккита интеграл чизиғи ўтади?

2158. Ўзгарувчилардан бири ошкор иштирок этмаган тенгламалар ечилсин: 1) $y = y'^2 + y'^3$; 2) $x = \frac{ay'}{\sqrt{1+y'^2}}$

2159. $y = 2y'x + \frac{x^2}{2} + y'^2$.

2160. 1) $y = y'x + \frac{1}{y'}$; 2) $y = xy' + y' + y'^2$ Клеро тенгламаларининг умумий ва махсус интеграллари топилсин ва интеграл чизиқлари ясалсин.

2161. Уринмалари координата ўқлари билан юзи ўзгармас $2a^2$ га тенг учбурчак тузувчи эгри чизиқ топилсин.

2162. Уринмасининг координата ўқларидан кесган кесмаларининг йиғиндиси a га тенг эгри чизиқ топилсин.

7-§. Тартибини пасайтириш мумкин бўлган юқори тартибли дифференциал тенгламалар

1°. $y^{(n)} = f(x)$ кўринишдаги тенглама ўнг томонини кетмакет n марта интеграллаб ечилади. Ҳар бир интегралашда битта ихтиёрий ўзгармас ҳосил бўлади, охирги натижада n та ихтиёрий ўзгармас иштирок этади.

2°. y ошкор иштирок этмаган $F(x, y', y'') = 0$ тенглама $y' = p$, $y'' = \frac{dp}{dx}$ алмаштириш билан

$$F\left(x, p, \frac{dp}{dx}\right) = 0$$

кўринишга келтирилади.

3°. x ошкор иштирок этмаган $F(y, y', y'') = 0$ тенглама $y' = p$, $y'' = \frac{dp}{dx} = p\frac{dp}{dy}$ алмаштириш билан $F\left(y, p, p\frac{dp}{dy}\right) = 0$ кўринишга келтирилади.

Қуйидаги тенгламалар ечилсин:

2163. 1) $y''' = \frac{6}{x^3}$; бошланғич шартлар: $x = 1$ бўлганда $y = 2$, $y' = 1$, $y'' = 1$; 2) $y'' = 4\cos 2x$, $x = 0$ бўлганда $y = 0$, $y' = 0$; 3) $y'' \equiv \frac{1}{1+x^2}$.

2164. $x^3y'' + x^2y' = 1$. **2165.** $yy'' + y'^2 = 0$.

2166. $y'' + y' \operatorname{tg} x = \sin 2x$. **2167.** $y'' + 2y(y')^3 = 0$.

2168. $y''x \ln x = y'$. **2169.** $y'' \operatorname{tg} y = 2(y')^2$.

2170. 1) $xy'' - y' = e^x x^2$; 2) $y'' + 2xy'^2 = 0$.

2171. Горизонтал тўсиннинг бир учи бириктирилган, иккинчи учига P куч таъсир этади (тўсиннинг оғирлиги ҳисобга олинмасин ва эгилиши шу қадар кичик ҳисоблансинки, $1 + y'^2 \approx 1$). Тўсин қандай эгри чизиқ бўйлаб эгилиши аниқлансин.

2172. Эгрилик радиуси нормал узунлигидан икки марта катта бўлган эгри чизиқлар аниқлансин.

2173. Эгрилик радиуси нормал узунлигига тенг бўлган эгри чизиқлар аниқлансин.

2174. $[0, 1]$ сегментда эгрилиги $k = x$, яъни эгрилиги Ox ўқ бўйлаб текис ўсувчи, координаталар бошида Ox ўққа уринувчи эгри чизиқ аниқлансин (*ўтувчи* чизиқ). Тахминан $1 + y'^2 \approx 1$ деб олинсин.

Қуйидаги тенгламалар ечилсин:

2175. $y'' = \dfrac{1}{\cos^2 x} : x = \dfrac{\pi}{4}$ бўлганда $y = \dfrac{\ln 2}{2}$, $y' = 1$.

2176. $(1 + x^2)\, y'' + 2xy' = x^3$. **2177.** $y''y^3 = 1$.

2178. $2yy'' = (y')^2$. **2179.** $t \dfrac{d^2s}{dt^2} + \dfrac{ds}{dt} + t = 0$.

2180. $2yy'' = 1 + y'^2$. **2181.** $y'' \operatorname{tg} x = y' + 1$.

2182. Эгрилик радиуси нормал узунлигининг кубига тенг бўлган эгри чизиқ аниқлансин.

2183. $\left(-\dfrac{\pi}{2}, \dfrac{\pi}{2}\right)$ ораликда шундай эгри чизиқ аниқлансинки, у координаталар бошида Ox ўққа уринсин ва унинг ихтиёрий нуқтадаги эгрилиги $k = \cos x$ бўлсин.

8-§. Ўзгармас коэффициентли бир жинсли чизиқли дифференциал тенгламалар

Бир жинсли чизиқли дифференциал тенглама

$$y^{(n)} + p_1 y^{(n-1)} + \ldots + p_n y = 0, \qquad (1)$$

дан иборат. Бунда $p_i p$ — x нинг функциялари. Тенгламанинг умумий ечими

$$y = C_1 y_1 + C_2 y_2 + \ldots + C_n y_n \qquad (2)$$

дан иборат. бунда $y_1, y_2 \ldots y_n$ лар (1) тенгламанинг чизиқли бўлмаган хусусий ечимлари, $C_1, C_2, \ldots C_n$ лар эса ихтиёрий ўзгармаслар.

Агар (1) тенгламанинг $p_1, p_2, \ldots, p_n$ коэффициентлари ўзгармас бўлса, у ҳолда тенгламанинг $y_1, y_2, \ldots, y_n$ хусусий ечимлари

$$r^n + p_1 r^{n-1} + \ldots p_n = 0 \qquad (3)$$

характеристик тенглама ёрдами билан топилади.

1) (3) тенгламанинг ҳар бир m каррали $r = a$ ҳақиқий илдизига $e^{ax}, xe^{ax}, \ldots, x^{m-1} e^{ax}$ хусусий ечимлар мос келади.

2) Ҳар бир m каррали $r = \alpha \pm \beta i$ мавҳум илдизлар жуфтига m жуфт

$$\begin{cases} e^{ax} \cos \beta x,\ xe^{ax} \cos \beta x,\ \ldots,\ x^{m-1} e^{ax} \cos \beta x, \\ e^{ax} \sin \beta x,\ xe^{ax} \sin \beta x,\ \ldots,\ x^{m-1} e^{ax} \sin \beta x \end{cases}$$

хусусий ечимлар мос келади.

Қуйидаги тенгламалар ечилсин:

2184. $y'' - 4y' + 3y = 0$. **2185.** $y'' - 4y' + 4y = 0$.

2186. $y'' - 4y' + 13y = 0$. **2187.** $y'' - 4y = 0$.

2188. $y'' + 4y = 0$. **2189.** $y'' + 4y' = 0$.

2190. $\frac{d^2x}{dt^2} + 3\frac{dx}{dt} - 4x = 0$. **2191.** $4\frac{d^2\rho}{d\varphi^2} + \rho = 0$.

2192. $\frac{d^2s}{dt^2} + 2\frac{ds}{dt} + 2s = 0$; $t = 0$ бўлганда $s = 1, s' = 1$.

2193. $y''' - 5y'' + 8y' - 4y = 0$.

2194. $y^{IV} - 16y = 0$, **2195.** $y''' - 8y = 0$,

2196. $y''' + 3ay'' + 3a^2y' + a^3y = 0$.

2197. $y^{IV} + 4y = 0$. **2198.** $4y^{IV} - 3y'' - y = 0$.

2199. l узунликдаги ипга осилган массаси m га тенг маятник тебранишларининг тенгламаси аниқлансин (қаршилик ҳисобга олинмасин ва узоқлашиш бурчаги α кичик бўлган ҳолда $\sin\alpha \approx \alpha$ деб ҳисоблансин). Тебраниш даври аниқлансин.

Кўрсатма. Массаси m бўлган нуқта радиуси l га тенг айлана бўйлаб оғирлик кучи таъсиридагина ҳаракат қилади деб қаралса, нуқтанинг ҳаракати кучнинг фақат тангенциал (уринма бўйлаб) ташкил қилувчиси таъсиридагина бўлади. Тангенциал ташкил қилувчи, бир томондан $m\frac{d^2s}{dt^2}$ бўлса, иккинчи томондан, mg кучнинг уринмага бўлган проекциясига тенгдир, яъни $m\frac{d^2s}{dt^2} = mg\cos 0$; бунда $s = \alpha l$ бўлгани учун масаланинг шартига кўра $\frac{d^2\alpha}{dt^2} = -\frac{g}{l}\alpha$.

2200. Пружинанинг учига иккита бир хил юк осилган. Юклардан биттасининг таъсирида пружина a *см* чўзилади. Юклардан биттаси узилганда иккинчисининг ҳаракати аниқлансин, яъни ҳаракат қонуни тузилсин (қаршилик ҳисобга олинмасин). Тебраниш даври аниқлансин.

2201. 2200-масалани ҳаракат тезлигига пропорционал бўлган қаршиликни ҳисобга олиб ечилсин.

Қуйидаги тенгламалар ечилсин:

2202. $y'' + 3y' + 2y = 0$. **2203.** $y'' + 2ay' + a^2y = 0$.

2204. $y'' + 2y' + 5y = 0$. **2205.** $\frac{d^2x}{dt^2} - 2\frac{dx}{dt} - 3x = 0$.

2206. $\frac{d^2x}{dt^2} + \omega^2 x = 0$. **2207.** $\frac{d^2s}{dt^2} + a\frac{ds}{dt} = 0$.

2208. $\ddot{x}_{tt} + 2\dot{x}_t + 3x = 0$. **2209.** $y''' - 3y'' + 4y = 0$.

2210. $y^{IV} - 3y'' - 4y = 0$. **2211.** $y^{IV} + 8y'' + 16y = 0$.

2212. $y'' - y = 0$ тенгламанинг (0; 0) нуқтада $p = x$ тўғри чизиққа уринувчи интеграл чизиғи топилсин.

9-§. Ўзгармас коэффициентли бир жинсли бўлмаган чизиқли дифференциал тенгламалар

1°. *Асосий хосса.* Бир жинсли бўлмаган

$$y^{(n)} + p_1 y^{(n-1)} + \ \dots\ + p_n y = f(x) \tag{1}$$

ва бир жинсли

$$y^{(n)} + p_1 y^{(n-1)} + \ \dots\ + p_n y = 0 \tag{2}$$

тенгламалар берилган; u — (2) тенгламанинг *умумий* ечими, y_1 эса (1) тенгламанинг *хусусий* ечими бўлсин. У ҳолда (1) тенгламанинг *умумий* ечими

$$y = u + y_1$$

дан иборат.

2°. *Аниқмас коэффициентлар методи.* $p_1, p_2, \dots, p_n$ лар ўзгармас бўлганда хусусий ечим y_1 қуйидаги ҳолларда *аниқмас коэффициентлар* методи билан топилади:

1) $f(x)$ — кўпҳад,

2) $f(x) = e^{mx}(a\cos nx + b\sin nx)$.

3) $f(x)$ — олдинги функцияларнинг йиғиндиси ёки кўпайтмаси.

Бу ҳолларда y_1 нинг кўриниши $f(x)$ га ўхшаш бўлиб, ундан фақат коэффициентлари билан фарқланади.

Қуйидаги махсус ҳоллар олдингилардан фарқланади: 1) $f(x)$—кўпҳад, лекин $r = 0$ — характеристик тенгламанинг k каррали илдизи; 2) $f(x) = e^{mx}(a\cos nx + b\sin nx)$, лекин $r = m \pm ni$ характеристик

тенгламанинг k каррали илдизи. Бу махсус ҳолларда y_1 хусусий ечим $f(x)$ дан коэффициентлари билангина эмас, балки x^k кўпайтувчи билан ҳам фарқланади.

3°. Ихтиёрий ўзгармасни вариациялаш усули. Бир жинсли бўлмаган чизиқли тенгламани ечиш усулларидан умумийроғи бўлиб Лагранж методи ёки *ихтиёрий ўзгармасни вариациялаш методи* ҳисобланади. y_1 ва y_2 бир $y'' + py' + qy = 0$ тенгламанинг ўзаро боғлиқ бўлмаган иккита хусусий ечими бўлса, у ҳолда $y'' + py' + qy = f(x)$ тенгламанинг ечими, Лагранж методига асосан, $y = Ay_1 + By_2$ кўринишда изланади, бундаги A ва B лар x нинг функциялари бўлиб улар

$$\left.\begin{aligned} A'y_1 + B'y_2 &= 0, \\ A'y_1' + B'y_2' &= f(x) \end{aligned}\right\}$$

тенгламалар системасини қаноатлантириши керак.

Бундан $A' = -\frac{y_2 f(x)}{w}$, $B' = \frac{y_1 f(x)}{w}$, $w = \begin{vmatrix} y_1 & y_2 \\ y_1' & y_2' \end{vmatrix}$.

Қуйидаги тенгламалар ечилсин:

2213. $y'' - 2y' + y = e^{2x}$. 2214. $y'' - 4y = 8x^3$.

2215. $y'' + 3y' + 2y = \sin 2x + 2\cos 2x$.

2216. $y'' + y = x + 2e^x$. 2217. $y'' + 3y' = 9x$.

2218. $y'' + 4y' + 5y = 5x^2 - 32x + 5$.

2219. $y'' - 3y' + 2y = e^x$. 2220. $\frac{d^2x}{dt^2} + k^2x = 2k\sin kt$.

2221. $y'' - 2y = xe^{-x}$. 2222. $y'' - 2y' = x^2 - x$.

2223. $y'' + 5y' + 6y = e^{-x} + e^{-2x}$.

2224. $\ddot{x} + 2k\dot{x} + 2k^2x = 5k^2 \sin kt$.

2225. $y''' + y'' = 6x + e^{-x}$ 2226. $y^{IV} - 81y = 27e^{-3x}$.

2227. $\dddot{x} + \dot{x} = 3t^2$. 2228. $y''' + 8y = e^{-2x}$.

2229. 1) $\ddot{x} + 4\dot{x} + 4x = e^{-2t}$; 2) $a^3\ddot{x} + ax = 1$.

2230. $x'' + 4y = \frac{1}{\sin 2x}$. 2231. $y'' - 4y' + 5y = \frac{e^{2x}}{\cos x}$.

2232. $y'' - 2y' + y = x^{-2}e^x$. 2233. $y'' + y = \operatorname{tg} x$.

2234. 1) $y'' + y' = \frac{1}{1 + e^x}$; 2) $y'' + 4y' + 4y = \frac{e^{-2x}}{x^3}$.

2235. Бирлик масса Ox ўқ бўйича йўналтирилган ўзгармас a куч таъсири билан ўқ йўналишида ҳаракат қилади; ҳаракатга бўлган қаршиликнинг қиймати ҳаракат тезлигига тенг. Агар $t = 0$ бўлганда $x = 0$ ва тезлик $v = 0$ бўлса, ҳаракат қонуни топилсин.

Қуйидаги тенгламалар ечилсин:

2236. $y'' + y' - 2y = 6x^2$.

2237. $y'' - 5y' + 6y = 13 \sin 3x$

2238. $y'' + 2y' + y = e^x$.

2239. $y'' + y' + 2{,}5y = 25 \cos 2x$.

2240. $4y'' - y = x^3 - 24x$.

2241. $y'' - y = e^{-x}$.

2242. $\frac{d^2s}{dt^2} + 2\frac{ds}{dt} + 2s = 2t^3 - 2$.

2243. 1) $y'' - 2my' + m^2y = \sin mx$; 2) $n^3y'' - 4ny = 8$.

2244. $y^{IV} + 5y'' + 4y = 3 \sin x$.

2245. $y''' - 3y'' + 3y - y = e^x$.

Қуйидаги тенгламалар ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш усули билан ечилсин:

2246. $y'' + 4y' + 4y = e^{-2x} \ln x$.

2247. 1) $y'' + y = \frac{1}{\cos^3 x}$; 2) $y'' + 4y = \frac{1}{\sin^2 x}$.

2248. $y'' - 2y' + y = \frac{e^x}{\sqrt{4 - x^2}}$.

10-§. Ҳар хил типдаги дифференциал тенгламаларга мисоллар

Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг типи аниқлансин ва ечилсин:

2249. $y' + \frac{y}{1+x} = e^{-x}$.

2250. $y' + y \operatorname{tg} x = \operatorname{tg} x$.

2251. $(x - x^3)\ y' + (2x^2 - 1)\ y = x^3$.

2252. $(1 + x^2)\ y' + y\ (x - \sqrt{1 + x^2}) = 0$.

2253. $t^2 ds + 2ts\, dt = e^t dt$.

2254. $xy' = 4\ (y + \sqrt{-y})$.

2255. $2xyy' = 2y^2 + \sqrt{y^4 + x^4}$.

2256. $xy'' + y' = \ln x$.

2257. $yy'' - 2y'^2 = 0$.

2258. $y'' - m^2y = e^{-mx}$.

2259. $y'x \ln x + y = 2 \ln x$.

2260. $xy' + y \ln \frac{y}{x} = 0$.

2261. $2y' + y = y^3\ (x - 1)$

2262. $y''' - 2y'' + y' = x^2$

2263. $y'' = y' + y'^2$.

2264. $\frac{d^3s}{dt^3} - 3\frac{ds}{dt} - 2s = \sin t + 2 \cos t$.

2265. 1) $\sin t\, ds = \left(4t \sin^2 \frac{t}{2} + s\right) dt$; 2) $yy'x - y^2 = 1$.

2266. 1) $xy' + y\,(x \operatorname{tg} x + 1) = \sec x$; 2) $y''' + y = e^{-x}$.

2267. 1) $y'' - 3y' + 2y = \frac{e^{3x}}{1+e^{2x}}$; 2) $y'''y = y''y'$.

2268. Оғирлиги $P = a^3\,к\Gamma$ ва радиуси a дециметр цилиндр ўқи вертикал бўлган ҳолда сувда сузади. Цилиндрни озгина сувга ботириб кейин қўйиб юборишдан ҳосил бўлган тебранишнинг даври топилсин. Ҳаракатга бўлган қаршиликни тахминан нолга тенг деб қабул қилинсин.

2269. Сиртларнинг радиуслари a ва $2a$ га тенг, ичи кавак темир шарнинг ички сиртининг температураси 100° ва ташқи сиртининг температураси 20°. Марказдан исталган r масофада $(a \leqslant r \leqslant 2a)$ ва $r = 1{,}6\ a$ бўлганда шар девори ичидаги температура аниқлансин.

Кўрсатма. Температураси стационар тақсимланган ўтказувчида температураниng тушиш тезлиги $\frac{dT}{dr}$, кўнданланг кесим юзига тескари пропорционал.

11-§. Эйлернинг чизиқли дифференциал тенгламаси

$$x^n y^{(n)} + a_1 x^{n-1} y^{(n-1)} + \ldots + a_{n-1} xy' + a_n y = f(x).$$

Бир жинсли ($f(x) = 0$ бўлганда) тенгламанинг хусусий ечимини $y = x^r$ кўринишда топиш мумкин, бунда r — ўзгармас сон r ни аниқлаш учун бир жинсли дифференциал тенгламада y ўрнига $y = x^r$ ни қўйиб, r га нисбатан ҳосил бўлган *характеристик* тенгламани ечиш керак. Бунда:

1) Ҳар бир ҳақиқий m каррали $r = a$ илдизга m та x^a, $x^a \ln x^a$, $x^a(\ln)^2$, ... хусусий ечим мос келади.

2) Ҳар бир m каррали $r = \alpha \pm \beta i$ мавҳум илдизлар жуфтига m жуфт

$$x^\alpha \cos(\beta \ln x),\ x^\alpha \cos(\beta \ln x) \ln x, \ldots$$
$$x^\alpha \sin(\beta \ln x),\ x^\alpha \sin(\beta \ln x) \ln x. \ldots$$

хусусий ечимлар мос келади.

Эйлернинг бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламаси ўзгармасларни вариациялаш методи билан ечилади.

Қуйидаги тенгламалар ечилсин:

2270. 1) $x^3 y'' - 3xy' + 3y = 0$; 2) $x^2 y'' - 2y = 0$;
3) $x^2 y'' + 2xy' - n(n+1)\ y = 0$.

2271. 1) $x^2 y'' + 5xy' + 4y = 0$; 2) $x^2 y'' + xy' + y = 0$.

2272. 1) $xy'' + 2y' = 10x$; 2) $x^2 y'' - 6y = 12 \ln x$.

2273. 1) $x^2y'' - 2xy' + 2y = 4x$;
2) $x^3y'' + 3x^2y' + xy = 6\ln x$.
2274. 1) $x^2y'' - 4xy' + 6y = x^5$; 2) $x^2y'' + xy' + y = x$.

12-§. Ўзгармас коэффициентли чизиқли дифференциал тенгламалар системалари

Ушбу

2275. $\begin{cases} \frac{dx}{dt} + y = 0 \\ \frac{dx}{dt} - \frac{dy}{dt} = 3x + y. \end{cases}$ 2276. $\begin{cases} \frac{dx}{dt} + x - y = e^t \\ \frac{dy}{dt} - x + y = e^t \end{cases}$

тенгламалар ечилсин.

2275-масалага *кўрсатма*. Тенгламаларнинг биринчисидан t бўйича ҳосила олиб учта тенгламадан y ва $\frac{dy}{dt}$ ни йўқотамиз.

2277. $\begin{cases} 5\frac{dx}{dt} - 2\frac{dy}{dt} + 4x - y = e^{-t} \\ \frac{dx}{dt} + 8x - 3y = 5e^{-t}. \end{cases}$

2278. $\begin{cases} \ddot{x} - 4\dot{x} + 4x - y = 0 \\ \ddot{y} + 4\dot{y} + 4y - 24x = 16e^t. \end{cases}$

Қуйидаги тенгламалар ечилсин:

2279. $\begin{cases} \dot{x} + 3x + y = 0 \\ \dot{y} - x + y = 0, \end{cases}$ $t = 0$ бўлганда $x = 1$, $y = 1$.

2280. $\begin{cases} \dot{x} = y \\ \dot{y} = x + 2\,\mathrm{sh}\ t. \end{cases}$

13-§. 2-тартибли хусусий ҳосилали чизиқли дифференциал тенгламалар (характеристикалар методи)

2281. Қуйидаги тенгламаларнинг умумий (иккита ихтиёрий функцияларни ўз ичига олган) ечимлари топилсин:

1) $\frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial y} = 0$; 2) $\frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = 0$; 3) $\frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial y} - \frac{1}{x}\frac{\partial u}{\partial y} = 0$;

4) $\frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial y} = 2a\ \frac{x}{y} + b.$

Кўрсатма. $\frac{\partial u}{\partial y} = z$ деб олинсин.

2282. $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} = 0$ тенгламанинг $x = 1$ бўлганда $z = y^3$, $\frac{\partial z}{\partial x} = y^2$ шартларни қаноатлантирувчи хусусий ечими топилсин.

2283. $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} - 4\ \frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial y} + 3\ \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = 0$ тенглама каноник кўринишга келтирилсин ва унинг умумий ечими топилсин.

2284. $x^2\ \frac{\partial^2 y}{\partial x^2} + 2xy\ \frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial y} + y^2\ \frac{\partial^2 p}{\partial y^2} = 0$ тенглама каноник формага келтирилсин ва унинг умумий ечими топилсин.

Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимлари топилсин, бошланғич шартлар берилган ҳолларда хусусий ечимлари топилсин:

2285. $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} - 4\ \frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial y} + 4\ \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = 0.$

2286. $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} - \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = 0;\ x = 0$ бўлганда $u = \sin y$, $\frac{\partial u}{\partial x} = y.$

2287. $x\ \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + y\ \frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial y} = 0;$

$x = 1$ бўлганда $u = 2y + 1$, $\frac{\partial u}{\partial x} = y.$

2288. $t^2\ \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - x^2\ \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} = 0;\ t = 1$ бўлганда $u = 2x^2$, $\frac{\partial u}{\partial t} = x^2.$

Қуйидаги тенгламаларнинг хусусий ечимлари топилсин:

2289. $\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial t} + \frac{\partial u}{\partial t} = 0;$

$t = 0$ бўлганда $u = 0$, $\frac{\partial u}{\partial t} = -x - 1.$

2290. $4a^2 x\ \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} - \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + 2a^2\ \frac{\partial u}{\partial x} = 0.$

$t = 0$ бўлганда $u = 0$, $\frac{\partial u}{\partial p} = ax.$

2291. $a^2\ \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} = \frac{\partial^2 u}{\partial t^2};\ t = 0$ бўлганда $u = f(x)$, $\frac{\partial u}{\partial t} = F(x).$

XIII БОБ

ИККИ ЎЛЧОВЛИ, УЧ ЎЛЧОВЛИ ВА ЭГРИ ЧИЗИҚЛИ ИНТЕГРАЛЛАР

1-§. Икки ўлчовли интеграл билан юзларни ҳисоблаш

1°. Агар (S) соҳа

$$a \leqslant x \leqslant b, \qquad y_1(x) \leqslant y \leqslant y_2(x)$$

тенгсизликлар билан аниқланган бўлса, у ҳолда бу соҳанинг юзи қуйидагича ифодаланади:

$$S = \lim_{\substack{\Delta x \to 0 \\ \Delta y \to 0}} \sum\sum \Delta x\, \Delta y = \iint\limits_{(S)} dxdy = \int\limits_a^b dx \int\limits_{y_1(x)}^{y_2(x)} dy.$$

2°. Агар (S) соҳа

$$h \leqslant y \leqslant l, \quad x_1(y) \leqslant x \leqslant x_2(y),$$

тенгсизликлар билан аниқланган бўлса, у ҳолда

$$S = \iint\limits_{(S)} dx\, dy = \int\limits_h^l dy \int\limits_{x_1(y)}^{x_2(y)} dx.$$

3°. Агар (S) соҳа қутб координаталарида $\varphi_1 \leqslant \varphi \leqslant \varphi_2$, $r_1(\varphi) \leqslant r \leqslant r_2(\varphi)$ тенгсизликлар билан аниқланса, у ҳолда бу соҳанинг юзи

$$S = \iint\limits_{(S)} r dr d\varphi = \int\limits_{\varphi_1}^{\varphi_2} d\varphi \int\limits_{r_1(\varphi)}^{r_2(\varphi)} r dr.$$

Қуйидаги чизиқлар билан чегараланган юзлар икки ўлчовли интеграллар билан ёзилсин ва ҳисоблансин:

2292. $xy = 4,\ y = x,\ x = 4.$

2293. 1) $y = x^2,\ 4y = x^2,\ y = 4;$

2) $y = x^2,\ 4y = x^2,\ x = \pm 2.$

2294. $y^2 = 4 + x,\ x + 3y = 0.$

2295. $ay = x^2 - 2ax,\ y = x.$

2296. $y = \ln x$, $x - y = 1$ ва $y = -1$.

2297. Юзлари ушбу

$$1)\ \int_0^a dx;\quad 2)\ \int_0^a dy \int_{a-y}^{\sqrt{a^2-y^2}} dx;\quad 3)\ \int_0^a dx \int_x^{\sqrt{2a^2-x^2}} dy$$

интеграллар билан ифодаланувчи соҳалар ясалсин. Бу интегралларда интегралланиш тартиби ўзгартирилсин.

Кўрсатма. Соҳани чегараловчи чизиқларнинг тенгламаларини ҳосил қилиш учун dx бўйича олинган интегралнинг чегараларини x га, dy бўйича олинган интегралнинг чегараларини эса y га тенглаш керак.

2298. Юзлари $1)\ \int_0^1 dx \int_x^{2-x^2} dy$; $2)\ \int_{-2}^0 dy \int_{y^2-4}^0 dx$ интеграллар билан ифодаланувчи соҳалар ясалсин. Интегралларни тартиби ўзгартирилсин ва юзлар ҳисоблансин.

2299. $r = a(1 - \cos\varphi)$ ва $r = a$ чизиқлар билан чегараланиб, доира ташқарисида жойлашган соҳа юзи ҳисоблансин.

2300. $r\cos\varphi = a$ тўғри чизиқ ва $r = 2a$ айлана билан чегараланган юз ҳисоблансин.

Қуйидаги чизиқлар билан чегараланган юзлар ҳисоблансин:

2301. $xy = \frac{a^2}{2}$, $xy = 2a^2$, $y = \frac{x}{2}$, $y = 2x$.

Кўрсатма. Бу масалада $xy = u$ ва $y = vx$ ларга асосан янги u, v координаталарга ўтиш қулайроқ, у ҳолда юз ушбу $\int\int |J|\, du\, dv$ формула бўйича ҳисобланади, бунда $J = \begin{vmatrix} \frac{\partial x}{\partial u} & \frac{\partial y}{\partial u} \\ \frac{\partial x}{\partial v} & \frac{\partial y}{\partial v} \end{vmatrix}$ якобиан дейилади. 2302-масалада $y^2 = ux$, $vy^2 = x^3$ деб, 2303-масалада эса $x = r\cos^3\varphi$ ва $y = r\sin^3\varphi$ деб умумлашган қутб координаталарига ўтилсин.

2302. $y^2 = ax$, $y^2 = 16ax$, $ay^2 = x^3$, $16ay^2 = x^3$.

2303. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$.

Қуйидаги чизиқлар билан чегараланган юзлар ҳисоблансин:

2304. $y = x^2$ $y = x + 2$.

2305. $ax = y^2 - 2ay$ ва $y + x = 0$.

2306. $y = \sin x$, $y = \cos x$ ва $x = 0$.

2307. $y^2 = a^2 - ax$, $y = a + x$.

2308. $r = 4(1 + \cos\varphi)$, $r\cos\varphi = 3$ (тўғри чизиқдан ўнг томондаги юз).

2309. $r = a(1 - \cos\varphi)$, $r = a$ ва кардиоиданинг ташқарисида жойлашган юз.

2310. $xy = 1$, $xy = 8$, $y^2 = x$, $y^2 = 8x$.

2311. Юзлари

1) $\int_a^b dx \int_a^x dy$; 2) $\int_0^a dy \int_{\sqrt{ay}}^{\sqrt{2a^2-y^2}} dx$; 3) $\int_0^4 dx \int_{\sqrt{x}}^{8-x} dy$

интеграллар билан ифодаланувчи соҳалар ясалсин. Интеграллаш тартиби ўзгартирилсин ва юзлар ҳисоблансин.

2-§. Массаси текис тақсимланган юзнинг (зичлиги $\mu = 1$ бўлганда) оғирлик маркази ва инерция моменти

Массаси текис тақсимланган S юзнинг оғирлик маркази координаталари:

$$x_c = \frac{\int\int_S x\,dxdy}{S}, \quad y_c = \frac{\int\int_S y\,dx\,dy}{S}, \tag{1}$$

S юзнинг инерция моментлари:

$$I_x = \int\int_{(S)} y^2 dxdy, \quad I_y = \int\int_{(S)} x^2 dx\,dy, \quad I_0 = \int\int_{(S)} r^2\,dx\,dy. \tag{2}$$

Қуйидаги чизиқлар билан чегараланган юзнинг оғирлик маркази топилсин:

2312. $y = 0$ ва $y = \sin x$ синусоиданинг битта ярим тўлқини.

2313. $y = x^2$, $x = 4$, $y = 0$. **2314.** $y^2 = ax$ ва $y = x$.

2315. $x^2 + y^2 = a^2$ ва $y = 0$.

2316. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$ астроида ва Ox ўқ билан чегараланган юзнинг оғирлик маркази.

Кўрсатма. $x = r\cos^3\varphi$ ва $y = \sin^3\varphi$ орқали умумлашган қутб координаталарига ўтилсин.

2317. $x = 0$, $x = a$, $y = 0$ ва $y = b$ чизиқлар билан чегараланган тўртбурчак юзининг I_x, I_y ва I_o инерция моментлари аниқлансин.

2318. $y = \frac{x}{2}$, $x = a$, $y = a$ чизиқлар билан чегараланган юзнинг Ox ўққа нисбатан инерция моменти аниқлансин.

2319. Учлари $A(0; 2a)$, $B(a; 0)$ ва $C(a; a)$ нуқталарда бўлган учбурчак юзининг Oy ўққа нисбатан инерция моменти топилсин.

2320 — 2323-масалаларда берилган чизиқлар билан чегараланган юзларнинг қутб инерция моментлари аниқлансин:

2320. $x + y = a$, $x = 0$, $y = 0$. **2321.** $r^2 = a^2 \cos 2\varphi$.

2322. $r = a$ айлана билан чегараланган юзнинг.

2323. $y^2 = ax$, $x = a$.

Қуйидагиларнинг оғирлик марказлари аниқлансин:

2324. $y^2 = ax$, $x = a$, $y = 0$ лар билан чегараланган парабола ярим сегментининг ($y > 0$ бўлганда).

2325. Ox ўқ билан кесилган $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$ ярим эллипснинг.

2326. $y = a + \frac{x^2}{a}$, $y = 2x$ ва $x = 0$ чизиқлар билан чегараланган юзнинг Oy ўққа нисбатан инерция моменти аниқлансин.

2327. Учлари $A(1; 1)$, $B(2; 1)$, $C(3; 3)$ нуқталарда бўлган учбурчак юзининг Ox ўққа нисбатан инерция моменти аниқлансин.

Қуйидаги чизиқлар билан чегараланган юзнинг қутб инерция моменти аниқлансин:

2328. $\frac{x}{a} + \frac{y}{b} = 1$, $x = 0$, $y = 0$.

2329. $y = 4 - x^2$ ва $y = 0$. **2330.** $r = a(1 - \cos\varphi)$.

3-§. Икки ўлчовли интеграл билан ҳажмни ҳисоблаш

Юқорида $z = F(x, y)$ сирт, қуйидан $z = 0$ текислик ва ён томонлардан, xOy текисликдан (S) соҳа кесувчи цилиндрик сирт билан чегараланган жисм ҳажми қуйидагига тенг:

$$V = \iint\limits_{(S)} z\,dx\,dy = \iint\limits_{(S)} F(x, y)\,dx\,dy.$$

Қуйидаги сиртлар билан чегараланган жисмнинг ҳажми ҳисоблансин:

2331. $z = x^2 + y^2$, $x + y = 4$, $x = 0$, $y = 0$, $z = 0$.

2332. $z = x + y + a$, $y^2 = ax$, $x = a$, $z = 0$, $y = 0$ ($y > 0$ бўлганда).

2333. $(x + y)^2 + az = a^2$, $x = 0$, $y = 0$, $z = 0$ (сиртни $x = 0$, $y = 0$, $z = 0$, $z = h \leqslant a$ кесимлар бўйича ясаш керак; 546-масалага қаралсин).

2334. $x^2 + y^2 = a^2$, $x^2 + z^2 = a^2$ (552-масалага қаралсин).

2335. $z^2 = xy$, $x = a$, $x = 0$, $y = a$, $y = 0$.

2336. $az = x^2 - y^2$, $z = 0$, $x = a$.

2337. $z^2 = xy$, $x + y = a$.

2338. $x + y + z = 3a$, $x^2 + y^2 = a^2$, $z = 0$.

Кўрсатма. 2338 — 2344-масалаларда қутб координаталарига ўтилсин.

2339. $z = mx$, $x^2 + y^2 = a^2$, $z = 0$.

2340. $az = a^2 - x^2 - y^2$, $z = 0$.

2341. $x^2 + y^2 + z^2 = 4a^2$, $x^2 + y^2 = a^2$ (цилиндр ташқарисида).

2342. $x^2 + y^2 + z^2 = a^2$, $x^2 + y^2 \pm ax = 0$ (цилиндр ичида).

2343. $x^2 + y^2 = a^2$ цилиндр ичидаги $y = x\operatorname{tg}\frac{z}{a}$ геликоиднинг биринчи ўрамаси ва $z = 0$ текислик.

2344. $z^2 = 2ax$, $x^2 + y^2 = ax$.

2345. $\frac{z}{c} = 1 - \frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2}$, $z = 0$.

Кўрсатма. 2345- ва 2346-масалаларда умумлашган (эллиптик) қутб координаталари $x = ar\cos\varphi$, $y = br\sin\varphi$ га ўтилсин.

2346. $z = ce^{-\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2}}$ ва $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$.

2347. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} + z^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$ ($x = r\cos^3\varphi$, $y = r\sin^3\varphi$ деб олинсин.)

Қуйидаги сиртлар билан чегараланган жисмларнинг ҳажмлари ҳисобласин:

2348. $z = a - x$, $y^2 = ax$ ва $z = 0$.

2349. $z = x^2 + y^2$, $y = x^2$, $y = 1$, $z = 0$.

2350. $y^2 + z^2 = 4ax$, $y^2 = ax$, $x = 3a$ (цилиндрдан ташқарида).

2351. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{z^2}{b^2} = 1$, $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$.

2352. Коноида $x^2y^2 + h^2z^2 = a^2y^2$, $0 \leqslant y \leqslant h$ бўлганда (559-масалага қаралсин).

2353. $x^{\frac{2}{3}} + z^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$, $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$.

2354. $4z = 16 - x^2 - y^2$, $z = 0$, $x^2 + y^2 = 4$ (цилиндрдан ташқарида).

Кўрсатма. 2354 — 2358- масалаларда қутб координаталарига ўтилсин.

2355. $z^2 = (x + a)^2$, $x^2 + y^2 = a^2$.

2356. $z = \frac{4}{x^2 + y^2}$, $z = 0$, $x^2 + y^2 = 1$, $x^2 + y^2 = 4$.

2357. $az = x^2 + y^2$, $z = 0$, $x^2 + y^2 \pm ax = 0$.

2358. $az = a^2 - x^2 - y^2$, $z = 0$, $x^2 + y^2 \pm ax = 0$ (цилиндрлар ичида).

2359. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1$.

Кўрсатма. $x = ar\cos\varphi$, $y = br\sin\varphi$ деб олинсин.

4-§. Эгри сиртларнинг юзлари

$F(x, y, z) = 0$ сиртнинг $z = 0$ текисликдаги проекцияси σ_z бўлган σ қисмнинг юзи қуйидагига тенг:

